Ҳозирги вақтда аудитни ўтказиш бўйича Аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартларига яқинлашиши, аудитнинг сифатини юксалтиришига хизмат қилади.

2009 йил 15 декабрь санасидан кейин моливий ҳисобот аудити учун аудитнинг Халқаро стандартларига киритилган катта ўзгаришлар сабабли, Ўзбекистон аудитининг миллий стандартлари улардан - Халқаро стандартлардан янада узоқлашди. Шу муносабат билан, аудитнинг миллий стандартлари ўрнига аудитнинг Халқаро стандартларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1.4. Аудит халқаро стандартларининг таснифланиши

Аудиторлик стандартлар, аудитнинг сифат меъёрлари ва ишончлилигини аниқлайдиган, аудиторлик текшириш натижаларининг маълум кафолатларини (уларга риоя қилинган ҳолатда) таъминлайдиган, асосий ягона халқаро кўрсатмаларни ифода этади.

Аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро қўмитаси халқаро стандартлар ва ҳамроҳ хизмат кўрсатиш старндартларидан иборат бўлган аудиторлик стандартларини чоп этди.

Аудит Халқаро стандартлари бўлимлар бўйича тартибга солинган (1.1.жадвал)

1.1. Жадвал

Аудитнинг халқаро стандартлари ва халқаро аудиторлик амалиёти бўйича низомнинг таснифланиши

Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
100-199	Аудит ташкиллаштиришининг асосий принциплари	Кириш жиҳатлари
200-299	Аудиторнинг мақсади, мажбуриятлари ва масъулиятлари	Аудиторнинг мажбуриятларига талаблар ўрнатадилар
220	Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади ва умумий принциплари	Молиявий ҳисобот аудити, молиявий ҳисоботнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича, молиявий ҳисобот учун ўрнатилган асосларига мувофиқ,тузилганлиги ҳақида аудиторга ўз фикрини билдиришга имконият берувчи кўрсатмани ўз ичига олади
210	Аудиторлик топшириқларнинг шартлари	Стандартларни ўрнатади ва мижоз билан шартлашиш шартларини келишиш бўйича ва мижознинг шартлашиш шартларини ишончлилик даражасини пасайишига олиб келадиган натижаларни ўзгартириш илтимосига аудитор жавобини тузиш бўйича тавсиялар беради
230	Аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш	Молиявий ҳисоботни аудит қилиш жараёнида аудиторлик иш ҳужжатларини таёрлаш мажбурияти бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади
240	Молиявий ҳисобот аудити жараёнида аудиторнинг фирибгарликка нисбатан масъулияти	Молиявий ҳисобот аудити жараёнида аудиторнинг касбий этика талабларига риоя қилмаслик харакатларига нисбатан масъулиятини кўриб чиқади. Молиявий ҳисоботдаги бузилишлар бурчини оқилона бажармаслик ёки хато натижасида келиб

		чиқиши мумкин. Касб бурчини оқилона бажармаслик харакатлари ва хатони ажратиш факторлари бўлиб, харакатнинг характерига кўра қасддан ёки қасддан қилинмаган харакатларнинг Характери ҳисобланади, унинг натижасида молиявий ҳисобот бузилишга олиб келади.
1.1. Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
250	Молиявий ҳисобот аудити жараёнида қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талабларини кўриб чиқиш	Молиявий ҳисобот аудити жараёнида қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талабларини кўриб чиқади. Ушбу стандарт аудитордан, одатда,қонунчилик ва тартибга солиш органларининг аниқ боблардаги талабларига риоя қилиш текширишининг ишончлилигини таъминлайдиган бошқа топшириқларга нисбатан қўлланилмайди. Қонунчилик ва тартибга солиш талаблари молиявий ҳисоботга тўғридан-тўғри ёки бавосита таъсир қилиши мумкин.
260	Мулкдорнинг вакилларига ахборот бериш	Мулкдорнинг вакилларига молиявий ҳисобот билан боғлик бўлган ахборотни бериш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. Гарчи, ушбу АХС ташкилотнинг тузилмасини бошқариш ёки унинг катталигига қарамасдан қўлланилади, алоҳида қоидалар мулкдорнинг вакиллари ташкилотнинг бошқаришида қатнашганда, ва очиқ акциядорлик компаниялар учун қўлланилади. Аудит ўтказиш жараёнида иккитомонлама самарадор бўлган ахборот билан алмашишларни муҳимлигини тан олиб, ушбу АХС аудитор томонидан мулкдор вакилларига ахборот бериш бўйича умумий бошқаришни таъминлайди ва маълум қилиш керак бўлган бир ҳил махсус масалаларга кўрсатади.
265	Мулкдорнинг раҳбарияти ва вакилларига ички назорат қилиш тизимидаги заифлик ҳақида ахборот бериш.	Аудит ўтказиш жараёнида ички назоратдаги заифликлар аниқлангани ҳақидаги мулкдор вакилларига берадиган ахборотга нисбатан махсус талабларни

		ўрнатади.
1.1.Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
300-399	Режалаштириш	Аудиторлик текширишнинг дастлабки босқични ўтказиш ва режалаштиришга талаблар ўрнатади
300	Режалаштириш	Молиявий ҳисобот аудитининг режалаштириши бўйича тавсияларни ўз ичига олади
315	Иктисодий субъектнинг фаолияти ва унинг муҳити ва ҳисоботнинг муҳим бузилишлар рисклрнинг бахолашини тушиниш	Иктисодий субъектнинг ўзига ҳос бўлган фаолияти, унинг ўзига ҳос хусусияти, муҳити билан танишиш бўйича аудиторнинг ишини ташкил қилиш ҳақида тавсияларни ўз ичига олади, ҳисоботнинг муҳим бузилишлар рискини аудитор томонидан бахолаш бўйича ёндашишлар кўриб чикилган
320	Аудитнинг муҳимлиги	Халқаро аудиторлик амалиётида муҳимликни аниқлаш учун тартиб, ва шунингдек, аудиорлик риски ва муҳимлик ўртасидаги боғлиқнинг тавсифлашини ўрнатади.
330	Баҳоланилган рисклярга жавобан, бажарилган аудиторлик амаллар	Фирибгарлик ёки хатолар эвазига, молиявий ҳисоботни бузиш мумкинлиги риски нуқтаи назардан, ташкилотлар ички назорат қилиш тизимининг ишончлилик бўйича таҳлил билан боғланган, баҳоланилган рисклар бўйича тартибни кўриб чиқади
400-499	Ички назорат	Аудитор томонидан ички назоратни баҳолаш бўйича талаблар ўрнатишади.
402	Хизмат кўрсатиш ташкилотлардан фойдаланаётган субъектларнинг хусусиятларини аудит қилишда ҳисобга олиш	Бошқариш ва ҳисобга олиш учун хизмат кўрсатиш ташкилотлардан фойдаланаётган иқтисодий субъектларга нисбатан аудит ўтказиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади
450	Аудит жараёнида аниқланган бўзилишларни баҳолаш	Аудит жараёнида аниқланган бўзилишларни баҳолаш учун касбий ёндашишларни ўрнатади
500-599	Аудиторлик далиллар	Аудиторлик текшириш ва ишончли далилларни йиғиш учун талабларни

	номи	
550	Ўзаро боғлиқ томонлар	Ўзаро боғлиқ томонлар (қариндош ёки боғлиқ бўлган ташкилотлар)га, шундай томонлар билан операция ўтказишга нисбатан қўлланиладиган аудиторнинг мажбуриятлари ва аудиторлик тартибларлари бўйича тавсияларни ўз ичига олади
560	Кейинги воқеалар	Аудиторнинг, молиявий ҳисобот мазмунига муҳим таъсир қиладиган, кейинги воқеаларни аниқлаш борасида қўллаш учун керак бўлган харакатларни акс этади
570	Фаолиятнинг мунтазамлиги	Молиявий ҳисоботни тузиш учун асос сифатида ташкилотнинг фаолияти мунтазамлиги мумкинлиги хақида молиявий ҳисоботни текшириш вақтида аудиторнинг мажбуриятларига нисбатан тавсияларни ўз ичига олади
580	Раҳбариятнинг ёзма равишда тақдим этиши	Аудитордан субъект раҳбарининг тегишли аризаларини олиш талаб қилинади. Унда, шундай ахборот қачон муҳим бўлган ва қайси ҳолатларда уни ёзма равишда олиш керак бўлган ҳолатлар ўрнатилган.
600-699	Учинчи томон бўлган шахсларнинг ишларидан фойдаланиш	Аудиторлик текшириш вақтида учинчи томон шахсларнинг ишларида фойдаланиш учун талабларни ўрнатади.
600	Бошқа аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш	Аудитор томонидан субъектнинг молиявий ҳисобот натижаларининг тайёрлашда, субъектнинг молиявий ҳисоботига киритилган битта ёки бир нечта қисмлардан тақдим этилган, молиявий ахборотни текширган бошқа аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш ҳолатлар учун тавсияларни ўз ичига олади.
1.1. Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
610	Ички аудитнинг ишларини кўриб чиқиш	Ташқи аудит учун ички назорат тизимининг ишини кўриб чиқилишида тавсиялар ва талабларни ўрнатади
620	Эксперт ишидан	Эксперт ишидан аудиторлик далиллар

		ўрнатади
1.1.Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
500	Аудиторлик далиллар	Молиявий ҳисоботни аудит қилишда олиш зарур бўлган аудиторлик далилларнинг сони ва сифатига нисбатан, ва шунингдек, аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажарилган тартибларга нисбатан талаблар ўрнатади
501	Аудиторлик даллилар – муҳим моддаларни қўшимча равишда кўриб чиқиш	Молиявий ҳисоботнинг муҳим пул миқдорлари ва бошқа очилаётган маълумотларга нисбатан 500-АХС "Аудиторлик далиллар"га қўшимча тавсияларни ўз ичига олади
505	Ташқи тасдиқлашлар	Ички далилларга нисбатан ташқи далилларга ишончлилик юқорилигини аниқлайди
510	Бирламчи тошшириқлар – бошланғич сальдо	Молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текшириліши биринчи марта ўтказилишида ёки бошқа аудитор томонидан ўтган йили бажарилган ҳолатларда счетлар бўйича бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг масъулиятини аниқлайди.
520	Таҳлилий амаллар	Таҳлилий тартибларнинг мақсад, вазифа ва ўтказиш муддатларини ва шунингдек, аудиторлик текширишлардаги таҳлилий тартиблар натижаларига ишончлилик даражасини, аниқлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади
530	Аудиторлик танлаш ва танланма синашнинг бошқа қоидалари	Аудиторлик текширишлар жараёнида ва қўлланган аудиторлик тартиблар натижасини текширишда танлашни амалга ошириш вақтида, аудитор томонидан ҳисобга олинадиган факторларни аниқлайди
540	Баҳолашни аудит қилиш	Молиявий ҳисоботда бўлган баҳоланишларнинг аудитига нисбатан (ўлчашни аниқ усуллари йўқлигида модданинг тахминий суммаси) тавсияларни ўз ичига олади
1.1. Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг	Стандарт ёки бобнинг мазмуни

	фойдаланиш	сифатида фойдаланиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади
700-799	Аудиторлик хулосалар, ҳисоботлар (хулосалар)ни тайёрлаш	Аудиторлик хулосалар, ҳисоботлар (хулосалар)ни тайёрлашга талабларни ўрнатади
700	Фикрни шакллантириш ва мустақил аудиторнинг ҳисоботи	Субъектнинг молиявий ҳисоботини, мустақил аудитор ўтказган, аудиторлик текшириш натижасида берилган, аудиторлик хулосанинг шакли ва мазмунига нисбатан тавсияларни ўз ичига олади
701	Мустақил аудиторнинг ҳисоботидаги хулосаларнинг ўзгаришлари	Мустақил аудиторнинг ҳисоботидаги хулосаларнинг ўзгаришлар турларини очиб беради
706	Мустақил аудиторнинг ҳисоботидаги тушунтириш параграфлар ва бошқа саволлар	
710	Солиштириш маълумотлари	Солиштириш маълумотларга тааллуқли бўлган, аудиторнинг мажбуриятларига нисбатан тавсияларни ўз ичига олади
720	Текширилган молиявий ҳисоботни ўз ичига киритган ҳужжатларда бошқа ахборотга нисбатан аудиторнинг масъулияти	Текширилган молиявий ҳисоботни ўз ичига киритган ҳужжатларда мавжуд бўлган, аудиторлик хулосасини аудитор тузишга мажбур бўлмаган, бошқа ахборотни, аудитор томонидан кўриб чиқиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади
800-899	Ихтисослаштирилган соҳалар	Ихтисослаштирилган соҳаларда аудит ўтказиш бўйича талабларни ўрнатади
800	Алоҳида молиявий ҳисобот ва ўзига ҳос бўлган элементлар, ҳисоблар ёки молиявий ҳисоботнинг бирлиги аудитининг хусусиятлари	Махсус мақсадлар учун аудиторлик тошириқлар билан боғлиқ бўлган тавсияларни ўз ичига олади
1.1.Жадвалнинг давоми		
Код	Боблар ва стандартларнинг номи	Стандарт ёки бобнинг мазмуни
805	Алоҳида молиявий ҳисобот ва ўзига ҳос бўлган элементлар, ҳисоблар ёки молиявий ҳисоботнинг бирлиги аудитининг хусусиятлари	Алоҳида молиявий ҳисобот ва ўзига ҳос бўлган элементлар, ҳисоблар ёки молиявий ҳисоботнинг бирлиги аудитига нисбатан аудитнинг халқаро стандартларини қўллашга нисбатан махсус фикрлани кўриб чиқади

АХС ни кодлаштириши аниқ гуруҳга мувофиқ стандартлар шифрини кўзда тутади: бунда гуруҳ ичида унинг мустақиллиги ва ушбу бўлимдаги ролини ҳисобга олиб рақам берилади. Шундай қилиб, гуруҳда асосий бўлган стандарт 100, 200, 300, 400 ва ҳ.к. шифрга эга. Фақат халқаро аудиторлик амалиёти тўғрисидаги низомлар бўлим ичида навбат билан, ўнликбўлинмаларини ажратмаган ҳолда, рақамланган. Гуруҳ ичида келажакда янги стандартларни қўшиш учун бўш жойлар қолдирилган. Ушбу тизим жуда қулай тарзда берилган, чункистандарт рақамидан тезда унинг асосий мавзу йўналишини аниқлашга имкон беради. Афсуски, шундай кодлаштириш АМСда қўлланилмайди.

Ҳозирги вақтда АХСнинг ривожланаши қатор мамлакатларда, ишончлилик ва молиявий ҳисоботни ишончлигини таъминланувчи, тан олинган ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда содир этилмокда.

1.5.Молиявий ҳисоботни ишончлилигини таъминланлаш бўйича АХС нинг ривожланиши

Жаҳон амалиётида корпоратив ички назорат тамойилини қайта кўриб чиқиш муносабати билан молиявий ҳисоботни ишончлилигинн таъминланлаш мақсадидаАХС нинг ривожланиши содир бўлмокда. АХС ни нслоҳ қилиш ва такомиллаштириш, қатор мамлакатларда аудиторлик амалиётига тан олинган ва конунчиликда ўрнатилган назоратни кучайтириш чораларини жорий қилиш мақсадида амалга оширилмокда. Оҳирги йилларда АХС га киритилган муҳим ўзгаришлар, ҳисоботини аудитор кўриб чиққан ташкилотларни ички назорат таҳлили асосида янги тамойилни қўллаб, аудиторлик рискларини аниқлаши билан боғлиқ.

Молиявий ҳисоботни ишончлилиги учун уни ривожлантириш тамойили аудитнинг стандарларини ислоҳот қилишига пойдевор бўлди, бу манфаатдор фойдаланувчилар учун ушбу муаммо муҳимлигини кўрсатади.

Ислоҳот жараёнида аудиторнинг иш қисмида ички назорат вазифаларини аниқлаш бўйича қуйидаги халқаро стандартлар жидий ривожлантирилган:

- 200-сон АХС "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро стандартлар асосида ўтказиш";
- 220-сон АХС (ISA) "Молиявий ҳисобот аудити учун сифатни назорат қилиш», 240-сон АХС"Молиявий ҳисобот аудити жараёнида фирибгарлик харакатларига нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари" ;
- 260-сон АХС "Мулкдорнинг вакилларига ахборот бериш";
- 265-сон АХС "Мулкдорнинг раҳбарияти ва вакилларига ички назорат қилиш тизимидаги заифллик ҳақида ахборот бериш";

•300-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудитининг режалаштириш";

•315-сон АҲС (қайта кўриб чиқилган) "Иқтисодий субъектнинг фаолияти ва унинг муҳитини тушиниш вақтида, ҳисоботнинг муҳим бузилишлар рискларини аниклаш ва бахолаш";

•330-сон АХС (қайта кўриб чиқилган) "Баҳоланилган рискларга жавобан, бажарилган аудиторлик амаллар";

•402-сон АХС "Хизмат кўрсатиш ташкилотлардан фойдаланаётган ташкилотнинг аудитга нисбатан фикрлари";

•500-сон АХС "Аудиторлик далиллар";

•510-АХС (қайта кўриб чиқилган) "Аудит қилинаётган шахсни биринчи текшириш хусусиятлари";

•530 –сон АХС "Аудиторлик танлаш ";

•550-сон АХС "Ўзаро боғлик томонлар";

•600-сон АХС "Махсус фикрлар - компаниялар гуруҳларининг молиявий ҳисобот аудитлари (компонентнинг аудиторлар ишини инобатга олган ҳолда)" ;

•700-сон АХС (янги таҳрир) "Умумий мулжалланган молиявий ҳисобот бўйича мустақил аудиторлик хулосаси"

•705-сон АХС (кайта кўриб чиқилган, янгн таҳрир) "Мустакил аудитор хулосасининг модификацияси";

•706-сон АХС (қайта кўриб чиқилган, янги таҳрир) "Мустақил аудиторнинг хулосасида тушунтиришларга оид параграфлар ва бошка масалалар";

•800-сон АХС (қайта кўриб чиқилган, янги таҳрир)"Махсус масалалар-махсус максадларга мулжалланган молиявий ҳисобот аудити ва ҳисоботнинг ўзига ҳос бўлган ҳисоби ёки Молиявий ҳисоботнинг ўринлари";

•805-сон АХС (қайта кўриб чиқилган, янги таҳрир) "Қисқа молиявий ҳисобот бўйича хулосалар учун топшириклар".

Ички назорат низомини такомиллаштиришда деярлибарча кўрсатилган АХСларга ўзгартиришлар киритилган. Ўзгаришларнинг мақсади-ҳисоботнинг аудитига ягона услубий, унда аудиторни молиявий ҳисобот ишончлиги ва унда фирибгарлик ва хато натижасида бузилишлармавжудлиги тўғрисида аудиторнинг фикри баёи қилинган, ёндошишни яратиш. Бунда аудитордан стандартларнинг барча мажбурий шартларини бажарилиши талаб этилади, акс ҳолда аудит АХС мувофиқ ўтказилган деб, тан олинмайди.

Ҳозирги вақтда АХСга қонунчиликда мустаҳкамланган аудитда мажбурий аҳамиятга эгакомпаниялармавқеи берилгани билан, аудитда

стандарт талаблари ва бошқа материалларни шундай усулдаги баён этилиши, фойдаланувчилар томонидан ҳар хил талқин қилишларни олдини олган бўлар эди. Стандартларнинг низомлари, уларни ислоҳот қилиш тадбирларидан олдин аудитор томонидан ҳар хил қабул қилинган эди. Бу, тавсия тариқасида англанган, аудитор учун мажбурий талабларни ўз ичига олган, низомларни аудиторлар томонидан ҳар хил талқин қилишига тегишли.

Шундай ҳар хил талқин қилишларни келажакда олдини олиш мақсадида Clarity дастури доирасида бир шаклга келтирилган материални стандартларда тақдим этиш схемаси қуйидаги бўлимлар бўйича ишлаб чиқилган:

1. аниқ АХСни қўллаш доирасининг тавсифи. Бўлим, унинг бошқа стандартлар билан боғлиқлигини, ва шунингдек, аудитор ва ходимларга ўзига ҳос талаблар ва, аниқ АХСга амал қилаётган мазмуни қўшиб ҳисобланганда, стандартнинг мақсади, предмети ва қўллаш доираси бўйича тушунтиришларни ўз ичига олиши мумкин;

2. самарали амал қилиш муддати. Ушбу бўлимда стандартнинг амал қилишнинг аниқ муддати кўрсатилади;

3. мақсад. Бўлим стандартнинг талаблари ўриатилган, мазмун доирасида берилган, мақсадни ўз ичига олади. Агар, аудит жараёнида аниқ мақсадга эришилмаган бўлса, ёки эришиб бўлмайдиган бўлса, аудитнинг умумий мақсадига эришиш учуи ушбу ҳолатлар халақит бериш – бермаслигини аудитор кўриб чиқиши керак;

4. мажбурий талаблар. Ушбу бўлим аудитор томонидан бажариши мажбур бўлган стандарт низомларини ўз ичига олади. Аудитор барча ҳолатларда АХСнинг аниқ мажбурий талабларини,агар улар аудиторлик топшириги ҳолатларига қўлланиладиган бўлса, бажариши лозим, лекин ушбу аудит шартларида қўлланилмайдиган талабларга мувофиқ бўлишига мажбур эмас. Шундай қилиб, талаблар қўйидаги ҳолатларда қўлланилмайди: агарда, барча аниқ АХС қўлланилмаса; ифода этилган талаблар қўлланилмайди, чунки маълум ҳолатларга боғлиқ ва ушбу ҳолатлар аниқ аудит доирасида мавжуд эмас;

5. усуллар, иловалар ва бошқа тушунтириш материаллари. Ушбу бўлимда стандартнинг таркибий қисми бўлган ва унинг мажбурий талабларни бажариш бўйича кейинги тушунтиришлар ва қўлланмани, ва шунингдек, аниқ АХСда кўриб чиқиладиган масалаларга нисбатан асосий маълумотларни таъминлайдиган материаллар келтирилган. Улар, ушбу ҳолатларда қўлланиладиган тартибларнинг иамуналарини ўз ичига олишлари мумкин. Бироқ, шундай намуналарнинг мавжудлиги, аудиторга нисбатан ушбу тартибни мажбурий қўллаш бўйича қўшимча талаб қўйилганини

билдирмайди. Стандартдаги материал узатишининг шундай усули,стандартнинг мажбурий талабларини аниқлашга тааллуқли бўлган, ҳар қандай бир ҳил бўлмаган талқинни инкор қилади. Шунингдек, стандартларнинг матнини таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш жарёнида бир қатор ҳолатларда тегишли стандартнинг номи ҳам, ойдинлаштирилади.

2007-2008 йиллар давомида қолган стандартлар қайта кўриб чиқилган, бир қатор ҳолатларда қайта ишлаб чиқилган, аудиторлик жамиятига, 2009 йил 15 декабридан бошлаб амалга киритилган Clarity дастури шаклидаги АХСнинг тўлиқ тўплами тақдим этилди. Намуна бўлиб, бошқаларданташқари 540-сон АХС "Баҳоланишнинг аудити" ва 545-сон АХС "Хаққоний қиймат бўйича баҳолар ва улар тафсилотларининг аудити" ларни бирлаштиришни кўзда тутган,540-сои АХС "Хаққоний қиймат бўйича баҳолар ва уларнинг тафсилотларини қўшиб ҳисоблаганда, бухгалтерлик ҳисоб баҳоларининг аудити»нинг қайта ишлаб чиқиш лойиҳаси хизмат қилади. Стандартларнинг қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқишни оҳирига етказиш давомида, АХС бўйича аудитни ўтказаётган аудиторлар учуи мажбурий талабларнинг ҳажми шаклланади. 2009 йил декабр ойидан бошлаб ушбу талаблар аудитортлик текширишларнинг ўзига хос хусусиятларни белгилайди.

Хулосалар

1. Аудит халқаро стандартлари асосий принциплар, керакли бўлган амаллар, принцип ва тартибларни қўллаш бўйича тавсиялардан иборат; қуйидагиларни ўз ичига олади:

•стандартнинг мақсади ва аудитор олдига қўйилган вазифаларни ўз аксини топган, кириш сўзи;

•стандартнинг моҳияти баён этилган, бўлимлар

•иловалар

2. Ишчи стандартлар – аудит вазифаларини (режалаштириш, кузатиш ва назорат, ишончли маълумотларни йиғиш, ва шунингдек, ички назорат тизимини ўрганиш ва бахолаш) бажаришда амал қиладиган қоидалар, ҳисоб-китоб ва аудиторлик хулосасининг стандартлари (аудиторлик текшириш натижалари бўйича материалларнинг шакли, мазмунига, уларни киритиш ва узатишга боғлиқ бўлган қоидалар). Хулосасида молиявий ҳисобот бухгалтерлик хисоб-китоб талабларига мувофиқлиги кўрсатилиши керак.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ўртасида яқиндан алоқа мавжуд. Аудит стандатлари каби, бухгалтерия стандартлари ҳам халқаро ва миллий даражасида ишлаб чиқилади. Халқаро даражасида бухгалтерия ҳисобн каби,

аудит стандартлари соҳасида ҳам етакчи мамлакатлар бўлиб, АКШ ва Буюк Британия ҳисобланади, бу эса ушбу мамлакатларнинг халқаро молиявий бозорларидаги роли билан белгиланган.

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари ҳар бир мамлакатда мустақил ишлаб чиқилади.Масалан, АКШда шундай стандартлар бухгалтерия ҳисобининг умумқабулқилинган принциплари (US Generally Accepted Accounting Principles) деб, аталади ва дипломли жамоа бухгалтерларнинг Америка институти, молиявий ҳисоб стандатлари бўйича Қўмита, давлат органлари учун ҳисоб стандартлари бўйича Қўмита, қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комисся, Америка бухгалтерлар ассоциацияси, молиявий директорлар Институти, бухгалтерлар миллий ассоциацияси ва ҳ.к. томонидан ишлаб чиқилади.

Францияда стандартларнинг ишлаб чиқилиши билан Бухгалтерия хисоби бўйича Миллий кенгаши, Кимматли қоғозлар билан операциялар бўйича Комиссия, Адлия вазирлиги ҳузуридаги бухгалтерлия хисоби бўйича экспертларива чуқур билимга эга бўлган бухгалтерлар Ташкилоти, Иқтисодиёт ва аудит вазирлиги ҳузуридаги аудиторларнинг миллий Институти каби ташкилотлар, шуғулланади.

4. Ҳозирги вақтда АХСнинг ривожланаши қатор мамлакатларда, ишончлилик ва молиявий хисоботни ишончлигини таъминланувчи, тан олинган ва қонунчиликда ўрнатилган тарзда содир этилмокда.Оҳирги йилларда корпоратив ички назорат тамойилини қайта кўриб чиқиш муносабати билан АХСга муҳим ўзгартиришлар киритлган. Бу аудитор томоиидан ҳисоботи кўриб чиқилган ташкилотларнинг ички назорат таҳлили асосида, аудиторлик рискларини аниқлаш бўйича янги тамойилни қўллаш билан боғлиқ бўлган.

Ушбу тамойилни қўллаш борасида дастлабки шарти бўлиб, манфаатдор фойдаланувчилар учун ишончли молиявий ҳисоботнинг муҳимлиги бўлди.

5.Аудиторлик стандартлари, аудитнинг ишончлилик ва сифат меъёрларини аниқловчи ва аудиторлик текшириш натижаларига алоҳида кафилликни таъминловчи, ягона халқаро муҳим бўлган йўл йўриқларни, уларга риоя қилган ҳолатда, аниқ ифода қилади. Аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро қўмитаси, халқаро стандартлар ва турдош бўлган хизматлар кўрсатиш бўйича стандартлардан иборат бўлган аудит ўтказиш стандартларини ишлаб чиқди.

Аудит халқаро станлартлари тавсифланиши ва мақсадига кўра тўққизта бўлимлар бўйича тизимлаштирилган.

6. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ўртасида яқиндан алоқа мавжуд. Аудит стандартлари каби, бухгалтерия стандартлари ҳам, халқаро ва миллий даражасида ишлаб чиқилади.

7. Охирги йилларда корпоратив ички назорат тамойилини қайта кўриб чиқиш муносабати билан АХСга муҳим ўзгартиришлар киритлган. Бу, аудитор томонидан ҳисоботи кўриб чиқилган ташкилотларнинг ички назорат таҳлили асосида, аудиторлик рискларини аниқлаш бўйича янги тамойилни қўллаш билан боғлиқ бўлган.

8.АХС молиявий ҳисобот аудити ва ва шунингдек бошқа молиявий маълумот аудити ва аудитга турдош хизматларни тақдим этишда қўллаш учун мўлжалланган. Аудитор АХС талабларидан четга чиқа олади, лекин ушбу четга чиқиш сабабларини у асослаши лозим. АХСни фақат муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга нисбатан қўллаш лозим.

9. Стандартлар билан биргаликда, ХААҚ халқаро аудиторлик амалиёти бўйича Низомларни (ХААН) ҳам ишлаб чиқади. Ушбу ҳужжатлар аудит халқаро стандартлари низомларини деталлаштиради, ва стандарт кучига эга эмас, гарчи, ягона тизимни ташкил этган, аудитнинг халқаро стандартлар ва тегишли ХААНнинг ҳаммасини белгилаш учун, одатда "АХС ҳужжатларнинг тизими" ибораси қўлланилади.

Ўзини – ўзи текшириш учун саволлар:

1. Аудит халқаро стандартларнинг (АХС) мақсади нималардан иборат?

2.Аудит халқаро стандартларини ва турдош хизматлар кўрсатишни вужудга келиш тарихи? Уларнинг ишлаб чиқиш тартиби?

3. Қайси халқаро ташкилотлари Халқаро стандартларни ишлаб чикиши билан шуғулланади?

4.Аудит ва бухгалтерлия ҳисоби стандартлариўтрасидаги қандай алоқа мавжуд?

5.АХС қандай бўлимлардан иборат?

6.Аудитнинг ишчи стандартлари нимадан иборат?

7. Ҳозирги вақтдаАХСнинг ривожланиши қайси йуналишда амалга оширилмокда?

8.Аудитор стандартлари нимани ифода этади?

9.Стандартларнинг асосий гуруҳлари қандай таснифлашади ва таърифланишади?

10. АХС нинг иккинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

11.АХС нинг учинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

12. АХС нинг тўртинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

13. АХС нинг бешинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

14. АХС нинг олтинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

15. АХС нинг еттинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

16. АХС нинг саккизинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

17. АХС нинг тўққизинчи гуруҳи нималарни ўз ичига олади?

18. АХС ва миллий стандартлар ўртасида қандай алоқалар мавжуд?

19. Молиявий ҳисобот ишончлилигини таъминлаш бўйича, АХС нинг ривожланиши қандай амалга оширилган?

20. Аудит Халқаро стандартларининг (АХС) мақоми нималардан иборат?

21. Халқаро аудиторлик амалиёти тўғрисидагиНизомларнинг (ХААН)мақоми нималардан иборат?

2 Боб. АУДИТОРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СТАНДАРТЛАРИ

Бобни ўрганиб чиқиб, сиз:

- аудиторлар масъулиятини тартибга солувчи, аудитнинг халқаро стандартлар тизимини;
- аудит натижаларини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини;
- хўжалик фаолиятини юритиш ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширишда келиб чиққан хатоликлар, бузилишларни аниқлаш йўллари ва усулларини;
- субъектлар ва аудит фирмаларнинг ташқи аудит ўтказишдаги ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятларини

билиб оласиз

- аудитга нисбатан халқаро ва миллий ёндашишларни солиштириш ва улар қўлланишининг мақсадга мувофиқлигини асослашни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудитни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудит дастурларини ишлаб чиқишни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудит текширишларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосасини тузишни

ўрганасиз

- 200-сон ва 265-сон АХС ни тушунишаппаратига;
- аудит ташкил қилинишининг услубиёти, услуб ва асосларига;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида, аудитнинг режалаштириш методикаси, дастурларини тузиш ва тартибини ўтказишга;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида, аудитнинг ишлабчиқиш ва дастурларидан фойдаланиш асосларига;
- текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосасини тузиш усулларига;
- ички назорат ўтказишдаги масалаларни амалий ечиш кўникмасига;
- хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўсишини бошқаришда, аудитнинг натижаларидан фойдаланиш усулларига;

• аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудит амалларини компьютерлаш шароитидааудитни ўтказиш кўникмаларига

эга бўласиз

Асосий тушунчалар. Аудитнинг принциплари, 200-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудитининг мақсад ва умумий принциплари", аудит ўтказиш бўйича мажбурият хати, 210-сон АХС "Аудит бўйича битимга келишиш шартлари", аудиторнинг иш ҳужжатлари, 230-сон АХС "Аудитни ҳужжатлаштириш", раҳбариятнинг масъулияти, 240-сон АХС "Фирибгарлик ва хатолар", 250-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш чоғида қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш", 260-сон АХС "Бошқариш ваколати берилган шахслар билан ахборот алмашуви", 265-сон АХС "Бошқариш ваколати берилган шахсларга ички назорат тизимидаги хато-камчиликлар ҳақида ахборот бериш".

2.1. 200-сон АХС "Молиявий ҳисоботниаудит ўтказишнинг мақсади ва принциплари"

200-сон аудитнинг халқаро стандарти, мустақил аудиторнинг АХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни ўтказиши чоғида унинг умумий мажбуриятларини ўрнатади. Хусусан, у мустақил аудиторнинг умумий мақсадларини ўрнатади ва мустақил аудитор ушбу мақсадларга тўғри келишиучун керак бўладиган аудитнинг характери ва ҳажмини тушунтиради. Стандартда шунингдек, АХСнинг қўллаш соҳаси, масъулияти ва тузилиши тушунтирилади; унга мустақил аудиторнинг умумий маъулиятини ўрнатувчи талаблар, шу жумладан, АХС талабларига мувофиқлиги ҳам,киради.

"Аудитнинг умумий мақсади" бўлимда аудитнинг барча турлари учун умумий мақсад ўрнатилган.

Аудитнинг мақсади фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботига ишонч даражасининг ортиб боришидан иборат. Бу молиявий ҳисобот, барча муҳим жиҳатларига нисбатан, унинг тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисидагиаудитор фикрининг ифода этишн орқали эришади. Умумий тарздаги ҳисоботнитайёрлаш принципларнинг кўпчилик ҳолатида бу молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатдан тўғри келтирилганмиёки бошқа сўзлар билан у молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига мувофиқлиги тўғрисида ҳаққоний ва ишончли тасаввур бериши ҳақидаги фикр. АХС ва ахлоқий меъёрларига мувофиқ текширилган аудит аудиторга ушбу фикрни шакллантириришга ижозат беради.

Аудит қилинадиган молиявий ҳисобот, бу - мулкдорнинг вакиллари назорати остидаги раҳбарият томонидан тайёрланган ва тақдим этилган ташкилотнинг ҳисоботи.

Молиявий ҳисоботининг аудити раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларини уларнинг масъулиятидан озод этмайди. АХС аудитордан аудиторлик фикрни шакллаштириш учун, молиявий ҳисобот умуман олганда хато ва масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасида муҳим бузилишларни ўз ичига олмаганлиги тўғрисида ишонч ҳосил этишини талаб қилади. Бамано ишончлилик бу юқори даражадаги ишончдир. Аудитор, аудиторлик рискини камайтириш учун (яъни аудитор, молиявий ҳисобот муҳим равишда бузилган ҳолатда, иотўғри фикрни баён қилган риски) етарли тегишли аудиторлик далилларни олганидан сўнг, унга эга бўлиш мумкин. Лекин бамано ишончлилик мутлақ ишончлилик дегани эмас, чунки аудитнинг ажралмас чекланишлари мавжуд; бундай чекланишлар, аудиторлик хулосаларини чиқаришга асосланган ва ўз фикрининг асоси бўлган аудиторлик далиллар мукаммалдан кўра, ишонтирувчи бўлишига олиб келади.

Аниқланган хатоларнинг аудит ўтказишига таъсири ва бартараф этилмаган хатоларни, улар мавжуд бўлган ҳолда, молиявий ҳисоботга таъсирини баҳолаш чоғидааудитор аудитни режалаштириш ва ўтказишига жиддийлик билан ёндошишга мажбур[1]. Умумийҳолатда хатолар, шу қаторда ўтказиб юборишлар, агар уларни алоҳида - алоҳида ёки ҳаммасини олганда, кутилганидек, улар фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида иқтисодий қарор чиқаришларига таъсир этишсамуҳим деб ҳисобланади.

Аудиторлик фикр тўлиқ молиявий ҳисобот асосида ифода этилади, шунинг учун аудитор молиявий ҳисоботга умуман олганда муҳим бўлмаган хатоларни аниқлашга мажбур эмас.

Молиявий ҳисоботни аудиторлик текшириш чоғида, аудиторнинг умумий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларига нисбатан қўлланиладиган принципларга мувофиқ тайёрлангани тўғрисидагиаудиторнинг оқилона фикр ҳосил қилиши учун молиявий ҳисобот хато ва қасддан бузиб кўрсатиш ҳаракатлари натижасида деярли муҳим бузилишларни ўз ичига олмаганлиги;
- молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш ва аудитор томонидан олинган маълумотлар тўғрисида АХС талабларига кўра ахборот бериш;

[1] 320-сон АХС «Аудитни режалаштириш ва ўтказишдаги муҳимлик" ва 450-сон АХС "Аудит чоғида аниқланган бузилишларни баҳолаш"

• оқилона фикр чиқаришни иложи бўлмаган барча ҳолатларда, АХС аудитор ўзининг фикрини баён этиши ёки топшириқ (шартнома[2])ни бажаришдан бош тортишини талаб қилади.

Ижобий фикр чиқаришни иложи бўлмаган барча ҳолатларда, мослаштирилган аудиторлик хулоса молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчиларга тақдим этишга тегишли бўлмаган ҳолда бўлса, АХС аудитор ўзининг фикрини баён этмаслигини ёки топшириқ (шартнома[3])ни бажаришдан,топшириқ (шартнома)ни бажармасликни қонунчилик томонидан рухсат этилса, бош тортишини талаб қилади.

Мажбурий талаблар. *Молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган ахлоқий талаблар:* аудитор тегишли ахлоқий талабларга, молиявий ҳисобот аудити бўйича топшириқларга нисбатан мустақиллик тўғрисидаги талабларни ҳисобга олганда мувофиқ бўлиши мумкин.

Профессионал синчковлик: аудитор, молиявий ҳисоботда хатолар бўлиши ҳолатларн мумкинлигини тан олган ҳолда аудитни профессионал синчковлик билан режалаштириши ва ўтказиши керак.

Профессионал фикрлаш: аудитор молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказиш чоғида ўзининг профессионал фикрини баён қилишга мумкин.

Етарли тегишли аудиторлик далиллар ва аудиторлик риски: ишонч ҳосил қилиш учунаудитор, аудиторлик рискини маъқул бўлган даражасигача пасайтириш мақсадидатегишли етарли аудиторлик далилларни олишга ва шундай қилиб, аудиторлик фикр шаклланишига олиб келадиган хулосаси тушунилади.

Аудитнинг АХСга мувофиқбўлган ҳолда ўтказилиши. Аудитда қўлланадиган АХСнинг талабларига мувофиқлиги: аудитор, аудитга қўйиладиган АХС нинг барча талабларига мувофиқ бўлишга мажбур. Аудитор стандарт мақсадларини тушуниш ва унинг талабларини тўғри қўллаш учун "Қўлланиш бўйича материаллар ва бошқа тушинтиришлар" деган бўлимни қўшиб ҳисоблаганда АХС нинг тўлиқ матнини тушунишга эришиши лозим. Аудитор аудиторлик хулосасида агар у ушбу АХСга ва бошқа АХСларга қўлланадиган барча талабларга мувофиқ бўлмаса, АХС га мувофиқ деб. баён қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Аудитнинг умумий мақсадларига эришиш учун аудитни режалаштириш ва ўтказиш чоғида АХС ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда:

[2]АХСда фақат "топшириқни баражишдан воз кечиш" иборасидан фойдаланилади
[3]АХСдафақат "топшириқни баражишдан воз кечиш" иборасидан фойдаланилади

•АХС мақсадларига эришиш учун, АХСда белгиланган талаблардан ташқари, мумкин бўлган қўшимча тартиблар кераклигини аниқлаш (70-сон А б. кўр);

•етарлича тегишли аудиторлик далиллар олинганлигини баҳолаш (71-сон А кўр.) учун аудитор тегишли АХСда ўрнатилган талаблардан фойдаланиши зарур.

Тегишли АХСдаги мақсадга эришилмаган бўлса, аудитор бу аудитнинг умумий мақсадига эришиш учун тўсиқ бўлганлигини ва АХС талабларига мувофиқ аудитор аудиторлик хулосаларини ўзгартириши ёки топшириқни бажаришдан бош тортишга мажбурлигини бахолаш зарур. Мақсадга эришилмаслик аудиторлик ҳужжатлаштиришда акс эттирилишини талаб этади.

Қўллаш учун материаллар ва бошқа тушунтиришлар.Молиявий ҳисобот бўйича аудитормолиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг барча муҳим жиҳатдан қўлланиладиган принципларга мувофиқ тайёрланганлигини кўриб чиқади. Аудиторлик фикри ташкилотнинг келажакдаги барқарорликни ҳам раҳбарият томонидан ташкилотнинг ишларини бошқариш самарадорлиги ва ишончлилигини ҳам таъминламайди.

Аудит АХСга мувофиқ раҳбарият ва ёки қўллаш мумкин бўлса мулкдорнинг вакиллари қуйидагиларга жавобгар:

• молиявий ҳисоботни молиявий ҳисобот тайёрлашнинг тегишли принципларига мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун;

• ички иазоратни қўллаш ва қўллаб-қувватлашни ишлаб чиқиш учун;

• аудиторни ёзувлар ва ҳужжатлар ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишга тегишли бошқа манбалар, барча қўшимча ахборотлар каби барча ахборотга эга бўлишини таъминлаш; аудиторнинг фикри бўйича, у зарур бўлган далилларни олиш учун ташкилотнинг ичидаги шахсларга чекланмаган мурожаат қилишни таъминлаш;

• раҳбарият ва мулкдорнинг вакиллари молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш масъулияти доирасида молиявий ҳисоботни тайёрлашда тегишли принципларни аниқлаш борасида жавобгардирлар;

• молиявий ҳисоботни ушбу қўлланиладиган принципларига мувофиқ тайёрлаш ва тақдим этиш учун ушбу принципларни молиявий ҳисоботда тегишли равишда шарҳлаш.

Молиявий ҳисобот молиявий ҳисобот тайёрлашнинг тегишли принципларига мувофиқ фойдаланувчиларнинг ахборот бўйича умумий ва махсус эҳтиёжига жавоб берадиган бўлиб тайёрланиши мумкин. Молиявий

ҳисоботнинг шакли ва мазмуни унинг таёрлаш принциплари билан белгиланади, масалан, бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича халқаро қўмита томонидан чиқарилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС), ҳаққоний ишончлилик тақдим этиладиган тарзда ишлаб чиқарилган.

Молиявий ҳисоботнинг тўлик тўплами баланс, фойда ва зарарлар бўйича ҳисобот, хусусий капитал ўзгаришлари бўйича ҳисобот, пул оқимлари ва улар билан боғлиқ бўлган ёзувларни ўз ичига олади.

Давлат ташкилотлари учун тушунтиришлар. Давлат ташкилотларининг аудит қилиш чоғида аудиторнинг ваколатлари бошқа ташкилотларнинг аудит қилиш чоғидаги ваколатларига нисбатан кенгроқ бўлиши мумкин. Бунинг натижасида, давлат сектори ташкилотларининг аудит ўтказилиши доирасида раҳбариятнинг масъулиятига нисбатан дастлабки шарт, қонунчилик ва компетент органлари талабларига кўра операцияларни ўтказиш ва уни реализациясини амалга ошириш бўйича мажбурият каби қўшимча масъулият доираларини ўз ичига олиши мумкин (57-сон А б. кўр).

Аудиторлик фикрини билдириш шакли. Аудитор молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларга кўра (ёки у ишончлилик ва ҳаққонийлик билан) тайёрланганлиги ҳақида ўз фикрини баён қилади.

2.2. 210-сон АХС "Аудиторлик топшириқларининг шартларини келишиши"

210-сон АХС аудиторлик топшириқ шартларининг раҳбарият ва керак бўлганида мулкдорнинг вакиллари билан келишилганлигига нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади бўлиб аудиторлик топшириғини қабул қилиш ёки бажаришни давом эттириш, унинг ўтказиш шартларини раҳбарият билан келишиш ҳисобланади:

Аудит ўтказишнинг шартлари олдиндан келишилганлигини аниқлаш учун, аудитор молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принципларига маъқуллигини аниқлаш мажбур раҳбарият билан ўз масъулиятини тушуниши ва тан олишига нисбатан келишиши зарур;

- молиявий ҳисоботниқўллаш мумкин бўлса адолатли тақдим этилишини қўшиб ҳисоблаганда унинг тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига мувофиқ тайёрланиши учун;

• раҳбарият фикрига кўра, қасддан бузиб кўрсатиш каби ҳаракатлар ва хато қилишлар орқали жиддий бузилишларни ўз ичига олмаган молиявий ҳисоботни тайёрлашга имкон берадиган шундай ички назорат тизимини;

• аудиторга асосий ва қўшимча маълумотларни олиш учун аудиторлик далилларни олиш учун ташкилотнинг ичидаги шахсларга мурожаат қилишни таъминлашни;

аудитор аудиторлик топшириқ шартларини раҳбарият билан келишиши шарт бу аудитни ўтказиш тўғрисидаги хатда акс эттирилиши зарур:

• молиявий ҳисобот аудитининг мақсад ва ҳажмини баён этилиши;

• аудиторнинг масъулиятининг баён этилиши;

• раҳбариятнинг масъулиятини баён этилиши;

• молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган принципларни аниқлаш;

• аудитор берадиган ҳар қандай хулосаларнинг шакли ва мазмунига ва бошида кўзланган хулосанинг шакли ва мазмунида фарқ қиладиган сўнги хулоса бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тасдиғига илова.

Қўшимча аудит текширишлар ўтказиш учун аудитор аудиторлик топшириқнинг шартларини ўзгартиришни талаб этувчи ва аудиторлик топшириқнинг амалдагишартлари тўғрисида, ташкилотнинг эсига солиш зарурият ҳолатлари бўлганлигини кўриб чиқиши шарт.

Аудитор, аудиторлик топшириқ шартларини ўзгартиришга,бунга оқилона асослар бўлмаса, рози бўлиши керак эмас.

Агарда, аудиторлик топшириқнинг шартлари ўзгартирилган бўлса, аудитор ва раҳбарият топшириқнинг янги шартларини келишиш ваёзма равишдааудитни ўтказиш тўғрисидаги хатдаёки бошқа ёзма келишувда ёзиб қўйишлари керак.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига маъқул бўлишини аудитор томонидан аниқлашга тегишли факторлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

• ташкилотларнинг турини (масалан, у тижорат, нотижорат ёки давлат секторидаги ташкилот ҳисобланадими);

• молиявий ҳисоботнинг мақсади (масалан, кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг одатдаги ахборот эҳтиёжига ёки махсус фойдаланувчиларнинг молиявий ахборот эҳтиёжига мувофиқлиги учун);

• молиявий ҳисоботининг турини (масалан, молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами ёки алоҳида молиявий ҳисобот);

• молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принципларига нисбатан қонуний ёки тартибга солувчи органларнинг талаблари мавжудлиги;

Умумий тарздаги молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплари қуйидаги стандартларда тартибга солинади:

• бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича Халқаро қўмита томонидан ишлаб чиқилган, МҲХС;

• давлат секторидаги бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича Халқаро қўмита томонидан ишлаб чиқилган, МҲХС;

• аниқ суд қилиш ҳуқуқидаги стандартларни ишлаб чиқиш бўйича ваколат берилган ёки тан олинган ташкилот томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг принциплари;

Хулосада аудитор молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига мувофиқлиги тўғрисидаги хаққоний ва адолатлитасаввур қилишини белгилайди.

Раҳбарият шундай, қасддан бузиб кўрсатиш каби ҳаракатлар ва хато орқали жиддий бузилишларни ўз ичига олмаган молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур бўлган деб, ҳисоблаган, ички назоратни қўллаб-қувватлайди.

АХСга мувофиқ ўтказилаётган мустақил аудит, раҳбарият томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун керак бўлган ички назоратни алмаштириш деб, ҳисобланмайди.

Ташкилот учун аудиторлик топшириқнинг шартларини келишиш жараёнидаги раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларининг роли ташкилотнинг бошқариш тизими, қонун ёки тартибга солувчи органларининг талабларига боғлиқ.

Аудитор томонидан аудитни ўтказиш тўғрисидаги хатни топшириқни олишдан олдин юборилиши аудиторнинг манфаатига ҳам, ташкилотнинг манфаатига ҳам зарур, модомики аудитга нисбатан тушунмовчиликларни бартараф этишга имкон беради.

Аудитни ўтказиш тўғрисидаги хат қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

• аудитнинг ҳажми, қўлланилган қонунчиликка иловалар, тартибга солувчиларнинг талаблари, АХС, аудитор аъзо бўлган профессионал ташкилотларнинг ахлоқ кодекси ва бошқа талабларини;

• аудиторлик топшириқнинг натижалари тўғрисидаги ҳар қандай бошқа маълумотнинг шаклини;

• аудит жараёнида баъзи жиддий бузилишлар аниқланмаслиги борасида бартараф этилмайдиган риск мавжудми деган, кўрсатмани;

• аудиторлик гуруҳини ҳисобга олган ҳолда, аудитни режалаштириш ва ўтказиш бўйича келишувларни;

• раҳбарият ёзма ариза тақдим этишларни;

• аудиторга дастлабки молиявий ҳисоботва ҳар қандай унга турдош бўлган маълумотни тақдим этилиши тўғрисидаги раҳбарият билан келишувни;

• молиявий ҳисоботга таъсир қиладиган ва улар аудиторлик хулоса берилган санадан бошлаб ҳисоботни чоп этиш санасигача раҳбариятга маълум бўлиши мумкин бўлган фактлар бўйича аудиторга ахборот бериш тўғрисидаги раҳбарият билан келишувни;

• гоиорар ва ҳар қандай тўловлар бўйича келишувларни ҳисоблаш бўйича асосни;

• аудит бўйича хат олинганлиги хақида тасдиқ ва унда мавжуд бўлган топшириқлар шартларини раҳбарият томонидан келишилганлиги тўғрисидаги раҳбариятга берилган сўровномани;

• аудитнинг баъзи жиҳатларида бошқа аудиторлар ва экспертларни жалб этиш тўғрисидаги битимни;

• ташкилотнинг ички аудиторлар ва бошқа ходимларнинг қатнашуви тўғрисидаги битимни;

• бирламчи аудитни ўтказиш ҳолатида олдинги аудиторга нисбатан битимни;

• аудиторнинг масъулияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай, агар уларнинг пайдо бўлиш эҳтимолибўлса, чекланишларни;

• аудитор ва ташкилот ўртасидаги ҳар қандай кейинги битимларга оид илова ни;

• аудиторлик ҳужжатларни учинчи томонга тақдим этишга нисбатан ҳар қандай мажбуриятларни.

Агар бош компаниянингаудитори шунингдек, унинг бўлинманинг аудитори бўлса бўлинма бўйича аудитни ўтказиш тўғрисидаги алоҳида хатни юбориш ҳақидаги қарорга таъсир қилиши мумкин бўлган факторлар қаторига қуйидагилар киради:

• бўлинмага таклиф қилинган шахс;

• бўлимнма бўйича алоҳида аудиторлик хулоса чиқарилиши мумкинлиги;

• аудиторнинг тайинлашга нисбатан қонунчиликнинг талаблари;

- бош компаниянинг қатнашиш даражаси;
- бўлинма раҳбариятининг бош компанияга нисбатан мустақиллик даражаси.

Такрорий аудит ўтказиш чоғида аудитор аудит ўтказиш тўғрисида янги хат ёки бошқа ёзма ҳужжатни ҳар бир босқичда юбормасликни ҳал қилиш мумкин. Лекин, бир қатор факторлар аудиторлик топшириқ шартларини қайта кўриб чиқиш заруриятига олиб келиши ёки ташкилотга амалдаги шартларни эслатишлари мумкин:

- ташкилот аудитнинг мақсади ва ҳажмини нотўғри тушуниши бўйича ҳар қандай кўрсатмалар;
- аудиторлик топшириқнинг ҳар қандай қайта кўриб чиқилган ёки махсус шартлар;
- юқори раҳбариятнинг алмашуви;
- мулкий муносабатларда бўлган муҳим ўзгаришлар;
- ташкилотнинг бизнес турида ва ҳажмидаги муҳим ўзгаришлар;
- қонунчилик ёки тартибга солувчи органларнинг талабларидаги ўзгаришлар;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун қабул қилинган молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларидаги ўзгаришлар;
- ҳисоботга нисбатан бошқа талабларидаги ўзгаришлар.

Давлат секторида аудиторнинг ваколати доирасида қонунчиликнинг махсус талаблари амал қилиши мумкин: масалан, аудитордан, ташкилот томонидан аудит ҳажмини камайтириш ҳаракатлари ҳолатида, бу тўғрисида бевосита вазирлик, қонунчилик органлари ёки жамоатчиликка ҳабар беришни талаб қилиниши мумкин.

2.3. 220-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудити сифатининг назорати"

220-сон АХС, молиявий ҳисобот аудитининг сифатини назорат қилиш тартибларига нисбатан аудиторларнинг махсус масъулиятини кўриб чиқади. У шунингдек, топшириқ бўйича сифат назоратчисининг масъулиятини, агар бу қўлланилиши мумкин бўлса, кўриб чиқади. Ушбу АХС аҳлоқий меъёрлари талаблари билан биргаликда ўқилиши шарт.

Сифатни назорат қилиш тизими. Топшириқ бўйича гуруҳнинг роли. Аудиторлик фирмасини ишончлиликни тақдим этилиши керак бўлган сифатни назорат қилиш тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги мажбуриятлар юкланган:

• фирма ва унинг ходимлари профессионал стандарт талабларига ва қонунчилик ва тартибга солувчи органларнинг қўлланиладиган талабларига мувофиқлиги;

• фирма ёки текширишлар раҳбарлари томонидан чиқарилган ҳисоботлар ушбу ҳолатларда тўғри эканлиги;

• сифатни назорат қилиш амаллари таъсирчан бцлишлиги ва мустақиллик билан боғланганлиги;

Аудиторнинг мақсади бўлиб, аудиторга қуйидаги ишончлиликни таъминлайдиган, аудиторлик топшириқнинг даражасидаги сифатни назорат қилувчи амалларини қўллаш ҳисобланади:

• аудит профессионал, қонунчилик ва тартибга солувчи органларнинг қўлланиладиган тартибларига мувофиқдир;

• берилган аудиторлик хулоса ушбу ҳолатларда тўғри ҳисобланади.

Аудитор сифат назорати бўйича топшириқларни бажарилиши аудиторлик гуруҳ аъзолари томонидан муҳим баҳоланган ва аудиторлик ҳисоботини ифода қилишда қилинган хулосаларни (аудиторлик ҳисоботини топширишдан олдин) холислигини таъминловчи жараёндир.

Аудит ўтказиш сифатига раҳбарият масъулияти. Топшириқни бажариш учун жавоб берувчи шерик қуйидаги маъсулиятларни хис этиши керак:

• ҳар бир аудиторлик топшириқнинг сифатига;

• аудиторлик гуруҳ аъзоларининг аҳлокий мъёрлар талабларига мувофиқлиги;

• мустақиллик бўйича талабларга мувофиклиги;

• аудит ўтказиш учун ва мижоз билан муносабатларни қўллаб-қуватлаш бўйича амаллар;

• аудитор хулосаларининг ўринлилиги;

• аудиторлик топшириқни бажаришдан бош тортиш;

• аудит ўтказиш учун жалб қилинган шахсларнинг билим савияси;

• аудиторлик топширикни касбга оид стандартлар ва тартибот ва ҳуқуқий талабларига мувофиқ ўтказилиши;

• асосли аудиторлик хулосани тайёрлаш;

• фирманинг обзор текширишлар соҳасидаги сиёсат ва тартибларга мувофиқ обзор текширишларини ўтказиш;

• мураккаб ёки тугал масалаларии маълум тарзда тушиниш бўйича маслаҳатлар.

Топшириқларни сифат назорати бўйича текшириш. Уларнинг қимматли коғозларибиржада жойлаштирилган бўлганюридик шахсларга нисбатан молиявий ҳисобот ва бошқа аудиторлик топшириқларни ўтказиш мақсадида, аудиторлик топшириқни бажариш учун маъсул бўлган шерик:

- сифатни текширувчи тайинланганлигига ишонч ҳосил қилишга;
- аудиторлик топшириқни бажариш чоғида келиб чиққан муҳим масалаларни муҳокама қилишга мажбур.

У, шунингдек, аудиторлик хулосани, аудиторлик топшириқ бажарилиши сифат назоратининг текширилиши тугатилмагунича, бермасликга мажбур.

Сифат назоратининг бахоланиши қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- муҳим масалаларни муҳокама қилиш;
- молиявий ҳисобот ва аудиторлик топшириқ лойихасини шарҳлаш;
- аудиторлик гуруҳи томонидан муҳим масалалар ва эришган хулосаларга нисбатан танланган аудиторлик ҳужжатларни шарҳлаш;
- аудиторлик хулосасида ифодаланган хулосаларни баҳолаш;
- аудиторлик хулосасининг тўғрилигини кўриб чиқиш.

Уларнинг қимматли коғозларибиржада жойлаштирилган бўлганюридик шахсларга нисбатан молиявий ҳисоботини аудит қилиш учун, сифатни назорат килувчи шунингдек,:

- фирманинг мустақиллигини;
- мураккаб масалалар бўйича маслаҳатлар ўринлигини;
- муҳим фикрлар ва қилинган хулосаларга нисбатан бажарилган иш аудиторлик ҳужжатлар билан тасдиқланганлигини кўриб чиқишга мажбур.

Ички назоратнинг самарадор тизими, сифат назоратига тегишли сиёсат ва тартиблар ўринли,тегишли, самарали ишлаётган ва амалиётга мувофиқ бўлганлиги тўғрисида фирманинг оқилона ишончлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, мониторингни ўз ичига олади.

Аудитор:

- қўлланиладиган аҳлоқий меъёрлар талабларига мувофиқлигига боғлик бўлган масалаларни;
- мустақиллик соҳасидаги талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаларни;
- мижозни қабул қилиш ва у билан муносабатларни давом эттиришга нисбатан ҳулосаларни;
- маслаҳатларнинг характери ва ҳажми аудиторлик ҳужжатларга[4] киритишга мажбур.

[4]230-сон АХС, 8-11 б. , Аб

Топшириқ бўйича сифатни назорат қилувчиси, текширилган аудиторлик топшириғига нисбатан, куйидагиларни ҳужжатлаштиришга мажбур:

- фирма томонидан талаб қилинган, топшириқ бажариш сифатини назорат қилиш тартиблари бажарилганлиги тўғрисида;
- топшириқ бажариш сифатини назоратининг текширилиши, аудиторлик хулосасини тақдим этиш санасиданолдин тугутилганлиги тўғрисида;
- назорат қилувчининг аудиторлик гуруҳининг муҳим фикр ва ҳулосалари иотўғри экан деб, ҳисоблашга мажбур этган, ҳар ҳил ўз ечимини топмаган масалалар, назорат қилувчисига номаълум бўлган.

Ички назорат қилиш тизими қўйидаги элементларга нисбатан сиёсат ва тартибларни ўз ичига олади:

- аудит ўтказилиши сифатига раҳбариятнинг масъулияти;
- аҳлоқий меъёрлар талаблари;
- топшириқни қабул қилиниши;
- мижоз билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш;
- аудиторлик топшириқларни бажарилиши;
- аудиторлик гуруҳларни тайинланиши;
- мониторинг қилиш.

Фирманинг сифат назорати тизимининг ишончлилиги. Аудиторлик гуруҳи, қуйидагиларга нисбатан:

- ходимларнинг билим кўникмаларига;
- мустақиллигига;
- мижоз билан муносабатлар тизимини қўллаб-қувватлашга;
- мониторинг жараёни билан таъминланадиган қонунчилик ва тартибга солувчи органларининг қўлланиши зарур бўлган талабларга риоя қилинишига фирманинг сифат назорати тизимига ёндашиши мумкин.

IFAC этика Кодекси профессионал аҳлоқий меъёрлар қуйидаги фундаментал принципларини ўрнатади:

- интизомлилик;
- холислик;
- касбий билимдонликва синчковлик;
- махфийлик;
- профессинал хулқ-атвор.

Давлат секторидаги ташкилотларга нисбатан фикрлар. Аудиторнинг ваколати тўғрисидаги қонунчилик давлат секторидаги аудиторларга хавфсизлик чораларини таъминлаши мумкин.

Давлат секторида қўшимча ваколатлар, аудиторнингваколати шартларига мувофиқ бўлиши учун аниқ бўлган ҳолатларда кўриб чиқиши керак бўлган кўникмаларни ўз ичига олиши мумкин.

Давлат секторида, қонунчиликка мувофиқ тасдиқланган аудитор, давлат секторидаги ташкилотларнинг аудитида қатнашиши мумкин.

Аудиторлик топшириқ бажаришининг бошқарилиши аудиторлик гуруҳнинг аъзоларига қуйидаги масалалар бўйича ахборот беришни ўз ичига олади:

- ҳар хил аҳлоқий меъёрлар талабларига мувофиқлигини зарурлиятини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг мажбуриятлари, режалаштириш ва 200-сон АХС[5] талабларига мувофиқ касбий синчковлик;
- аудит ўтказишда биттадан кўп шерик қатнашган ҳолда шерикларнинг масъулияти;
- бажарилиши лозим бўлган ишнинг мақсади;
- юридик шахс бизнесининг тури;
- риск билан боғлиқ бўлган соҳалар;
- келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар;
- топшириқ бажарилишига муфассал ёндашиш.

Назорат ўз ичига қуйидаги масалаларни олади:

- аудиторлик топшириқларни бажаришдаги ижобий силжишларни кузатиш;
- аудиторлик гуруҳи аниқ аъзоларининг имкониятлари ва билим кўникмаларини кўриб чиқиш;
- муҳим масалаларни кўриб чиқиш;
- гуруҳнинг малакали аъзолари томонидан маслаҳат бериш ёки кўриб чиқиладиган масалаларни аниқлаш.

Шарҳлаш текширувлари бўйича сиёсат ва тартиботларга нисбатан бўлган фирманинг масъулияти, аудиторлик гуруҳининг малакаси паст бўлган аъзоларини малакаси юқори бўлган аъзолари томонидан текширишларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади[6].

Шарҳлаш бўйича текшириш масалан, қуйидагиларни баҳолашдан иборат:

---

[5] 200-сон АХС, 15-б.

[6] 1- сон АХС, 33-б. (сифат назоратининг халқаро стандарти)

- иш касбга оид стандартлар ва тартибга солиш ва ҳуқуқий талабларига мувофиқ бажарилганми;
- кейинчалик муҳокама қилиш учуи муҳим масалалар кўтарилганми;
- ўринли маслаҳатлар ўтказилганми ва ҳужжатлаштирилганми, ва олингантавсиялар бажарилганми;
- бажарилган ишнинг характери, ўтказиш муддати, мураккаблик даражаларини қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжудми;
- бажарилган ишнинг натижасида олинган хулосалар тасдиқланганми ва улар ҳужжатлаштирилганми;
- аудиторлик ҳисоботнинг хулосаларини тасдиқлаш учун олинган далиллар етарли ва асослими;
- топшириқ бўйича амалларнинг мақсадларига эришилганми ва хокозо.

Топшириқлар бўйича сифат назоратини текшириш. Аудиторлик хулосасининг санаси, молиявий ҳисобот бўйича аудиторнинг фикрига асосланган, аудитор томонидан етарли ва тегишли аудиторлик далилларни олиш муддатидан кейин қўйилиши лозим[7]. Топшириқнинг маълум бўлган тегишли босқичларда сифат назорати бўйича текширишларни мунтазам ўтказилиши, ўз вақтида муҳим масаларни, ушбу топшириқ сифатининг назоратчисини аудиторлик хулоссининг қўйилган санаси ёки қўйилган санасидан олдин қаноатлантириши учун, ҳал қилишга имкон беради.

Топшириқларни сифат назорати бўйича текшириш ҳажми, бошқалар орасида, аудиторлик топшириқнинг мураккаблигидан, ташкилотнинг қимматли коғозлари биржа руўхатида мавжудлиги ва ушбу ҳолатларда аудиторлик хулосаси тўғри бўлмаслиги рискига боғлик бўлиши мумкин. Топшириқларни сифат назорати бўйича текширишни амалга ошириш, шерикнинг топшириқ бўйича аудиторлик топшириқни бажариш ва унинг бажарилиши жараёни бўйича маъсулиятини пасартирмайди.

Аудиторлик топширик буйича сифат текширувчисини танлаш, аудиторлик ташкилотига нисбатан унинг мустақил бўлишини ва холисона баҳо бериш кобилиятини муҳокама қилишни ўз ичига киритади.

2.4. 230-сон АХС "Аудиторлик ҳужжатлаштириш"

230-сон АХС "Аудиторлик ҳужжатлаштириш" 200-сон АХС "мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш"билан бирга ўқилиши керак.

[7]700-АХС, 41-б.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида аудиторлик ҳужжатлаштиришни тайёрлаш мажбуриятини кўриб чиқади. Иловада, махсус талаблар ва аудиторлик ҳужжатларини тайёрлаш бўйича, бошқа АХС рўйхати берилади. Қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талаблари ҳужжатлаштириш учун қўшимча талаблар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Аудиторлик ҳужжатлаштириш деб, тегишли аудиторлик амаллар бажарилиши, уларнинг натижасида олинган аудиторлик далиллар ва аудиторлик хулосаларнинг ёзувлари тушунилади.

Аудиторлик ҳужжатлаштириш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- аудитнинг умумий мақсадига эришиш тўғрисидаги аудитор хулосалари асосларига нисбатан далилларни;
- аудит АХС ва қонунчилик ва тартибга солувчи органларининг қўлланиладиган талабларигамувофиқ режалаштирилган ва ўтказилганлигига нисбатан далилларни;
- аудитни режалаштириш ва ўтказилишида аудиторлик гуруҳга ёрдамлашишни;
- бошқаришга жавоб берадиган аудиторлик гуруҳи аъзоларига, аудитни назорат қилиш ва бошқаришва уларнинг мажбуриятларини талабларга мувофиқ бажариш борасидаги ёрдамлашишни;
- бажариладиган ишга нисбатан ҳисоб-китобни;
- келажак аудиторлар учун муҳим бўладиган саволларнинг ёзувини олиб боришни;
- сифат назорати бўйича текшириш ва инспекторлик қилишни;
- ташқи инспекторлик текширишларни ўтказишни.

Аудиторнинг мақсади бўлиб:

- аудиторлик хулосасини бериш учун тегишли ва етарлиасосларнинг ёзувини;
- аудит АХСнинг талабларига ҳамда қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг қўлланиладиган талабларига мувофиқ ўтказилган ва режалаштирилган бўйича далилларни таъминлаб берувчи ҳужжатларни тайёрлаш ҳисобланади.

Аудитор аудиторлик ҳужжатларни мунтазам равишда тайёрлашга мажбур.

Аниқ топшириқ бўйича аудиторлик ҳужжатлар, битта ёки ундан кўпрок папкадан иборат, аудиторлик файлда ёки, бошка электрон ёки коғоз шаклдаги, сақлаш воситасида тартибга солиниши лозим.

Аудитор аудиторлик ҳужжатларни шундай тайёрлаши лозимки, ушбу аудитга олдин муносабати бўлмаган малакали аудиторга қуйидагиларни:

- аудиторлик тартибларнинг характери, муддатлари ва хажми;
- аудиторлик тартибларини бажариш натижалари ва олинган аудиторлик далиллар;
- аудит чоғида келиб чиққан муҳим масалалар, улар бўйича олинган хулосалар ва ушбу хулосаларни чиқаришда қилинган профессионал фикрларни тушиниш учун имконият беради.

Бажарилган аудиторлик тартибларнинг характери, муддати ва ҳажмини ҳужжатлаштириш чоғида аудитор қуйидагиларни:

- махсус объектлар ёки текширилаётган масалаларни аниқловчи таснифлашларни;
- аудиторлик ишни бажарган шахс ва ушбу ишни тугатиш санасини;
- ёки аудиторлик ишни текширган шахсни, ушбу текширишнинг санасини ва ҳажмини ёзиб қўйишга мажбур.

Аудитор муҳим масалалар раҳбарият, мулкдорнинг вакиллари ва бошқа шахслар билан муҳокама килинганини, шу жумладан, мухим масалаларнинг характерини ва уларкимлар билан муҳокама килганиниҳужжатлаштиришга мажбур.

Агар аудитор фавкулоддаги вазиятларда янги ёки қўшимча аудиторлик тартибларни бажараётганида ёки аудиторлик хулосанинг санасидан кейин янги хулосаларга келган бўлса, у қуйидагиларни ҳужжатлаштиришга мажбур:

- содир этилганнинг сабабларини;
- бажарилган янги ёки қўшимча аудиторлик тартиблар, улар бўйича олинган аудиторлик далиллар ва уларнинг аудиторлик хулосага таъсирини;
- аудиторлик ҳужжатлаштиришда натижасига таъсир қиладиган ўзгартиришлар қачон ва ким томониданбажарилган ва текширилганини хужжатлаштиради.

Якуний аудиторлик файлни шакллантириш.

Аудитор аудиторлик ҳужжатларни аудиторлик файлга жойлаштириб шакллантириши ва ушбу файл шакллантиришнинг маъмурий жараёнини, аудиторлик хулоса берилгандан санасидан кейин, мунтазам равишда тугатишга мажбур. Аудиторлик файлни шакллантиришидан кейин, аудитор ундаги ҳар қандай шаклдаги аудиторлик ҳужжатларни мажбурий сақлаш муддати тугагунича йўқотиш ёки ундан олиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас.

Етарли ва тегишли аудиторлик ҳужжатларининг мунтазамтайёрланиши, аудит сифатининг юкори даражасини ва текширишлар, олинган аудиторлик далилларнинг баҳоси ва аудиторлик хулосасини тақдим этиш санасидан олдин улар асосида қилинган хулосаларга нисбатан назоратнинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Аудиторлик ҳужжатларининг шакли, мазмуни ва ҳажми қуйидаги факторларга боғлик:

- ташкилотнинг йириклиги ва мураккаблиги;
- бажарилаётган аудиторлик амалларнинг характери;
- муҳим бузилишнинг аникланган рисклари;
- олинган аудиторлик далилларнинг аҳамияти;
- аникланган истисноларнинг характери ва ҳажми;
- олинган аудиторлик далилларнинг муҳимлиги;
- олинган аудиторлик даллиллар ёки хулосаларни хужжатлаштиришдан келиб чиққан хулосалар ёки хулосалар учун асосни хужжатлаштириш лозимлиги;
- аудитнинг услубиёти ва унинг ўтказиш усуллари.Аудиторлик ҳужжатлар коғоз, электрон ёки бошқа воситаларда ёзилиши мумкин. Аудиторлик ҳужжатларининг намуналари ўз ичига қуйидагиларни олади:
- аудитнинг дастурларини;
- таҳлил натижаларини;
- тузилган баёнотномаларни;
- муҳим масалалар бўйича шарҳларни;
- топшириқ бўйича хатлар ва тақдимот хатларини;
- текширув варақларни;
- муҳим масалалар бўйича (e-mail қўшиб ҳисоблаганда) кореспонденцияни.

Аудиторлик ҳужжатлаштириш аудит АХС нинг талабларига мувофиқлигини исботлайди. Масалан:

- аудитни тўғри ҳужжатлаширилган режасининг мавжудлиги, аудитор аудитни режалаштиргани тўғрисида далолат беради;
- аудиторлик файлда топшириқ буйича имзоланган хатнинг мавжудлиги, аудитор топширикнинг шартларини раҳбарият ёки лозим бўлганда бошқариш функцияларига эга бўлган шахслар биланкелишганини намойиш этади;
- тегишли равишда мослаштирилган аудиторлик фикрни ўз ичига олган аудиторлик ҳисобот, аудитор кўрсатилган вазиятларда мослаштириш

фикрини ифода этиш буйича АХСнинг талабларига мувофиқлиги тўғрисида далолат беради.

Масалани муҳимлиги тўғрисида фикрни баён этиш фактлар ва вазиятларни объектив тарзда таҳлил қилишни талаб этади. Муҳим масалаларнинг мисоллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муҳим рискларга олиб келадиган масалалар;
- (а) молиявий ҳисобот жиддий равишда бузилиши мумкинлигига ёки (б) жиддий бузилишларнинг рискларини аудиторнинг олдинги бахоланишини қайта кўриб чиқишни зарурлигига ва аудиторнинг ушбу рискларга ўз муносабатига кўрсатувчи аудиторлик амалларнинг натижалари;
- зарур бўлган аудиторлик тартибларни қўллашда аудитор учун жиддий мураккабликни туғдирадиган вазиятлар;
- аудиторлик фикрини ўзгартиришгаёки ўз диққатини жалб қилувчи аудиторлик ҳисобот параграфини киритишга олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар;

Бирхиллаштирадиган характеристикалар аудиторлик тартибнинг характерига кўра ёки кўриб чиқалаётган объект ёки масаланинг турига кўра ажралиб туришлари мумкин. Масалан:

- ташкилотнинг олди-сотди ордерларини синчковлик билан тестлаш чоғида аудитор теслаш учун танлаб олинган ҳужжатларни уларнинг санаси ва рақами бўйича идентификациялаши мумкин;
- ҳужжатларни ҳаммасидан тартибли танлаб олиш усули билантанлаб олишнинг шакллантиришни талаб қиладигантартиблар учун аудитор танлаб олинган ҳужжатларни уларнинг манба, бошланғич нуқта ва танланган оралиғини кўрсатиб тенглаштириши мумкин.
- ташкилот ходимлари билан муҳокама қилишни талаб қилган тартиблар учун аудитор суҳбатнинг санаси, ташкилот вакилининг исми ва лавозимини ёзади;
- кузатиш тартиблари учун аудитор кузатиш олиб борилаётган жараёи ва масалани, аниқ бажарувчиларни, уларнинг хизмат вазифаларини ва қачон ва қаерда кузатиш ўтказилганини ифода этиши мумкин.

220-сои АХС, аудитор қилинган иш назоратини аудиторлик ҳужжатлатлаштиришни кузатиш орқали амалга оширишини талаб қилади.[8] Ушбу талаб аудиторнинг иши амалга оширилганлигини, ким ва қачон у текширилганлигини расмийлаштиришни англатади.

[8]220-сон АХС 17-б.

Ҳужжатлаштириш аудитор ўзи қилган ёзувлар билан чекланмайди, балки бошқа ташкилот ходимлари томонидан тайёрланган ва аудитор билан келишилган учрашувлар баённлари каби, тегишли ёзувларни ўз ичига олиши мумкин.

Якуний аудиторлик файлнинг шакллантириш. Фирмалар аудиторлик файлни шакллантиришни якунлаш ва ҳужжатларни сақлаш учун сиёсат ва амалларни ўрнатишлари лозим[9]. Аудиторлик файлни шаклланиш жараёнини якунлаш учун тегишли давр аудиторлик хулоса берилган санасидан бошлаб одатда 60 кундан ошмайди[10]. Нормал ҳолатда аудиторлик ҳужжатларнинг сақлаш муддати аудиторлик ҳулосани чиқарган санадан бошлаб ёки, агар ушбу сана кечроқ бўлганида, компаниялар гуруҳи бўйича аудиторлик ҳулоса чиқарилган санадан бошлаб5 йилдан кам бўлмаган муддатни ташкил этади[11].

Аудиторлик файл шакллантирилгандан кейин аудитор амалдаги аудиторлик ҳужжатларни ўзгартириш ёки янги аудиторлик ҳужжатларни қўшиш лозим деб, ҳисоблаши мумкин бўлган ҳолатларнинг мисоли бўлиб, ички ёки ташқи тарафлар томонидан бажарилган мониторинг инспекцияси жараёнида олинган тушунтиришлар билан боғлиқ бўлган аудиторлик ҳужжатларни ойдинлаштириш кераклиги ҳисобланади.

2.5. 240-сон АХС "Молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари"

240-сон АХС молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятларини кўриб чиқади.

Масъулиятсизлик ҳаракатлар – бу раҳбариятнинг бир ёки бир нечта вакиллари, мулкдорнинг вакиллари, ёлланган ходимлар ёки учинчи томондаги шахслар томонидан адолатсизлик ва ноқонуний устунликка эга бўлиш учун, алдашдан фойдаланишни кўзлаган қасдданқилинган ҳаракатдир.

Масъулиятсизлик ҳаракатларнинг риск факторлари –масъулиятсизлик ҳаракатларни содир этиш ёки масъулиятсизлик ҳаракатларни содир этишга имконият бериш учун қилинган ният ёки босимни кўрсатувчи воқеалар ёки шароитлар.

Молиявий ҳисоботдаги бузилишлар, масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки хато натижасида пайдо бўлиши мумкин. Масъулиятсизлик ҳаракатлар билан хатоии ўртасидаги ажратиб турадиган фактор бўлиб, натижасида–молиявий

[9]1-СНХС 45,47-б.
[10]Уша жойда б. 54-А
[11]Уша жойда б. 61-А

ҳисоботнинг бузиб кўрсатиш бўлган, қасддан қилинган ёки атайлаб қилинмаган характердаги ҳаракат ҳисобланади.

Масъулиятсизлик ҳаракатларни олдини олиш ва аниқлашнинг асосий масъулияти мулкдорнинг вакиллари ва ташкилотнинг раҳбарияти бўйнига ётади. Раҳбарият масъулиятсизлик ҳаракатларини олдини олиши зарур. Бунинг учун халоллик маданияти ва аҳлоқий меъёрларга содиқ бўлиши лозим.

Аудитор, аудитни АХСга мувофик ўтказаётган чоғида, молиявий ҳисобот умуман олганда масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки хато натижасида пайдо бўлган муҳим бузилишлар йўқлигига етарли даражада ишонч ҳолис қилиш учун масъулдир.

Бунда аудитор олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

- профессионал синчковлик;
- топшириқ бажарилиши бўйича гуруҳда муҳокамалар.

Рискни баҳолаш ва у билан боғлиқ бўлган ҳаракатларнинг амаллари. Аудитор масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасидаги муҳим бузилишларнинг рискларини аниқлашда фойдаланиладиган маълумотни олиш учун амалларни (процедураларни) бажаришга мажбур.

Аудитор қуйидагиларга нисбатан раҳбариятга расмий талаблар қўйишга мажбур:

- масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки хато натижасида ва шунингдек,шундай баҳолашлар ўтказилишининг характери, даражаси ва такрорланишига нисбатан молиявий ҳисобот бузилиши мумкинлиги рискларини раҳбарият томонидан баҳолашга;
- раҳбарият томонидан фойдаланаётган масъулиятсизлик ҳаракатлар рискини аниқлаш жараёнига ва уларга нисбатан ҳаракат қилишга;
- мулкдор вакилларига ташкилотдаги масъулиятсизлик ҳаракатлар рискини аниқлаш жараёни ва уларга жавоб бериш тўғрисидаги раҳбарият томонидан хабар бериш омилларига;
- ташкилотда фойдаланилаётган ишбилармонлик тажрибалар ва аҳлоқий хатти-сон ҳаракатларга нисбатан раҳбарият ўзи тутган ўрни борасида ходимларга ахборот беришга.

Аудитор мулкдорнинг вакилларини, уларда ташкилотга нисбатан тахминий масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки уларни амалга ошириш ниятлари тўғрисидагиқандайдир маълумот борлигини аниқлаш учун, сўроқ қилишга мажбур. Ушбу сўроқлар, раҳбарият томонидан жавобларни олиш билан бирга, амалга оширилиши керак.

Аудитор рисклар баҳолашнинг бошқа амаллари ва улар билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар натижасида олинган бир ёки бир нечта масъулиятсизлик рискнинг омиллари мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотга бахо беришига мажбур.

Аудитор молиявий хисобот даражасида ва операциялар турлари, баланс хисоб варақлари ва очиб беришларнинг молиявий хисоботини тахминий тайёрлашда масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасидаги муҳим бузилишлар рискларни аниқлаш ва бахолашга мажбур[12].

Аудитор, умуман молиявий хисобот даражасида масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасидаги муҳим бузилишлар рискларини бахолашга жавобан қилинган умумий ҳаракатларни аниклашга мажбурдир.

Аудитор:

- топшириқни чуқур билимга эга бўлган ходимларга топширишга;
- ташкилотнинг танланган ҳисобот сиёсати ва унинг қўлланилиши молиявий хисоботнинг масъулиятсиз характери тўғрисида далолат беришимумкинлигини бахолашга;
- аудиторлик амалларнинг характери, муддатлари ва ҳажмини танлаш учун олдиндан билиб бўлмаслик элементини киритишга мажбур.

Аудитор, масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасидаги муҳим бузилишнинг баҳоланган рисклари билан боғлик бўлган аудиторлик амалларини ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбурдир.

Аудиторлик далилларни баҳолаш.

Аудитор умумий ҳулосани чиқариш чоғида бажарилган таҳлилий тартиблар, умуман молиявий ҳисобот вааудитор томонидан ташкилот ва унинг муҳити тушинишининг бир бирига тўғри келиши, масъулиятсизликҳаракатлар иатижасида муҳим бузилишнинг олдиндан аниқламаган риски мавжудлигига кўрсатганини баҳолашга мажбур. (А50-парграф).

Агар, аудитор хатони аниқлаган бўлса, у хато масъулиятсизлик ҳаракатлар тўғрисида далолат берилишини баҳолаши зарур.

Агар, аудитор молиявий ҳисобот масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасида жиддий равишда бузилганини тасдиқлаган бўлса (ёки хулоса қила олмаса), у бунинг натижасидаги аудит учун таъсир этилишини баҳолашга мажбурдир.

Аудитор раҳбариятнинг ёзма равишдаги қуйидаги аризалари олишга мажбур:

---

[12]315-сон АХС, 25-б.

• раҳбарият, масъулиятсизлик ҳаракатларни олдини олиш ва аниклаш учун ички назоратнинг характери, ўтказилиши ва қўллаб-қувватлаши борасидаги ўзининг масъулиятини тан олиши тўғрисида;

• масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасидаги молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш риски бўйича ўзининг баҳо натижаларини раҳбарият аудиторга очиб бериши тўғрисида;

• ушбу ташкилотда раҳбарият, ходимлар, бошка шахслар томонидан амалга оширилган маълум бўлган масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки масъулиятсизлик ҳаракатлар бўйича шубҳалар тўғрисида барча маълумотларни аудиторга очиб бериши тўғрисида;

• ходимлар, собиқ ходимлар, таҳлилчилар, тартибга солиш органлари, бошқа шахслар томонидан молиявий ҳисоботга нисбатан маълум бўлган масъулиятсизлик ҳаракатлар, ёки масъулиятсизлик ҳаракатлари бўйича шубҳалар борасидаги ҳар қандай айбловлар тўғрисида барча унга маълум бўлганларининг аудиторга очиб бериши тўғрисида.

Агар аудитор масъулиятсизлик ҳаракатларни аниклаган бўлса ёки масъулиятсизлик ҳаракатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида далолат берувчи маълумот олган бўлса, у ушбу маълумотни ўз вақтида раҳбариятга, уларнинг ваколат доирасига кирган масалар бўйича масъулиятсизлик ҳаракатларнинг олдини олиш ва аниклашга масъул бўлган шахсларга етказиш учун, маълум қилишга мажбурдир.

Агар, аудитор раҳбарият, ички назорат тизимида муҳим рол уйнайдиган ходимлар, молиявий ҳисоботга жиддий таъсир этиши мумкин бўлган бошқа шахслар иштирокида масъулиятсизлик ҳаракатларни аниклаган бўлса ёки шубҳа қилса, у ўз вақтида ушбу ҳолат бўйича мулкдорнинг вакилларига хабар беришга мажбурдир.

Маълумотни тартибга солиш ва ҳуқуқни ҳимоя килиш органларга хабар қилиш. Агар аудитор масъулиятсизлик ҳаракатларни аниқлаган бўлса ёки масъулиятсизлик ҳаракатлар бўлиши мумкинлигига шубҳа қилса, у ушбу факт ёки шубҳа бўйича ташкилотга нисбатан ташқи томон бўлган тарафга маълум қилиш- қилмасликлигини аниклаши мажбур. Гарчи аудитор мижознинг маҳфий маълумотларини сақлаш бўлган профессионал бурчи бундайхабар беришга қарама - қарши бўлсада, баъзи вазиятларда аудиторнинг мажбуриятларига нисбатан қонунчилик талаблари устун чиқади.

Ҳужжатлаштириш. Масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасида молиявий ҳисобот бузилишининг баҳоланган рисклари бўйича ҳаракат қилишга нисбатан, аудиторлик ҳужжатлар ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

• молиявий ҳисобот даражасидаги масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасида молиявий ҳисобот бузилишининг баҳоланган рискларига умумий ҳаракат қилишни ифодалаб бериш ва аудиторлик тартибларининг характери, муддатлари ва ҳажмини

• аудиторлик тартибларнинг натижаларини.

Аудитор, раҳбарият, мулкдорнинг вакиллари ва бошқа шахсларга масъулиятсизлик ҳаракатлари тўғрисида берилган маълумотларни ҳужжатлаштиришга мажбурдир.

Агар аудитор, даромадларга нисбатан масъулиятсизлик ҳаракатлар натижасида жиддий бузилишнинг риски мавжуд бўлиши мункинлиги борасидаги тахмин, топшириқнинг шартларига қўлланиши мумкин эмасдеган, хулосага келганида, у ушбу хулосанинг асосларини ҳужжатлаштиришга мажбурдир.

2.6. 250-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудити чоғидаги қонунчилик ва тартибга солиш талабларни кўриб чиқиш"

250-сонАХС "Молиявий ҳисобот аудити чоғидаги қонунчилик ва тартибга солиш талабларни кўриб чиқиш" 200-сон АХС "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш" билан биргаликда ўқилиши зарур.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти, аудит чоғида қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларини кўриб чиқишига нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Стандарт аудиторга қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларига номувофиқ келишиига кўра молиявий ҳисоботдаги жиддий бузилишни аниқлашга ёрдам беради.

Аудитор молиявий ҳисобот умуман олганда масъулиятсизликҳаракатлар ёки хато натижасида пайдо бўлган жиддий бузилишларни ўз ичига олмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун масъулдир[13]. Молиявий ҳисоботни аудит ўтказиш чоғида, аудитор қўлланиладиган ҳуқуқий-меъёрий муҳитни ҳисобга олиши керак. Аудитнинг ички чеклашларига кўра, молиявий ҳисоботнинг айрим жиддий бузилишлари, аудит тўғри режалаштирилган ва стандартга мувофиқ ўтказилган бўлсада, аникланмасдан қолиши борасида тузатиб бўлмайдиган риски мавжуд[14].

---

[13]200-АХС, 5-б.

[14]Шу ерда, А-51-б.

Ҳаракатларнинг қонунчилик талабларига номувофиқлигини тан олиш суд органларнинг ваколатига киради.

Ушбу АХС, қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларининг қуйидаги иккита ҳар хил категорияларига нисбатан, аудиторнинг масъулиятини ажратади:

1) умумий тан олиниши бўйича молиявий ҳисоботдаги солиқ ва пенсия қонунчилиги ва тартибга солиш каби, жиддий кўрсаткичлар ва фош этишларни аниқлашга тўғридан тўғри таъсир этадиган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талаблари;

2) операцияларни бажариш, ташкилот ўз фаолиятини давом эттириш қобилияти, ёки жиддий жарималардан қочиш кобилияти (масалан, лицензиялаштириш органларнинг талабларига мувофиқлиги, тўлашга қодирлик тўғрисидаги талабларга ёки табиатни муҳофазаси бўйича тартибга солиш талабларига мувофиқлиги,) учун мустаҳкам бўлиб ҳисобланган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талаблари.

Аудиторнинг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- умумий тан олиниши бўйича,молиявий хисоботнинг жиддий кўрсаткичлар ва фош этишларни аниқлашга тўғридан тўғри таъсир этадиган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига мувофик булишига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш;
- молиявий ҳисоботга жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлигини аниқлаш учун, маълум аудиторлик тартибларини бажариш;
- аудит чоғида қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлигини ёки бўлиши мумкин бўлган номувофиқликларга нисбатан ҳаракат қилиш.

Ташкилот ва унинг муҳитини тушинишда аудитор 315-сон АХС[15]га мувофиқ қуйидагиларни умумий тушунишга эришишга мажбурдир:

- ушбу ташкилот ва ташкилот амал қилаётган тармоқ ёки сектрда қўлланиладиган меъёрий-сон ҳуқуқий муҳитни;
- ушбу мухитга ташкилотнинг кай даражада мувофиклигини.

Аудитор номувофиқликни аниқлаши учун қуйидаги аудиторлик тартибларни бажаришга мажбурдир:

- ташкилот қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг ушбу талабларини бажараётганлиги тўғрисида раҳбариятни сўрок килиш;

[15]315-АХС, 11-б.

• лицензиялаштириш ва тартибга солиш органлари билан ўзаро, мавжуд бўлган ҳолатда, ёзишмаларни текшириш.

Агар аудитор номувофиклик ходисалар билан боғлик булганёки конунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқ бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлса, у:

• ушбу акт ва уни содир этиш ҳолат характерини тушинишга эришишга;

• молиявий хисоботга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатни бахолаш учун етарли маълумотларни олишига мажбурдир.

Агар, ташкилот томонидан қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига амал қилиниши тўғрисида етарли маълумотларни аудитор ола билмаса, у аудиторлик фикрига етарли тегишли аудиторлик далиллар йуқлиги таъсирини бахолашга мажбурдир.

Аудитор унга аудит чоғида маълум бўлган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлиги билан боғлик бўлган масалалар тўғрисида мулкдорнинг вакилларига хабар беришига мажбурдир[16].

Агар, аудитор номувофиқлик молиявий ҳисоботга жиддий таъсир кўрсатишига олиб келишига ва у молиявий ҳисоботда тўғри очиб беришни топмагани тўғрнсидаги хулосага келса, бу ҳолда, у 705-сон АХС талабларига мувофиқ молиявий ҳисобот бўйича фикрини изоҳ билан ёки салбий фикрбилдиришга мажбурдир[17].

Агар, раҳбарият ва мулкдорнинг вакиллари томонидан аудиторга молиявий хисоботга жиддий таъсир кўрсатадиган номувофиқлар мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақида бахо бериш учун етарли тегишли аудиторлик далиллар олишига халақит берилса, аудитор 705-сон АХС га мувофиқўз фикрини изоҳ билан билдиришига ёки молиявий ҳисобот бўйича, аудит ҳажмининг чекланишига кўра, фикр билдиришдан бош тортишига мажбурдир.

Агар, аудитор номувофиклик раҳбарият ёки мулкдор вакиллари ҳаракатлари натижасида эмас, балки вазиятларга кўра чекланишлар натижасида келиб чиқишини аниқлай олмаса, у 705-сон АХСга мувофиқ аудиторлик хулосаси учун бунинг оқибатларини бахолаши зарур.

Агар, аудитор қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиклигини аниқласа ёки гумон килса, у ташкилотга нисбатан ташқи бўлган томонларга аниқлаган ёки гумон қилган номувофиқлик тўғрисида маълумот беришн ёки бермаслигини ҳал қилиши зарур.

---

[16]260-сон АХС, 13-б.

[17]705-сон АХС, 7,8-б.

Аудитор қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлигини аниқлагани ёки гумон қилгани тўғрисида ва раҳбарият, мулкдорнинг вакиллари ва ташкилотга нисбатан ташқи бўлган томонлар билан номувофиқлик тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилгани тўғрисида аудиторлик ҳужжатларга киритиши зарур.

Ташкилотнинг раҳбарияти ташкилот операцияларини ўтказиш чоғида қонунчилик талабларини бажариш борасида масъулдир.

Ташкилотдақонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлигини аниқлаш ва олдини олиш бўйича қуйидаги сиёсат ва тартиблар тадбиқ қилиниши керак:

1) қонунчилик талабларининг ва ушбу талабларга мувофиқ операция тартиблар ишлаб чикишни таъминлашнинг мониторинги;

2) ички назоратнинг тегишли тизимини киритиш ва қўллаш;

3)ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва қўллаш;

4) ходимларни тегишли равишда тайёрлаш ва улар томонидан ахлоқ кодексини тушинишини таъминлаш;

5) ахлоқ кодексига мувофиқлигини мониторинг қилиш ва унга мувофиқ бўлмаган ходимларга нисбатан интизомий чора-тадбирларни ўтказиш;

6) қонунчилик талабларини мониторинг қилиш учун юридик маслаҳатчиларини жалб қилиш;

7) аниқ соҳада ишлаётган ташкилот мувофиқ бўлиши керак бўлган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг муҳим талаблари рўйхатини олиб бориш: аризаларни ёзиб бориш.

Йирик ташкилотларда ушбу сиёсат ва тартибларга тегишли ваколатлар билан қуйидаги функциялар берилиши мумкин:

- ички аудитнинг функциялари;
- аудиторлик қўмитасинингфункциялари;
- мувофиқлаштириш функцияси.

Қонунчиликнинганиқ талабларига мувофиқ, аудитордан молиявий хисоботнинг ишончлилиги тўғрисидаги аудиторлик хулосасида ташкилотнинг қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг тегишли талабларига мувофиқлиги тўғрисида маълумот бериши талаб қилинади. Аудитнинг режасига тегишли тестларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат секторида, молиявий ҳисоботнинг аудитига тегишли ёки ташкилот операцияларининг бошқа жиҳатларига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган, қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларига мувофиклигини кўриб чиқишга нисбатан қўшимча талаблар мавжуд бўлиши мумкин.

Давлат секторидаги ташкилотларнинг аудитори ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёки бошқа бошқариш органига ёки аудиторлик хулосасида иомувофиқлик фактлари тўғрисида хабар бериш мажбуриятига эга бўлиши мумкин.

Қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларига номувофиқлик мавжудлиги бўйича аниқланган фактлар ёки гумонлар тўғрисидаги аудиторлик ҳужжатлаштириш масалан, ёзувлар ёки ҳужжатларнинг нусҳаси, раҳбарият, мулкдорнинг вакиллари ёки ташкилотга нисбатан ташқи томонлар билан муҳокама қилиш баённомаларини ўз ичига олиши мумкин.

2.7. 260-сон АХС "Мулкдорнинг вакилларига ахборот бериш"

260-сон АХС, мулкдорнинг вакилларига молиявий ҳисоботнинг аудити билан боғлиқ бўлган маълумотни, аудитор томонидан хабар қилиш мажбуриятини кўриб чиқади.

Маълумотни икки томонлама етказилиши қуйидагиларни таъминлаш учун муҳим:

- аудитор ва мулкдорнинг вакиллари томонидан тушинишни;
- аудитга тааллукли бўлган маълумотни аудитор мулкдор вакилларидан олишни;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни устидан иазорат қилиш бўйича мулкдорнинг вакиллари томонидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини.

Раҳбарият мулкдорнинг вакилларига улар ўзларининг бошқариш функцияларини бажариш учун муҳим бўлган масалалар бўйича хабар қилиши борасида жавобгардир. Маълумотни аудиторлар томонидан хабар қилиши, рахбариятни ушбу жавобгарликдан озод қилмайди.

Раҳбарият томонидан мулкдорнинг вакилларига шундай маълумотни ҳабар қилиниши, аудитор томонидан маълумотни мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш шакли ёки муддатига таъсир қилиши мумкин.

Аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мулкдорнинг вакилларига аудиторнинг молиявий ҳисоботнинг аудитига нисбатан жавобгарлиги тўғрисида аниқ равишда хабар бериш;
- мулкдорнинг вакилларидан аудитга тегишли маълумотни олиш;
- мулкдорнинг вакилларини мунтазам ҳисоботлар билан таъминлаш;
- аудитор ва мулкдорнинг вакиллари ўртасида самарали икки томонлама маълумот билан алмашиб туришни ташкиллаштириш.

Аудитор мулкдорнинг ваклилларига молиявий ҳисоботнинг аудитига нисбатан ўзининг жавобгарлик соҳалари тўғрисида, қуйидагиларни қўшиб, хабар беришга мажбур:

- молиявий ҳисобот бўйича фикрнинг шакллантириш ва баён килиш;
- раҳбарият ёки вакилларнинг масъулияти;
- аудитнинг режалаштирилаётган ҳажми ва муддатлари;
- аудит чоғида аниқланган муҳим фактлар;
- аудиторга керак бўлган маълумотларни тақдим қилиш тўғрисидаги хатлар;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни устидан назорат қилиш учун аудиторнинг профессионал фикрига мувофиқ муҳим бўлганбошқа масалалар.

Биржа компанияларни аудит қилиш ҳолатда, аудитор мулкдорнинг вакилларига қуйидагилар тўғрисида хабар қилишга мажбур:

- мустақилликка нисбатан қўлланилаётган ахлоқий меъёрларга мувофиклиги тўғрисида;
- аудиторлик ва бошка хизматлар учун молиявий ҳисобот давомида тўланган гонорарнинг умумий суммалари бўйича;
- мустакилликка хавф келтириши ёки уни маъкул даражасигача пасайтириш учун қўлланган хавфсизлик чоралар.

Аудитор мулкдорнинг вакилларига маълумотларнинг шакли, муддатлари ва кутилаётган умумий мазмуни тўғрисида хабар беришга мажбурдир.

Аудитор мулкдорнинг вакилларига аудит чоғида аниқланган муҳим фактлар бўйича ёзма равишда келишилган муддатларда хабар беришга мажбур.

Агар, ушбу АХСда кўзда тутилган масалалар мукдорнинг вакилларига оғзаки шаклда хабар қилинган бўлса, аудитор маълумотни ўзини ҳамда қачон ва кимга у бажарилганлиги тўғрисида ҳам, ҳужжатлаштириб қўйиши керак. Агар, масалалар ёзма шаклда хабар қилинган бўлса, аудитор унинг нусҳасини ўзида, аудиторлик ҳужжатларнинг қисми каби, қолдиришга мажбур[18].

Оғзаки маълумотнинг ҳужжатлаштирилиши ўз ичига ташкилот томонидан аудиторлик ҳужжатларнинг қисми каби тайёрланган, баёниомаларнинг нусхаларини, агар ушбу баённомалар ахборот тўғрисида тегишли тасаввурга эга бўлса, киритиши мумкин.

[18]230-сон АХС, 8-11 б., 6А

2.8. 265-сон АХС "Ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар бериш"

265-сон АХС аудиторнинг ички назорат тизимидаги, аудитор томонидан молиявий ҳисоботни аудити чоғида аниклаган заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар беришга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Аудитордан, жиддий бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш чоғида, аудит билан боғлиқ бўлган ички назоратни тушинишга эришишни талаб этилади.

Аудиторнинг мақсади - мулкдорнинг вакилларига ва раҳбариятга у томонидан аудит чоғида аникланган ички назорат тизимидаги муҳим заифликлар тўғрисида тегишли равишда хабар беришдир.

Ички назорат тизимидаги заифликлар, назорат қилиш воситаси молиявий ҳисоботдаги бузилишни мунтазам равишда аниқлаш, тузатиш ёки олдини олишга қодир бўлмаса ёкиназорат қилиш воситаси мавжуд бўлмаса, келиб чикади.

Аудитор аудит чоғида ўтказилган иш асосида ички назорат тизимида бир ёки ундан кўпрок бўлган заифликлар у томонидан аниқлаганлигини аниқлаши мажбур.

Агар, аудитор томонидан аудит чоғида ички назорат тизимида бир ёки ундан кўпрок бўлган заифликлар аниқланган бўлса, у ўзи бажарган иш асосида, улар алоҳида ёки биргаликдажиддий эканликларини аниқлашга мажбур. Аудитор мулкдорнинг вакилларига аудит чоғида аниқланган жиддий заифликлар тўғрисида хабар беришга, ўз вактида ёзма равишда - ички назорат тизимидаги жиддий заифликлар тўғрисида хабар беришга мажбурдир.

Аудитор ички назорат тизимидаги жиддий заифликлар тўғрисидаги ёзма хабарнинг ичига қуйдагиларни:

- заифликларнинг ифодаси ва улар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган натижалар;
- мулкдорнинг вакиллари ва раҳбариятга ахборотнинг мазмунини тушинишлари учун етарли маълумотларни киритишга мажбур.

Аудитнинг мақсади, мулкдорнинг вакиллари диққатини камчилик ва заифликларгақаратиш учун, молиявий ҳисоботни тайёрланиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чикишни ўз ичига олган молиявий ҳисобот тўғрисида фикр юритиш ҳисобланади.

Кичик ташкилотлар учуи аудитнинг амаллари йирик ташкилотларникидек, лекин, уларни ўтказиш шакллари ажралиб туради.

Кичик ташкилотлар қатор назорат ҳаракатлар, раҳбарият томонидан қўлланиладиган назорат қилиш воситаларига кўра, керак эмас деб, ҳисоблашлари мумкин.

Ички назорат тизимидаги заифлик ёки заифликлар уйгунлигининг муҳимлиги нафақат бузилиш мавжуд бўлганига, балки бузилиш келажакда ҳам бўлиши мумкинлигигава ушбу бузилишларнинг бўлиши мумкин бўлган миқёсига боғлик. Шундай килиб, жиддий заифликлар аудитор томонидан аудит чоғида уларни аниқламаган ҳолатда ҳам, бўлишлари мумкин.

Ички назорат тизимидаги жиддий заифликларнинг индикаторлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- молиявий жиҳатдан раҳбариятни қизиқтирадиган муҳим битим мулкдорнинг вакиллари томонидан тегишли равишда кўриб чиқилмагани борасидагн кўрсатмалар;
- ташкилотнинг ички назорат тизими томонидан олди олинмаган раҳбарият иштироқидаги фирибгарликларни аниқлаш;
- жиддий заифликлар бўйича тегишли тузатишларни амалга оширишга раҳбариятнинг қодир эмаслиги;
- рискларни баҳолаш жараёнининг йўқлиги;
- бузилиш рискини аниқлашга раҳбариятнинг қодир эмаслиги;
- аниқланган муҳим рискларга карши ҳаракатларнинг носамарадорлиги;
- ташкилотнинг ички назорат тизими доирасида олди олинмаган, аниқламаган ёки тузатилмаган бузилишлар;
- хато ёки фирибгарлик натижасида келиб чиққан жиддий бузилишни тузатиши билан олдин чиқарилган молиявий ҳисоботнинг қайта чиқарилиши;
- молиявий хисоботнинг тайёрлаш жараёнини раҳбарият томонидан назорат қила олмасликнинг далиллари.

Назорат қилиш воситалари, ўзлари ёки биргаликда амал қилиб,бузилишларни олдини олиш, аниқлаш ёки тузатиш учун ишлаб чиқилиши мумкин[19].

Мулкдорнинг вакилларига аудит чоғида аниқланган жиддий заифликлар тўғрисидаги ёзма равишда берилган маълумотнома, ушбу масалаларнинг муҳимлигини акс эттиради ва мулкдориинг вакилларига назорат бўйича мажбуриятларни бажаришга ёрдам беради.

Жиддий заифликлар тўғрисидаги маълумотноманинг тафсилот даражаси аудиторнинг қуйидаги факторлар билан аниқланадиган профессионал фикрлаш масаласи бўлиб ҳисобланади:

---

[19]315-сон АХС, А66- б.

- ошкора ташкилот учун ахборот бериш, ошкора бўлмаган ташкилот учунахборотдан ажлариб туриши мумкинлиги;
- ташкилотнинг йириклиги ва мураккаблиги;
- аудитор томонидан аниқланган жиддий заифликларнинг характери;
- бошқариш органларнинг таркиби;
- ички назорат тизимидаги махсус заифликлар.

Агар, жиддий заифлик бартараф қилинмаса, ҳисобот йилнинг заифлиги тўғрисидаги ахборот олдинги маълумотномадаги заифликлар шарҳлашнинг такрорланишини ёки ўтган йил бўйича ахборотга изоҳни ўз ичига олиши мумкин. Аудитор раҳбариятга ёки, қўллаш мумкин бўлса, мулкдорнинг вакилларигажиддий заифлик нима учун ҳалигача тузатилмаганлиги тўғрисида сўровнома жўнатиши мумкин. Ақл-идрокка асосланган тушинтиришларсиз ҳаракат қилмаслиги ўзи ҳам жиддий заифлик мавжудлигини кўрсатади.

Қичик ташкилотларни аудити чоғида аудитор мулкдорнинг вакилларига, йирик ташкилотлардан фарқли уларок, маълумотномани оддий шаклда бериши мумкин.

Ички назорат тизимида маълум бўлган аниқланганжиддий заифликларнинг мавжудлиги раҳбариятнинг виждонлиги ёки малакаси тўғрисидаги саволларни қўйиши мумкин.

Давлат секторидаги ташкилотлар аудиторлар олдида,улар томонидан аудит чоғида аниқланган ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги ахборотга нисбатан, ахборотнингшакли, тафсилот даражаси ёки томонларига нисбатан ушбу АХС да кўрсатилмаган қўшимча мажбуриятлар учраши мумкин.

Ички назоратдаги жиддий заифликлар тўғрисидаги ёзма равишдаги ахборот ўз ичига жиддий заифликларни шарҳини, раҳбарият томонидан жорий ёки кўзланган ҳаракатлари бўйича маълумотларни, амалга оширилган тузатишларни олиши керак.

Хулоса

1. "Молиявий ҳисобот аудитининг умумий принциплари ва мақсадлари" 200 –сон АХС мустақил аудиторнинг АХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни аудит ўтказишдаги умумий мажбуриятларини ўрнатади. Хусусан, у мустақил аудиторнинг умумий мақсадларини ўрнатади ва мустақил аудитор ушбу мақсадларга мувофиқ бўлиши учун аудитнинг характери ва ҳажмини

тушинтиради. Унда шунингдек, АХСнинг қўлланиш соҳалари, масъулияти ва тузилиши тушинтирилади, мустақил аудиторнинг умумий масъулиятини ўрнатадиган, АХС нинг талабларига мувофиқ бўлиш мажбуриятини қўшган ҳолда, барча аудитларга қўлланадиган талабларни ўрнатади.

2. Аудитнинг мақсади фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботга нисбатан ишончлилик даражасини кўтаришдадир. Бу аудитор томонидан молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларига кўра қўлланилаётган принципларига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида ўзининг фикрини баён этиши билан эришилади.Умумий мақсаддаги ҳисоботни тайёрлаш принципларининг кўп ҳолатларида бумолиявий ҳисобот барча муҳим нисбатларда ишончли тақдим этилганми ёки, бошқа сўзлар билан айтилганда, у молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига мувофиқ ишончли ва ишонарли тасаввурга эгами деган, фикрдир. Ахлокий меъёрий ва АХС талабларига мувофиқ ўтказилган аудит аудиторга шундай фикрни шакллантиришга имкои беради.

3. "Аудиторлик топшириклар шартларини келишиб олиш"210-сон аудитнинг халқаро стандартиаудиторнинг аудиторлик топшириклар шартларини раҳбарият билан келишиб олишини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади аудиторлик топшириқни қабул қилиб олиш ёки бажаришии давом эттириш, раҳбарият билан унинг шартларини келишиш.

4. Аудитор аудиторлик топшириқ шартларини раҳбарият билан келишишга мажбур, бу эса, аудит ўтказиш тўғрисидаги хатда, қуйидагиларни киритган ҳолатда, акс этилиши зарур:

- молиявий хисоботнинг мақсади ва ҳажми;
- аудиторнинг масъулияти тўғрисидаги шарҳ;
- раҳбариятнинг масъулияти тўғрисидаги шарҳ;
- молиявий ҳисобот тайёрлашининг қўлланиладиган принципларини аниқлаш;
- аудитор томонидан бериши керак бўлган ҳар қандай хулосаларнинг кутилаётган шакли ва мазмунига изоҳ ва якуний хулоса шакли ва мазмуни бўйича тахмин қилинган дастлабки хулосадан ажралиб туриши мумкин бўлган ҳолатлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тасдиқ.

5. "Молиявий ҳисобот аудити учун сифатни назорат қилиш" 220-сон аудитнинг халқаро стандарти аудиторнинг молиявий ҳисобот аудити учун сифатни назорат қилиш тартибларига нисбатан махсус маъсулиятини кўриб чиқади. У шунингдек, топшириқнинг сифати бўйича назоратчининг масъулиятини кўриб чиқади.

6.Аудиторлик фирмага сифатни назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаб- қувватлаш мажбурияти юкланган, сифатни назорат қилиш тизими:

- фирма ва унинг ходимлари касбга оид стандартлар талабларига ва қўлланадиган қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига мувофиқлигига;
- фирма ёки текшириш раҳбарлари томонидан чиқарилган ҳисоботлар ушбу ҳолатларда тўғри эканлигига;
- сифатни назорат қилиш тартиблари амалий натижа берадиган ва мустақилликка боғлиқ ҳисобланишига ишончлиликни таъминлаши зарур.

7. Аудиторнинг мақсади - сифатни назорат қилиш тартибларини аудиторлик топшириқ даражасида қўллаш, улар аудиторга:

- аудит профессионал стандартлар ҳамда қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг қўлланиладиган талабларига мувофиқ;
- берилган аудиторлик хулоса ушбу ҳолатларда тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишга имконият беради.

8. Аудиторлик топшириқ бажарилишининг сифатини назорат қилиш -сон аудиторлик гуруҳнинг аъзолари томонидан (аудиторлик ҳисоботни беришдан олдин) объектив бахолашни таъминлаш учун кўзланган жараёнва аудиторлик ҳисоботни шакиллаштириш чоғида улар томонидан қилинган хулосалар.

9. 230-сон АХС "Аудиторлик ҳужжатлаштириш"молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида аудиторлик ҳужжатларни тайёрлаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. Иловасида бошқа АХСларнинг махсус талаблари ва аудиторлик ҳужжатларни тайёрлаш бўйича қўлланма берилган. Қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талаблари ҳужжатлаштиришга қўшимча талабларни туғдириши мумкин.

10. Аудиторлик ҳужжатлаштириш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- аудитнинг умумий мақсадига эришганлиги тўғрисида аудиторнинг хулоса чиқариш учун асосларига нисбатан далилларни;
- аудит АХСнинг талабларига ва конунчилик ва тартибга солиш органларининг қўлланиладиган талабларига мувофиқ режалаштирилган ва ўтказилганлигига нисбатан далилларни;
- аудитни режалаштириш ва ўтказишда аудиторлик гуруҳи аъзоларига ёрдам бериш;
- бошқариш учун жавобгар бўлган аудиторлик гуруҳи аъзоларига аудитни бошқаришда ва талабларга мувофиқ уларнинг назорат бўйича мажбуриятларини бажаришда ёрдам бериш;
- бажарилган ишни ҳисобга олиш;

• келажакдаги аудитлар учун муҳим бўлган масалаларни ёзиб бориш;

• сифат иазоратини ва инспекциялаш бўйича текширишлар ўтказилишини таъминлаш;

• ташқи инспекция текширишлар ўтказилишини таъминлаш.

11. Аудиторнинг мақсади қуйидагиларни таъминловчи ҳужжатларни тайёрлаш ҳисобланади:

• аудиторлик ҳулосасини тақдим этиш учун тегишли ва етарли асосларнинг ёзуви;

• аудит АХСнинг талабларига ва конунчилик ва тартибга солиш органларида қўлланиладиган талабларига мувофиқ режалаштирилган ва ўтказилганлиги тўғрисидаги далиллар.

12. 240-сон АХС "Молиявий ҳисобот чоғида масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари" молиявий ҳисобот чоғида масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятларини кўриб чиқади.

13. Молиявий ҳисоботдаги бузилишлар масъулиятсизлик ёки хато натижасида келиб чиқиши мумкин. Масъулиятсизликҳаракатлари ва хато ўртасидаги фарқ қиладиган фактори бўлиб,натижада молиявий ҳисоботнинг бузилишига олиб келган қасдан қилинган ёки касдан қилинмаган ҳаракатлар ҳисобланади. Масъулиятсизлик ҳаракатларини олдини олиш ва кўрсатишнинг асосий жавобгарлиги мулкдорнинг вакиллари ва ташкилотнинг раҳбариятига юкланган.Раҳбарият масъулиятсизлик ҳаракатларни олдини олиши зарур. Бунинг учун ишочлилик маданияти ва ахлокий меъёрлар муҳитини яратиш зарур. Аудитор, АХС га мувофиқ аудитни олиб бораётганида, молиявий ҳисобот умуман олганда масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки хато натижасида жиддий бузилишларни ўз ичига олмаганлигига тегишли даражада ишонч ҳосил қилишга масъулдир.

14. "Молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларини кўриб чиқиш" 250-сон аудитнинг халқаро стандарти аудит чоғида конунчилик ва тартибга солиш органларнинг талаблари кўриб чиқишга нисбатан аудиторнинг мажбуриятларини кўриб чиқади.

Стандарт аудиторга қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқликлигига кўра молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилишини аниқлашда ёрдам беришига мўлжалланган.

Аудитор молиявий ҳисоботда умуман олганда, хато ёки масъулиятсизликка кўра, келиб чиққан жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун маъсулдир.

15. Аудиторнинг мақсади бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади:

• умум тан олинганидек, молиявий ҳисоботдаги жиддий кўрсаткичларни аниқлашга ва ечиб беришига тўғридан тўғри таъсир этадиган, қонунчиликва тартибга солиш органларнинг талабларига мувофиклигига нисбатанетарли тегишли далилларни олиш;

• молиявий ҳисоботга жиддий таъсир қўрсатиши мумкин бўлган, қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлигини аниқлаш учун маълум бир аудиторлик тартибларни бажариш;

• аудит чоғида қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқ ёки бўлиши мумкин бўлган номувофиққа тегишли равишда ҳаракатлар қилиш.

16. 260-сон "Мулкдорнинг вакилларига маълумотни хабар қилиш" АХС молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган маълумотни мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш борасида аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади.

Икки томонлама маълумотлар билан алмашиш қуйидагиларни таъминлаш учун муҳимдир:

• аудитор томонидан мулкдорнинг вакилларини тушуниш;

• аудитор томонидан аудитга тааллуқли бўлган маълумотни мулкдорнинг вакилларидан олиш;

•молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнини назорат қилиш бўйича мулкдорнинг вакиллари томонидан ўз мажбуриятларини бажариш.

17. Мулкдорнинг вакилларига ўзларининг бошқариш функцияларини бажариш учун муҳим бўлган масалаларни хабар қилиш бўйича раҳбарият маъсулдир.

Аудиторнинг мақсадлари куйдагилардан иборат:

• мулкдорнинг вакилларига молиявий ҳисобот аудитига нисбатан аудиторнинг масъулияти тўғрисида аниқ хабар бериш;

• мулкдорнинг вакилларидан аудитга тааллукли бўлган маълумотни олиш;

• мулкдорнинг вакилларини мунтазам ҳисоботлари билан таъминлаш;

• аудитор ва мулкдорнинг вакиллари ўртасида самарали икки томонлама маълумот билан алмашишни ташкил этиш.

18. Аудитор мулкдорнинг вакилларига молиявий ҳисобот аудитига нисбатан ўзининг масъулият соҳалари тўғрисида қуйидагиларни қўшган холда маълум қилишга мажбур:

• молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва баён қилиш;

- раҳбарият ёки вакилларнинг масъулиятлари;
- аудитнинг режалаштирилган ҳажми ва муддатлари;
- аудит чоғида аниқланган жиддий фактлар;
- аудиторга зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидги хатлар;
- аудиторнинг профессионал фикрларига кўра, молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни устидан назорат қилиш учун муҳим бўлган бошқа масалалар.

Биржадаги компанияларни аудит қилиш чоғида аудитор мулкдорнинг вакилларига қуйидагилар тўғрисида хабар беришга мажбур:

- мустақилликка нисбатан қўлланиладиган аҳлоқий меъёрларнинг мувофиқлиги тўғрисида;
- аудиторлик ва бошқа хизматлар учун молиявий ҳисобот чоғида тўланган гонорарларнинг ялпи суммалари тўғрисида;
- мустақилликка нисбатан хавфлар ёки уларни тегишли даражасигча пасайтириш учун кўрилганхавфсизлик чоралар тўғрисида.

19.265-сон "Ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш"АХС аудитор томонидан молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида аниқланган ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар қилишга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Аудитордан, аудит чоғида жиддий бузилиш рискларни аниқлаш вабахолашда аудит билан боғлик бўлган ички назоратни тушинишни талаб этилади.

Аудиторнинг мақсади бўлиб, аудит чоғида аудитор томонидан аниқланган ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисида раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига тегишли равишда хабар бериш ҳисобланади.

Ички назорат тизимидаги заифликлар, назорат қилиш воситаси молиявий ҳисоботдаги бузилишни мунтазам равишда аниқлаш, тузатиш ёки олдини олишга қодир бўлмаса ёкиназорат қилиш воситаси мавжуд бўлмаса муҳим ўрин эгаллайди.

Ўз ўзини текшириш учун саволлар

1. "Молиявий ҳисоботни аудит ўтказишнинг мақсад ва принциплари" 200-сон АХС нинг аҳамияти нимадан иборат?

2. 200-сон АХС "Молиявий ҳисоботни аудит ўтказишнинг мақсад ва принциплари" нималарни ўрнатади?

3.АХС га мувофиқ аудит нимани англатади?

4. Умумий ҳисоботни тайёрлаш принциплари?

5. "Аудиторлик топшириқлар шартларини келишиш" 210-сон АХС нимани кўриб чиқади?

6. Аудиторнинг мақсади бўлиб нима ҳисобланади?

7. Аудитни ўтказиш тўғрисидаги хатда нима акс эттилиши зарур?

8."Молиявий ҳисобот аудити сифатининг назорати" 220-сон АХС нинг аҳамияти нимадан иборат?

9. Сифатни назорат килиш тизимини яратиш бўйича аудиторлик фирманинг мажбурияти нимадан иборат?

10. Аудиторлик фирманинг сифатни назорат килиш тартиблари кандай бўлиши керак?

11.Аудит профессионал стандартларига ҳамда қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига мувофиқлиги ва тақдим этилган аудиторлик хулоса ушбу ҳолатларда тегишли бўлиб ҳисобланиши борасида аудитор учун ишонарли ва ишончни таъминлайдиган, аудиторлик топшириқ даражасида сифатни назорат қилиш тартибларидан фойдаланиш бўйича аудиторнинг мақсади нималардан иборат?

12. Аудиторлик топширикни бажариш сифатини назорат килиш ўз ичига нималарни киритади?

13 230-сон "Аудиторлик ҳужжатлаштириш"АХС нимани ўрнатади?

14. Аудиторлик ҳужжатлаштириш нимани таъминлаши керак?

15. Ҳужжатларни тайёрлаш қисмида аудиторнинг мақсади нимадан иборат?

16. 240-сон "Молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари"АХС нимани кўриб чиқади?

17. Молиявий ҳисобот чоғидаги масъулиятсизлик ҳаракатларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

18. Молиявий ҳисоботда масъулиятсизлик ҳаракатлар ёки хато натижасида келиб чиккан бузилишлар нима билан фарқ қилади?

19. 250-сон "Молиявий ҳисобот аудити чоғидаги қонунчилик ва тартибга солиш талабларни кўриб чиқиш" АХС нимани кўриб чиқади?

20. Аудит чоғида қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларини кўриб чиқишга нисбатан аудиторнинг маъсулияти нималардан оборат?

21.260-сон "Маълумотни мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш" АХСнимани кўриб чиқади?

22.Раҳбарият мулкдорнинг вакилларига улар ўзларининг бошқариш функцияларини бажариш учун муҳим бўлган масалалар бўйича хабар қилишлари бўйича жавобгарми?

23. 250-сон "Молиявий ҳисобот аудити чоғидаги қонунчилик ва тартибга солиш талабларни кўриб чиқиш" АХС га мувофиқ аудиторнинг мақсадлари нимадан иборат?

24. 265-сон "Ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш" АХС нимани кўриб чиқади?

25. Молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида аниқланган ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар қилиши бўйича аудиторнинг маъсулиятинимадан иборат?

26. 265-сон "Ички назорат тизимидаги заифликлар тўғрисидаги маълумотни раҳбарият ва мулкдорнинг вакилларига хабар қилиш" АХС да аудиторнинг мақсади нималардан иборат?

3 Боб. АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИШ

Бобни ўрганиб чиқиб, сиз:

• аудиторларнинг масъулиятини тартибга солувчи аудитнинг халқаро стандартлар тизимини;

• аудитнинг услубиёти, услуби ва аудитни ташкиллаштиришни;

• режалаштириш усулларини, аудитнинг халқаро стандартлари асосида дастурлар тузиш ва аудит амалларини ўтказишни;

• аудит натижаларини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини;

• ташқи аудит ўтказишда субъектлар ва аудиторлик фирмаларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятларини

билиб оласиз

• аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудитни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни;

• дастлабки, асосий ва якуний босқичларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг барча жиҳатлардаги аудитнинг режалаштиришни;

• аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудитни дастурларини ишлаб чиқишни;

• аудитнинг халқаро стандартлари асосида текширишларнинг натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосасини тузишни;

• аудитга халқарова миллий ёндашишларни солиштириш, ва улар қўлланишининг мақсадга мувофиқлигини асослаб беришни;

• аудит натижалари бўйича иқтисодий субъектнинг раҳбариятига тавсияномалар тузишни;

• корхонадаги ички назорат ҳолатининг текширилишини ташкил этиш ва амалга оширишни;

• тадбиркорлик фаолиятининг ички назорати, ҳисоби ва бошқаришини такомиллаштиришда аудит натижаларидан фойдаланишни

ўрганасиз

•аудит режалаштиришнинг тушинтириш аппартига;

•хўжалик фаолиятини юритиш ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб боришдаги бузилишларни ва қонунга ҳилоф бўлган харакатларни аниқлаш усуларига;

•текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузиш усулларига;

•ички назоратга тааллукли бўлган масалаларнинг амалий ечими кўникмаларига;

•хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолият самарадорлигини оширишни бошқаришда аудит натижаларидан фойдаланиш усулларига

эга бўлмоқ зарур.

Асосий тушунчалар. Аудитнинг принциплари, 300-сон АХС "Молиявий ҳисобот аудитининг режалаштириш", аудитни ўтказиш учун мажбурият хати, 315-сон АХС "Ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушуниб олиш давомидаги молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш", 320-сон АХС "Аудитни режалаштириш ва ўтказиш муҳимлиги ва раҳбариятнинг масъулияти ", 330-сон АХС "Баҳоланилган рисклярга жавобан, бажарилган аудиторлик амаллар ".

3.1. 300-сон АХС "Режалаштириш"

"Режалаштириш" 300-сон аудитнинг халқаро стандартида молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш бўйича тавсиялар келтирилган. Аудитнинг режалаштириши унинг стратегия ва тактикасини аниқлашдан, молиявий ҳисоботнинг хаққонийлигини тасдиқлаш мақсадига самарали эришишга имкон берадиган тартиб ва усулларни танлашдан иборат.

"Режалаштириш" 300-сон аудитнинг халқаро стандарти "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитни ўтказиш" 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти аудиторнинг молиявий ҳисоботнинг аудитини режалаштириш мажбуриятини кўриб чиқади. Ушбу стандарт давом эттириладиган аудитлар талқинида ифодаланади. Ташкилотнинг биринчи текширишлари учун қўшимча фикрлар алоҳида келтирилган.

"Режалаштиришнинг роли ва даври" бўлимида аудитнинг режалаштириши ўз ичига аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишни ва аудит режасини тузишни олади. Молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида тўғри режалаштириш аудиторга:

- аудитнинг муҳим бўлимларини диққат билан кўриб чиқишда;
- потенциал муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ечишида;
- унинг бажаралиши самарадор ва натижали бўлиши учун, аудитни тўғри ташкиллаштириш ва бошкаришда;

• топшириқ бўйича кутиладиган рискларга мувофиқ бўлишга ва улар орасида тўғри ишни тақсимлаш учун, тегишли малака ва катта тажриба даражасидаги аудиторлик гуруҳи аъзоларини танлаб олишга:

• аудиторлик гуруҳи аъзолар устидан назорат қилиш ва бошқаришни енгиллаштириш, уларнинг ишини назорат қилишга;

• буни қўллаш мумкин бўлганда – алоҳида бўлимларни текшираётган аудиторлар ва экспертлар томонидан бажарилаётган ишни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Аудиторнинг режалаштиришдан асосий мақсади аудиторлик текшириш самарали малга оширилишини таминлашдан иборат.

"Талаблар" бўлимига кўра аудиторлик текшириш раҳбари ва аудиторлик гуруҳнинг бошқа ҳал қилувчи аъзолари аудитнинг режалаштиришида ва шунингдек, режалаштириш ва аудиторлик гуруҳи аъзолари орасидаги муҳокамада қатнашишда иштирок этишга мажбур.

Жорий аудиторлик топшириқ бажарилишининг бошида аудитор қуйидаги харакатларни бажаришига мажбур:

• 220-сон АХСнинг мижоз билан муносабатларни давом эттириш ва аниқ аудиторлик топшириқни қабул қилишга нисбатан талабларни бажариш[20];

• 220-сон АХСда талаб қилинганидек, мустақилликни қўшиб ҳисоблаганда ахлоқий меъёрлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш[21];

• 210-сон АХСда талаб қилинганидек, топшириқ шартларини тушинишни таъминлаш[22].

*Режа устидан ишлаш чоғида*аудитор, аудитнинг режасини ишлаб чиқиш учункўрсатмалар берилаган, аудитнинг кўлами, муддати ва йўналишини ўриатадиган аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишга мажбур.

Аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишда аудитор:

• топшириқнинг кўламиини аниқлаб берувчи тавсифни аниқлашга;

• аудитни ўтказиш муддатларини ва у бўйича зарур бўлган ахборотни бериш тавсифини режалаштириш учун топшириқ бўйича ҳисоботнинг мақсадларини аниқлашга;

• аудиторнинг касбга оид фикрларига мувофиқ, аудиторлик гуруҳнинг кучларини йўналтириш билан боғлиқ холатларни аниқлашда муҳим бўлган омилларни кўриб чиқишга;

---

[20]"Молиявий маълумотнинг аудити учун сифатни назорат қилиш" 220-сон АХС, 12-13-б.
[21]220-сон АХС, 9-11 б.
[22]"Аудиторлик топшириқнинг шартларини келишмоқ" 210-сон АХС

• топшириқни қабул қилиш бўйича дастлабки амалларнинг натижаларини ва қўлланиши мумкин бўлса, ушбу ташкилот учун бошқа топшириқларни бажариш чоғида аудиторлик гуруҳ раҳбари томонидан олинган маълумотдан ушбу аудитда фойдаланиш имкониятини кўриб чиқишга;

• топшириқни бажариш учун зарур бўлган қўлланилиш муддатлари ва манба ҳажмини тавсифини аниқлашга мажбур. (А8-А11 бандига қаралсин)

Аудитор қуйидаги омилларнинг шарҳини ўз ичига олган, аудит режасини ишлаб чиқишига мажбур:

• 315-сон АХС[23]да аниқланганидек, рискни баҳолаш бўйича режалаштирилган амалларнинг характери, муддатлари ва ҳажми;

• 330-сои АХС[24]да аниқланганидек, молиявий ҳисоботни тайёрлашдан олдинги поғоналаридаги кейинги аудиторлик амалларни режалаштиришнинг характери, муддатлари ва ҳажми;

• аудит Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлиши учуи бажарилиши зарур бўлган бошқа режалаштирилган аудиторлик амаллар (А12 бандни кўр).

Аудитор аудит чоғида аудитнинг умумий стратегияси ва режасини, зарур бўлган ҳолатда, янгилаш ва ўзгартиришга мажбур (А13 бандни кўр).

Аудитор аудиторлик гуруҳнинг аъзолари устидан бошкариш ва назорат қилиш характери, муддатлари ва ҳажмини режалаштиришга мажбур (А14-А15 бандларни кўр).

Аудитнинг режаси аудитнинг умумий стратегиясига кўра кўпрок тафсилотлаштирилган, чунки аудиторлик гуруҳнинг аъзолари томонидан бажарилаётган аудиторлик амалларнинг характер, ҳажмлар ва муддатлар шарҳиниўз ичига олади.

12-параграфда режалаштиришнинг ҳужжатлаштириш бўйича аудиторнинг мажбурияти ўрнатилган. Шундай қилиб, аудитор қуйдагиларни ҳужжатлаштиришга мажбурдир[25]:

• аудининг умумий стратегиясини;

• аудитнинг режасини;

• аудит чоғида аудитнинг умумий стратегияси ёки аудитнинг режасига киритилган ҳар қандай муҳим ўзгартиришларни ва ушбу ўзгартиришларнинг сабабларини (А16-А19 бандларига қаралсин).

---

[23]"Ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушиниб олиш давомидаги молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш" 315-сон АХС

[24]"Баҳоланган рисклар бўйича аудиторлик тартиблари" 330-сон АХС

[25]230-сон АХС, 8-11 б, А6

Стандарт *ташкилотнинг биринчи текшириллиши учун қўшимча фикрларни* аниқлайди. Шундай килиб, ташкилотни биринчи текширишни ўтказишдан олдин, аудитор қуйидаги харакатларни бажаришга мажбурдир:

- мижозлар билан муносабатларни ўрнатиш ва аниқ топшириқни бажаришга нисбатан 220-сон АХС талаб килинган амалларни бажариш[26];
- ушбу масалага ахлоқий меъёрий талабларига мувофиқ аудиторларнинг алмаштирилиши бўлган ҳолатда, олдинги аудитор билан боғланиш (А20 бандига қаралсин).

Кичик тадбиркорлик субъектларнинг аудити чоғида барча аудит энг кичик аудиторлик гуруҳ томонидан ўтказилиши мумкин. Кичик тадбиркорлик субъектлар учун аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиши мурракаб ва узоқ вақт давом этадиган жараён бўлмаслиги зарур: унинг ҳажми ташкилотнинг катта-кичиклигига, аудитнинг мурракаблигига ва аудиторлик гуруҳнинг катта ёки кичиклигига боғлиқ.

Ҳужжатлаштириш. Аудитнинг умумий стратегиясини ҳужжатлаштириш аудитнинг тўғри режалаштириш учун зарур бўлиб ҳисобланган ва аудиторлик гуруҳнинг аъзоларига хабар бериш керак бўлган муҳим масалаларни ечиш бўйича ёзувлар бўлиб ҳисобланади.

Аудитнинг режасини ҳужжатлаштириш рискни баҳолаш бўйича амаллар ўтказишнинг режалаштирилган характери, ҳажмлари ва муддатларининг ёзуви ва баҳоланган рискларга жавобан, молиявий ҳисоботдаги раҳбариятнинг тасдиғи даражасидаги ксйинги аудиторлик амалларнинг ёзуви ҳисобланади.

Режалаштирилган аудитнинг умумий стратегиясидаги ва аудитнинг режасидаги жиддий ўзгаришларнинг ёзувлари ва аудиторлик амаллар ўтказилишнинг режалаштирилган характер, ҳажмлар ва муддатлардаги ўзгаришларнинг ёзувлари аудитни ўтказиш учун натижада қабул қилинган умумий стратегияга ва аудит режасига ушбу жиддий ўзгартиришлар киритилишнинг сабабини тушинтиради. Улар шунингдек, аудит чоғида келиб чиққан жиддий ўзгартиришларга ўринли жавобни намойиш этади.

Аудитнинг режалаштириш мақсад ва вазифалари бирламчи ва кейинги аудитлар учун бир ҳил. Лекин, бирламчи аудитда аудиторга режалаштириш жараёнини кенгайтириш керак бўлади, чунки, аудиторнинг ушбу ташкилот билан ишлаш тажрибаси йўқ, у одатда кейинги аудиторлик топшириқларни такрорий бажаришни режалаштириш чоғида ҳисобга олинади. Бирламчи аудит учун аудитнинг умумий стратегиясини ва аудитнинг режасини ишлаб

[26]220-сон АХС, 12-13 б.

чиқишда аудитор қўшимча равишда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиши мумкин:

- ушбу, қонунчилик томонидан таъқиқ қилмаган ҳолатларда, олдинги аудитордан маълумотни сўраб олиш (масалан, олдинги аудиторнинг ҳужжатлари билан танишиш имконияти);
- аудитрони танлаш билан боғлик бўлган раҳбарият билан муҳокама қилинадиган ҳар қандай муҳим масалаларни (ҳисобни олиб бориш принципларини ёки аудит стандартларини ва молиявий ҳисобот стандартларини қўллашни ҳиосбга олган ҳолда), ушбу маълумот бўйича бошқарув функциялар билан ваколатланган шахсларга ахборот қилиш, ва ушбу масалалар аудитнинг умумий стратегияси ва режасига қандай таъсир этишини;
- бошлангич сальдога[27] нисбатан ўринли ва жиддий далиллар олиш учун керакли аудиторлик амалларини;
- бирламчи аудит бўйича топшириқларни бажариш учун фирманинг сифатни назорат қилиш тизими билан талаб этилган бошқа амалларни (масалан, фирманинг сифатни назорат қилиш тизими, аудиторлик ҳисоботни беришдан ёки муҳим аудиторлик амалларни ўтказишдан олдин аудитнинг умумий стратегиясини текшириш учун, текширишнинг бошқа раҳбарини ёки катта ходимини жалб қилишниталаб этиши мумкин).

Режалаштиришнинг дастлабки натижалари аудиторлик ташкилотга мижоз билан ишлашга розилик бериш ёки уни рад этишга имкон беради. Ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш учун, қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур. Ҳаммадан олдин, аудиторлик ташкилот аудитнинг ўтказишга принципиал имконияти борлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиши керак бўлади (масалан, аудит ўтказиш учун бухгалтерия ҳисобини тиклаши зарур бўлмаслиги тўғрисида; ижобий аудиторлик хулосасини тайёрлаш имкониятига хеч нарса шубҳа туғдирмайди). Бундан ташқари, аудиторга мижоз билан ишлаш ҳоҳишининг субъектив томонларини баҳолаш зарур: мижоз фаолиятининг қонунийлиги, унинг обрўйи, тўлаш имконияти, ва суд жараёнларнинг ва зиддият холатларнингтариҳи. Аудиторлик текширишга рози бўлаётгангида, аудиторлик ташкилоти уни сифатли ўтказишига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Дастлабки режалаштириш босқичида, қоидага кўра, шунингдек, ташкилий масалаларни, хусусан аудиторларнинг ишн учун меъёрдаги шароитларни яратилишини,кўриб чиқишади. Аудиторларга алоҳида хона,

[27]510-сон АХС "Бирламчи аудит – бошланғич сальдо" 510-сон АХС

ҳужжатларни сақлаш учун алоҳида сейф, нусха кўчириш техникаси, ноутбукларни улаш имконияти, аудиторлик ҳужжатларни босиб чиқариш учун мижознинг принтери, телефон ва факсимил алока воситалари тақдим этилади. Зарур бўлганда аудиторлик ташкилотнинг мутахассислари учун жойлаштириш, турар жой ва овқатланиш, транспорт билан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади.

Агар мижознинг ҳисоботини аудити тўғрисида ижобий қарор қабул қилинса, у билан аудиторлик хизматларни кўрсатиш шартномаси тузилади. Уни имзолагандан сўнг аудитнинг умумий режаси тузилади, унинг ҳажми ва мазмуни иқтисодий субъектнинг катталиги, аудиторлик текширишнинг мураккаблиги, ва шунингдек, аудитор томонидан қўлланиладиган аниқ услуб ва технологияларга боғлиқ.

Зарурият туғилганида етакчи аудитор аудитнинг умумий режасини қайта кўриб чиқиши керак. Қайта кўриб чиқиш, масалан, қуйидаги ҳолатларда бажарилиши мумкин:

- агар, тахлилий амални қўллаш натижасида хўжалик фаолиятнинг фактлари иотўғри акс этилгани аниқланса (масалан, ҳисоботни бошланиш даврига баланс бўйича кириш сальдонинг арифметик ҳисоб китоби бухгалтерия балансининг "Бошқа активлар" моддаси бўйича руйхати (регистрлар) билан тасдиқланмаган). Мазкур ҳолатда, аудитор ушбу йуналишнинг олдинги ҳисобот даври бўйича текширишини режага қўшимча ҳақ эвазига қўшиши мумкин;
- аудитор томонидан қўшма фаолият бўйича катта ҳажмдаги шартномаларни аниқланганда (агар, ушбу йўналиш бўйича текшириш режалаштирилмаган бўлса).

Агар, умумий режанинг қайта кўриб чиқилиши ишлар ҳажмини муҳим даражада кўпайишига олиб келса, режага ўзгартиришлар фақат ташкилотнинг раҳбарияти билан келишган ҳолда киритилиши лозим. Агар умумий режани қайта кўриб чиқилиши ишни кўп бўлмаган даражада кўпайтирса, етакчи аудитор томонидан бу тўғрида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига хабар бермасдан, режага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик ташкилотнинг раҳбариятига йўналишлар тўғрисида ва аудит режасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида хабар бериши зарур. Иқтисодий субъектнинг раҳбарияти томонидан режани кўриб чиқиш билан боғлик бўлган аудиторлик хизматларга қўшимча ҳақ тўлашдан воз кечилиши, қўлланалидиган амаллар аудиторлик ҳисоботида акс этилиши зарур.

Режалаштириш, аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун керак бўлган, режалаштирилган аудиторлик амалларнинг характери, муддатлари ва

ҳажмлари аниқланиши зарур бўлган аудитнинг дастурини тузиш билан тугалланади. Аудиторлик гуруҳнинг раҳбарияти ушбу дастурдан аудиторнинг ёрдамчиларига йўл-йўриқ кўрсатиш ва шунингдек, уларнинг ишини назорат қилиш учун фойдаланадилар. Аудитнинг дастури зарурият тугилганда аудит чоғида қайта кўриб чиқилиши лозим. Аудитор томонидан, аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича қилинган ва ишчи ҳужжатларда акс эттирилган хулосалар, аудиторлик ҳисобот ва аудиторлик хулосани тузиш учун ҳақиқий манба ҳисобланади.

3.2. 315-сон АХС "Ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушиниб олиш давомидаги молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш"

315-сон аудитнинг халқаро стандарти ташкилотнинг фаолият ва муҳитини тушиниш йўли билан, молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушиниш йўли билан молиявий ҳисобот даражасида ва молиявий ҳособот тайёрлашнинг дастлабки шарти даражасида масъулиятсизлик харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишнинг рискларини аниқлаш ва баҳолашдан иборат ва шу билан бирга баҳоланган муҳим бузилиш рискларига жавобан қилинадиган харакатлар учун асосни таъминлаш.

315-сон АХС нинг мақсадлари учуи қуйидаги иборалар қўлланилади.

Молиявий ҳисобот тайёрлашнингдасталбки шарти - молиявий ҳисоботга киритилган ва келиб чиқиши мумкин бўлган потенциал бузилишларнинг ҳар хил турларини аудитор томонидан кўриб чиқиши учун фойдаланаётган раҳбариятнинг аризалари.

Бизнес-риски - муҳим шароитлар, ходисалар, холатлар, харакатлар ёки харакатсизликлар натижасида келиб чиққан риск; у ташкилотнинг ўз мақсадларига эришиш ва хаётга ўзининг стратегиясини ўтказишга таъсир кўсатиши ёки тегишли мақсад ва стратегиялар ўрнатилишининг натижаси бўлиб қолиши мумкин.

Ички назорат-ташкилотнинг мақсадларига эришишга нисбатан ишончлиликни, айниқса, молиявий ҳисоботнинг ишончлигини, операцияларинг самарадорлигини ва қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг қўлланиладиган талабларга мувофиқлигинитаъминлаш учун мулкдорнинг вакили, раҳбарият ва бошқа ходимлар томонидан ишлаб

чиқарган, қабул қилинган ва хаётга тақдим этилган жараёнидир. "Назорат амаллари" (controls)ибора ички назоратнинг битта ёки ундан кўпрок бўлган таркибий қисмининг ҳар қандай жиҳатига тегишли.

Рискни баҳолаш амаллари – молиявий ҳисобот даражасида ва молиявий ҳособот тайёрлашнинг дастлабки шарти даражасида масъулиятсизлик харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишнинг рискларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида бажарилаётган ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини, ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда, тушинишга эришиш учун, аудиторлик амаллардир.

Муҳим риски – аудиторнинг профессионал фикрига мувофиқаудит чоғида махсус кўриб чиқишни талаб этиладиган муҳим бузилишнинг аниқланган ва баҳоланган рискидир.

Стандартнинг «Талаблар» бўлими рискни баҳолаш амаллар ва улар билан боғлик бўлган харакалар, ташкилот харакат қилаётган фаолият ва мухитни, ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда, талаб этиладиган тушинишга урғу беради.

Аудитор молиявий ҳисобот даражасидаги ва молиявий ҳисобот тайёрлашнинг дастлабки шарти даражадасидаги молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш учун асосни таъминлаш мақсадида рискни баҳолаш амалларини бажаришга мажбур.

Рискни баҳолаш амаллари ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

- раҳбарият ва ташкилотнинг бошқа ходимларига сўровномалар бериш;
- таҳлилий амаллар (А7-А10 бандига қаралсин);
- кузатиш ва инспекциялаш (А11 бандига қаралсин).

Аудиторлик текширишнинг раҳбари ва гурухнинг бошқа ҳал қилувчи аъзолари ташкилотнинг молиявий ҳисоботи муҳим бузилишларга дучор бўлиш мумкинлиги тўғрисидаги масалаларни, ҳамда ушбу ташкилотнинг фактлари ва ҳолатларига нисбатан молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган тизимнинг характери тегишли бўлиб ҳисобланишини муҳокама қилишлари зарур. Аудиторлик текширишнинг раҳбари муҳокамада қатнашмаган гуруҳ аъзоларига топшириқ бўйича қандай масалалар маълум қилинишини аниқлашга мажбур.

Аудитор қуйидагиларни тушинишга эришиши мажбур:

- молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланилаётган тизимни қўшиб ҳисоблаганда, соҳани, тартибга солишни ва бошқа ташқи факторларни;
- ташкилотнинг табиатини (унинг операцияларини, бошқариш тизимини ва мулкнинг тузилишини);

• ташкилот томонидан амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилаган инвестицияларнинг турларини;

• ташкилотнинг тузилиши ва у қандай қилиб молиялаштирилаётганини.

Аудитор, аудит мақсадларига мувофиқ бўлган, ташкилотнинг ички назоратини тушинишга эришиши мажбур.

Аудитга нисбатан назорат қилиш амалларни тушиниш учун, аудитор ушбу амалларнинг турини баҳолашга мажбур ва, ходимларни қўшимча равишда сўровнома ўтказишдан ташқари,қўшимча амалларни қўллаш йўли ёрдамида амалиётда ушбу амаллар амалда қўлланиганлигини аниқлашга мажбур.

Ички назоратнинг таркибий кисмларига назорат муҳитини киритиш лозим. Аудитор қуйидагиларни баҳолашга мажбур:

• раҳбарияттомонидан ёки мулкдор вакилининг назорати остида виждонан бурчни бажариш ва ахлокий хулк-атворнинг маданияти яратанлигини;

• назорат муҳитнинг барча элементлари ички назоратнинг бошқа таркибий қисмлари учун тегишли асос яратганлигини, ва назорат муҳитнинг бўшлиги сабабли, ушбу ва бошқа таркибий қисмлар ўз кучини йўқотишига олиб келмаганлигини.

Аудитор ташкилотда қуйидаги жараёнларнинг мавжудлигини тушинишга мажбур:

• молиявий ҳисоботнинг тузиш мақсадлари билан боғлик бўлган бизиес-рискларини аниқлаш учун;

• ушбу рискларнинг жиддийлигини баҳолаш;

• улар келиб чиқишининг эҳтимоллигини баҳолаш;

• ушбу рискларга жавобан қандай харакатларни амалга ошириш зарурлигини аниқлаш(А79 бандига қаралсин).

Аудитор молиявий ҳисоботга куйидаги сохалардатегишли бўлган, у билан боғлик бўлган бизнес-жараёнларни қўшиб ҳисоблаганда, аборот тизимини тушинишга мажбур.

Аудитор молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича ташкилот томонидан бажариладиган ишларни қандай тақсимланишини ва шунингдек,маъсулиятни,

• раҳбарият ва мулкдорнинг вакиллари ўртасида;

• ташқи фойдаланувчиларга, масалан тартибга солиш органларга (А86-А87 бандларига қаралсин), молиявий ҳисобот билан боғлик бўлган маълумотнинг топширилишини қўшиб ҳисоблаганда, муҳим масалаларни тушинишга эришиши мажбур.

Аудитор аудит билан боғлик бўлган молиявий ҳисобот тайёрлашнинг дастлабки шарти даражасидаги бузилишнинг жиддий рискини баҳолаш учунназорат харакатларини тушинишга ва баҳоланган рискларга мувофиқ аудиторлик амалларни ишлаб чиқишга мажбур.

Назорат харакатларни тушинишга эришишда, ташкилот, унинг ахборот тизими билан боғлиқ бўлган рискларга жавобан харакат қилишини, аудитор тушинишга мажбур.

Аудитор, аудит билан боғлик бўлган назорат харакатларига тегишли бўлган амалларни қўшиб ҳисобга олганда, молиявий ҳисобот тузилиши устидан ўзининг ички назоратининг мониторинги учун ташкилот томонидан фойдаланилаётган асосий амалларни ва назорат амалларига мувофиқ тузатадиган харакатларига ташкилот қандай қилиб ташаббус қўрсатаётганини тушинишга эришишга мажбур.

Жиддий бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш. Аудитор жиддий бузилишлар рискларини қуйидаги поғоналарда аниқлаш ва баҳолашга мажбур:

- *умуман молиявий ҳисобот поғонасида* (А105-А108 бандларига қаралсин);
- операциялар турлари, баланс ҳисоблари ва ечиб беришлар учун молиявий ҳисобот тайёрлашнинг дастлабки шартида (А109-А113 бандларига қаралсин).

Кейинги аудиторлик амалларни ишлаб чиқиш ва бажаришнинг асосини шакллантириш учун аудитор:

- рискларга тегишли бўлган назорат воситаларини қўшиб ҳисоблаганда, ташкилот ва унинг муҳитини тушиниш чоғидаги рискларни ва молиявий ҳисоботдаги операциялар, баланс ҳисоблар ва ечимларни кўриб чиқишдагирискларни аниқлашга (А114-А115 бандларига қаралсин);
- аниқланган рискларни баҳолашга ва улар умуман молиявий ҳисоботга ҳаммасидан кўра бузиладиган бўлиб таъсир кўрсатишни ва молиявий ҳисобот тайёрлашнинг кўпчилик дастлабки шартларига потенциал таъсир кўрсатишинианиқлашга;
- аниқланган рискларни аудитор текширмоқчи бўлган назорат воситаларини инобатга олиб, молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг дастлабки шарти поғонасида бошқа йўл билан кетиши мумкин ҳолатлар билан бирга боғлашга мажбур (what could go wrong) (А116-А118 бандларига қаралсин);
- кўп сонли бузилишлар келиб чиқиши мумкинлигини қўшиб ҳисоблаганда, бузилишнинг бўлиши мумкинлигини, ва, натижада жиддий

бузилишга олиб келиши мумкин бўлган, потенциал бузилиш даражасининг катталигини кўриб чиқишга мажбур.

Қандай рисклар муҳим бўлиши мумкинлиги тўғрисида мулоҳаза қилиш чоғида, аудитор лоақал қуйидаги ҳолатларни кўриб чиқишга мажбур:

- риск масъулиятсизлик харакатларнинг риски бўлиб ҳисобланиши;
- риск, иқтисодий вазият ва бухгалтерия ҳисобида якинда бўлиб ўтган ривожланишларбилан боғлик бўлгани, ва шунинг учун махсус диққатни талаб этилишини;
- операцияларнинг мураккаблигини;
- ушбу риск, боғлик бўлган томонлар билан мураккаб операцияларни ўз ичига олиши мумкинлигини;
- ушбу риск билан боғлик бўлган молиявий маълумотни баҳолаш чоғида субъективлик қай даражадалигини, айниқса катта даражадаги ноаниқликни ўз ичига оладиган шундай ўлчамларни;
- риск, ташкилот бизиесининг иормал юритилишига мос келмаган ёки бошқа сабабларга кўра ноодатий бўлиб туюладиган жиддий операцияларни ўз ичига олганлигини (А 119-А123 бандларига қаралсин);

Баъзи рискларга нисбатан аудитор, уларга нисбатан ассосий масала бўйича текшириш йўли билан етарли тегишли аудиторлик даллилларни олиш иложи йўқ ёки фойдаси бўлмаган деган фикрга келиши мумкин.

Аудитор қуйидагиларни ҳужжатлаштиришга мажбур[28]:

- 10- бандга мувофиқ гуруҳдаги муҳокамани ва унинг чоғида чиқарилган барча муҳим қарорларни;
- 11 бандида эслатиб ўтилган ташкилотнинг фаолиятининг ҳар бир жиҳатига ва муҳитига ҳамда 14-24 бандларида ўриатилган ички назоратнинг ҳар бир қисмига нисбатан ҳал қилувчи элементларнинг тушунилишини, улар асосида тушинишга эришилган маълумот манбааларини ва рискларни баҳолаш бўйича бажарилган амалларни;
- 25- бандга мувофиқ умуман молиявий ҳисоботнинг даражасида ва молиявий ҳисобот тайёрлашнинг дастлабки шарти даражасидаги жиддий бузилишнинг аниқланган ва баҳоланган рискларини;
- аниқланган рискларни ва улар билан боғлик бўлган, аудитор 27-30-бандларга мувофиқ тушинишга эришган, назорат воситаларни (А131-А134 бандларига қаралсин).

Шундай қилиб, 315-сон АХСнинг низомлари ушбу иқтисодий субъектнинг фаолиятини тушиниш учун керак бўлган маълумот билан

[28]230-сон АХС, 8-11 б, А6

аудиторларни ўз вақтида таъминлаш бўйича текширилаётган иқтисодий субъект раҳбарларининг мажбуриятларини ўрнатади. Иқтисодий субъектнинг фаолияти тўғрисида ортиқроқ чукур билимга эга бўлиш заруриятида, аудитор таҳлилий амалларни қўллаши керак. Бунга керак бўлган маълумот қуйидагича гуруҳланиши зарур: умумий иқтисодий факторлар бўйича маълумотлар; мижоз фаолиятига тегишли соҳасининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маълумотлар; иқтисодий субъектнинг фаолияти билан боғлик бўлган маълумотлар.

Аудит қилинувчи шахснинг фаолияти тўғрисидаги маълумот билан тегишли равишда фойдаланиш учун аудитор ушбу фаолиятнинг характери умуман молиявий ҳисоботга қандай таъсир қилинишини ва молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки шарти аудиторнинг ушбу фаолият тўғрисидаги билимларига мувофиқлигини таҳлил қилиши керак.

Аудиторлар, молиявий ҳисобот, текшириш ёки аудиторлик хулосага жиддий таъсир кўрсатадиган ходисалар, операциялар, иш услубларини аниқлаш ва тушиниш учун етарли ҳажмдаги мижознинг бизнеси тўғрисидаги билимларни олишлари учун, аудиторлик ташкилотлар, аудиторлик фаолиятининг кўрсатилган стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўз ходимларининг аттестацияси ва малакасини ошириш масаларига муҳим аҳамият беришлари зарур, чунки ушбу билимлар ажралмас рискни, назорат қилиш тизимидаги рискни баҳолаш учун муҳимдир ва аудиторга аудиторлик амалларнинг характери, муддатлари ва ҳажмини тўғри баҳолашга имкон беради.

3.3 320-сон АХС "Аудитни режалаштириш ва ўтказишдаги муҳимлик"

320-сон халқаро аудитнинг стандарти аудитни режалаштириш ваўтказишда муҳимликтамойилини қўллаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. 450–сон АХС "Аудит чоғида аниқланган бузилишларни баҳолаш" аниқланган бузилишлар таъсирини баҳолаш чоғида муҳимликнинг қандай қилиб қўлланилишини тушинтиради.

"Аудитнинг контекстидаги муҳимлик" бўлимида муҳимликнинг қуйидаги ифодалари келтирган:

- бузилишлар, ечилмаган маълумотларни қўшиб ҳисоблаганда, агар, улар алоҳида- алоҳида ёки биргаликда олиган бўлиб, молиявий ҳисобот асосида қабул қилинган фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатилиши оқилона кутилганда, муҳим деб, ҳисобланади;

• муҳимликка нисбатан фикр, аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, қилинади, ва уларга бузилишнинг улчами ёки характери таъсир этади;

• молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун муҳим бўлган масалалар тўғрисидаги фикрлар, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларнинг оддий маълумотга эҳтиёжларини кўриб чиқилишига асосланади.

Аудитор томонидан муҳимликни аниқлаш масаласи - унинг профессионал фикр юритиш предмети деб, ҳисобланади.

Бунда аудитор фодаланувчиларга нисбатан кўйидагилар бўйича таҳмин қилади:

• улар ишбилармонлик ва иқтисодий амалиётга ҳамда бухгалтерия ҳисоби принципларига ва молиявий ҳисоботдаги маълумотларни синчковлик билан кўриб чиқиш истагига эга бўлишлари;

• молиявий ҳисобот муҳимлик даражаларига мувофиқ тайёрланган, тақдим этилган ва аудит ўтказилганлигини тушинишлари;

• келажакдаги ходисаларни баҳолаш, фикрлаш ва кўриб чиқиш жараёнига асосланган суммаларни улчашига тегишли бўлган иоаниқликнинг мавжудлигини тан олишалари;

• молиявий ҳисоботдаги маълумот асосида тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилишлари.

Муҳимлик тамойили аудитор томонидан режалаштириш чоғида ҳам, аудит чоғида ҳам, ва аниқланган бузилишларни аудитга таъсир қилишини баҳолаш чоғида ҳам , ва тузатилмаган бузилишларнинг молиявий ҳисоботга таъсир этишни баҳолаш чоғида (агар улар мавжуд бўлса) ҳам, ва аудиторлик хулосада аудиторлик фикрни шакллаштириш чоғида ҳам қўлланилади.

Режалаштириш чоғида аудитор муҳим бўлиб ҳисобланадиган бузилишлар миқдорига нисбатан фикр юритади.

Аудиторнинг мақсади аудитни режалаштириш ва ўтказиш чоғида муҳимлик тамойилини тўғри қўллашидан иборат.

Стандарт қуйидаги ибораларни ўрнатади:

АХС нинг мақсадлари учун *қўлланиладиган муҳимлик деб*, аудитор томонидан, тузатилмаган ва аниқланмаган бузилишлар йигиндисининг ҳажми умуман молиявий ҳисоботнинг муҳимлигидан юқорироқ бўлиш эҳтимолини яроқли паст даражасигача пасайтириш мақсадида, умуман молиявий ҳисоботнинг муҳимлик даражасидан паст бўлган даражада ўрнатилган сумма ёки суммалар тушиналади. Агар қўлланиши мумкин булса, қўлланадиган муҳимлик деб шунингдек аудитор томонидан операциялар, баланс кўрсаткичлари ёки очиб беришларнинг аник турлари учун муҳимликнинг

даражси ёки ундан паст булган даражасида ўрнатилган сумма ёки суммалар тушинилади.

"Талаблар бўлимида" аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқишда аудитор молиявий ҳисоботнинг муҳимлигини умуман олган ҳолда аниқлаши мажбур деб, белгиланган.

Аудитор қўлланиладиган муҳимликни муҳим бузилиш рискларини баҳолаш ва келажакдаги аудиторлик амалларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмларини аниқлашга мажбур.

Аудиторлик ҳужжатлар, уларни аниқлаш чоғида кўриб чиқилган қуйидаги ўлчамлар ва омилларни ўз ичига олиши керак[29]:

1) молиявий ҳисобот учун умуман олган ҳолда муҳимликни;

2) агар қўлланиши мумкин бўлса, операциялар, баланс кўрсаткичлари ва очиб беришларнинг аниқ турлари учун муҳимликнинг даражаси ёки даражалари:

3) қўлланиладиган муҳимликни;

4) аудит чоғидаги ҳар қандай қайта кўриш чиқиш тўғрисидаги (1) – (3) маълумотларни.

Молиявий ҳисоботни ўтказиш чоғида аудиторнинг умумий мақсадлари молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузилишлардан холислигига ишонч ҳосил қилиш, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосани тайёрлаш ва АХС талабига кўра аудит чоғида аниқланган фактлар бўйича маълумотни хабар қилишдан иборат[30].

Аудитор аудиторлик рискни ярокли паст даражасигача пасайтириш мақсадида етарли тегишли аудиторлик далиллар олиш йўли билан ишончлиликга эга бўлади[31].

"Муҳимлик ва аудиторлик риски" бўлимида *аудиторлик риски* кўриб чиқилади – молиявий ҳисобот муҳим даражасида бузилган вазиятда, аудитор тегишли бўлмаган аудиторлик фикрини баён қилиш риски. Аудиторлик риски муҳим бузилиш риски ва аниқланмаган риск функцияси ҳисобланади[32].

Муҳимлик ва аудиторлик риски бутун аудит ўтказиш давомида кўриб чиқилади, айникса қуйидаги ҳолатларда:

- муҳим бузилиш рискини аниқлаш ва баҳо беришда[33];

---

[29]230-сон АХС, 8-11б, А6

[30] "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтшказиш " 200-сон АХС, 11-б.

[31]200-сон АХС, 17-б.

[32]200-сон АХС13-б.(с)

[33]315-сон АХС (таҳрир қилинган)

• келажакдаги аудиторлик амалларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажми аниқланганида[34];

• молиявий ҳисоботга тузатилмаган бузилишларнинг кўрсатилган таъсири баҳоланганида (улар мавжуд бўлган ҳолатларда)[35] ва аудиторлик хулосада аудиторлик фикр шаклланишида[36].

Одатда, давлат ташкилотлари ҳолатида, ҳисоботнинг асосий фойдаланувчиси бўлиб қонунчилик ва тартибга солиш органлари ҳисобланади. Давлат ташкилотларининг молиявий ҳисоботини аудит қилиш чоғида молиявий ҳисоботнинг умуман олган ҳолда муҳимлиги шунинг учун қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талаблари ҳамда конун чиқарувчилар ва жамоатчиликнинг жамоат секторининг дастурлари учун молиявий маълумотга эҳтиёжи билан аниқланади.

3.4. 330-сон АХС "Баҳоланган рисклар бўйича аудиторлик амаллари".

330-сон аудитнинг халқаро стандарти "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиш" 200-сон АХС билан бирга ўқилиши керак.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти молиявий ҳисобот аудити чоғида, 315-сон АХС нинг талабларига мувофиқ аниқланган ва баҳоланган, муҳим бузилишлар рискига жавобан амалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади, муҳим бузилишнинг баҳоланган рискларига жавобан тегишли амалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш йўли билан,ушбу рисклар бўйича етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат.

330-сон АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Асосий масала бўйича текшириш тартиби – молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасида муҳим бузилишларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган аудиторлик тартиб. Асосий масала бўйича текшириш амаллари қуйидагилардан:

• муфассал тестлардан (операциялар, баланс моддалари ва очиб беришларнинг турлари учун);

• асосий масала бўйича текширишнинг тахлилий амалларидан иборат.

Назорат тести - молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасидаги муҳим бузилишларни олдини олиш ёки аниқлаш ва туғрилаш

[34]330-сон АХС
[35]450-сон АХС
[36]700-сон АХС

учун назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган, аудиторлик тартиб.

"Талаблар" бўлимида умуман олганда молиявий ҳисобот даражасида аниқланган ва баҳоланган рискларга нисбатан умумий харакат қилиш амалларини ишлаб чиқиш ва қўллаш мажбурияти бўйича аудиторларга қўйилган талаблар ифода этилади.

Кейинги аудиторлик амалларни ишлаб чиқишда аудитор, операциялар, баланс моддалари ёки ечиб беришлар (яъни, ажралмас риск)нинг тегишли турларининг аниқ тавсифлари натижасида муҳим бузилиш эҳтимолини қўшиб ҳисоблаганда, уларга асосан муҳим бузилиш рискига баҳо берилган сабабларини кўриб чиқишига мажбур. Рискнинг баҳоланиши тегишли назорат воситалари (яъни, назорат риски)ни инобатга олганлигини ўрнатиш талаб қилинади. Бу ҳолатда аудитор назорат қилиш воситалари самарадорлигига, яъни аудитор асосий масала бўйича амалларнинг характери, ўтказиш муддати ва ҳажмини аниқлаш чоғида назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига ишонч ҳосил қилишга, рискнинг аудиторлик баҳоланишидан юқорироқ турган, ишончлироқ аудиторлик далилларга эга бўлишга мажбур.

Аудитор назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун қуйидаги ҳолатларда назорат тестларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур:

- молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасида аудитор томонидан муҳим бузилиш рискини баҳоланиши назорат воситалари самарали ишлаши бўйича кутилишини ўз ичига олганда;
- асосий масала бўйича амаллар ўз ўзидан молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасида етарли тегишли аудиторлик далилларни тақдим эта олмайди.

Назорат тестларни ишлаб чиқиш ва бажариш чоғида аудитор:

- текширилаётган вақтда ёки текширалаётган вақт даврида назорат воситалар қандай қилиб кўлланилганлигини аниқлашни қўшиб ҳисоблаганда, тегишли назорат қилиш воситаларнинг операцион самарадорлиги тўғрисида аудиторлик далилларни олиш учун; улар қўлланилишининг такрорланишлари; ким томонидан ва қандай қилиб улар қўлланилганидан ташқари бошқа аудиторлик амалларини бажаришига;
- тест қилишни қўзлаган уша назорат воситалар бошқа назорат воситаларга боғлиқлигини аниқлашга; ушбу назорат воситаларнинг самарадорлигига нисбатан аудиторлик далилларни олишга мажбур.

Аудитор, давр орасидаги назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига нисбатан аудиторлик далилларни олган вақтда, у:

• давр орасидан кейин келиб чиққан ушбу назорат воситалардаги муҳим ўзгаришларга нисбатан аудиторлик далилларни олишга;

• қолган давр учун қандай қўшимча аудиторлик далилларни олиш зарурлигини аниқлашга мажбур.

"Олдинги аудитлар чоғида олинган аудиторлик далилларидан фойдаланиш " бўлимида башарти аудитор томонидан муҳим деб,белгиланган рискканисбатан назорат воситаларнинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилиш нияти бўлса, аудитор жорий аудитда ушбу назорат воситаларини тестлашга мажбур.

Агарда, аудитор томонидан ишонч ҳосил қилинган иазорат воситалар ишида бузилишлар аниқлан бўлса, унда ушбу бузилишларнинг сабабларини ва уларнинг потенциал оқибатларини тушиниш учун аудитор махсус сўровиомаларни ўтказишга ва:

• бажарилган назорат тестлар назорат воситаларнинг ишончлигига тегишли асос беришини;

• қўшимча назорат тестлар лозимлигини;

• бузилишларнинг потенциал рисклари асосий масалалар бўйичатекшириш амаллардан фодаланишни талаб этилишини аниқлашига мажбур.

Муҳим бузилишрискларини баҳолашдан катъий назар, аудитор операциялар,баланс моддалари ва очиб беришларнинг ҳар бир муҳим тури учун асосий масалалар бўйича текшириш амалларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур.

Аудитор асосий масалалар бўйича текшириш чоғида ташқи тасдиқларни олиш амаллари бажарилишининг зарурлигини кўриб чиқишга мажбур.

Асосий масалалар бўйича ҳисоботни ёпиш жараёнига нисбатан аудиторлик амаллар қуйидаги амалларни ўз ичига олиши зарур:

• молиявий ҳисобот маълумотларининг бирламчи бухгалтерлик ёзувларига мувофиқлигини текширишини;

• молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш чоғидаги қилинган қайд дафтаридаги муҳим ёзувлар ва тўғрилашларни текширишни.

Агарда, аудитор баҳоланган муҳим бузилиш риски муҳим деб, аниқлаган бўлса у ушбу рискга нисбатан махсус ишлаб чиқилган асосий масалалар бўйича текшириш амалларини бажаришга мажбур.

Агар асосий масалалар бўйича текшириш амаллари оралиқ муддатга бажарилаётган бўлса, аудитор шунингдек, кейинги даврни кейинги давр учун

асосий масалалар бўйича текшириш амаллар ва назорат қилиш тестларини бажариш йўли билан кўриб чиқишга мажбур.

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича умумий тасаввурни баҳолаш, ва аудит чоғида етарли тегишли аудиторлик далиллар олингани тўғрисида хулоса чикариш учун аудиторлик амалларини бажаришга мажбур.

Агар, аудитор молиявийҳисоботнинг муҳимдастлабки тайёрланишига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олмаган бўлса, у келажакдаги аудиторлик далилларни олишга мажбур. Агарда, аудиторда етарли тегишли аудиторлик далиллар олишининг иложи бўлмаса, у фикрини қўшимча шарт билан баён этишга ёки фикрини баён қилишни рад этишга мажбур.

"Ҳужжатлаштириш" бўлими аудитор томонидан ҳужжатлаштириш мажбурияти бўйича аудиторнинг талабларини ўз ичига олади[37]:

- молиявий ҳисобот даражасидаги муҳим бузилишбаҳоланган рискига ва бажарилган кейинги аудиторлик амалларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмларига жавобан умумий харакат қилишни;
- молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасида ушбу амалларнинг баҳоланган рисклар билан боғлиғини;
- хулосаларни қўшиб ҳисоблаганда, агар улар яққол бўлмаса, аудиторлик амаллар натижаларини.

Агарда, аудитор олдинги аудитлар чоғида олинган назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига нисбатан аудиторлик далиллардан фойдаланишни режалаштирса, у олдинги аудитлар чоғида тестланган шундай назорат воситаларнинг ишончлилигига нисбатан қилинган хулосаларни ҳужжатлаштиришга мажбур.

Аудиторлик ҳужжатлаштириш молиявий ҳисобот ҳисобга олиш ёзувларига мувофиқ эканлиги (ёки мувофиқ бўлмаганлиги)ни намойиш қилиши лозим.

ХУЛОСА

1. Аудитнинг режалаштирилиши унинг стратегия ва тактикасини аниқлашдан, қўйилган мақсад - молиявий ҳисоботнинг ишончлигини тасдиқлаш учун ҳаммасидан кўра самарадорлироқ эришишга имконият берувчи тартиб ва услубларни белгилашдан иборат. Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш бўйича тавсиялар 330-сон АХС "Режалаштириш" да

[37]230-сон АХС, 8-11 б., А6

келтирилган. "Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш" 330-сон аудитнинг халқаро стандарти 200-сон АХС билан бирга ўқилиши лозим.

2. Аудитнинг режалаштирилиши аудитнинг умумий стратегиясини ва аудит режасини тузишни ўз ичига олади. Тўғри режалаштириш молиявий ҳисоботнинг аудит чоғида, аудитнинг муҳим бўлимларини кўриб чиқишга, потециал муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга, аудитни тўғри ташкил қилиш ва уни бошқаришга, аудиторлик гурухининг тегишли равишда билим кўникмаларини ва тажриба даражасидаги аъзоларини танлашга, аудиторлик гуруҳ аъзоларининг устидан бошқариш ва назорат қилишга, аудитнинг самарадорлигини кўтариш мақсадида уларнинг ишини назорат килишга ёрдам беради.

3. "Ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушиниб олиш давомидаги молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш" 315-сон АХС, ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда, ташкилот фаолияти ва унинг муҳитини тушиниб етиш йўли биланмолиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади.

4. Аудиторнинг мақсади - ички иазоратни қўшибҳисоблаганда, ташкилотнинг фаолияти ва унинг муҳитини тушиниш йўли билан, молиявий ҳисобот жараёнидава молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасидамасъулиятсизлик харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишнинг рискини аниқлаш ва баҳолашдан иборат ва шубилан бирга молиявий ҳисобот жараёнидава молиявий ҳисобот тайёрланишининг дастлабки поғонасидамуҳим бузилишнинг баҳоланган риски бўйича жавоб тариқасида асосни таъминлаш.

5. Бизнес риски – муҳим шароитлар, ҳодисалар, харакат ёки харакатсизлик натижасида келиб чиққан рискдир; у ташкилотнинг ўз мақсадларига эришиш қобилиятига ҳар ҳил бўлган йўл билан таъсир ўтказишгаэришиш ва хаётга ўзининг стратегияларини ўтказиш ёки тегишли бўлмаган мақсад ва стратегияларни ўрнатилишининг натижаси бўлиши мумкин. Рискни баҳолаш амаллари ўз ичига ташкилотнинг раҳбарияти ва бошқа ходимларига нисбатанқилинган талаблар, таҳлилий амаллар; кузатиш ва инспекциялашни олиши зарур.

6. Аудиторлик текширишнинг раҳбари ва гуруҳнинг бошқа ҳал қилувчи аъзолари ташкилотнинг молиявий ҳисоботи муҳим бузилишларга дучор бўлиш ва қўлланадиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш тизими ушбу ташкилотнинг фактлари ва ҳолатларига нисбатан тегишли характерига эга бўлиш масалаларини муҳокама қилишга мажбур. Аудиторлик текширишнинг

раҳбари муҳокамада қатнашмайдиган топшириқ бўйича гуруҳ аъзоларига қандай масалалар маълум қилиш кераклигини аниқлашга мажбур.

7. "Аудитни режалаштириш ва ўтказишдаги муҳимлик" 320-сон аудитнинг халқаро стандарти аудитни режалаштириш ва ўтказишда муҳимлик тамойилини қўллаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. Бузилишлар, маълумотни ечиб бермасликни қўшиб ҳисоблаганда, агар улар алоҳида-алоҳида ёки биргаликда олинганида, фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинаётган иқтисодий қарорларига таъсир этса, муҳим деб,ҳисобланади, муҳимликка нисбатан мулоҳазалар аниқ вазиятлардан келиб чиққан ҳолатда қилинади ва уларга бузилишларнинг ўлчами ва характери таъсир кўрсатади; молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун муҳимликтўғрисидаги масалалар бўйича мулоҳазалар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг оддий ахборот эҳтиёжларини кўриб чиқишга асосланади.

8. "Баҳоланган рисклар бўйича аудиторлик амаллар" 330-сон АХС "Мустакил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш" 200-сон АХС билан бирга ўқилиши керак. Стандарт молиявий ҳисобот чоғида аниқланган муҳим бузилишрискига жавобан амалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. Аудиторнинг мақсади муҳим бузилишнинг баҳоланган риски бўйича ушбу рискларга жавобан тегишли амалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш йўли билан етарли тегишли аудиторлик далилларга эга бўлишдан иборат.

9. Аудиторлик амалларни ишлаб чиқишда, тегишли операциялар, баланс моддалари ёки очиб беришлар (яъни ажралмас риск) турларининг аниқ тавсифлари натижасида, муҳим бузилиш эҳтимолини қўшиб ҳисоблаганда, аудитор муҳим бузилиш рискига баҳо берилган асосларнинг сабабларини кўриб чиқишга мажбур. Рискни баҳоланиши тегишли назорат воситалар (яъни назорат риски)ни инобатга олишини кўриб чиқиш талаб этилади. Бу ҳолатда аудитор назорат қилиш воситаларининг самарали эканлигига аудиторлик далилларни олиши зарур, яъни асосий масала бўйича амалларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмини аниқлашда аудитор назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига ишонч ҳосил килиш, рискни аудиторлик баҳолашдан юкори бўлган, ишончли аудиторлик далилларни олиш бўйича аудиторнинг хохиши хисобланади.

10. Аудитор тегишли назорат воситаларнинг тезкор самарадорлиги бўйича етарли тегишли аудиторлик далилларни олиши учун иазорат тестларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур.

Ўз ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Аудитнинг режалаштирилиши нимадан иборат ?
2. "Режалаштириш" 300 – сон АХС нималарни тартибга солади?
3. Аудитнинг режалаштирилишиўз ичига нималарни олади?
4. Режалаштириш чоғида нималарга эга бўлади?
5. "Ташкилотнинг фаолияти ва муҳитини тушиниб олиш давомидаги молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш" 315-сон АХС,нималарни тартибга солади?
6. Молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича аудиторнинг мажбуриятинимадан иборат?
7. Масъулиятсизлик ҳаракатлар ва хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолашда аудиторнинг мақсади нимадан иборат?
8. Бизнес-рискни тарифлаб беринг.
9. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботи нималарга дучор бўлиш мумкинлиги масалалари бўйича аудиторлик текшириш раҳбари ва гуруҳнинг ҳал қилувчи аъзолари нимани муҳокама қилишлари зарур?
10. "Аудитни режалаштириш ва ўтказишдаги муҳимлик" 320-сонАХС нималарни тартибга солади?
11. Қандай бузилишлар муҳимҳисобланади?
12. "Баҳоланган рисклар бўйича аудиторлик амаллар" 330-сон АХС нималарни ечиб беради?
13. Муҳим бузилишнинг баҳоланган рисклари бўйича етарли тегишли аудиторлик далилларни олишда аудиторнинг мақсади нимадан иборат?
14. Ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискларини баҳолаш чоғида аудитор кандай аудиторлик амалларни ишлаб чиқишга мажбур?
15. Назоратнинг тегишли воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича етарли тегишли аудиторлик далилларни олишн учун аудиторнинг назорат тестлари кандай талабларга жавоб бериши зарур?

4 -БОБ. 402-СОН АХС «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАН ТАШКИЛОТ АУДИТИГА НИСБАТАН ФИКР ЮРИТИШ» ВА 450-СОН АХС «АУДИТ ЧОҒИДА АНИҚЛАНГАН БУЗИЛИШЛАРНИ БАҲОЛАШ »

Бобни ўрганиб чиқиб, сиз:

- аудиторларнинг маъсулиятини тартибга солиш бўйича аудитнинг халқаро стандартлар тизимини;
- аудитнинг услубиёти, услуби ва ташкил қилишни;
- режалаштириш услуби, дастурларни тузиш ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудит тартибларини ўтказишни;
- бухгалтерия ҳисобининг барча жиҳатларини ва молиявий ҳисоботни дастлабки, асосий ва унинг якунланувчи босқичларида аудитни ўтказиш тартибини;
- иқтисодий субъектлар ва аудиторлик фирмаларнинг ташқи аудитини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва маъсулиятларини

билиб оласиз

- аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудитни режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказишни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудитнинг дастурларини ишлаб чиқишни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосани тузишни;
- аудитга нисбатан халқаро ва миллий ёндашишларни солиштиришни ва улар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини;
- аудит натижасн бўйича иқтисодий субъект раҳбариятига тавсияларни ишлаб чиқиш;
- корхонадаги ички назорат ҳолатини текшириш ва ташкил этишни;
- аудитнинг халқаро стандартлари асосида компьютерлаштириш шароитларда аудитни ўтказишни;
- ички назорат, ҳисоб ва тадбиркорлик фаолияти бошқаришини такомиллаштириш учун аудит натижаларидан фойдаланишни

ўрганасиз

• хўжалик фаолиятини юритишда ва бухгалтерия ҳисобини олиб боришда бузилишлар ва қонунга ҳилоф бўлган харакатларни аниқлаш усул ва услубларга;

• текширишлар натижаларни умумлаштириш усуллари ва аудиторлик хулосани тузишга;

• ички назорат масалаларини амалий равишда ечиш кўникмаларига;

• иқтисодий субъектнинг тадбиркорлик фаолиятидаги самарадорлик ошишининг бошқаришда аудит натижаларидан фойдаланиш усулларига

эга бўласиз

Асосий тушунчалар. 402-сон АХС«Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланаётган ташкилот аудитига нисбатан фикр юритиш» ва 450-сон АХС «Аудит чогида аниқланган бузилишларни баҳолаш»

4.1. 402-сон АХС «Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланаётган ташкилот аудитига нисбатан фикр юритиш»

402-сон аудитнинг халқаро стандарти, "Мустакил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитнинг Халқаро стандартларга мувофиқ аудитни ўтказиш" 200-АХС билан бирга ўқилиши керак. Аудитнинг ушбу халқаро стандарти (АХС) асосий ташкилот битта ёки бир нечта хизмат кўрсатиш ташкилотларининг хизматидан фойдаланган ҳолатда, аудиторнинг етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш бўйича масъулиятини кўриб чиқади. Хусусан, у ушбу рискларга жавобан жиддий бузилиш рискларни аниқлаш ва кейинги аудиторлик амалларни ишлаб чикариш ва бажариш учун етарли бўлган, аудитга тегишли ички иазоратни кўшган ҳолда, асосий ташкилотни тушунишга эришиш учун аудитор томонидан 315 –сон АХС ва 330-сон АХС ларни қўллашда талабларни кенгайтиради.

402-сонли АХС да кўпчилик ташкилотлар ўз бизнесининг маълум бир жиҳатларини - асосий ташкилот бошқариши остида аниқ вазифаларни бажаришдан токи асосий ташкилотнинг алоҳида бўлинмалар фаолиятини ўзгартиришигача бўлган - ҳар ҳил хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар хизматига тақдим этиши, ёки ушбу ташкилотларга, солиққа тортилиш талабларига мувофиқлиги бўйича функциялар каби, алоҳида функцияларини бериши белгиланади. Шундай ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган хизматлардан кўпи асосий ташкилотнинг бизнес-жараёнларнинг ягона қисми бўлиб ҳисобланади; лекин, ушбу хизматларнинг ҳаммаси ҳам аудит билан боғлиқ эмас.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилаётган хизматлар, ушбу хизматлар ва уларга нисбатан иазорат воситалари асосий ташкилотнинг ахборот тизими ҳисобланганида ва улар орасида молиявий ҳисоботга тааллуқли бизнес-жараёнлари билан боғлиқ бўлганида, асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботи аудитига даҳлдор бўлади.Бинобарин, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситаларининг катта бир қисми, бевосита молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлсада, активларнинг сақланишига нисбатан иазорат воситалари сингари, аудитга тегишли бошқа назорат воситалари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматлари асосий ташкилотнинг ахборот тизимининг ва улар билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботни тайёрлашга тегишли бизнес-жараёнларнинг қисми ҳисобланади, агарда ушбу хизматлар қуйидагиларнинг биронтасига таъсир кўрсатса:

- асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботи учун жиддий ҳисобланган, асосий ташкилотнинг операцияларига кирувчи битимлар турларига;
- ташкилотнинг битимларини ўтказиш, ташаббус кўрсатиш, ёзиш, тўғрилаш учун фойдаланаётган IT-технологиялар ичидаги ҳам, қўл ёрдамидаги ҳам амаллар, ва шунингдек, лозим бўлганда, тўғрилашларни киритиш, маълумотни асосий китобга ўтказиш ва молиявий ҳисоботга киритишга;
- асосий ташкилотнинг битимлари бўйича нотўғри маълумотга тўғрилашлар ва маълумотлар асосий китобга қандай тарзда киритилишини қўшиб ҳисоблаганда, ҳисоботга ташаббус, ёзувлар, ишлов бериш ва уни тузиш учун фойдаланаётган асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботидаги маълумотлар ва аниқ ҳисобларни тасдиқловчи қоғоз ёки электрон шаклидаги бухгалтерия ёзувларига;
- асосий ташкилотнинг ахборот тизими, молиявий ҳисоботга жиддий бўлган битимлардан ташқари, ҳодисалар ва шароитларни қандай қилиб кузатишига;
- асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш учун фойдаланадиган жараён, муҳим бўлган баҳолаш кўрсаткичлар ва очиб беришларга;
- қайд этиш ёзувларни киритиш учун тегишли назорат воситалари, битимлар ёки тўғрилашлар учун фойдаланадиган ностандарт қайдлов ёзувларига.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тақдим этган хизматларига нисбатан асосий ташкилотнинг аудитори бажарилиши керак бўлган ишларнинг характери ва ҳажми, тақдим этилган хизматларнинг характери ва муҳимлиги ҳамда уларнинг аудитор билан алоқасига боғлиқ.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланаётган асосий ташкилот аудиторининг мақсадари бўлиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тақдим этаётган хизматларнинг табиати ва моҳиятини тушунишга эришиш ва уларнинг, жиддий бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун етарли бўлиб, аудитга тегишли бўлган асосий ташкилотнинг ички назоратига таъсир кўрсатилиши ҳисобланади.

402-АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади.

Асосий ташкилотнинг тўлдирувчи назорат воситалари – асосий ташкилот, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг фикри бўйича, ўзида ўриатиши зарур бўлган ва, уларнинг мақсадларига эришиш зарурлигига кўра унинг тизим шарҳига киритилган назорат воситалардир.

Назорат воситаларни шарҳлаш ва ишлаб чиқиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳисоботи (АХСда 1-турдаги ҳисоботдек эслатилган) - ўз ичига қуйидагиларни киритган ҳисобот:

- хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг раҳбарияти томонидан тайёрланган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат тизими, назорат мақсадлари ва у билан боғлиқ бўлган, кўрсатилган сана ҳолатига ишлаб чиқилган ва қўлланилган, назорат воситаларининг таърифи;
- хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг таърифи ҳақида хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг фикрини ўз ичига олган, унинг сўзсиз ишончлилигини тақдим этиш тўғрисида, назорат мақсадлари ва улар билан боғлиқ бўлган назорат воситалар ва назоратнинг маълум бир мақсадларига эришиш учун назорат воситаларнинг мувофиқлиги тўғрисидаги хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг хулосаси.

Назорат воситаларнинг таърифи, ишлаб чиқилиши ва тезкор самарадорлиги бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳисоботи (АХС да 2-турдаги ҳисоботдек эслатилган) ўз ичига қуйидагиларни киритган ҳисобот:

- хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг раҳбарияти томонидан тайёрланган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат тизими, назорат мақсадлари ва у билан боғлиқ бўлган, кўрсатилган сана ҳолатига ёки маълум бир давр давомида ва бир ҳил вазиятларда уларнинг маълум бир давр давомидаги тезкор самарадорлигига нисбатан, ишлаб чиқилган ва қўлланилган назорат воситаларининг таърифи;
- хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ички иазорат тизимининг таърифи ҳақида хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг фикрини ўз ичига олган, унинг ишончлилигини тақдим этиш тўғрисида, назорат мақсадлари ва улар билан боғлиқ бўлган назорат воситалар ва иазоратнинг маълум бир мақсадларига эришиш учуи назорат воситаларнинг мувофиқлиги ва назорат

воситаларнинг тезкор самарадорлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг хулосаси; хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори томонидан ўтказилган назорат тестларининг шарҳи ва уларнинг натижаси.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори – хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг буюртмасига биноан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари бўйича ишончлиликни ўз ичига олган хулосани тақдим этувчи аудитордир.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот – асосий ташкилотга, унинг молиявий ҳисобот тайёрланиши билан боғлиқ бўлган, унинг ахборот тизимининг қисми ҳисобланган хизматлар тақдим қилувчи учинчи томон (ёки учинчи томон сегменти) дир.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими – асосий ташкилотларни хизмат кўрсатувчи аудитори томонидан берилган хулоса билан таъминланадиган хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ишлаб чиқилган, қўлланиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган сиёсат ва тартиблардир.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг субпудратчиси – молиявий ҳисобот тайёрланиши билан боғлиқ бўлган ушбу асосий ташкилотлар ахборот тизимларининг қисми ҳисобланган, асосий ташкилотларга тақдим этиладиган, маълум бир хизматларни бажариш учун бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан фойдаланаётган хизмат кўрсатувчи ташкилотдир.

Асосий ташкилотнинг аудитори - асосий ташкилотнинг молиявий ҳисобини аудит қилувчи аудитордир.

Асосий ташкилот – хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланувчи ва унинг молиявий ҳисоботи бўйича аудит утказилаётган ташкилотдир.

402-Халқаро стандарт томонидан қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат.

Ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда, хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилган хизматларни тушунишга эга бўлиш. Асосий ташкилотни тушунишга эга бўлишда, 315-АХСга мувофиқ[38] асосий ташкилотнинг аудитори асосий ташкилот қандай қилиб ўзининг операцияларида хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланганини қуйидагиларни ўрганиб чиқиб, тушунишга эришишга мажбур:

[38]315-АХС,11-б.

• хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларининг табиатини ва ушбу хизматларнинг асосий ташкилот учун жиддийлигини, ва шунингдек, буни асосий ташкилотнинг ички назоратига қилган таъсирини;

• хизмат кўрсатиладиган битимлар ёки ҳисоблар, ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот таъсир кўрсатадиган ҳисоботнинг тайёрлаш жараёнларнингтабиати ва жиддийлиги;

• хизмат кўрсатувчи ва асосий ташкилот фаолияти ўртасидаги биргаликда харакат қилиш даражаси;

• хизмат кўрсатувчи ва асосий ташкилот фаолияти ўртасидаги ўзаро алоқанинг табиати, хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолиятини тартибга солувчи, ушбу билан боғлик бўлган контрактнинг шартларини.

315 -АХС га мувофиқ[39]аудит чоғида ички назоратни тушунишга эришганида асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларига нисбатан асосий ташкилотнинг назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллашга, ва хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан хизмат кўрсатилаётган битимларга нисбатан қўлланиладиган хизматларни баҳолашга мажбур.

Асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим қилинаётган хизматларининг табиати ва жиддийлигини етарли даражада тушунишга эга бўлишни ва, жиддий бузилиш рискини аниқлаш ва баҳолаш учун асос таъминлаб бериши мумкин бўлган даражада аудит билан боғлик бўлган, ички назоратга уларнинг таъсирини аниқлашга мажбур.

Агарда асосий ташкилотнинг аудитори асосий ташкилотдан етарли тушунишларга муваффақ бўла олмаса, унда у қуйидаги тартибларнинг битта ёки бир нечтаси жараёнида тушунишга муваффақ бўлишга мажбур:

• агарда бу мумкин бўлса, 1- ёки 2- турдаги хулосаларни олиш;

• махсус маълумотни олиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотга асосий ташкилот орқали мурожаат қилиш;

• хизмат кўрсатувчи ташкилотга бориш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари тўғрисида зарур бўлган маълумотни таъминлайдиган тартибларни бажариш;

• хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат қилиш воситалари бўйича зарур бўлган маълумотни таъминлайдиган тартибларни бажариш учун бошқа аудитор хизматларидан фойдаланиш.

Асосий ташкилот аудитори томонидан хизмат кўрсатувчи ташкилотини тушуниш учун 1- ва 2-турдаги ҳисоботлардан

[39]315-АХС,12-6.

фойдаланиши. 1- ва 2-турдаги ҳисоботлар томонидан тақдим этилган аудиторлик далилларнинг етарлигини ва тегишли характерини аниқлаш учун аудитор қуйидагиларга ишонч ҳосил қилишга мажбур:

- хизмат кўрсатувчи аудиторининг касбга оид билимга эга бўлганлигига ва хизмат кўрсатувчи ташкилотидан унинг қарам бўлмаслигига;
- 1- ва 2-турдаги ҳисобот уларга мувофиқ тайёрланган, стандартларнинг адекватлигига.

Агар асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаб- қувватлашни тушунишига нисбатан аудиторлик даллиллар сифатида 1- ва 2- турдаги ҳисоботлардан фойдаланишни режалаштирса, унда у:

- хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаб –қувватлашнинг таърнфига берилган муддат ёки даврнинг асосий ташкилот аудиторнинг мақсадларига мувофиқлигини баҳолашга;
- асосий ташкилотнинг аудити билан боғлиқ бўлган ички назоратни тушуниш учун ҳисобот билан тақдим этилган далиллар етарли ва тегишли бўлиб ҳисобланишини баҳолашга;
- асосий ташкилотнинг қўшимча назорат воситалари асосий ташкилот учун тегишли бўлиб ҳисобланганлигини аниқлашга; агар жавоб ижобий бўлса, унда асосий ташкилот томонидан шундай назорат воситалари ишлаб чиқилган ва жорий этилганлигини тушунишга муваффақ бўлишга мажбур.

Баҳоланган жиддий бузилиш рискларига жавобан харакатлар.

330-АХСга мувофиқ баҳоланган рискларга жавобан асосий ташкилотнинг аудитори:

- асосий ташкилотда мавжуд бўлган ёзувлар асосида молиявий ҳисоботни тайёрланишига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш мумкинлигини аниқлашга;
- етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун кейинги аудиторлик амалларни бажаришга ёки уларни хизмат кўрсатиш ташкилотида бажариш учун бошқа аудитор хизматидан фойдаланишга мажбур.

Стандартдаги **"Назорат тестлари"**бўлимида тестлаш орқали рискни баҳолашга услубий ёндашишлар берилади.

Агар асосий ташкилот аудиторининг рискни баҳолашн хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари самарали ишлашини ўз ичига олса, у ушбу назорат воситаларнинг тезкор самарадорлигига нисбатан қуйидаги амаллардан бирини ёки бир нечтасини бажариш орқали аудиторлик далилларни олишга мажбур:

• мумкин булса 2 чи турдаги ҳисоботни олишига;

• хизмат кўрсатувчи ташкилотнингтегишли назорат тестларни бажаришига;

• асосий ташкилотнинг аудитори номидан хизмат кўрсатувчи ташкилотда назорат тестларни бажариш учун бошқа аудиторни жалб қилишга.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотининг назорат воситалари самарадорлигини аудиторлик далиллари сифатида 2- турдаги ҳисоботдан фойдаланиш. Агар асосий ташкилотнинг аудитори 2- турдаги ҳисоботдан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари самарадорлигиниаудиторлик далиллар сифатидафойдаланишни режалаштирса, у асосий ташкилотнинг аудитори томонидан рискни баҳолашини асослаб бериши учун, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳисоботи, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари самарадорлигига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни тақдим этишини қуйидагилар орқали аниқлашга мажбур:

• хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаб – қувватлашнинг таърифига берилган муддат ёки даврнинг асосий ташкилот аудиторнинг мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш;

• асосий ташкилотнинг қўшимча назорат воситалари асосий ташкилот учун тегишли бўлиб ҳисобланганлигини аниқлаш; агар жавоб ижобий бўлса, унда асосий ташкилот томонидан шундай назорат воситалари ишлаб чиқилган ва жорий этилганлигини, ва уларнинг тезкор самарадорлигини тестдан ўтказилганлигини тушунишга муваффақ бўлиш;

• назорат тестлари билан ёпилган вақт даври ва назорат тестларни бажаришдан кейинги ўтган вақтнинг адекватлигини баҳолаш;

• хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори томонидан бажарилган иазорат тестлари ва уларнинг натижалари, ушбу аудиторнинг хулосасида шарҳланганидек, асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тайёрланишининг дастлабки шартига мувофиқлигини баҳолаш ва асосий ташкилотнинг аудитори томонидан ўтказилган рискнинг баҳоланишига нисбатан улар етарли тегишли аудиторлик далилларни тақдим этилишини баҳолаш орқали.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот субпудратчисининг хизматларини инкор этадиган 1- ва 2 - турдаги ҳисоботлар. Агар аудитор хизмат кўрсатувчи ташкилотининг субпудратчисининг хизматларини инкор этадиган 1 ва 2 чи турдаги ҳисоботлардан фойдаланишни режалаштирса ва ушбу

хизматлар асосий ташкилотнинг молиявий ҳисобот аудитига тегишли бўлса, асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот субпудратчиси томонидан кўрсатилган хизматларига нисбатан ушбу стандартнинг талабларини қўллашга мажбур.

Стандарт алоҳида бўлим билан **"хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг фаолиятига нисбатанмасъулиятсизлик харакатлар, қонунчилик ва тартибга солиш ташкилотларнинг талабларига номувофиқлик ва тузатилмаган бузилишлар"** ни ифодалайди.

Асосий ташкилотнинг аудитори асосий ташкилотнинг раҳбариятини, хизмат кўрсатувчи ташкилот асосий ташкилотга маълум бўлган ҳар қандай масъулиятсизлик харакатлари, қонунчилик ва тартибга солиш ташкилотларнинг талабларига номувофиқлиги ёки асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботига таъсир этувчи тузатилмаган бузилишлар тўғрисида асосий ташкилотга хабар бергани ёки қандайдир бошқа усул билан маълум бўлгани тўғрисидасўровнома ўтказишга мажбур. Асосий ташкилотнинг аудитори бу масалалар кейинги тартибларнинг табиатига, муддатларига ва ҳажмига, ва шунингдек, асосий ташкилот аудиторининг хулосаларига ва унинг аудиторлик якуний хулосаларига қандай қилиб таъсир этишларини баҳолашга мажбур.

"Асосий ташкилот аудиторига ҳисоботни тақдим этиш" бўлимида, агарда асосий ташкилот аудитори асосий ташкилот молиявий ҳисоботининг *аудити билан боғлиқ бўлган, хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим* этилган хизматларига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни ола билмаса, 705 АХС [40] талабларига мувофиқаудиторлик хулосасида фикрини ўзгартириш бўйича аудиторнинг мажбурияти баён этилади (А42 бандига қаралсин).

Асосий ташкилотнинг аудитори ўзининг тузатилмаган фикрниўз ичига олган хулосасида, қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларида бошқаси кўзда тутилган вазиятлардан ташкари, хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг ишини далил қилиб кўрсата олмайди. Агар бундай кўрсатма қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларида кўзда тутилган бўлса, унда асосий ташкилот аудиторининг хулосасида аудиторлик фикр билдиришиучун ушбу ҳавола унинг маъсулият даражасини пасайтирмайди деб, кўрсатилиши лозим (А43 бандига қаралсин).

Агарда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудитори ишига ҳавола қилиш асосий ташкилотнинг аудитори фикрини ўзгартириши билан боғлиқ бўлса,

---

[40] 705-АХС, 6-б.

унда асосий ташкилот аудиторининг хулосасида ушбу ҳавола аудиторлик фикр билдирилиши учун унинг маъсулият даражасини пасайтирмайди деган, кўрсатма мавжуд бўлиши шарт.

Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилган хизматлар характери тўғрисидаги маълумот кенг доирадаги, қуйидагиларга ўхшаш, манбалардан олиш мумкин бўлиши керак:

- фойдаланувчининг қўлланмаси;
- тизмларни шарҳлари;
- техник қўлланмалар;
- контракт ёки асосий ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматлари тўғрисидаги келишув;
- хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари буйича хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ички аудиторлар ёки тартибга солиш ташкилотларнинг ҳисоботлари;
- хизмат кўрсатувчи ташкилот аудиторининг хулосаси, раҳбарият номига хат,агар мумкин бўлса.

Асосий ташкилот хизмат кўрсатувчи ташкилотидан битимлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва ҳисоб тизимини қўллаб- қувватлаш ёки битимлар бўйича ёзувларни ва бунга мувофиқ маълумотларни киритишучун фодаланиши мумкин. Шунга ўхшаш хизматларни тақдим этувчи хизмат кўрсатадиган ташкилотлар, масалан, даромадлар ёки бошқа режаларда ходимларининг иштироки режасига нисбатан активларни инвестиция қиладиган ва хизмат кўрсатадиган траст бошқариши бўйича банк департаментларини; бошқалар учун гаровларга хизмат кўрсатадиган, гаровларга ихтисослаштирилган банкларни, ва мижозларга молиявий ва тезкор битимларни ишлаб чиқишларга имконият берувчи дастурлар пакетини тақдим этувчи ва технологик ёрдам берувчи, тизимларга хизмат кўрсатиш бўйича провайдерларниқўшиш мумкин.

Аудитга тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларига мисол бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- асосий ташкилотнинг бухгалтерлик ёзувларини қўллаб-қувватлаш;
- активлар билан бошқариш;
- асосий ташкилотнинг агенти сифатидаги битимларни тузиш, улар бўйича ёзув киритиш ёки уларга хизмат кўрсатиш.

Асосий ташкилот хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларига нисбатан асосий ташкилотиинг аудитори томонидан текшириши мумкин бўлган ва унга, хизмат кўрсатувчи ташкилотда жойида қандай иазорат

воситаларн амал қилаётганига карамай, молиявий ҳисоботда баъзи ёки барча тасдиқларга нисбатан асосий ташкилотнинг назорат воситалари самарали ишлаётгани бўйича хулоса чиқаришига имкон берадиган, назорат воситаларини ўрнатиши мумкин. Агар асосий ташкилот, масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилотниши ҳақи тўлови бўйича операцияларни ўтказиш учун фойдаланса, асосий ташкилот жиддий бузилишларни аниқлаш ёки олдини олиш мумкин бўлган тўловлар бўйича маълумот тўғрисида ўтказиш ва ҳисоботга нисбатан назорат воситаларни ўрнатиши мумкин.

Ушбу назорат воситалари қуйидагиларни ўтказиши мумкин:

- хизмат кўрсатувчи ташкилотга берилган ахборотни, маълумотларга ишлов беришдан кейин хизмат кўрсатувчи ташкилотдан олинган ахборот буйича ҳисоботлар билан солиштиришни;
- операциялар тўғрилигини ва умумий тўланган иш ҳақининг суммасини асосланиши учун кўздан кечиришни текшириш учун тўланган суммаларга нисбатан ҳисоблашларнинг танлаб олинган қайта текширишни.

Ушбу вазиятда асосий ташкилотнинг аудитори,иш ҳақи тўлови билан боғлиқ бўлган операцияларга нисбатан асосий ташкилотнинг назорат воситалари самарали ишлаётгани тўғрисида хулоса чиқаришига асос берувчи, асосий ташкилотнинг иш ҳақи тўлови буйича назорат тестларига нисбатан тестларни бажариши мумкин.

315-АХСда[41]айтилганидек, баъзи рискларга нисбатан асосий ташкилотнинг аудитори, уларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни муҳим масалалар бўйича текшириш ўтказиш асосида фақат олиши мумкин эмаслик ёки амалий жиҳатдан номувофиқ бўлиши тўғрисидаги хулосага келиши мумкин. Шундай рисклар аниқ бўлмаган ёки тўлиқ бўлмаган ёзувлар ва муҳим турдаги операциялар ва, уларнинг тавсифларикўпинча уларни автоматлаштирилган тартиблар орқали инсоининг кам иштироқи ёки умумун иштироқисиз ишлов беришга имкои берадиган баланс хисобварақларга тегишли бўлиши мумкин. Ишлов беришнинг шундай автоматлаштирилган тавсифлари айникса, асосий ташкилот хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланаётган бўлса,кўпинча учратилади. Ушбу вазиятларда асосий ташкилотнинг бундай рискларга нисбатан назорат воситалари аудитга тегишли бўлади ва асосий ташкилотнинг аудитори ушбу назорат воситаларни мазкур АХСнинг 9- ва 10-бандларига мувофиқтушунишга ва баҳолашга эришиши лозим.

[41]315-АХС, 30-б.

Аудит чоғида аниқланган ички назорат заифлиги тўғрисида ахборот бериш. Асосий ташкилот аудиторидан аудит чоғидааниқланган ички назоратдаги муҳим бузилишлар тўғрисида раҳбариятга ҳам ва мулкдорнинг вакилларига ҳам мунтазам равишда ёзма кўринишда маълумот бериш талаб этилади[42]. Асосий ташкилот аудиторидан шунингдек, аудит чоғида аниқланган, аудиторнинг касбга оид фикри бўйичараҳбарият диккатини тортиш учун етарли даражада муҳим бўлган, ички назорат тизимидаги бошқазаифликлар тўғрисида тегишли даражадаги раҳбариятга мунтазам равишда маълумот бериш талаб этилади[43]. Асосий ташкилотнинг аудитори аудит чоғида аниқлаши ва улар тўғрисидараҳбарият ҳамда мукдорнинг вакилларига ахборот бериши мумкин бўлган масалар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- асосий ташкилот томонидан қўллашимумкин бўлган, назорат воситаларнинг ҳар қандай мониторингни, 1-турдаги ва 2- турдаги олинган ҳисоботлар асосида аниқланган назорат воситаларни;
- 1- турдаги ва 2-турдаги ҳисоботларда эслатибўтилган қўшимча назорат воситалари асосий ташкилот томонидан қўлланмаган ҳолатларни;
- хизмат кўрсатувчи ташкилотга керак бўлиши мумкин бўлган, лекин, назаримизда, у уларни қўлламайдиган ёки 2-турдаги ҳисоботда атайин кўриб чиқилмаган назорат воситаларни.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан асосий ташкилот билан тузилган контрактнинг шартлари буйича, масъулиятсиз харакатлар, қонунчилик ва тартибга солиш органларнинг талабларига номувофиқлик ва хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолиятига нисбатантузатилмаган бузилишлар билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот ва унинг ходимларига нисбатан ҳар қандай маълумотни асосий ташкилот учун очиб беришни талаб этилиши мумкин. 19- банд талабларига мувофиқ, асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ҳар қандай шундай вазиятлар бўйича ахборот берилганлигинитўғрисида асосий ташкилотнинг раҳбариятига суровнома жўнатади ва хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан хабар қилинган ҳар қандай масалалар асосий аудиторнинг кейинги аудиторлик тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмларига таъсир этишини баҳолайди. Маълум бир вазиятларда асосий ташкилотнинг аудиторига шундай баҳолашни бажариши учун қўшимча маълумот керак бўлади, ва у зарур бўлган маълумотни олиш учун асосий ташкилотни хизмат кўрсатувчи ташкилот билан боғланишни сўраши мумкин.

---

[42]265-АХС, 9-10-б.
[43]265-АХС, 10-б.

4.2. 450- сон АХС "Аудит чоғида аниқланган бузилишларни баҳолаш"

Аудитнинг 450 –сон халқаро стандарти аниқланган бузилишларни аудитга кўрсатилган таъсирини баҳолаш бўйича ва тузатилмаган бузилишларнинг, агар улар мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботга таъсирини баҳолаш бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади. 700-сон АХС "Молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллаштириш ва хулосани тузиш"аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикрини шакллаштириш чоғида молиявий ҳисоботга нисбатан ушбу ҳисобот жиддий бузилишлардан озод эканлигига ишонч ҳосил қилинганлигибўйича хулоса чиқариш мажбуриятини кўриб чиқади. 700-сон АХС "Молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллаштириш ва хулосани тузиш"томонидан талаб қилинган аудиторнинг хулосаси, 700- АХС[44] даги маълумотларга мувофиқ улар мавжуд бўлган ҳолда, тузатилмаган бузилишларга аудитор томонидан баҳо беришга асосланади, "Аудитни режалаштириш ва ўтказиш чоғидаги жиддийлик" 320-АХС молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказиш чоғидамуҳимлик моҳиятини тегишли равишда қўллаш бўйича аудиторнинг маъсулиятини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади:

- аниқланган бузилишлар аудитига таъсир ўтказишлар;
- тузатилмаган бузилишларнинг, улар мавжуд бўлган ҳолатда, молиявий ҳисоботга таъсир ўтказишларни баҳолаш ҳисобланади.

"Ушбу стандартнинг асосий тушунчалари"бўлимида қуйидаги иборалар тақдим этилган.

Бузилиш –ташкилотнингмолиявий ҳисоботига мувофиқ хисобга олиш объекти бўйича сумма,таснифлаш, тақдим этиш ёки очиб бериш ҳамда, молиявий ҳисоботни тузишда қўлланиладиган принципларига мувофиқ ушбу объектга керак бўлган,ҳисобга олиш объекти бўйича сумма,таснифлаш, тақдим этиш ёки очиб бериш ўртасидаги фарқдир. Бузилишхато ёки масъулиятсизлик харакатлар натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисобот молиявий вазиятга тўғри ва ишончли назар бериши ёки барча жиддий муносабатларда ишончли бўлиб ҳисобланиши тўғрисида аудитор фикр юритганда, бузилишлар шунингдек, аудитор фикри буйича, барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисобот ишончли бўлиши учун (молиявий вазиятга тўғри ва ишончли назар берадиган) молиявий ҳисоботда амалга оширилиши лозим бўлган суммалар, таснифлар, тақдим этиш ёки очиб беришлардаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

---

[44]177-АХС, 10-11-б.

Тузатилмаган бузилишлар – аудит чоғида аудитор томонидан жамланган ватўғрилаб қўйилмаган бузилишлардир.

Аудитор тегишли даражадаги раҳбариятга аудит чоғидажамланган барча бузилишлар тўғрисида, қонунчилик ва тартибга солиш органлари томонидан бу тақиқланган ҳолатлардан ташқари[45], ўз вақтида ахборот беришга мажбур.Аудитор раҳбариятдан ушбу бузилишларни тузатишни талаб қилишга мажбур.

Агардараҳбарият, аудитор томонидан унга хабар берилган бузилишларнинг бир нечтасини тузатишдан бош тортса, унда у раҳбариятнинг бузилишларнинг тузатмаслик асосларини тушунишга эришишга мажбур, ва ушбу тушунишни молиявий ҳисобот умуман жиддий бузилишлардан озод эканлигини баҳолашда, инобатга олишга мажбур.

Тузатилмаган бузилишларнинг таъсирини баҳолаш. 320-АХСга мувофиқ аниқланганмуҳимлик ташкилотнинг жорий молиявий натижалар контекстида тегишли бўлиб қолишни давом этишига ишонч ҳосил қилиш учун, аудитор тузатилмаган бузилишларнинг таъсирини баҳолашдан олдин, уни (муҳимликни) қайта кўриб чиқиши зарур.

Аудитор мукдорнинг вакилларига, қонунчилик ва тартибга солиш органлари томонидан ман этилган ҳоллардан ташқари, тузатилмаган бузилишлар тўғрисида ва улар алоҳида ёки биргаликда аудиторлик хулосасида аудиторнинг фикрига қандай таъсир этишлари тўғрисида хабар беришга мажбур. Аудиторнинг хабарида мажбурий тартибда тузатилмаган бузилишлар алоҳида алоҳида кўрсатилиши зарур. Аудитор тузатилмаган бузилишларни тузатишни талаб қилишга мажбур.

Ёзма аризалар. Аудитор раҳбариятдан ва, агар мумкин бўлса, мулкдорнинг вакилларидан, алоҳида ёки биргаликда олинган тузатилмаган бузилишларнинг таъсири умуман молиявий хисобот учун муҳим эмасдеб, ҳисоблашлари тўғрисида уларнинг ёзма аризаларни талаб қилишга мажбур. Ушбу бузилишларинг рўйхати тақдимот-хатига киритилиши ёки қўшиб қўйилиши зарур.

Ҳужжатлаштириш. Аудиторлик ҳужжатлаштириш ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

- бузилишлар аниқ унчалик аҳамиятли эмас деб, ҳисоблайдиган ундан паст бўлган ўлчам;
- аудит чоғида жамланган барча бузилишлар ва маълумотлар тузатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

[45]260-АХС, 7-б.

• тузатилмаган бузилишлар, алоҳида ёки биргаликда олганда, муҳим ҳисобланиши тўғрисидаги аудиторнинг хулосаси ва бундай хулоса учун асослар.

Бузилишлар қуйидагиларнинг натижаси бўлиб ҳисобланиши мумкин:

• маълумотни олишда ва ишлов беришдаги, унинг асосида молиявий ҳисобот тайёрланган,ноаниқлик;

• суммани ёки очиб беришни ўтказиб юбориш;

• фактларни инобатга олмаган ҳолатда ёки иотўғри шарҳлаш натижасида олинган иотўғри баҳолаш қиймати;

• аудитор номаъқул деб,ҳисоблаган баҳолаш қийматига нисбатан раҳбариятнинг фикрлари, ёки аудитор тегишли бўлмаган деб, ҳисоблаган ҳисоблаш сиёсатнинг танлаб олиш ва қўллаш.

Аудитор бузилишнинг қийматини аниқлаши мумкин, ундан паст бўлса бузилиш маъносиз деб,ҳисобланади ва жамланиши мумкин эмас, чунки аудиторнинг кутиши бўйича бундай суммаларнингжамланиши молиявий ҳисоботга жиддий равишда таъсир этмайди. "Яққол маъносиз" деган, сўз бирикмаси "муҳим эмас" деган, иборага маънодош сўз эмас. Яққол маъносиз деб, ҳисобланган бузилишлар, 320-АХС га мувофиқўрнатилган муҳимлик қийматидан тўлиқ равишда бошқа (паст) бўлган даражасида бўлади, ва уларга оқибати бўлмаган, алоҳида-алоҳида ёки биргаликда олинган ва уларнинг ўлчами, табиати ёки пайдо бўлиш ҳолатларига тегишли бўлган ва ҳар қандай мезонга мувофиқ кўриб чиқилган бузилишлар тегишли бўлади. Агарда битта банд ёки ундан кўп бўлган бандлар яққол маъносиз бўлганига нисбатан қандай дир номаълумлик мавжуд бўлса, унда бузилиш яққол маъносиз деб,ҳисобланмайди.

Аудит чоғида жамланган бузилишларнинг таъсирини баҳолашда ҳамдараҳбариятга ва мулкдорнинг вакилларига ушбу бузилишлар тўғрисидаахборот берилганида аудиторга ёрдам бериш учун ҳақиқий бузилишлар, фикр юритиш ва прогноз натижасида келиб чиққан бузилишларни ажратиб қўйиш фойдали бўлар эди.

Ҳақиқий бузилишлар – бу уларга нисбатан ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган бузилишлардир.

Фикр юритиш натижасида келиб чиққан бузилишлар – аудитор тегишли бўлмаган деб, ҳисоблаганбаҳолаш қийматларига нисбатанраҳбарият томонидан қилинган фикрлар натижасида, ёки аудитор номаъқул деб,ҳисоблаган ҳисоблаш снёсатини танлаб олиш ва қўллаш натижасида келиб чиққан, раҳбарият ва аудиторнинг баҳоларидаги тафоввутлар ҳисобланади.

Прогноз қилинган бузилишлар – бу аудитор томонидан асосий барча бузилишларга энг яхши баҳо бериши, уларга, аудиторлик танлаб олишларда аниқланган, улар асосида танлашлар шаклланган, жами ҳаммасига тарқалиб кетган хатолар прогнози ҳам тегишли. Прогноз қилинган бузилишлар ва натижаларни баҳолаш бўйича қўлланма 530-АХС[46]да ўриатилган.

Бузилиш ягона факт бўлмайқолиши мумкин. Бошқа бузилишлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигига далил, масалан, аудитор томонидан ички назорат ишида бузилишларга нисбатан ёки тегишли бўлмаган таҳминлар ёки ташкилот томонидан кенг қўлланиладиган усулларга нисбатан, аниқланган бузилишни ўз ичига олади.

Агарда аудит чоғида жамланган бузилишларнинг жами 320-АХга мувофиқ аниқланган муҳимлик қийматига яқинлашса, унда, аудит чоғида бўлиши мумкин бўлган аниқланмаган бузилишлар жамланган бузилишлар билан бирга муҳимликдан ошиб кетиши мумкинлиги бўйича рискининг паст бўлган даражаси мавжуд бўлиши мумкин. Аниқланмаган бузилишлар танлашларни қўллаш билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган риск натижасида мавжуд бўлиши мумкин[47].

Аудитор томонидан аниқланган бузилиш сабабини тушуниши учун аудитор раҳбариятдан операциялартури, баланс ҳисоботи ёки очиб беришларни кўриб чиқишни, операциялартури, баланс хисоботи ёки очиб беришлар ҳақиқий бузилишини аниқлаш учун тартибларни бажаришни ва молиявий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилиши мумкин. Худди шундай талаб, масалан, танланган жами ҳаммаси учун аниқланган бузилишлар асосида аудитор томонидан бош жами ҳаммаси учун олинган бузилишларнинг прогноз қийматлари асосидақилиниши мумкин.

Айрим бузилишлар билан боғлик бўлган ҳолатлар, улар умуман молиявий ҳисобот учун муҳимлик кўрсаткичидан паст бўлганда ҳам, уларни ёлғиз ёки бошқа бузилишлар билан биргаликда кўриб чиқишда аудиторни уларга нисбатан жиддий муносабатда бўлишга мажбур қилиши мумкин. Баҳолашга таъсир этадиган ҳолатлар қуйидаги даражани ўз ичига олади:

- бузилиш тартибга солиш органларнинг талаблари мувофиқлигига таъсир қилади;
- бузилиш қарздорлик мажбуриятлар ёки контраклар бўйича бошқа талаблар мувофиқлигига таъсир қилади;

[46]530-АХС,14-15-б.
[47]530-АХС, 5 (c), (d) –б.

• бузилиш жорий давр ҳисоботига жиддий бўлмаган таъсир кўрсатадиган ҳисоблаш сиёсатини нотўғри танлаш ёки қўллаш билан боғлиқ бўлган, лекин келгуси молиявий ҳисоботга муҳим таъсир кўрсатиши мумкин;

• бузилиш ташкилотнинг молиявий ҳолати, операциялардан олинган натижалар ёки пул оқимларини баҳолаш чоғида фойдаланган нисбий кўрсаткичларга таъсир қилади;

• молиявий ҳисоботда тақдим этилган сегментлар бўйича маълумотга таъсир кўрсатади (масалан, ташкилотнинг операциялари ёки даромадлигида жиддий рол ўйнайдиган сегмент ёки ташкилотнинг бошқа бизнес қисми учун масаланингмуҳимлиги);

• раҳбариятга тўланадиган мукофот ўлчамининг ўсишига, масалан, бонусларнитўлаш ёки бошқа ўхшаш тўловлар, уларга эришиш чоғида амалга ошириладиган, кўрсаткичларга талабларни таъминлаш орқалитаъсир қилади;

• аудиторга маълум бўлган, масалан, даромадлар прогнози билан боғлиқ, фойдаланувчиларгаузатилганолдинги маълумотларнуктаи назаридан, жиддий ҳисобланади;

• аниқ тарафларга таъсир ўтказадиган кўрсатгичлар билан боғлиқ (масалан, агар битим бўйича ташқи тарафлар ташкилотнинг раҳбарияти билан боғлиқ бўлса);

• молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларида махсус тарзда кўзда тутилмаган, лекин, аудитор фикри бўйича, ташкилотнинг молиявий ҳолатини, молиявий фаолиятини ёки пул оқимларини фойдаланувчилар томонидан тушуниши учун муҳим бўлган маълумотни ўтказиб юбориш билан боғлиқ;

• аудит қилинган молиявий ҳисоботни (масалан, "Раҳбарият томонидан муҳокамава таҳлил қилиш" ёки "Тезкор ва молиявий фаолиятни шарҳлаш"га киритиладиган маълумот)ниўз ичига олган ҳужжатларда маълум қилинадиган, идрокли кутилаётганидек, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг иқтисодий ечимларига таъсир қилувчи, бошқа маълумотга таъсир қилади (720-АХСга қаралсин).

Агарда аудитор тузатилмаган бузилишлар тўғрисида, улар шунингдек, мулкдорнинг вакиллари ҳам бўлган,раҳбарият вакилларига хабар қилса, унда ўзларининг иккинчи вазифасини бажараётган ўша шахсларнинг ўзига ушбу маълумотни хабар қилишга ҳожати бўлмайди. Шунга қарамасдан, аудитор муклкдорнинг вакилларига маълумотни шундай тарзда ўзатилиши, мулкдорнинг вакилларига ўҳшаб у маълумот билан таъминлаган,доирадаги барча шахсларни ҳам шунингдек, маълумот билан таъминлайди деб, ишонч

ҳосил қилиши лозим[48].

Агар тузатилмаган жиддий бўлмаган бузилишлар кўп миқдорда мавжуд бўлса, унда аудитор, тузатилмаган бузилишларининг ҳар биттаси тўғрисида батафсил эмас, балки уларнинг умумий сони ва умумий бузилишларнинг суммаси тўғрисида хабар қилиши мумкин.

Аудитор мулкдорнинг вакиллари билан ушбу ҳолатларда бузилишнинг ҳажми ва характери ва келгуси молиявий ҳисобот учун бўлиши мумкин бўлган натижаларни ҳисобга олиб бузилишларнитузатмаслик сабаблари ва натижаларини муҳокама қилиши мумкин.

Тузатилмаган бузилишларни аудитор томонидан ҳужжатлаштирилиши шунингдек, қуйидагиларни ҳисобга олиши мумкин:

- тузатилмаган бузилишларнинг йиғилган мураккаб самарасини кўриб чиқишни;
- маълум бир операциялар, баланс ҳисобварағи ёки очиб беришлар учун муҳимлик даражаси ёки даражалари ошириб юборилганлигини баҳолашни;
- муҳим нисбий кўрсатгичларига ёки йўналиш ва қонунчилик, тартибга солиш органларининг ёки контрактларнинг (масалан, хусусан қарздорлик мажбуриятлари қисмида) талаблари мувофиқлигига тузатилмаган бузилишларни таъсир кўрсатишини баҳолашни ҳисобга олади.

Хулосалар

1. Асосий ташкилот бир ёки бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланган ҳолда, аудитор етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга нисбатан ўзининг масъулиятини аниқтушуниши зарур.

2. Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилаётган хизматлар, ушбу хизматлар ва назорат воситалари уларга нисбатан асосий ташкилотнинг ахборот тизими ва улар билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботга тааллуқли бўлган бизиес жараёнларнинг қисми бўлиб ҳисобланганида асосий ташкилотнинг молиявий ҳисобот аудитига тааллуқли бўлади.

3. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланган асосий ташкилот аудиторининг мақсадлари хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг табиати ва муҳимлигини, ва жиддий бузилишлар рискини аниқлаш ва баҳолаш учун етарли аудитига тегишли бўлган ва уларнинг асосий ташкилотнинг ички иазоратига таъсирини

[48]260-АХС, 13-б.

тушунишга эришиш ҳисобланади; баҳоланган рискларга жавобан аудиторлик амалларни ишлаб чиқиш ва бажариш.

4. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланаётган ташкилотнинг аудитига нисбатан амалиётда икки турдаги ҳисоботлар қўлланилади.

5. Асосий ташкилотнинг аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот тақдим этган хизматларнинг табиати ва муҳимлигини етарли даражада тушунишга эришилганлигинива уларнинг муҳим бузилишлар рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун асос таъминлаб бериши мумкин бўлган даражасидагиаудит билан боғлиқ, ички назоратга таъсирини аниқлашга мажбур.

6. Агар асосий ташкилот аудиторнинг рискни баҳоланишиўз ичига хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситалари самарали ишлашни олганда, асосий ташкилотнинг аудитори ушбу назорат воситаларининг тезкор самарадорлигига нисбатан аудиторлик далилларни олишга мажбур.

7. Асосий ташкилотнинг аудитори асосий ташкилотнинг раҳбариятига, асосий ташкилотнинг молиявий ҳисоботига таъсир этувчи ҳар қандай масъулиятсизлик харакатлар, қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талабларига номувофиқлик ёки тузатилмаган бузилишлар тўғрисида асосий ташкилотга маълум қилгани ёки асосий ташкилотга бошқа йўллар билан маълум бўлгани тўғрисида суровнома беришга мажбур.

8. Хизмат кўрсатувчи ташкилотга нисбатан бошқа аудиторлик топшириқни бажариши чоғида асосий ташкилотнинг аудитори олган билимлар, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилот тақдим этаётган хизматларнинг табиатини тушунишда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бу,ушбу хизматларга нисбатан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизматлари ва назорат воситаларни жуда стандартлаштирилган бўлиб ҳисобланганида, айниксафойдали бўлиши мумкин.

9. Хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат воситаларни шарҳлаш ва ишлаб чиқиш бўйича хулосани (1-турдаги ҳисобот) ёки назорат воситаларининг ишлаб чиқиш ва уларнинг тезкор самарадорлиги бўйича хулосани(2-турдаги ҳисобот) бериш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг аудиторини жалб қилиши мумкин.

10. Аудитор, молиявий ҳисобот молиявий вазиятга тўғри ва ишончли назар билан қараши ёки барча муҳим муносабатларда ишончли бўлиб ҳисобланиши тўғрисида фикр юритганида, бузилишлар шунингдек, аудитор фикри буйича, барча муҳим муносабатларда молиявий ҳисобот ишончли бўлиши учун (молиявий вазиятга тўғри ва ишончли назар берадиган)

молиявий ҳисоботда амалга оширилиши лозим бўлган суммалар, таснифлар, тақдим этиш ёки ечиб беришлардаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

11. Аудитор тегишли поғонадаги раҳбариятга аудит чоғида барча йиғилган бузилишлар тўғрисида, қонунчилик ёки тартибга солиш органлари томонидан бу тақиқланган ҳолатлардан ташқари,ўз вактида хабар қилишга мажбур.

12. Агарда раҳбарият, аудитор томонидан унга хабар берилган бузилишларнинг бир иечтасини тузатишдан бош тортса, унда у раҳбариятнинг бузилишларнинг тузатмаслик асосларини тушунишга эришишга мажбур, ва ушбу тушунишни молиявий ҳисобот умуман муҳим бузилишлардан ҳолис эканлигини баҳолашда, инобатга олишга мажбур.

13. Аудитор тузатилмаган бузилишлар, алоҳида ёки биргаликда олганда, жиддий ҳисобланишини кўриб чикишга мажбур.

14.Аудитор раҳбариятдан ва, агар мумкин бўлса, мулкдорнинг вакилларидан,алоҳида ёки биргаликда олингантузатилмаган бузилишларнинг таъсири умуман молиявий хисобот учунмуҳим эмасдеб, ҳисоблашлари тўғрисида уларнинг ёзма аризаларни талаб қилишга мажбур.

15. Аудиторлик ҳужжатлаштириш ўз ичига аудит чоғида жамланган барча бузилишларни ва улар тузатилганлиги тўғрисидаги маълумотларни, тузатилмаган бузилишлар, алоҳида ёки жами олинганда, муҳим ҳисобланиши тўғрисидаги аудиторнинг хулосаси ва бундай хулоса учун асосларни олиши зарур.

16. Аудитор томонидан аниқланган бузилиш сабабини тушуниши учун аудитор раҳбариятдан операциялартури, баланс ҳисоботи ёки ечиб беришларни кўриб чиқишни, операциялартури, баланс ҳисоботи ёки очиб беришлар ҳақиқий бузилишини аниқлаш учун амалларни бажаришни ва молиявий ҳисоботда тегишли ўзгартиришларни бажариши мумкин. Бундай талабнинг сабаби бўлиб, масалан, танланган жами ҳаммаси учун аниқланган бузилишлар асосида аудитор томонидан бош жами ҳаммаси учун олинган бузилишларнинг прогноз қийматлари бўлиши мумкин.

17. Тегишли даражадаги раҳбариятга ўз вақтида бузилишлар тўғрисида хабар бериш жуда муҳимдир, чунки раҳбариятга ҳисоботдаги объектлар бузилганлигинианиклашга, ва аудиторга, агар раҳбарият унинг хулосалари билан рози бўлмаса, аудиторга хабар беришга ва зарур бўлган харакатларни қўллашга имкон беради.

18. Қонунчилик ва тартибга солиш органлар талабларига мувофиқ аудитор раҳбариятга ёки ташкилот ичидаги бошқа шахсларга маълум бир турдаги бузилишлар тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига эга эмас.

Ўз ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Асосий ташкилот бир ёки бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланган ҳолатда етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга нисбатан аудиторнинг мажбурияти нимадан иборат?

2. Асосий ташкилот бир ёки бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланганда қўлланадиган 1- ва 2-турдаги ҳисоботлар қандай таърифланади?

3. Хизмат кўрсатувчи ташкилот тақдим килган хизматларнинг характери тўғрисида маълумот қандай бўлиши мумкин?

4. Асосий ташкилот бир ёки бир нечта хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдалангандааудитор риск даражасини баҳолаш чоғида кандай тартибларни ўтказиши зарур?

5. Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг қандай хизматлари аудитга тегишли?

6. Асосий ташкилотнинг назорат воситалари учун хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат воситаларининг муҳимлиги иимадан иборат?

7. Назорат воситалари тезкор самарадорлигининг етарли тегишли далилларини олиш учун қандай назорат тестлари қўлланилади?

8. Масъулиятсизлик бўйича харакатлар рискнинг ўзига ҳос бўлган омиллари қандай?

9. Масъулиятсизлик харакатлар натижасида келиб чиққан баҳоланган жиддий бузилиш рнскларига нисбатан аудиторнинг жавоб тариқасидаги харакатлар ва тартиблари қандай бўлиши керак?

10. Фавкулодда вазятлар аниқланган ҳолатда аудитор нималарни қилиши зарур?

11. Аудитни давом эттириш имкониятини шубҳа остига олишнинг фавкулодда вазиятлари кандай?

12. Масъулиятсизлик харакатлар тўғрисидаги маълумотни аудитор кимга хабар килиши керак?

13. Аудит текшируви ўтказилаётган ташкилотда масъулиятсизлик харакатларнинг аломатлари қандай?

14. Молиявий ҳисоботни масъулиятсизлик билан тузиш нимани англатади?

15. Қандай маълумотга нисбатан аудитор синчковлик билан ҳужжатлаштиришни амалга ошириши зарур?

16. Тузатилмаган бузилишларни ҳужжатлаштириш чоғида аудитор нимани ҳисобга олиши зарур?

5 Боб. АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАР

Бобни ўрганиб чиқиб, сиз:

- аудиторлик далилларни шакллантириш бўйича аудиторларнинг масъулиятини тартибга солувчи, аудиторлик фаолиятинимеъёрий тартибга солиш тизимини;
- аудиторлик далилларни йиғиш ва яратиш услубиёт, услуб ва ташкил қилишни;
- аудиторлик тартибларни режалаштириш, дастурларни тузиш ва ўтказиш услубларини;
- аудиторлик текшириш натижаларини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини;
- бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисоботининг барча жихатларини аудиторлик текширишлардан ўтказиш тартибини, зарур бўлган аудиторлик далилларини йиғишни;
- ташқи ва ички аудиторлик далилларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш чоғида иқтисодий субъектлар ва аудиторлик фирмаларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятларини;
- миллий стандартларни ишлаб чиқиш чоғида аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш услубини;

билиб оласиз!

- бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисоботининг барча жихатларини аудиторлик текширишни режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказишни;
- аудиторлик текширишларнинг дастурларини ишлаб чиқишни;
- текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузишни;
- халқаро ташкилотларга нисбатан аудиторлик текширишларни ўтказиш чоғида аудиторлик фаолиятининг Халқаро стандартларидан фойдаланишни;
- аудиторлик текширишлар сифатини баҳолаш учун аудиторлик фаолиятининг Халқаро стандартларини эталондек қўллашни;
- Халқаро ва миллий стандартларни солиштириш ва улар фарқининг мақбуллигини асослашни;
- иқтисодий субъектнинг раҳбариятига аудиторлик текшириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни;
- корхонада ички назорат ҳолатини текширишни ташкил қилиш ва амалга оширишни;

• ички назорат, хисоб ва тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш учун аудиторлик текширишнинг натижаларидан фойдаланишни;

• бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисоботнинг барча жиҳатларини унинг дастлабки, асосий ва якунланувчи босқичларида аудит ўтказишни;

ўрганасиз!

• хўжалик фаолиятини амалга оширишда ва бухгалтерлик хисобни олиб боришда бузилишлар ва хатоларни аниқлаш усули ва услубларига;

• текширишлар иатижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузиш услубларига;

• хўжалик субъектларнинг тафтиши ва назорати ишлашининг назарий асосларига;

• хўжалик фаолиятини амалга оширишда ва бухгалтерлик хисобни олиб боришда бузилишлар ва ноқонуний харакатларни аниқлаш усули ва услубларига;

• текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосани тузиш услубларига;

• иктисодий субъектнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишни бошқаришда аудитнинг натижаларидан фойдаланиш усулларига

эга бўласиз!

Асосий тушинчалар. Аудиторлик далиллар, бирламчи аудиторлик топшириқлар - кирим қолдиқлари, ташки тасдиқлашлар, бирламчи топшириклар – бошланғич сальдо, таҳлилий тартиблар, аудиторлик танлаб олиш ва танлаган тестлашнинг бошқа тартиблари, баҳолаш қийматларининг аудити, боғланган томонлар, келгуси ҳодисалар, фаолиятнинг узлуксизлиги, раҳбариятнинг аризалари.

5.1. 500-сон АХС "Аудиторлик далиллар"

500-сон АХС аудит чоғида олинган аудиторлик далиллар нимадан иборат бўлганлигини тушинтиради, ва уларнинг асосида аудиторлик фикрни асослаш мумкин бўлган, улар асосида ақллий хулосалар чиқаришга имконият яратиш мақсадида етарли тегишли аудиторлик далиллар олиш учун аудиторлик тартибларни ишлаб чикиш ва бажариш бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади бўлиб етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш ва улар асосида ақллий аудиторлик фикрни ташкил этишга имконият берадиган хулосага келиш учун, шундай аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажаришдан иборат.

АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Бухгалтерлик ёзувлар – бирламчи бухгалтерлик маълумотларни ёзувлари ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

(аудиторлик далилнинг)*Тегишли характери* – аудиторлик фикрни асослаши мумкин бўлган шундай далил асосида ақллий хулосага келиш учун имкоиият бериш мақсадида фойдаланиладиганаудиторлик далилнинг яъни, унинг ишоичлилигининг ва қўлланилишининг сифатнинг ўлчами.

Аудиторлик далил – аудиторлик фикрни асослаб бериши мумкин бўлган,унинг асосида ақллий хулосаларга келиш учун имконият бўлиши учун, аудитор томонидан фойдаланаётган маълумотдир. Аудиторлик далил, молиявий ҳисобот асосланаётган, бухгалтерлик ёзувларда мавжуд бўлган маълумотни хам ва бошқа маълумотни хам ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг эксперти – молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида ёрдам бериш учун ушбу соҳада унинг ишидан ташкилот томонидан фойдаланган, бухгалтерлик ҳисоб ёки аудит соҳасида тажрибаси мавжуд бўлган,шахс ёки ташкилотдир.

Етарлик (аудиторлик далилларнинг) – аудиторлик далиллар сонининг ўлчови. Талаб килинаётган аудиторлик далилларнинг сонига жиддий бузилиш рискга аудитор томонидан берилган баҳо ва шунингдек, шундай аудиторлик далилларнинг сифатитаъсир қилади.

Аудитор етарли тегишли аудиторлик далилларии олиш мақсади учун, ушбу ҳолатларда тегишли ҳисобланган, аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбурдир.

Аудитролик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажариш чоғида аудитор аудиторлик далил сифатида қўлланилган маълумотнинг тегишли характери ва ишочлилигини кўриб чиқишга мажбурдир.

Агарда, аудиторлик далил сифатида қўлланиладиган маълумот раҳбариятнинг экспертини ишлатилиб тайёрланган бўлса, аудитор экспертишининг муҳимлигини ҳисобга олиб:

- экспертнинг билимдонлигини, кўникмаларини ва ҳолислигини баҳолашга (А37-А43 б. кўр);
- экспертнинг ишини тушинишга эришишга (А44-А47б. кўр);

• молиявий ҳисобот тайёрланишининг тегишли дастлабки шартига нисбатан аудиторлик далил сифатида эксперт ишининг тегишли характерини баҳолашга мажбур.

Ташкилот томонидан тайёрланган маълумотдан фойдаланиш чоғида, аудитор у аудит мақсадлари учун етарли даражада ишончлилигини баҳолаши ва, ушбу ҳолатларда, агар керак бўлса, қуйидагиларни:

• маълумотнинг аниқлиги ва тўлиқлигига нисбатан аудиторлик далилларини олишга;

• аудит мақсадлари учун маълумот етарли даражада равшан ва батафсил эканлигини баҳолашга мажбур.

Назорат тестларини ва батафсил тестларни ишлаб чиқиш чоғида, аудитор, аудит мақсадларида самарали бўлиши мумкин бўлган, тестлаш учун элементларни танлаб олиш усулларини ишлаб чиқишга мажбур.

Агар бир манбадан олинган аудиторлик далиллар бошқа манбадан олинган далилларга мувофиқ бўлмаса, ёки аудитор аудиторлик далил сифатида ишлатмоқчи бўлган маълумотнинг ишончлигига шубҳаланса, унда у ушбу масалани ечиш учун аудиторлик тартибларга қандай қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш лозимлигини аниқлашга мажбур ва ушбу масала аудитнинг бошқа жиҳатларига таъсир (агар бундай таъсир мавжуд бўлса) кўрсатиши мумкин бўлганлигини кўриб чиқишга мажбур.

Аудиторлик далиллар аудиторлик фикр ва аудиторлик хулосани тасдиқлашлари лозим. Улар кумулятив (жамланган) ҳисобланади, ва уларни аудитор асосан аудит жараёнида аудиторлик тартибларни бажариш чоғида олади. Улар шунингдек, ўз ичига, бошқа манбаалардан олинган, олдинги аудит ёки мижоз билан муносабатларни қабул қилиш ва давом эттиришга нисбатан аудиторлик фирманинг сифатини назорат қилиштартиблар каби, маълумотларни олиши мумкин.

Аудиторлик фикрини шакллаштириш бўйича аудитор ишининг катта қисми аудиторлик далилларнинг олиш ва баҳолашдан иборат. Аудиторлик далилларни олиш бўйича аудиторлик тартиблар сўровнома юборишдан ташқари, инспекциялаш, кузатиш, қайта ҳисоблаш, тасдиклаш, кўпинча бир бирига қўшилган ҳолда қўлланиладиган такроран бажариш ва тахлилий тартибларни ўз ичига олади.

Инспекциялаш ички ёки ташқи, қоғоз ёки электрои шаклидаги, ёки бошқа маълумотни ёзиш ускуналаридаги ёзувлар ёки ҳужжатларни ўрганишдан иборатдир.

Ҳужжатларининг баъзилари активни мавжуд бўлганлиги бўйича тўғридан тўғри аудиторлик далил бўлиб ҳисобланади, масалан, акция ёки облигация каби, молиявий қурол бўлиб ҳисобланувчи ҳужжат.

Аудиторлик танлаб олиш, танлаб олишнинг ҳаммаси учун шакллаштирилган тестлаш асосида барча ҳаммасига нисбатан хулоса чиқаришга имкон олиш учун ишлаб чиқилади. Аудиторлик танлаб олиш 530-сон АХСда кўриб чиқилинади.

Аудиторлик далилларнинг хар хил мабалардан ёки ҳар ҳил характери бўлган аудиторлик далилларнинг олинишн аудиторлик далилларнинг алоҳида элементи ишончли бўлмаганлигига кўрсатади, масалан, битта мабадан олинган аудиторлик далиллар бошқа манбадан олинган аудиторлик далилларга мувофиқ эмас.

5.2. 501-сон АХС "Аудиторлик далиллар –алоҳида элементлар учун махсусмулоҳазалар"

501-сон АХС аудит чоғида аудитор томонидан 330-сон АХС, 500-сон АХС ва бошқа қўлланиладиганстандартларга мувофиқ захиралар,ташкилотга тааллуқли бўлган суд даъволари ва шикоятлар, ва сегментлар бўйича маълумотлар билан боғлик бўлганаудитнинг баъзи махсус жиҳатларига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун махсус мулоҳазаларни кўриб чиқади.

Аудиторнинг мақсади – қуйидагиларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш:

- захираларнинг мавжудлиги ва ҳолатига;
- ташкилотга тааллуқли бўлган суд даъволари ва шикоятларга, ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларига мувофиқ сегментлар бўйича маълумотларни тақдим этиш ва очиб беришга нисбатан маълумотнинг тўлиқлигига.

Агарда молиявий ҳисобот учуи захиралар жиддий бўлса, аудитор захираларнинг мавжудлиги ва ҳолатига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур. Бунинг учун у моддий захираларни инвентаризацияси чоғида(агар бу амалда мумкин бўлса):

- ташкилотдаги инвентаризация натижаларинингёзуви ва назоратига нисбатан раҳбариятнинг йўриқномалар ва тартибларини баҳолаш;
- инвентаризация бўйича раҳбариятнинг тадбирлари бажарилишини кузатиб туриш;

• захираларларни инспекциялаш (текшириш) ва инвентаризация (рўйхатга олиш) тестларини бажариш;

• жорий инвентаризация натижаларининг аниқ равишда акс этилишини аниқлаш учун ташкилотнинг захиралари бўйича ёзувларига нисбатан аудиторлик тартибларни бажариш учунқатнашиши зарур.

Агар кутилмаган ҳолатларга кўра инвентаризация чоғида аудитор қатнаша олмаса, у бошқа муддатдаги инвентаризацияда қатнашишга ва тегишли операциялар бўйича аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур.

Агарда инвентаризация чоғида қатнашишни амалга ошириб бўлмаса, аудитор захиранинг мавжудлиги ва ҳолатига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун муқобил аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур. Агар буни бажариш иложи бўлмаса, унда аудитор 705-сон АХСталабларига мувофиқ аудиторлик хулосани ўзгартиришга мажбур.

Аграда гаров ёки учинчи тарафнинг назорати остида бўлган захираларнинг ҳажми молиявий ҳисоботга жиддий бўлса, аудитор ушбу захираларнинг мавжудлиги ва ҳолатларига нисбатан, қуйдаги тартибларнинг биттаси (ёки ундан ортиқроқ бўлган) тартибларни бажариб етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур:

• ташкилот номидан сақланаётган захираларнинг миқдори ва ҳолатига нисбатан тасдиқлаш учун учинчи тарафга сўровнома юбориш (А15 б. кўр);

• ушбу ҳолатларга тегишли бўлган инспекцияни ёки бошқа аудиторлик тартибларни бажариш (А16 б. кўр).

Аудитор, жиддий рискларга олиб келиши мумкин бўлган, ташкилотга нисбатан суд даъволари ва шикоятларни аниқлаши учун аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур:

• раҳбариятни, ва қўлланиши мумкин бўлса, ташкилотдаги бошқа шахсларни ва ички юридик хизматни сўровга тортиш;

• мулкдорнинг вакиллари билан йиғилиш баённомаларни ва ташкилот ва унинг ташқи юридик маслаҳатчилари ўртасида бўлган ўзаро хат ёзишувларини текшириш;

• юридик хизматлар учун тўланган хисоб варақаларни текшириш.

Агар аудитор аниқланган суд даъволари ва шикоятларга нисбатан жиддий бузилишнинг риски мавжуд бўлганини баҳоласа, у бошқа АХСларда кўзда тутилган тартибларга қўшимча равишда раҳбарият томонидан тайёрланган ва аудитор томонидан ташқи юридик маслаҳатчи манзилига юборилган ёзма сўровнома ёрдамида ташкилотнинг ташқи юридик маслаҳатчиси билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга мажбур.

Агарда раҳбарият аудиторга ташқи юридик маслаҳатчи билан алоқа ўрнатишга ёки учрашишга руҳсат бермаса ёки ташқи юридик маслаҳатчи сўров-хатига тегишли равишда жавоб беришдан бош тортса ёки унга жавоб бериш тақиқланган бўлса ва аудитор етарли тегишли аудиторлик далилларни муқобил аудиторлик тартибларни бажариши чоғида олиш иложи бўлмаса, унда у 705-сон АХСга мувофиқ аудиторлик хулосани ўзгартиришга мажбур.

Аудитор раҳбариятдан молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида, унинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, барча маълум бўлган суд даъволар ва шикоятлар тўғрисидаги маълумот аудиторга ечиб берилган ва тегишли равишда молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган принцип талабларига мувофиқ акс этилиши тўғрисида ёзма равишда аризани сўрашга мажбур.

Аудитор раҳбарият томонидан ҳисоботдаги маълумотни сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларига мувофиқ раҳбарият томонидан фойдаланган усулларини тушинишга эга бўлиб, маълумотни сегментлар бўйича белгилаш чоғида фойдаланган маълумотни тақдим қилиш ва ечиб беришга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур ва ушбу усуллар молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган талабларга мувофиқ ечишларга олиб келиши мумкинлигини баҳолашга мажбур, агар мумкин бўлса, ушбу усулларни ва таҳлилий ёки ушбу ҳолатларда қўллаши мумкин бўлган бошқа аудиторлик тартибларни тестлашга мажбур.

Раҳбарият одатда молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадида йилда бир маротаба инвентаризация ўтказади, шунинг учун, агар қўлланиладиган бўлса, ташкилотнинг захираларини мунтазам равишда сақлаш тизимини ишончлилигини тасдиқлаш учун тартибларни ўрнатади.

Инвентаризация чоғида қатнашиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- уларнининг мавжудлиги ва ҳолатини баҳолаш ва қайта ҳисоблаш тестни бажаришни тасдиқлаш мақсадларида захираларни инспекциялаш:
- раҳбариятнинг инвентаризацияни ўтказиш қўлланмасига мувофиқлигини ва ёзувларга киритиш ва инвентаризациянинг натижаларини назорат қилиш тартибларини бажариш бўйича кузатиш;
- инвентаризация бўйича раҳбариятнинг тартибларини ишончлилигига нисбатан аудиторлик далилларни олиш.

Ушбу тартиблар аудитор томонидан риск, режалаштирилган ёндашиш ва аниқ бажарилаётган тартибларни баҳолашга боғлик бўлган ҳолда, назорат тести ва шунингдек, муҳим масалалар бўйича текшириш тартиблари сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Инвентаризация чоғида катнашишни режалаштиришга нисбатан масалалар (ёки ушбу АХС нинг 4-8 бандларида кўзда тутилган аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажаришга) ўз ичига, масалан, қуйидагиларни олади:

- захиралар билан боғлиқ бўлган жиддий бузилиш рискларини;
- захиралар билан боғлиқ бўлган ички назорат характерини;
- инвентаризацияни ўтказиш учун тушинарли тартибларни ва тўғри йўриқномаларни ишлаб чиқишга нисбатан кутишларни;
- инвентаризацияни ўтказиш муддатларини;
- ташкилотда захираларни мунтазам равишда сақлаш тизимининг мавжудлигини;
- захираларни сақлаш омборхоналарнинг жойланиши, захиралар ҳажмларининг жиддийлигини ва ҳар ҳил омборхоналар учун жиддий бузилишлар рискларини;
- аудитор экспертни жалб килиш зарурлигини.

Раҳбариятнинг натижаларни ва инвентаризацияни назорат қилиш бўйича йўриқномалар ва тартибларни баҳолаш билан боғлиқ масалалар ўз ичига, масалан, қуйидагиларни кўриб чиқишни олади:

- тегишли назорат харакатларни қўллаш;
- махсулотга якуний ишлов бериш босқичида секин харакатланган, бузилган ёки захираларнинг эскириб қолган элементларини ва учинчи томонга, масалан консигнацияга берилганларга, тегишли захираларни тўғри аниқламок;
- агар қўллаш мумкин бўлса, физикавий ҳажмларни баҳолаш учун фойдаланиладиган тартибларни, масалан кўмир терриконларининг физикавнй ҳажмларини баҳолашда;
- захираларнинг худудий бўлинмалари ўртасидаги харакатланишнинг, ортиб жўнатиш ва захираларии ҳисобот муддатидан олдин ва кейин олишнинг назорати.

Инвентаризацияни ўтказиш бўйича раҳбариятнинг тартиблар ўтказилиши устидан кузатув олиб бориш аудиторга раҳбариятнинг фармойишлари ва инвентаризацияни ўтказиш тартиблари тўғри ишлаб чиққилганлиги ва амалда бажарилаётганлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишда ёрдам беради.

Инвентаризация тартиби чоғида захираларни инспекциядан ўтказилиши аудиторга захилаларнн мавжудлигига ва бузилган, муддати ўтиб кетган ёки

эскириб кетган захиралар элементларини аниқлашда ўзида ишонч ҳосил қилишига ёрдам беради.

Амалий мулоҳазалар бўйича инвентаризация ҳисобот ўтказиш санасида (ёки саналарида) ёки ундан фарқ қиладиган санада ўтказилиши мумкин.

Агар ташкилотда захираларни мунтазам равишда бошқариш тизимидан фойдаланилса, раҳбарият захиралар тўғрисида ташкилотнинг мунтазам ёзувларига киритилаётган маълумотнинг ишониш учун физикавий ҳисоблаш тестларини ёки бошқа тестларни бажариши мумкин.

Инвентаризацияни ўтказиш санаси ва хисобот санаси ўртасида захиралардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ёзувларнинг тўғрилиги бўйича аудиторлик далилларни олишига ва захиралар тўғрисидаги якуний маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан тегишли тартибларўз ичига қуйидагиларни кўриб чиқишни олиши мумкин:

- захиралар тўғрисидаги мунтазам маълумотлар ўзгаришининг тўғрилигини;
- ташкилотнинг захиралар тўғрисидаги мунтазам ёзувларининг ишочлилигини;
- инвентаризация чоғида олинган маълумот ва захиралар тўғрисидаги мунтазам ёзувлар ўртасидаги жиддий тафовудларнинг сабабларини.

505-сон АХС *гаровдаги ва учинчи томон назоратида бўлган захираларни* ташқи тасдиқлаш тартибларини бажариш бўйича талабларни ўрнатади ва қўлланмани тақдим этади.

Ташкилотга нисбатан суд даъволари ва шикоятлар молиявий хисоботга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, шу боис молиявий ҳисоботда улар хақида маълумотни очиб бериш ёки бухгалтерлик маълумотларида акс эттириш борасидаги мажбуриятлар мавжуд бўлиши мумкин.

Вазиятларга қараб аудитор, юридик хизматлар учун ҳаражатларнинг бухгалтерлик ҳисобини ўзи томонидан текшириши чоғида юридик хизматлар учун харажатларни тўлаш ҳисоб варакалари каби, ҳужжатларнинг мабаларини кўриб чиқишини тегишли деб, ҳисоблаши мумкин.

Ташкилотнинг ташқи юридик маслаҳатчиси билан бевосита мулокот қилиши аудиторга, ташкилотга нисбатан яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган суд даъволари ва шикоятлар тўғрисида маълум бўлганлиги ва уларнинг молиявий окибатларига нисбатан раҳбариятнинг баҳолари ва ҳаражатларга нисбатан баҳолари идрокли бўлганлиги бўйича етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга ёрдам беради.

700-сон АХС[49] га мувофиқ аудитордан, аудиторлик хулосасининг санасини, аудитор аудиторлик хулосасида ўзининг фикрини у асослаган етарли тегишли аудиторлик далилларниолган санасидан олдин қўйилмаслиги талаб этилади. Суд даъволари ва шикоятларнинг, аудиторлик хулосаларни санасигача, мақоми тўғрисидаги аудиторлик далиллар раҳбарият ва ушбу масалаларга тегишли бўлган ташқи юридик маслаҳатчига сўровнома жўнатиш йўли оркали олиниши мумкин. Бир ҳил вазиятларда аудиторга ташки юридик маслаҳатчининг янгиланган маълумотни ўз ичига олган жавоби керак бўлиб колади.

Молиявий хисоботни тайёрлаш учун кулланадиган принципларига кура ташкилотдан молиявий хисоботдаги сегментлар бўйича маълумотни очиб беришни талаб қилиниши ёки унга уни очиб бериши учун рухсатнома берилиши мумкин. Сегментлар бўйича маълумотни тақдим этиш ва очиб беришга нисбатан аудиторнинг масъулияти молиявий ҳисоботга умуман тегишли. Шунинг учун маълумот, агар умуман молиявий ҳисобот таркибида эмас, балки сегментлар бўйича ўз ўзидан очиладиган бўлса, аудитордан аудиторлик тартибларни бажариш талаб этилмайди.

5.3. 505-сонАХС "Ташқи тасдиқлар"

505-сон "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш" 200-сон АХС билан биргаликда ўқилиши лозим.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти (АХС) аудитор томонидан 330-сон АХС ва 500-сон АХСдаги талабларга мувофиқ аудиторлик далиллар каби, аудитор томонидан ташқи тасдиқларни олиш тартибларидан фойдаланишни кўриб чиқади. У суд даъволари ва шикоятларига нисбатан масалаларни кўриб чиқмайди. Шундай сўровномалар ёрдамида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш масалалари 501-сон АХС да кўриб чиқилади.

500-сон АХСда аудиторлик далилларни ишончлилигига далилларни олиш манбаи каби, далилларнинг характери ҳам, ва шунингдек, далиллар олинган аниқ вазиятлар ҳам таъсир кўрсатади деб, айтиб ўтилган[50]. Ушбу АХСда шунингдек, аудиторлик далилларга нисбатан қўлланиладиган қуйидаги умумлаштиришлар мавжуд[51]:

[49]700-сон АХС, 41-б.
[50]500-сон АХС, А5- б.
[51]500-сон АХС, А31- б.

• аудиторлик далиллар, агар улар ташқи мабалардан олинган бўлса, ишончлироқ ҳисобланади;

• бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар тўғридан-тўғри эмас ёки воситачи орқали олинганларга нисбатан ишончлироқ ҳисобланади;

• агар аудиторлик далиллар ҳужжатлар, қоғозда, электрон ёки бошқа шаклда мавжуд бўлса, улар ишончлироқ бўлади.

Аудитнинг ҳолатларига боғлик ҳолда бевосита аудитор томонидан учинчи томондан олинган ташки тасдиклар шаклидаги аудиторлик далиллар ташкилотнинг ичидан келиб чиққан далиллардан ишончлироқ бўлиши мумкин.

Бошқа АХС лар аудиторлик далиллар каби, ташки тасдикларнинг муҳимлигини тан оладилар, масалан: 330-сон АХСда бахоланган жиддий бузилиш рискларига нисбатан харакат қилишни ишлаб чикиш ва қўллаш бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади, аудитор аудиторлик риск даражасини канчалик баланд баҳоласа, унданда ишончлироқ аудиторлик далиллар олишни талаб килинади[52]. 240-сон АХС, раҳбариятнинг молиявий хисоботдаги даъво даражасидаги виждонсизлик харакатлар туфайли жиддий бузилиш рискларига жавобан қўшимча тасдикловчи маълумотни олиш учун, аудитор тасдиқлаш тўғрисида сўровиомани ишлаб чиқиши мумкинлигига далолат беради[53]. 500-сон АХС, ташқи тасдиклар каби, аудит қилинаётган ташкилотдан мустақил бўлган манбадан олинган тасдикловчи маълумот амалдаги бухгалтерлик ёзувлар ёки раҳбариятнинг аризалари асосида олинган далиллар аудиторнинг ишончини кўтариши мумкинлигига далолат беради[54].

Ташқи тасдиқлар тартибларини татбиқ қилиш чоғида аудиторнинг мақсади бўлиб, тегишли ва ишончли аудиторлик далилларни олиш учун ушбу тартибларни ишлаб чикиш ва бажариш ҳисобланади.

АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Ташқи тасдиқ – учинчи томонидан (тасдикловчи томонидан) коғоз, электрон ёки бошқа шаклдаги тўғридан-тўғри ёзма жавоби кўринишдаги аудиторга берилган аудиторлик далиллардир.

Ижобий тасдиқ шаклидаги сўровнома – тасдиқловчи томон аудиторга сўровномадаги маълумот билан у рози бўлган ёки рози бўлмаганлигини очиқдан-очиқ тасдиклайди, ёки талаб қилинган маълумотни тақдим этади.

---

[52]330-сон АХС, 7 (в)-б.
[53]240-сон АХС, А37-б.
[54]500-сон АХС, А8, А9-б.

Салбий тасдиқ шаклидаги сўровнома – тасдиқловчи томон аудиторга фақат у сўровномада мавжуд бўлган маълумот билан рози бўлмаган ҳолатда очиқдан-очиқ жавоб берилган сўровномадир.

Жавоб йўқлиги – сўровномага жавобан, учинчи томондан тасдиқ йўқлиги, ёки тўлик бўлмаган тасдиқ, ёки жўнатувчига қайтиб келган сўровнома.

Истисналар – сўралаётган тасдиқловчи маълумот, ёки ташкилотнинг ёзувларида мавжуд бўлган маълумот ва тасдиқловчи томондан тақдим этилган маълумот ўртасидаги тафовудни кўрсатувчи жавобдир.

Ташқи тасдиқларни олиштартибларидан фойдаланиш чоғида аудитор ташки тасдик тўғрисидаги сўровномаларни назорат қилишга мажбур:

- расмий равишда сўралган ёки тасдикни талаб қилган маълумотни аниқлаш (А1 б. кўр);
- тегишли тасдиқловчи учинчи томонни танлаб олиш (А2 б. кўр);
- тасдиқ тўғрисидаги сўровномаларни, сўровномаларнинг тегишли манзилини аниқлашни ва сўровномаларда жавобларни бевосита аудиторга жўнатиш тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлишини кўшиб ҳисоблаганда, ишлаб чиқиш (А3-А6 б. кўр);
- сўровномаларни, эслатмаларни, агар бу ўринли бўлса, тасдиқловчи томон манзилига жўнатиш (А7б. қўр).

Агар, раҳбарият аудиторга ташқи тасдиқ тўғрисида сўровнома юборишга рухсат бермаса, аудитор:

- шундай рад этиш сабаблари тўғрисида расмий равишда сўрашга ва рад этиш асосли ва идрокли бўлганлиги тўғрисида аудиторлик далилларни кўриб чиқишга;
- бошқа аудиторлик тартиблар характери, муддатлари ва ҳажмларини баҳолаш учун аудитор томонидан жиддий бузилиш рискини ва виждонсизлик харакатларнинг рискини баҳолаш мақсадида рад этиш оқибатини баҳолашга;
- ишончли аудиторлик далилларни олиш учун ишлаб чиқилган альтернатив аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур.

Агар аудитор раҳбарият томонидан ташқи тасдик тўғрисидаги сўровномаларни жўнатишга рухсатнинг рад этилиши номаъқул деган, хулосага келса ёки аудитор альтернатив тартиблар асосида ишончли аудиторлик далилларни олишга қодир бўлмаса, у шунингдек, 705-сон АХСга мувофиқ аудит ва билдирилган аудиторлик фикри учун оқибатларни аниқлашга мажбур.

Салбий тасдиқлар ижобий тасдиқларга нисбатан ишончлилиги паст бўлган аудиторлик далилларни ифодалайди.

Ташқи тасдиқларни олиш тартиблари ишончли далилларни тақдим этганми ёки йўқми аудитор баҳолашга мажбур ёки кейгуси аудиторлик тартибларни бажариш зарур.

Ташқи тасдиқларни олиш тартиблари кўпинча баланс ҳисоблари ва уларнинг элементларига нисбатан маълумотни тасдиқлаш ёки сўраш учун бажарилади.

Тасдиқлаш тўғрисидаги сўровномаларга олинадиган жавоблар, аудитор фикри бўйича, тасдиқланган маълумотлар тўғрисида керакли билимга эга бўлган тасдиқловчи томонга жўнатилган ҳолатларида, тушинарлирок ва ишончлирок аудиторлик далилларни беради.

Сўровномаларни шаклини ишлаб чиқиш чоғида кўриб чиқиладиган факторлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- уларга нисбатан расмий талаб тайёрланган тасдиқлаш;
- виждонсизлик харакатлар рнскларини қўшиб ҳисоблаганда, жиддий бузилишнинг муайян аниқланган рисклари;
- тасдиқлаш тўғрисида лойиха ва сўровноманинг презентацияси;
- монанд топшириқлар аудити бўйича ўтмиш тажрибаси;
- хабарни жўнатиш усули (масалан, коғоз шаклида, электрон ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида);
- аудиторга жавобни жўнатиш бўйича ташкилотнинг раҳбарияти томонидан маъқуллаш ёки улар томонидан учинчи томонларга тавсияномалар. Тасдиқловчи томонлар, фақат ташкилотнинг раҳбарияти маъқуллашни ўз ичига олган, тасдиклаш тўғрисидаги сўровномага жавоб беришни хоҳлашлари мумкин;
- тасдиқловчи томон тасдиқни бериш ёки сўралаётган маълумотни бериш қобилияти (масалан, баланс ҳисобига кирган инвойс бўйича аниқ суммани тасдиқлаш).

Ижобий ташқи тасдиқлаш тўғрисидаги сўровнома ўз ичига тасдиқловчи томонга ҳар қандай ҳолатда аудиторга, ёки тақдим этилган сўровномадаги маълумот билан рози бўлганини кўрсатиб, ёки сўралаётган маълумотни тақдим этиб, жавоб беришлари тўғрисидаги илтимосномани олади. Сўровномалар тўғри манзилларга юборнганини текшириш ўзига, уларни жўнатишдан олдин, сўровномалар жўнатиладиган барча ёки бир нечта манзилларни тегишли равишда текширишни қамраб олади.

Аудитор, агар белгиланган вақт давомида у жавоб олмаса, тасдиқлаш бўйича қўшимча сўровномани жўнатиши мумкин. Масалан, дастлабки сўровиомаиинг манзилини аниқлигини қайта текшириб, аудитор қўшимча сўровномани жўнатиши мумкин.

Аудиторга ташқи тасдиқлар тўғрисидаги сўровномани жўнатиш бўйича раҳбарият томонидан рухсат бермаслик, аудитор олишни мақсад қилган далиллар ҳажмига нисбатан чеклаш ҳисобланади.

Жиддий бузилиш рискларини тасдиклаш даражасида қайта кўриб чиқиш ва 315-сон АХС га мувофиқ режалаштирилган аудиторлик тартибларни ўзгартириш, тегишли бўлади деб, ҳисобланган параграфга мувофиқ хулосалар асосида натижага келиши мумкин[55].

500-сон АХС маълумотнинг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аудиторлик далиллар ташкилотга нисбатан ташки бўлган мабалардан олинган ҳолда ҳам келиб чиқиши мумкинлигига далолат беради[56].

(таҳрир қилинган) 500-сон АХС аудитордан аудиторлик даллиллар сифатида фойдаланилаётган маълумотнинг ишончлилигига ишонч ҳосил қилиш учун тартибларни ўзгартириш лозимлигини аниқлашни талаб қилади[57].

Тасдиқлаш тўғрисидаги сўровномага жавоб ўз ичига ундан фойдаланишни чеклайдиган мулоҳазаларни олиши мумкин. Бундай чекланишларнинг мавжудлиги аудиторлик далиллар каби жавоб ишончлилигини пасайтиришга олиб келиши мукаррар эмас.

Аудитор жавоб ишончсиз деган, хулосага келганида, унга молиявий ҳисоботда тасдиқлар даражасидаги жиддий бузилишнинг рискларини қайта баҳолаш ва 315-сон АХС[58] талабларига мувофиқ режалаштирилган тартибларни ўзгартиришкерак бўлиши мумкин. Масалан, ишончсиз жавоб, 240-сон АХС[59] га мувофиқ баҳолашни талаб қиладиган, виждонсизлик харакатлар риски фактори мавжудлигига кўрсатиши мумкин.

Агарда, *жавоб йўқ бўлса* аудитор альтернатив аудиторлик тартибларни бажариши мумкин:

- дебиторларнинг ҳисобларидаги баланс кўрсаткичлар учун - тўлов ҳужжатларни, хисобот санасига яқин бўлган даврида етказиб бериш ва сотиш бўйича ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;

---

[55]315-сон АХС, 31-б.
[56]500-сон АХС, А31-б.
[57]500-сон АХС, 11-б.
[58]315-сон АХС, 31-б.
[59]240-сон АХС, 24-б.

• дебиторларнинг ҳисобларидаги баланс кўрсаткичлар учун – пул маблағларини ўтказиш ва учинчи томонлар билан бўлган ёзишмалар ёки бошқа ёзишмалар, масалан контрагент томонидан маблағ олиш тўғрисидаги гувоҳнома, борасида тегишли маълумотларни ўрганиб чиқиш.

Салбий тасдиқ тўғрисидаги сўровномага жавоб олмаслик, сўроқ қилинадиган томоннинг жўнатилган сўровномага ёки сўровномада мавжуд бўлган маълумот аниқлигининг тасдиғига бир маъноли жавоб эканлигини англатмайди.

Ташки тасдиқ тўғрисидаги сўровномаларга олинган жавобларни баҳолаш чоғида аудитор уларни куйидаги туркумларга бўлиши мумкин:

• тақдим этилган маълумот билан рози бўлган ёки сўралган маълумотни истисноларсиз келтирилган, тегишли тасдиқловчи томондан олинган жавоб;

• жавоб ишончсиз кўринишига эга;

• жавоб тақдим этилмаган;

• истисноси мавжуд бўлганжавоб.

Аудитор бажариши мумкин бўлган бошқа тартиблар билан бирга, аудитор томонидан жавобларнинг бахоланиши унга у томонидан етарли тегишли аудиторлик далилларни олганлиги ёки, 330-сон АХС[60]нинг талабларига мувофиқ, қўшимча аудиторлик тартибларни бажариш лозимлиги тўғрисида хулосани шакллантиришга ёрдам беради.

5.4. 510-сон АХС «Дастлабки аудиторлик топшириқлар-киритиладиган қолдиқлар»

510-сон АХС «Аудиторнинг умумий максадлари ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши лозим.

Аудитнинг халқаро стандарти дастлабки аудит чоғида киритиладиган қолдиқларни текширишга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади. Молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган суммаларга қўшимча килиб киритиладиган қолдиқлар деб, ҳисобот даврнинг бошланишида мавжуд бўлган шартларга нисбатан, масалан, мажбуриятлар ва кафолатларга нисбатан, очиб беришни талаб қиладиган колдиқлар кўзда тутилади. Агар молиявий хисобот солиштириладиган молиявий маълумотни ўз ичига олса, шунингдек, 710-сон АХС нинг талаблари ва қўлланмалари қўлланилади. 300-сон АХС ўз ичига дастлабки аудитнинг бошланишидан олдин қилинадиган харакатларга нисбатан қўшимча талабларни ва қўлланмаларни қамраб олади.

---

[60]330-сон АХС, 26-27- б.

Дастлабки аудитни ўтказиш чоғида киритилаётган қолдиқларга нисбатан аудиторнинг мақсади қуйидагиларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат:

- жорий даврдаги молиявий ҳисоботга жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, киритиладиган бузилиш қолдиқлар мавжудлигига;
- молиявий ҳисоботни тайёрлашда тегишли ҳисоб сиёсати кетма-кетлик билан қўлланганлиги,ва агар, унга ўзгартиришлар киритилган бўлса, улар ҳисобда тегишли равишда акс эттирилганми, молиявий ҳисобот тайёрланишининг қўлланиладиган принципларига мувофиқ тақдим этилган ва очиб берилганми.

АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Дастлабки аудиторлик топшириқ – унинг учун ёки олдинги даврнинг молиявий ҳисоботига нисбатаи аудит ўтказилмаган, ёки олдин фаолият кўрсатган (ўтмишдош) бошқа аудитор томонидан аудит ўтказилган, топшириқдир.

Киритиладиган қолдиқлар – бухгалтерлик ҳисоби счётлари бўйича ҳисоботнинг бошланиш даврида мавжуд бўлган қолдиқлардир. Киритиладиган қолдиқлар ўтган давридаги чиқим қолдиқлар бўйича маълумотларга асосланади ва ўтган даврдаги битим ва ҳодисалар ҳамда ўтган даврдаги ҳисоб сиёсатининг таъсир кўрсатишини акс эттиради. Киритиладиган қолдиқлар шунингдек, очиб беришни талаб килинадиган, давр бошида мавжуд бўлган, мажбурият ва кафолатлар тўғрисидаги маълумотлар каби, қолдиқларни ўзига қамраб олади.

Ўтмишдош- аудитор – бошқа аудиторлик фирмадаги, ташкилотнинг молиявий ҳисоботини ўтган даврда аудит қилган ва жорий аудиторга алмаштирилган аудитордир.

Аудитор муддат бўйича оҳирги молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумот ҳамда у бўйича ўтмишдош-аудиторнинг, очиб беришларни кўшиб ҳисоблаганда, киритиладиган қолдиқлар тўғрисидаги маълумотларга нисбатан аудиторлик хулосасида мавжул бўлган маълумотлар билан танишишга мажбур.

Аудитор жорий даврдаги ҳисоботга жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган киритиладиган қолдиқларда бузилишлар мавжудлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни, қуйидагиларни текшириш йўли билан, олишга мажбур:

- ўтган даврдаги чиқим қолдиклар бехато жорий даврга ўтказилганми ва агар бу мумкин бўлса қайта кўриб чиқилганми;

• киритиладиган қолдиқлар тегишли ҳисоб сиёсатни ва қуйидагилардан бирини ёки кўпроғини бажаришни акс эттирадими (А3-А4 б. кўр): агар ўтган йилдаги молиявий ҳисобот аудит қилинган бўлса, унда киритиладиган қолдиқларга нисбатан аудиторлик далилларни олиш учун ўтмишдош-аудиторнинг иш ҳужжатларини шарҳини ўтказишни; жорий даврда бажарилган аудиторлик тадбирлар киритиладиган қолдиқларга нисбатан далилларни тақдим этилишининг баҳоланишини; киритиладиган қолдиқларга нисбатан аудиторлик далилларни олиш учун махсус аудиторлик далилларни бажаришни.

Агар, аудитор, киритиладиган қолдиқлар жорий даврдаги молиявий ҳисоботга жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бузилишларни ўз ичига олиши тўғрисида далилларни олса, унда у жорий даврдаги молиявий ҳисоботга бузилишларнинг таъсирини аниқлаш учун, улар ушбу вазиятда тегишли бўладиган, шундай қўшимча аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур. Агар аудитор, жорий даврдаги молиявий ҳисоботда шундай бузилишлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келса, у бундай бузилишлар тўғрисида тегишли даражадаги раҳбриятга ва мулкдорнинг вакилларига 450-сон АХСга мувофиқ хабар беришга мажбур[61].

Аудитор жорий даврдаги молиявий ҳисоботда киритиладиган қолдиқларга нисбатан ҳисоб сиёсати кетма-кетлик билан қўлланилиши тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур ва агар, унга ўзгартиришлар киритилган бўлса, улар ҳисобда тегишли равишда акс эттирилганми, молиявий ҳисобот тайёрланишининг қўлланиладиган принципларига мувофиқ тақдим этилган ва очиб берилганми.

Агар ўтмишдаги молиявий ҳисобот ўтмишдош-аудитор томонидан аудит қилинган бўлса ва фикр ўзгартирилган бўлса, аудитор 315-сон АХСга мувофиқ жорий давр бўйича молиявий ҳисоботдаги жиддий бузилиш рискларини баҳолаш чоғида ўзгартиришга олиб келган масаланинг таъсирини баҳолашга мажбур.

Агар аудиторнинг киритиладиган қолдиқларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга имконияти бўлмаса, у, агар ўринли бўлса, 705-сон АХСга мувофик молиявий ҳисобот бўйича баъзи бир шартлар билан фикр билдириши ёки фикр билдиришдан бош тортишга мажбур.

Агар аудитор киритиладиган қолдиқлар жорий даврдаги молиявий хисоботга таъсир кўрсатадиган бузилишларни ўз ичига олиши тўғрисидаги хулосага келса ва ушбу бузилишнинг таъсири тегишли бўлмаган равишда

[61] 450-сон АХС, 8,12 б.

ҳисобда акс эттирилган бўлса ёки молиявий ҳисоботда адекват бўлмаган тарзда тақдим этилган ёки очиб берилган бўлса, унда у, агар ўринли бўлса, 705-сон АХСга мувофиқ ўзгартирилган ёки салбий фикрни билдиришга мажбур.

Агар аудитор, ҳисобот даврининг ҳисоб сиёсати киритиладиган қолдиқларга нисбатан молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига мувофиқ кема-кетлик билан қўлланилмаганлиги тўғрисида, ёки молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига мувофиқ ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бухгалтерлик ҳисобида тегишли бўлмаган равишда акс эттирилган ёки иотўғри тақдим этилган, ёки очиб берилгани тўғрисидаги ҳулосага келса, унда у, 705-сон АХС га мувофиқ ўзгартирилган ёки салбий фикрни билдиришга мажбур.

Агар ўтмишдош-аудиторнинг аудиторлик хулосасида ўтган даврдаги молиявий ҳисоботга нисбатан жорий даврдаги молиявий ҳисобот учун ўринли ва муҳим бўлиб колган изоҳ мавжуд бўлса, аудитор 705-сон АХС ва 710-сон АХСларга мувофиқ жорий даврдаги молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосани ўзгартиришга мажбур.

5.5 520-сон АХС «Таҳлилий амаллар»

520-сон АХС аудитор томонидан таҳлилий амаллардан фойдаланилишини, муҳим масалалар бўйича текшириш амаллар каби, ва аудиторга молиявий ҳисобот бўйича якуний хулосани шакллаштириш чоғида ёрдам берувчи, аудитни якунлашдан олдин ўтказиладиган амаллар каби кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халкаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» билан бирга ўкилиши зарур.

Аудиторнинг мақсадлари:

- моҳиятига кўра текширишни таҳлилий амалларини қўллаш чоғида тегишли ва ишончли аудиторлик далилларни олиш;
- молиявий ҳисобот ташкилотнинг аудитори томонидаи тушинишига мос келиши тўғрисида, аудиторга молиявий ҳисобот бўйича якуний хулосани шакллантириш чоғида ёрдам берадиган таҳлилий амалларни аудит якунига яқин қолганда ишлаб чиқиш ва бажариш.

"Таҳлилий амаллар" ибораси молиявий ва молиявий бўлмаган маълумот ўртасида мумкин бўлган боғлиқ бўлишнинг мавжудлигини таҳлил қилиш йўли билан молиявий маълумотни баҳоланишини англатади.Таҳлилий амаллар шунингдек, бошқа ҳаммабоп маълумотга мувофиқ бўлмаган ёки

кутиладиган кўрсаткичлардан жиддий равишда фарқ қиладиган аниқланган боғлиқларни (қарамликларни), зарурият туғилганда, кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Моҳиятига кўра текширишнинг таҳлилий амалларини ишлаб чиқиш ва бажариш чоғида аудитор:

- аниқ таҳлилий амалларни қўлланишини аниқлашга;
- маълумотларнинг ишончлилигини баҳолашга;
- аудитор томонидан кутилаётган ҳисоб маълумотлар ёки коэффициентларнинг қийматини ишлаб чиқиш ва молиявий ҳисоботининг жиддий равишда бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, ўз-ўзидан ёки бошқа бузилишлар билан бирга олинган, бузилишни аниқлаш учун ушбу кўрсаткичлар етарли даражада тўғри ҳисобланганлигини баҳолашга;
- ҳисоб маълумотлари ёки коэффициентларнинг аудитор томонидан кутилаётган ва ҳақиқий ҳисоб қийматлари ўртасидаги фарқни аниқлашга мажбур.

Аудитор молиявий ҳисобот ташкилотнинг аудитори томонидан тушинишига мос келиши тўғрисида, аудиторга молиявий хисобот бўйича якуний хулосани шакллантириш чоғида ёрдам берадиган таҳлилий амалларни аудит якунига яқин қолганда ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур.

Агар таҳлилий амаллар, бошқа ҳаммабоп маълумотга мос келмайдиган ёки кутиладиган кўрсатгичлардан жиддий ўлчамга фарқ киладиган қарамликларни аникласа, аудитор ушбу номувофиқликни кўриб чиқиши, бунинг учун:

- раҳбриятга сўровномаларни юбориши ва раҳбриятдан олинган жавобларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиши;
- ушбу ҳолатларда зарур бўлиши мумкин бўлган, бошқа аудиторлик тартибларни бажариши лозим.

Раҳбриятнинг аризаларига тааллуқли бўлган аудиторлик далиллар, аудитор томонидан ташкилотни ва унинг мухитини ва, аудит чоғида олинган, бошқа аудиторлик далилларни тушинишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу аризаларни баҳолаш йўли билан олиниши мумкин.

Бошқа аудиторлик амалларни ўтказиш зарурлиги масалан, раҳбарият тушинтириш беришга қодир бўлмаса ёки ушбу тушинтириш аудиторлик далиллар билан бирга унга нисбатан тўғри деб, ҳисобланмаса, келиб чиқиши мумкии.

5.6. 530-сон АХС "Аудиторлик танлаш"

530-сон АХС аудитор аудиторлик тартибларни бажариш чоғида аудиторлик танлашни қўллаш бўйича режа қилганида қўлланилади.Стандарт, аудитор томонидан статистик ва статистик бўлмаган танлаш усулларини аудиторлик танлашни ишлаб чиқиш ва шакллантириш, назорат тестлар ёки батафсил тестларни бажариш ва танлашни қўллаш натижаларини баҳолаш чоғида қўлланиши билан боғлиқ ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофик ўтказиш» билаи бирга ўкилиши зарур.

Ушбу АХС, аудиторлик фикрини асослаш мумкин бўлган идрокли хулосаларни олиш имкониятига эга бўлиш учун етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш мақсадида, аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқадиган 500-сон АХСни тўлдиради. 500-сон АХС аудиторга тестлаш учун элементларни танлаш бўйича олиши осон бўлган, уларнинг биттаси аудиторлик танлаш бўлиб хисобланадиган, воситаларга нисбатан бошқаришни таъминлайди.

Аудиторлик танлашлардан фойдаланиш чоғида аудиторнинг мақсади бўлиб, танлаб олиш унинг асосида шаклланган жамланмага нисбатан хулосалар килиш учун идрокли асосни таъминлаш ҳисобланади.

АХСнинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Аудиторлик танлаш – жами танлашнинг барча элементлари танланишига тенг эҳтимолга эга бўлиши учун аудиторга барча жамланмага нисбатан хулоса чиқариш борасида имконият яратишда, аудитор томонидан кўриб чиқиладиган бош жамланманинг ичида 100 фоиздан кам бўлмаган элементларга нисбатан аудиторлик тартибларни қўллашидир.

Жамланма – унинг асосида аудиторлик танлаш шаклланадиган ва унга нисбатан аудитор хулосалар қилишни истайдиган, маълумотнинг жами йиғиндисидир.

Танлаш риски – аудиторнинг танлаш асосида қилинган хулосалари барча жамланмага нисбатан шу тартибнинг ўзини қўллаш чоғида олиниши мумкин бўлган хулосалардан фарқ килиши мумкин бўлган риски. Танлаш риски иккита турдаги хато хулосларига олиб келиши мумкин:

1) назоратни тестдан ўтказиш ҳолатида - назорат тестлари, ҳақиқатда бу бўлганидан, анча самаралироқ, ёки батафсил тестлаш ҳолатида - жиддий бузилишнинг, қачонки аслида эса у мавжуд бўлса, мавжуд бўлмаганлиги. Аудитор аввалам бор иотўғри хулосанинг шундай вариантини кўриб чиқади,

чунки у аудитнинг самарадорлигига таъсир қилади ва катта эҳтимол билан тегишли бўлмаган аудиторлик фикрига олиб келиши мумкин;

2) назоратни тестдан ўтказиш ҳолатида - назорат тестлари, ҳақиқатда бу бўлганидан, самараси камроқ, ёки батафсил тестлаш ҳолатида - жиддий бузилишнинг, қачонки аслида эса у мавжуд бўлмаса, мавжуд бўлганлиги. Нотўғри хулосанинг ушбу тури аудитнинг самарадорлигига таъсир қилади, чунки, кўпинча, у дастлабки тахмин нотўғри эканлигини аниклаш учун қўшимча ишни бажариш лозимлигига олиб келади.

Танлашдан фойдаланиш билан боғлик бўлмаган риск – танлаш риски билан боғлик бўлмаган, ҳар қандай сабабларга кўра, аудитор нотўғрн хулосага келадиган риск.

Аномалия (нормадан четга чиқиш) – танлашда ҳозир бўлган бузилишлар ёки четга чиқишларга нисбатан эҳтимол кўримсиз бўлмаган бузилиш ёки четга чиқишдир.

Танлаш элементи – жамланмани ташкил этувчи ўзига хос элементлар.

Статистик танлаш – қуйидаги тавснфларга эга бўлган, танлаш тузилишига қўлланиладиган ёндашиш: танлаш жамланма элементларини тасодифий танлаш, танлаш натижаларини баҳолаш учун эҳтимоллик назариясини қўллаш, танлашдан фойдаланиш билан боғлик бўлган танлаш рискини ўлчаш. Ушбу талаблар бажарилмайдиган танлашни шакллантириш усули ностатистик танлаш деб, ҳисобланади.

Стратификация – тавсифлари (кўпинча нарх қиймати) бир хил бўлган, уларнинг ҳар бирииг ўзи танлаш элементлар гуруҳини ифодалайдиган, жамланмани жамламанинг кичкина гуруҳларига ажратиш жараёнидир.

Мақбул бўлган бузилиш – аудитор томонидан ўрнатилган, ва унга нисбатан жамламада мавжуд бўлган ҳақиқий бузилиш аудитор томонидан ўрнатилган пул ҳажмидан ошиб ўтмаслиги тўғрисида аудитор етарли тегишли ишончлилик даражасига эга бўладиган, пул ўлчами.

Четга чиқиб кетишларнинг мақбул бўлган даражаси – аудитор томонидан ўрнатилган ички назоратнинг ўрнатилган тартибларидан четга чиқиб кетиш даражасидир, унга нисбатан жамламада жой эгаллаган четга чиқиб кетишларнинг ҳақиқий даражаси, у томонидан ўрнатилган, четга чиқиб кетишнинг мақбул бўлган даражасидан ошиб кетмаганлиги тўғрисида аудитор етарли тегишли ишочлилик даражасини олади.

Аудиторлик танлаш турини аниклашда аудитор аудиторлик тартибларнинг мақсадларини ва унинг асосида танлаш жамланмаси шакллантирадиган бош жамланманинг тавсифни кўриб чиқишга мажбур.

Танлашнинг ҳар бир элементи танланишига тенг эҳтимолликка эга бўлиши учун, аудитор, танлаш рнскини мақбул паст даражасига пасайтиришга етарли бўлган, танлаш ҳажмини аниклашга мажбур.

Аудитор аудитнинг мақсадларига нисбатан ҳар бир танлаб олинган элемент учун тегишли тартибларни бажаришга мажбур. Агар ушбу танлаб олинган элементга аудиторлик тартиб мақбул бўлмаса, унда аудитор уни ўрнига қўйилган элементга нисбатан уни бажаришга мажбур. Агар аудитор танлаб олинган элементга нисбатан ишлаб чиқилган тартибларни ёки мақбул бўлган альтернатив тартибларни татбиқ қила олмаса, унда у ушбу элементни, назорат тестлари ҳолатида кўрсатма берилган назорат тартибдан четга чиқиб кетиш каби, ёки батафсил тестлар ҳолатида бузилиш каби кўриб чиқишга мажбур.

Аудитор ҳар қандай аниқлаиган четга чиқиб кетишлар ёки бузилишнинг характери ва сабабини кўриб чиқишга ва уларни аудиторлик тартибнинг мақсадига ҳамда аудитнинг бошқа соҳаларига таъсир кўрсатиши мумкинлигини баҳолашга мажбур. Аудитор, четга чиқиб кетиш ёки бузилиш танланган жамланманинг қолган қисмига таъсир этмаганлиги тўғрисидаги ишончилиликнинг юқори даражасига, аудиторлик етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга йуналтирилган қўшимча аудиторлик тартибларини бажариш йўли билан, эришишга мажбур. Батафсил тестларга аудитор аниқланган бузилишлар асосида танланган жамланма учун бузилишларнинг прогнозини тузишга мажбур.

Аудитор куйидагиларни баҳолашга мажбур:

- танланган текшириш натижалари қандай;
- бош жамланмага нисбатан хулосалар чиқариш учун аудиторлик танлашдан фойдаланиш идрокли асосни берганми.

5.7. 540-сон АХС «Одилона нархга нисбатан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар ва улар билаи боғлиқ бўлган очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда,бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларининг аудити»

540-сон АХС аудиторнинг молиявий ҳисобот чоғида одилона нархга нисбатан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар ва улар билан боғлиқ бўлган очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда,бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга нисбатан масъулиятини кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» билан бирга ўқилиши зарур.

Молиявий ҳисоботнинг баъзи кўрсаткичлари аниқ равишда ўлчаб олинмадилар, лекин фақат баҳоланишлари мумкин - бу бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларидир. Бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичини асослаш учун раҳбариятга олиш осон бўлган маълумотнинг табиати ва ишончлилиги юқори даражада ўзгариши мумкин, бу эса бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлари билан боғланган мумкин бўлган ноаниқлик даражасига таъсир этади.

Бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни ўлчаш мақсади молиявий хисоботнинг қўлланиладиган тузиш принципларнинг ва ҳисоботга киритиладиган молиявий объектнинг характерига кўра ўзгариши мумукин. Масалан, молиявий хисоботни тузиш бўйича қўлланадиган принципларн одилона нарх бўйича ўлчашларни талаб қилиши мумкин.

Бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичи учун хақиқий натижа ва дастлабки тан олинган ёки молиявий хисоботда очиб берилган ўлчам ўртасидаги фарқ, молиявий ҳисоботнинг бузилиши деб, сўзсиз ҳисоблаш шарт эмас. Бу одилона нарҳ бўйича бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга нисбатан айникса муҳим, чунки кузатилаётгна натижага молиявий ҳисоботнинг мақсадларн учун ўтказилган ўлчаш санасига нисбатан келгуси ҳодисалар ва шароитлар таъсир этади.

Аудиторнинг мақсадлари, молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланиладиган муҳим масалаларни кўриб чиқиш контекстида, қуйидаги принципларига нисбатан, етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат:

- одилона нарҳ бўйича бухгалтерилик баҳолаш кўрсаткичларни қўшиб хисоблаганда, ҳисоботда тан олинган ёки очиб берилган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларнинг идроқлигига;
- молиявий хисоботда улар билан боғлиқ бўлган очиб беришларнинг мослигига.

540-сон АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлари - моддани ўлчаш учун аник усуллар мавжуд бўлмаганда, унинг таҳминий қийматидир.Ушбу ибора ноаниқлик мавжуд бўлганда одилона нарх бўйича ўлчайдиган моддалар учун ва шунингдек, баҳоланиши талаб этиладиган бошқа моддалар учун қўлланилади.Ушбу АХС, фақат одилона нарҳ бўйича ўлчашни талаб этилган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар тўғрисида гапирадиган бўлса, "одилона нарҳ бўйича бухалтерлик баҳолаш кўрсаткичи" ибораси фойдаланади.

Нуқтали ёки оралиқ аудиторлик баҳолаш- раҳбариятнинг нуқтали баҳолашни кўриб чиқиш чоғида фойдаланиш учун, аудиторлик далиллар асосида олинган алоҳида ўлчам ёки ўлчамларнинг оралиги.

Баҳолаш билан боғлиқ бўлган ноаниқлик – бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичини ва у билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботдаги очиб беришларнинг, уни ўлчашда аниқликнинг йўқлигига дуч келиши.

Раҳбарият билан боғлиқ бўлган бузилиш – бу маълумотни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида раҳбарият тарафидан бетарафлигининг йўқлиги сабаб бўлиб ҳисобланган бузилишдир.

Раҳбариятнинг нуқтали баҳолаши- ҳисоботдаги тан олиш ёки очиб бериш учун раҳбарият тарафидан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткич сифатида танланган улчамдир.

Бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичнинг натижаси – уларга нисбатан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткич аниқланган, операция, ҳодиса ёки шартни якунлаш учун натижа бўлиб ҳисобланган модданинг жорий фактик ўлчамидир.

ташкилот ва ички назоратни қўшиб ҳисоблаганда, унинг муҳитини тушиниш учун, рисклар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни аниқлаш ва баҳолаш борасидаги тартибларни бажариш чоғида аудитор қуйидагиларни тушинишга мажбур:

- бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга ва улар билан боғлиқ бўлган очиб беришларга нисбатан молиявий ҳисоботии тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларнинг талабларини;
- молиявий ҳисоботдаги бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларнинг тан олиниши ва очиб берилишига зарурлик туғдириши мумкин бўлган уша операциялар, ҳодисалар ва шартларни раҳбарият қандай қилиб аниқлашини;
- раҳбарият қандай килиб бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга эга бўлишини ва улар асосидаги маълумотларни тушинишига эга бўлишини; баҳоланиш билан боғлиқ бўлган ноаниқлик эффектини раҳбарият ҳисобга олганлигини, олган бўлса, унда қандай қилиб олганлигини.

Аудитор, ўтган даврдаги ҳисоботга киритилган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни ҳақиқий бажарилишини текширишга, ёки, қўлланиши мумкин бўлса, жорий давр ҳисоботининг мақсадлари учун уларни кетма-кетлик билан кайта кўриб чиқишга мажбур. Аудиторлик текширишнинг характери ва ҳажмида бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларнинг ҳарактери ва жорий давридаги молиявий хисобот учун килинган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларниинг жиддий бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун текшириш чоғида олинган маълумотнинг қўлланишини инобатга олинади.

Лекин, текшириш, ўтган даврда килинган, уша пайтда олиш мумкин бўлган маълумотларга асосланган фикрларни шубҳа остига олиш мақсадини қўймайди (А39-А44 б. кўр).

Жиддий бузилиш рискларни аниклаш ва баҳолаш чоғида аудитор бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга нисбатан баҳолаш билан боғлиқ бўлган ноаниқлик даражасини баҳолашга мажбур.

Аудитор, жиддий рискларга олиб келадиган, баҳолаш билан боғлиқ бўлган, ноаниқликнинг юқори даражадаси улар учун мавжуд бўлган, қандайдир бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларн унинг профессионал фикри билан мувофиқ бўлганлигини аниқлашга мажбур.

Жиддий бузилишнинг баҳоланган рискларидан келиб чикиб аудитор қуйидагиларни аниклашига мажбур:

- бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларига тааллукли бўлган, ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларини раҳбарият тарафидан тегишли равишда қўлланилишини;
- бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни олиш усуллари тегишли бўлиб ҳисобланганини.

Жиддий бузилиш рискларига жавобан аудитор:

- аудиторлик хулосани бериш санасидан олдин содир этилган ҳодисалар бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга нисбатан аудиторлик далилларни таъминлашини ўриатишга;
- раҳбарият бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларини кандай қилиб олганини текширишига мажбур. Ушбу текширишни бажариш чоғида, аудитор баҳолашларни олиш усули ушбу ҳолатларда тегишли бўлганлигини; раҳбарият тарафидан килинган таҳминлар молиявий ҳисоботни таёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар доирасида, ўлчаш мақсадлари нуктаи назаридан идроклилигини баҳолашга; рахбарият тарафидан асосий масала бўйича тегишли текшириш тартиблар қаторида бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларини қандай қилиб олганига нисбатан назорат воситаларнинг операциои самарадорлигини текширишга;
- раҳбарият тарафидан олинган нуқтали кўрсаткични баҳолаш учун нуқтали ёки оралиқ бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чикишга мажбур.

Жиддий рисклар билан боғлиқ бўлган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлари учун аудитор қуйидагиларни баҳолашга мажбур:

- қандай қилиб раҳбарият мукобил таҳминлар ва натижаларни кўриб чиққан ёки нима сабабли у уларни кўриб чиқмаганлигини; бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни олиш чоғидаги баҳолаш билан боғлиқ бўлган

ноаниқликка раҳбарият қандай қилиб қандайдир бошқа-бир усул билан келганлигиии баҳолашга мажбур (А 103-А 106 б. кўр);

• раҳбарият тарафидан қилинган маъноли тахминлар идроқли эканлигини;

• агар бу, раҳбариятнинг маъноли тахминларига ёки молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларни тегишли равишда қўлланишига нисбатан қўлланилса, раҳбарият тарафидан махсус ҳарактерга эга бўлган ҳаракатларнинг бажаралиши тегишли эканлигини ва ушбу ҳаракатларни у тарафидан бажариш имкониятларини баҳолашга мажбур.

Агарда аудиторнинг фикрига кўра, раҳбарият баҳолаш билан боғлиқ бўлган ноаниқликка ва унинг, жиддий рискларга олиб келган, бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларига кўрсатиладиган таъсирига нотўғри муносабат билдирган бўлса, аудитор, агар буни зарур топса, бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичининг идроқлигини баҳолаши учун оралиқ баҳолашни ишлаб чиқишга мажбур.

Жиддий рискларга олиб келадиган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар учун аудитор, қуйидагилар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларига мувофиқ эканлиги бўйича етари тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур:

• молиявий ҳисоботдаги бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида раҳбариятнинг қарорлари;

• бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларни ўлчаш учун танланган асос.

Аудитор аудиторлик далиллардан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботдаги бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган принциплари билан бирга идроқли ёки бузилган эканлигини баҳолашга мажбур.

Аудитор, ҳисоботда келтирилган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларнинг очиб берилиши, молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган принципларга мувофиқ эканлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур.

Аудитор, бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар идроқли деб, ҳисоблаган раҳбариятнинг ёзма аризасини олишга мажбур.

Аудиторлик ҳужжатлаштириш ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур[62]:

• жиддий рискларга олиб келган бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлар ва уларнинг очиб берилишлари идроқли эканлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосалар учун асосии;

---

[62]230-сон АХС, 8-11, А6- б.

• улар мавжд бўлган ҳолда - раҳбарият тарафидан атайлаб қилиши мумкин бўлган бузилишлар индикаторларни.

Аудит чоғида аниқланган, раҳбарият тарафидан бўлиши мумкин бўлган бузилишлар индикаторларининг ҳужжатлаштирилиши, аудиторга, у тарафидан амалга оширилган рискларнинг бахоланиши ва уларга нисбатан кейинги тартибларни тегишли бўлиб қолиши тўғрисидаги хулосани аниқ ифода қилишда ва молиявнй ҳисоботда жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигини баҳолашда ёрдам беради.

5.8. 550–сон АХС "Боғлик бўлган тарафлар"

550-сон АХС молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида операциялар ва боғлиқ бўлган тарафларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» билан бирга ўқилиши зарур.

550-сон АХС да, хусусан, 315-сон АХС, 330-сон АХС ва 240-сон АХС ларнинг низомлари операциялар ва боғлиқ бўлган тарафлар билан муомаланинг муносабати билан ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискларига нисбатан қандай қўлланилиши кераклиги кўриб чиқилган.

Боғлиқ бўлган тарафлар билан операцияларнинг кўп турлари меъёрдаги ишбилармон амалиётининг элементи бўлиб, ҳисобланади.Шундай бўлиб туриб, улар боғлиқ бўлмаган тарафлар билан операцияларга нисбатан, улар ҳеч қандай қўшимча рискларга дучор бўлмайди.Лекин операциялар ва боғлиқ бўлган тарафлар билан муносабатларнинг табиати баъзи вазиятларда боғлиқ бўлмаган тарафлар билан операцияларига кўра молиявий ҳисобот жиддий бузилишининг юқори даражадаги рискларига олиб келиши мумкин. Масалан:

• боғлиқ бўлган тарафлар операцияларни кенг ва мураккаб муносабатлар спектр бўлган муносабатлар ва структураларни татбиқ қилиш билан ўтказилиши мумкин, бу улар билан амалга ошириладиган операцияларнинг мураккаб бўлишига олиб келади;

• ахборот тизимлари ташкилот ва боғлиқ бўлган тарафлар ўртасидаги операциялар ва сальдони аниқлаш ёки жамлашга (олишга) самарасиз бўлиши мумкин;

• боғлик бўлган тарафлар билан операциялар нормал бозор иқтисодиётнинг шароит ва талаблари доираси ўтказилиши мумкин бўлмайди;

масалан, боғлиқ бўлган тарафлар билан амалга оширилган баъзи операциялар бадал (товон) лар билан алмашишмасдан ўтказилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботни тузиш принципларнинг кўпида ҳисобга олишнинг ва операцияларни очиб беришнинг, сальдо ва боғлиқ бўлган тарафлар билан муносабат қилишнинг, ҳисоботнинг фойдаланувчиларига уларнинг табиати ва молиявий ҳисоботга жорий ёки (потенциал) яширин таъсир ўтказишини тушиниш имкониятини яратиш учун, махсус талаблари ўрнатилган.Аудитор, молиявий ҳисобот тузишнинг принципларига мувофиқ, ташкилотнинг тегишли ҳисоб китоб олиб боришнинг ёки ҳисоботда операциялар, сальдо ва боғлиқ бўлган тарафлар билан тегишли муносабат килишни тегишли очиб беришларнинг лаёқатсизлиги натижасида жиддий бузилиш рискларини аниқлаш, баҳолаш ва уларга нисбатан ҳаракат килиш мақсадида, аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш принциплари ҳатто боғлиқ бўлган тарафларга нисбатан минимал талабларни ўрнатса ёки умуман ўрнатмаса ҳам, аудитор, ҳисоботга, қандай бўлган бўса ҳам, ушбу операциялар ва муносабатларни, таъсир кўрсатиш ҳарактери, айнан, ишончли тақдимотга эришилганлини (ҳисоботда ишончли тақдимотни тасдиқлашда) ва тақдимот адаштирмаслиги тўғрисида хулоса қилиши учун етарли бўлган ташкилотнинг боғлиқ бўлган тарафлар билан операциялар ва муносабатларни тушинишга мувофақ бўлишга мажбур.

Боғлиқ бўлган тарафлар билан муносабатлар, раҳбариятга маълумотни яшириш, уни бузиш ёки у билан хийла қилиш учун жиддий имкониятлар беради.

Аудиторнинг мақсадлари қуйидагича:

- молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари боғлиқ бўлган тарафларга нисбатан талаблар ўрнатилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, виждонсизлик ҳаракатлари натижасида жиддий бузилиш рискларни аниқлаш ва бахолашга нисбатан алоқаси бор боғлиқ бўлган тарафлар билан муносабат ва операциялар натижасида пайдо бўлган риск факторларини, агар шундайлар мавжуд бўлса, тан олиш учун, боғлиқ бўлган тарафлар ва улар билан амалга ошириаётган оперцияларни тушинишга эга бўлиш.

- ҳисоботга кўрсатилган таъсирнинг ҳарактери тўғрисида хулоса чиқариш – ишончли тасаввурга эга бўлганлиги тўғрисида; бундан ташқари, агар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари боғлиқ бўлган тарафларга нисбатан талабларни ўз ичига олган бўлса, боғлиқ бўлган тарафлар билан муносабатлар ва операциялар тегишли равишда ушбу

принципларга мувофиқ аниқланган, ҳисобда акс этилган ва ҳисоботда очиб берилганлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш.

АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Эркин ("қўл етадиган масофадаги") *битим* – иккала тараф уни содир этишни хоҳлаган, бир бирига боғлиқ бўлмаган, ҳар бири ўзининг манфаатида ҳаракат қилаётган, сотувчи ва ҳаридор ўртасида қилинганбитимга ўхшаш каби шартлар асосида қилинган, битимдир.

Боғлаб қўйилган тараф – молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига боғлаб қўйилган деб, таърифланган тараф. Бу ҳисоботни тузаётган, ёки унга битта ёки ундан кўпрок бўлган оралиқдаги тараф орқали тўғридан -тўғрн ёки билвосита жиддий равишда таъсир кўрсатаётган ташкилотни назорат килувчи шахс бўлиши мумкин; унга нисбатан ҳисоботни тузаётган ташкилот битта ёки ундан ортик оралиқдаги тараф орқали назоратга эга бўлган ёки жиддий равишда тўғридан -тўғри ёки билвосита таъсир кўрсатадиган бошка ташкилот; қуйидагилар оркали:

- умумий назорат қилиш иштироки билан ;
- яқин қариндош ҳисобланган мулкдорлар билан;
- умумий ҳал қилувчи раҳбар ходимлар билан ҳисоботни тузаётган ташкилот қандай назорат остида бўлса, шундай назорат остидаги бошқа ташкилот.

Бир вақтда давлат (яъни миллий, худудий ёки маҳаллий ҳукумат органлари) тарафидан назорат қилинадиган ташкилотлар, агарда фақат улар жиддий қўшма операцияларда иштирок этмаган бўлса ёки биргаликда жиддий ҳажмдаги манбаларга эгалик қилса, боғлаб қўйилган деб, ҳисобланмайди.

Аудитор, боғлаб қўйилган тараф билан операциялар ва муносабатлар билан боғлиқ бўлган жиддий бузилиш рискларини аниқлашга тегишли бўлган маълумотни олиш учун аудиторлик ва улар билан боғлиқ бўлган тартибларни бажаришга мажбур.

Аудитор қуйидагиларга нисбатан раҳбариятга сўровномалар қилишга мажбур:

- ташкилотнинг боғлаб қўйилган тарафларнинг рўйхатига;
- ушбу боғлаб қўйилган тарафлар билан ташкилотнинг ўртасида муносабатлар характерига;
- хисобот даврида ушбу боғлаб қўйилган тарафлар билан операциялар, ушбу операцияларнинг турлари ва максадларига нисбатан.

Аудит чоғида аудитор, боғлаб қўйилган тарафлар билан муносабатлар ёки операциялар мавжуд бўлгалигига кўрсатиб турувчи ҳолатлар ва

маълумотларга тегишли ёзмалар ва ҳужжатларни текшириш чоғида диқатини юкори даражада ушлаб туриши керак:

- аудиторлик тартибларнинг қисми каби олинган банк тарафидан тасдиқлар ва юристларнинг тасдиқлашларни;
- акционерлар мажлисининг ёки, бошқариш ваколатларига эга бўлган шахсларнинг баённомаларини;
- аудитор, ташкилотнинг аниқ вазияларида кўриб чиқиш зарурлигини хисобланган ҳар қандай бошқа ёзувлар ёки ҳужжатларни.

Агар аудитор, 15 бандида талаб этилган аудиторлик тартибларни ёки бошка аудиторлик таритиблар бажариш чоғида нормал ишбилармонлик амалиётига номувофиқ жиддий операцияларни аникласа, аудитор раҳбариятга қуйидагиларга нисбатан сўровиома юборишга мажбур:

- ушбу операцияларнинг табиати тўғрисида;
- боғлаб қўйилган тарафлар қатнашганликлари тўғрисида.

Аудитор боғлаб қўйилган тарафлар тўғрисида олинган маълумотни аудиторлик гуруҳнинг бошқа аъзоларига айтиб беришга мажбур.

Агар аудитор рискларни ва улар билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни баҳолашбўйича тартибларни бажариш чоғида боғлаб қўйилган тарафларга нисбатан виждонсизлик ҳаракатлар бўйича рисклар факторларини аниқласа, у ушбу маълумотни, виждонсизлик ҳаракатлар натижасида ҳисоботни жиддий бузилиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш доирасида кўриб чиқишга мажбур.

Аудитор, боғлаб қўйилган тарафлар билан операциялар ва муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳисобот жиддий бузилишининг баҳоланган рискларга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун кейинги аудиторлик тартибларни ишлаб чиқади ва бажаради.

Агар аудитор, унга раҳбарият томонидан олдин аниқлаб ёки очиб берилмаган, боғлаб қўйилган тарафлар ёки улар билан амалга оширилган жиддий операцияларни аникласа, у:

- ушбу маълумотни аниқлик билан аудиторлик гуруҳнинг аъзоларига етказиб беришга;
- агар ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари боғлаб қўйилган тарафларга нисбатан талаблар ўрнатса, унда раҳбариятга янги боғлаб қўйилган тарафлар билан бўлган барча операцияларни аниқлашга таклиф қиритиш ва ушбу маълумотни таҳлил қилиши учун аудиторга тақдим қилишга; ташкилотнинг назорат қилиш воситалари нима учун боғлаб қўйилган тарафлар билан муносабатлар ва операцияларни аниқлашга ёки очиб беришга имкон бермаганн тўғрисида сўрашга; янги аниқланган боғлаб

қўйилган тарафларга ёки улар билан биргаликдаги жиддий операцияларга нисбатан мухим масалалар бўйича тегишли аудиторлик тартибларни бажаришга; рискни қаттиқ баҳолаш ва агар зарур бўлса, қўшимча аудиторлик тартибларни бажаришга; агарда очиб бермаслик атайин қилиш характерига эга бўлса, аудит учун бунинг оқибатини баҳолашга мажбур.

Аниқланган боғлаб қўйилган тарафлар билан нормал ишбилармонлик амалиётига номувофиқ бўлган биргаликдаги жиддий операцияларга нисбатан, аудитор:

- контрактлар ёки битимларни, улар мавжуд бўлса, инспекция қилиш ва операцияларнинг ишбилармонлик асосини, операцияларнинг шартлари раҳбарият тарафидан берган тушинтиришларига мувофиқлигини баҳолашга мажбур;
- операциялар ҳисобда тегишли равишда акс этилганини ва улар ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган принципларига мувофиқ очиб берилганлигини баҳолашга мажбур;
- боғлаб қўйилган тарафлар билан биргаликдаги операциялар озод бўлган тарафлар билан биргаликдаги операцияларига ўхшаш шартлари ёрдамида ўтказилганлигини баҳолашга мажбур.

Агар молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида раҳбарият боғлаб қўйилган тарафлар билан биргаликдаги операциялар озод бўлган тарафлар билан биргаликдаги операцияларига ўхшаш шартлари ёрдамида ўтказилганлиги тўғрисидаги нуктан назарни қўллаган бўлса, аудитор ушбу нуқтаи назарга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур.

Молиявий ҳисобот бўйича фикрни тузиш чоғида аудитор боғлаб қўйилган тарафлар билан аникланган операциялар ва муносабатлар ҳисоб - китобда тегишли равишда акс этилганини ва улар молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган принциларига мувофиқ очиб берилганлигини баҳолашга мажбур. Аудитор раҳбарият тарафидан ёки, буни қўллаш мумкин бўлса, мулкдорнинг вакилларидан қуйидагилар тўғрисида ёзма равишдаги аризаларни олишга мажбур:

- улар аудиторга боғлаб қўйилган тарафлар рўйхатини, ва, уларга маълум бўлган, боғлаб қўйилган тарафлар билан биргаликдаги барча операцияларни очиб беришганлари;
- улар молиявий ҳисоботни тайёрлан принциплар талабларига мувофиқ ушбу муносабат ва операцияларни тегишли равишда ҳисоб-китобда акс этишган ва ҳисоботда очиб беришганлари тўғрисида.

Аудитор ушбу шахсларга, ташкилотнинг боғлаб қўйилган тарафлар билан боғлиқ бўлган, аудит чоғида пайдо бўлган жиддий масалалар бўйича,

мулкдорнинг барча вакиллари ташкилотнинг жорий бошқаришда қатнашган бўлган ҳолатлардан ташқари, ахборот беришга мажбур.

Аудитор аудиторлик ҳужжатлаштириш таркибига аниқланган боғлаб қўйилган тарафлар руйхатини ва улар билан бўлган муносабатларнинг характерини киритишга мажбур.

5.9. 560-сонАХС "Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар"

560-сон АХС молиявий ҳисоботни аудити чоғида ҳисоб санасидан кейинги ҳодисаларга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий максадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофик ўтказиш» билан бирга ўқилиши зарур.

Молиявий ҳисоботга молиявий ҳисоботнинг санасидан кейин содир этилган ҳодисалар таъсир этиши мумкин. Молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принципларининг кўпи бундай ходисаларни ҳисобга олади[63]. Ушбу прииципллар одатда ҳодисаларнинг иккита турларини ажратиб олишади:

- молиявий ҳисобот санасида мавжуд бўлган шароитларнинг далиларини таъминлайдиган ҳодисалар;
- молиявий ҳисобот санасидан кейин пайдо бўлган шароитлар тўғрисида далолат берадиган ҳодисалар.

700-сон АХС аудиторлик хулосасининг санаси, аудитор бўлиб ўтган ва улар тўғрисида аудиторга ушбу санадан олдин маълум бўлган ҳодисалар ва битимларнинг таъсирини кўриб чиқканлиги тўғрисидакитобхонга ахборот бериши борасида тушунтириш беради[64].

Аудиторнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- ҳисоботда акс этилиши ёки очиб бериши керак бўлган, ҳисобот санаси ва аудиторлик ҳулосанинг санаси оралигида жой эгаллаган ҳодисалар ҳисоботда тегишли равишда акс эттирилган ва очиб берилгани тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далиллар олишдан;
- аудиторга аудиторлик хулосасини сансидан кейии маълум бўлган, агар аудиторга ҳисоботни беришдан олдин маълум бўлганида аудиторлик хулосани ўзгартиришга олиб келиши мумкин бўлган фактларига нисбатаи тегишли ҳаракат қилиш.

---

[63] Масалан, "Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар" 10-сон МҲХС молиявий ҳисоботнинг санасидан сўнг содир этилган ва ҳисоботни чиқаришга тасдиқланган санаси билан тугалланган қулай ва нокулай ҳодисаларнинг молиявий ҳисоботда акс эттирилиши билан боғлиқ.

[64] 700-сон АХС А38-б.

Ушбу АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Молиявий ҳисоботнинг санаси – молиявий ҳисобот тақдим этиладиган давр тугашининг санаси.

Молиявий ҳисобот тасдиқланишининг санаси – ваколатга эга бўлган шахслар томонидан субъектнинг молиявий ҳисоботининг тўла комплекти, уларга изоҳларни қўшган ҳолда, тайёрлаб берилган ва улар тайёрланган ҳисоботга нисбатан масъулиятли бўлганлик тўғрисида ариза берилган сана.(А2 б. кўр).

Аудиторлик хулосанинг санаси – 700-сон АХСга мувофиқ молиявий ҳисоботи бўйича аудитор томонидан ҳисоботда қўйилган сана (А3 б. кўр).

Молиявий ҳисобот чиқарилган сана – учинчи тарафларга аудиторлик хулоса ва аудит қилинган молиявий ҳисобот тақдим этилган сана (А4-А5 б. кўр).

Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар – молиявий ҳисобот санаси ва аудиторлик санаси оралигида содир бўлган ҳодисалар, ва аудиторга аудиторлик хулосасининг санасидан кейин маълум бўлган фактлар.

Аудитор, молиявий ҳисоботга тўғрилашларни киритишни ёки унда маълумотларни очиб беришни талаб этишлари мумкин бўлган аудиторлик хулоса санасидан олдии мавжуд бўлган, барча ҳодисалар ўрнатилганлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш мақсадларида тартибларни бажаришга мажбур.

Аудитор тартибларни шундай бажаришга мажбур, ҳолбуки улар молиявий ҳисобот санасининг ва аудиторлик хулоса санасининг оралиқ даврини ёпиши керак. Аудитор, шундай тартибларнинг характери, мудатлари ва ҳажмини ишлаб чиқиш чоғида рискнинг аудиторлик баҳосини ҳисобга олишга мажбур, улар қуйидагиларни ўз ичига киритишади:

- ҳисоботнинг санасидан сўнг ходисаларни аниқлаш бўйича раҳбарият томонидан ҳар қандай ўрнатилган тартибларни тушинишга эришиш;
- раҳбариятга, молиявий ҳисоботга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳисобот санасидан кейинги хар қандай ҳодисаларнинг жой эгаллаши тўғрисида сўровларни юбориш;
- молиявий ҳисобот санасидан кейин ўтказилган мулкдорлар мажлисларининг баённомаларини ўқиш;
- ташкилот томонидан оралиқ санасига тайёрланган оҳирги ҳисоботни, агар у тайёрланган бўлса, ўрганиб чиқиш.

Агар тартибларни бажариш натижасида аудитор молиявий ҳисоботда акс этилиши ёки очиб берилиши талаб қилинадиган ходисалар тўғрисида хабар топса, у ҳар бир шундай ҳодиса тегишли равишда хисоб-китобда акс

этилганлигини ва улар молиявий ҳисоботда мос равишда очиб берганлигини кўриб чиқиши зарур.

Аудитор, молиявий ҳисобот санасининг ва аудиторлик хулоса санасининг оралиғида содир бўлган барча ҳодисаларнинг молиявий ҳисоботда акс эттирилганлиги ва очиб берилганлиги тўғрисида раҳбариятдан ёзма аризани сўрашга мажбур.

Аудиторнинг мажбуриятларига аудиторлик хулосадан сўнг молиявий ҳисоботга нисбатан тартибларни бажариш ёки сўровларни юбориш кирмади. Лекин, аудиторлик хулосасидан сўнг, аммо молиявий ҳисоботнинг чиқариш санасидан олдин аудиторга аудиторлик хулосани ўзгартиришига олиб келиши мумкин бўлган фактлар тўғрисида маълум бўлса, унда у:

- раҳбарият ва, агар мумкин бўлса, мулкдорнинг вакиллари билан масалани муҳокама қилишга;
- ҳисоботга ўзгартиришлар киритиш талаб қилинишини аниқлашга;
- раҳбарият қандай килиб ушбу масалани молиявий ҳисоботда акс этмоқчи бўлганлиги тўғрисида сўровиома беришга мажбур.

Агар раҳбарият молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритса, унда аудитор киритилган ўзгартиришларга нисбатан:

- аудиторлик тартибларни аудиторлик хулосани бериш санасигача кенгайтириб;
- янги аудиторлик хулосасини бериб, зарур бўлган аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур.

Агар аудиторлик хулоса ташкилотга хали тақдим этилган бўлмаса, аудитор уни ўзгартириши зарур.

Молиявий ҳисоботни чиқарганидан сўнг, аудитор ушбу молиявий ҳисоботга нисбатан ҳар қандай аудиторлик тартибларни бажариш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни олиб бормайди. Бироқ, молиявий ҳисоботни чиқарганидан сўнг аудиторга аудиторлик ҳисобот санасига мавжуд бўлган факт тўғрисида маълум бўлганда, унинг окибатида, агарда шундай факт маълум бўлганида, аудитор аудиторлик хулосани мослашитиши керак бўлганида, у :

- раҳбарият билан ва агарда зарур бўлса мулкдорининг вакиллари билан масалани муҳокама қилишга;
- молиявий ҳисоботга ўзгартиришларни киритиш талаб қилинганлиги аниқлашга;

• агар ўзгартиришлар талаб қилинса, унда раҳбарият қандай қилиб ушбу масалани молиявий ҳисоботда акс эттиши тўғрисида сўровнома юборишга мажбур.

Агар раҳбарият молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритса, аудитор:

• киритилган ўзгартиришларга нисбатан зарур бўлган аудиторлик тартибларни бажаришга;

• эски аудиторлик хулосаси билан бирга эски ҳисоботни олган фойдаланувчиларни ҳолат тўғрисида хабардор қилиш учун раҳбарият томонидан қандай қадам қўйганини шархлашга;

• аудиторлик тартибларини аудиторлик хулоса чиқариш санасигача кенгайтиришга ва янги аудиторлик хулосанинг санасини ўзгартирилган молиявий ҳисоботнинг тасдиқлаш санасидан олдин бўлмаган ҳолатда куйишга;

• ўзгартирилган молиявий ҳисобот бўйича янги аудиторлик хулоса беришга мажбур.

5.10. 570-сон АХС "Фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахмин"

570-сон АХС молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида раҳбарият томонидан тахминдан фойдаланиш аудити чоғида ҳисоб-китобга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» билан бирга ўқилиши зарур.

Фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминга мувофиқ, ташқилот башорат қилинадиган вақт мобайнида бизнес сифатида кўриб чиқилади. Умумий фойдаланиш ташқилотнинг молиявий ҳисоботи, раҳбарият ташқилот фаолиятини тугатмоқчи ёки операцияларни тўхтатмоқчи бўлган ёки фаолиятни давом эттириш учун реал истиқбол мавжуд бўлмаган ҳолатлардан ташқари, фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахмин асосида тайёрланади. Махсус мақсадлар учун ташқилотнинг молиявий ҳисоботи, фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминниқўлланиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларига мувофиқ каби, уларга мувофиқ бўлмаганда ҳам, тайёрланади.

Молиявий ҳисобот тайёрлашнинг бир қатор прииципларида ташқилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигини махсус равишда баҳолашга нисбатан раҳбариятга тўғридан-тўғри талаб мавжуд, ва

стандартлар орқали фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида тахминга нисбатан кўриб чиқариладиган масалалар ва ҳисоботда очиб беришларнинг доираси шарт қилиб қўйилган.

Раҳбарият томонидан ташкилот ўзининг фаолиятини давом эттириш лаёқатлигининг баҳоланиши ўз ичига аниқ бир вақтда ички иотўғри бўлажак оқибатлар ёки вазиятларга нисбатан доимо фикр чиқаришларни олади.

Ушбу фикрни чиқаришда куйидаги факторларни ҳисобга олиш зарур:

- ноаниқликнинг даражасини;
- ташкилотнинг катта-кичиклилиги ва мураккаблиги, унинг фаолияти ва даражасининг характери ва шароитларини;
- фикр чикарилган вақтда идрокли бўлган, билдирилган фикр билан мос бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган келгуси ҳодисаларни.

Аудиторнинг маъсулияти раҳбарият томонидан фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминга риоя қилишга тегишли характердаги баҳо беришга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишидан иборат.

Аудиторнинг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш;
- ташкилот ўзининг фаолиятини давом эттириш лаёқатлигига нисбатан жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар билан боғлик бўлган жиддий ноаниқ мавжудлиги тўғрисида олинган аудиторлик далиллар асосида хулосаларни шакллантириш;
- аудиторлик хулоса учун келиб чиқадиган оқибатларни аниқлаш.

Рискни баҳолаш бўйича талаб қилинадиган тартибларни бажариш чоғида аудитор ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар мавжуд бўлганлигини кўриб чиқишга мажбур. Аудитор аудитнинг бутун чоғида ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитларга нисбатан аудиторлик далиллар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олишга мажбур.

Аудитор, ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигини раҳбарият томонидаи баҳоланишини кўриб чиқишга мажбур.

Ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигига нисбатан раҳбариятнинг баҳолашини кўриб чиқиш чоғида,

молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари, қонунчилик ёки тартибга солиш органлари талаб қиладиган, унга нисбатан раҳбарият ўз баҳосини қилган, уша даврни аудитор кўриб чикишга мажбур.Аудитор раҳбариятга баҳолаш ўтказилган даврдан кейинги ҳодисалар ва шароитлар тўғрисида, улар ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёкатлигига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкинлиги тўғрисида маълум бўлганлиги хақида сўровнома беришга мажбур.

Агар ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда давом эттириш лаёқатлигига нисбатан жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳодиса ва шароитлар аниқланган бўлса, аудитор етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга мажбур. Бу ҳолатда тартиблар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- агар раҳбарият фаолиятнинг мунтазамлиги тахминига риоя қилиш тўғрисидаги баҳолашни ҳали бажармаган бўлса, ушбу баҳолаш тўғрисида раҳбариятни сўраш;
- раҳбариятнинг, фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминига унинг баҳолаши билан боғлик бўлган келажакдаги харакатларига нисбатан режаларини, ва ушбу режалар бажарилишининг натижалари ҳолатни яхшилашини ва ушбу режаларга мазкур вазиятларда эришиб бўлишини баҳолаш (А16 б. кўр);
- агар ташкилот маблағлар оқимининггпрогнозини тайёрлаган бўлса ва ушбу прогнознинг таҳлили, ҳодисалар ва шароитларнинг келажакдаги оқибатларини кўриб чиқиш чоғида, раҳбариятнинг келажакдаги харакатлар режаларининг баҳолаш доирасида жиддий омил бўлиб ҳисобланса, унда прогнозни тайёрлаш учун фойдаланган маълумотнинг ишончлилигини баҳолаш; прогнозлар асосланган тахминларнинг тўғрилигини аниқлаш; уларнинг келажакдаги режалари ва уларга реал тарзда эришишига нисбатан ёзма тасдикларни сўраш.

Агар аудитор фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминидан фойдаланиш тегишли деган, хулосага келса, аммо жиддий ноаниқлик мавжуд бўлса, у молиявий ҳисобот асосий ҳодисалар ёки шароитларни тўғри тавсифлаётган ва, ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда амалга ошириш лаёқатлиги бўйича жиддий шубҳаларни туғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитлар билан боғлик бўлган жиддий ноаниқлик мавжудлиги тўғрисидаги фактни аниқ очиб берган деб, ҳисобланишини ва бунга кўра ташкилот ўзининг активларини амалга оширишга ва

ишбилармонлик амалиётининг нормал давомида ўзининг мажбуриятларига хизмат кўрсатишга қодир бўлмаслигини аниқлашга мажбур.

Агар молиявий ҳисобот фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминдан келиб чиққан ҳолда тайёрланган бўлса, лекин, аудиторнинг профессионал фикрига мувофиқ фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида тахминидан бундай тарзда фойдаланиш тегишли бўлмаган бўлса, аудитор салбий фикрни баён этишига мажбур.

Аудитор мулкдорнинг вакилларига ташкилот ўзининг фаолиятини мунтазам равишда амалга ошириш лаёқатлигида жиддий шубҳалар туғдириши мумкин бўлган аниқланган ҳодисалар ва шароитлар тўғрисида хабар беришга мажбур. Мулкдорнинг вакилларига маълумотни бундай тарздаги хабар қилиш қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- жиддий ноаниқликни яратувчи ҳодисалар ва вазиятлар мажудлигини;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолият мунтазамлигининг тахминидан фойдаланиш тегишли эканлигини;
- молиявий ҳисоботда очиб беришлар тўғри эканлигини.

5.11. 580-сон АХС "Ёзма равишдаги аризалар"

580-сон АХС раҳбариятдан ва, мумкин бўлса мулкдорнинг вакилларидан ёзма равишдаги аризаларни олиш бўйича аудиторнинг мажбуриятларини кўриб чиқади ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» билан бирга ўқилиши зарур.

Аудиторлик далиллар - бу аудиторлик фикри асосланган хулосаларни олиш чоғида аудитор томонидан фойдаланган барча маълумотдир. Ёзма равишдаги аризалар бу ташкилотнинг молиявий ҳисоботини аудит ўтказиш бўйича аудиторга зарур бўлган маълумотдир. Сўровларга берилган жавоблар сингари, ёзма равишдаги аризалар ҳам, аудиторлик далиллар деб, ҳисобланади.

Аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- раҳбариятдан ва, қўлланиши мумкин бўлса, мулкдорнинг вакилларидан ҳам, улар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича ва шунингдек, аудиторга тақдим этилган маълумотнинг тўлиғи қисмида, ўзларнинг мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисидаги ёзма аризаларни олиш;
- раҳбариятнинг аризалари ёрдамида молиявий ҳисоботга нисбатан бошқа аудиторлик далилларни тасдиқлаш;

• раҳбариятнинг ва қўлланиши мумкин бўлса, мулкдор вакилларининг ҳам, тақдим этилган ёзма аризаларига, ёки ушбу аризаларни раҳбарият ва, қўлланиши мумкин бўлса, мулкдорнинг вакиллари тақдим этмаганлигига тегишли равишда муносабат билдириш.

Ушбу АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги ибора қўлланилади.

Ёзма аризалар – маълум бир масалалар ёки бошқа аудиторлик далиллар ўз тасдиғини топган, раҳбарият томонидан аудиторга тақдим этилган ёзма ҳужжатдир. Мазкур контекстдаги ёзма аризалар молиявий ҳисобот, унда мавжуд бўлган тасдиқлар, ёки уларни тасдиқловчи китоблар ва ёзмаларни ўз ичига олмайди. Аудитор раҳбариятдан ёзма аризаларни молиявий ҳисоботга нисбатан тегишли даражадаги масъулият билан ва кўриб чиқилаётган масаларни билиши билан сўрашга мажбур. Аудитор, раҳбариятдан у аудиторлик топшириқ шартларида кўзда тутилганидек, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича ўзининг мажбуриятларини бажарганига нисбатан ёзма аризаларни, хусусан, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига мувофиқ, тайёрланган ва тақдим этилганлиги тўғрисидаги аризани сўрашга мажбур.

Аудитор раҳбариятдан у, аудиторлик топшириқ шартлари билан кўзда тутилган, аудиторга барча керак бўлган маълумотларни тақдим этганига нисбатан ва барча операциялар молиявий ҳисоботга ёзилган ва ўз аксини топганлиги тўғрисида ёзма аризаларни сўрашга мажбур.

Раҳбариятнинг масъулияти, аудиторлик топшириқ шартларида кўрсатилганидек, ёзма аризаларда ёзилган бўлиши керак.

Ёзма аризанинг санаси молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосанинг санасига мумкин қадар яқинроқ, лекин, ундан кейин эмас, бўлиши лозим.

Ёзма аризалар аудитор иомига юборилган хат-тақдимот шаклида бўлиши керак.

Аудитор, агарда раҳбариятнинг виждонлигига жиддий шубҳа борлиги тўғрисидаги фикрга келса, ёки раҳбарият параграфлар талаб қилган ёзма аризаларни тақдим этмаган бўлса, молиявий ҳисобот бўйича ўзининг фикрини билдириш бўйича бош тортишга мажбур.

Хулосалар

1. Аудиторнинг мақсади бўлиб, аудиторлик тартибларни, етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш ва улар асосида аудиторлик фикрни асослаш мумкин бўлган, идроқли хулосаларга келиш имкониятига эга бўлиш учун шундай қилиб ишлаб чиқиш ва бажариш ҳисобланади.

2. Аудиторлик далил - аудиторлик фикрни асослаш мумкин бўлган, унинг асосида идроқли хулосаларга келиш имкониятига эга бўлиш учун аудитор томонидан фойдаланилаётган маълумотдир. Аудиторлик далил ўз ичига молиявий ҳисобот асосланган бухгалтерлик ёзмаларда мажуд бўлган маълумотни ва бошқа маълумотни олади.

Аудитор етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун мазкур ҳолатларда тегишли бўлган аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажаришга мажбур. Аудиторлик тартибларини ишлаб чиқишда аудитор аудиторлик далил сифатида фойданилаётган маълумотнинг ишончлигини ва у тегишли харктерга эга эканлигини кўриб чиқишга мажбур.

3. Агар битта манбадан олинган далиллар бошқа манбадан олинган далилларган мувофиқ бўлмаса, ёки аудитор далилл сифатида фойдаланмоқчи бўлган маълумотнинг ишончлилигига шубҳа қилса, унда у мазкур масаланинг ечимини топиш учун аудиторлик тартибларнинг қандай қўшимчалар ёки ўзгартиришлар кераклигини аниқлашга ва ушбу масала аудитнинг бошқа жиҳатларига қандай таъсир (аграда шундай таъсир мавжуд бўлса) ўтказишини кшриб чиқишга мажбур.

Аудиторлик далиллар аудиторлик фикр ва аудиторлик хулосани тасдиқлашлари лознм. Улар характер бўйича жамғариладиган ҳисобланади, ва аудитор уларни аудит чоғида аудиторлик тартибларни бажарганида олади. Улар ўз ичига шунингдек, ўтган аудит ёки мижоз билан муносабатларни қабул қилиш ва давом этишга нисбатан аудиторлик фирманинг сифатни назорат қилиш борасидаги тартиблар каби, бошқа манбалардан олинган маълумотни ҳам, олади.

4. "Аудиторлик далиллар – алоҳида элементлар учун махсус фикрлар" 501-сонАХС аудит чоғида аудитор томонидан 330-сон АХС, 500-сон АХСларга ва захиралар, ташқилотга тегишли бўлган суд даъволари ва шикоятлар, ва сегментлар бўйича маълумот билан боғлиқ бўлган аудитнинг баъзи махсус жиҳатларига нисбатан бошқа қўлланиладиган стандартларга мувофиқ етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун махсус қарорларни кўриб чикади.

5. "Ташқи тасдиқлар" 505-сон АХС аудитор томонидан ташки тасдиқни олишида тартибларининг қўлланилишини 330-сон АХС, 500-сон АХС лар талабларига мувофиқ аудиторлик далиллар сифатида кўриб чиқади. Мазкур АХС да шунингдек, аудиторлик далилларга нисбатан қўлланиладиган қуйидаги умумлаштиришлар мавжуд:

- аудиторлик далиллар,агар улар ташқи манбалардан олинган бўлса, ишончлироқ ҳисоблаиади;

• бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар тўғридан-тўғри тарзда олинмаган ёки воситачи орқали олинганидан ишончлироқ ҳисобланади;

• аудиторлик далиллар, агар улар ҳужжат шаклида қоғоз, электрон ёки бошқа шаклида бўлса, ишончлироқ ҳисобланади.

Аудитнинг ҳолатларига кўра бевосита аудитор томонидан учинчи тарафдан ташки тасдиқ шаклида олинган далиллар, ташкилотнинг ичида пайдо бўлган далиллардан ишочлироқ бўлиши мумкин.

6. Ташқи тасдиқ тартибларини қўллаш чоғида аудиторнинг мақсадлари бўлиб тегишли ва ишончли аудиторлик далилларни олиш учун ушбу тартибларни ишлаб чиқиш ва бажариши ҳисобланади. "Дастлабки аудиторлик топшириқлар - кирим қолдиқлар" 510-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур. 510-сон АХС аудиторнинг дастлабки аудит чоғида кирим қолдиқларга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади. Молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган суммаларга қўшимча бўлиб, кирим қолдиқлар деб, ҳисобот даврининг бошланишида мавжуд бўлган шароитларга нисбатан, масалан мажбуриятлар ва кафолатларга нисбатан, очнб беришни талаб килаётган масалалар кўзда тутилади.

7. "Таҳлилий тартиблар" 520-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофик ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур. 520-сон АХС аудитор томонидан таҳлилий тартибларнинг фойдаланишини, муҳим масалаларни текшириш тартиблар каби, ва молиявий ҳисобот бўйича якуний хулоса чиқаришни шакллантириш чоғида аудиторга ёрдам берадиган аудитни якунлашдан олдин ўтказиладиган тартиблар каби, кўриб чиқади. Аудиторнинг мақсадлари қуйидагича: муҳим масалалар текшириш бўйича таҳлилий тартибларни қўллаш чоғида тегишли ишончли аудиторлик далилларни олиш; молиявий ҳисоботнинг аудитор томонидан ташкилотни тушинишига мувофиклиги тўғрисида, молиявий ҳисобот бўйича якуний хулосани шакллантириш чоғида аудиторга ёрдам бериши мумкин бўлган, аудитнинг якунлашига якин таҳлилий тартибларни ишлаб чиқиш ва бажариш.

8. "Аудиторлик танлаш" 530-сон АХС, аудитор аудиторлик тартибларни бажариш чоғида аудиторлик танлашни қўллашига қарор килган ҳолатларда қўлланилади. Стандарт, аудиторлик танлашни ишлаб чиқиш ва шакллантириш, назорат тестларини ёки батафсил тестларни бажариш ва танлашни қўллаш натижаларини баҳолаш чоғида аудитор томонидан

танлашларнинг статистик ва ностатистик усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Мазкур АХС, аудиторлик фикрниасослаш мумкин бўлган идроқли хулосаларни олиш имкониятига эга бўлиш учун етарли тегишли аудиторлик далилларни олиши мақсадида аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқадиган 500-сои АХСни тўлдиради. Аудиторлик танлашдан фойдаланиш чоғида аудиторнинг мақсади бўлиб, танлаш шакллантирилган жамланмага нисбатан идроқли асосни таъминлаш хисобланади.

9.«Хаққоний қийматга нисбатан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ бўлган ёритишларни кўшиб ҳисоблаганда, бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларининг аудити» 540-сон АХС «Мустақил аудиторинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.540-сои АХС хаққоний қиймат бўйича бухгалтерлик баҳолашларва молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида очиб беришлар билан боғлиқ бўлганини қўшиб ҳисобланда, бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларга нисбатан аудиторнинг маъсулиятини кўриб чиқади. Молиявий ҳисоботнинг баъзи бир кўрсаткичларини аниқ равишда ўлчаб бўлмайди, лекин улар фақат баҳоланиши мумкин - бу, бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичлардир. Бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларни асослаш учун, раҳбарият олиши мумкин бўлгаи маълумотнинг табиати ва ишончлилиги юкори даражада ўзгариши мумкин, бу эса, бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлган, бўлиши мумкин бўлган ноаниқлик даражасига таъсир этиши мумкин.

10. Аудиторнинг мақсадлари ҳисоботда тан олинган ва очиб берилган бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларнинг идроқлилигига, хаққоний қиймат бўйича бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларга, улар билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисоботда ёритишларининг мослигига нисбатан молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар контекстида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат.

11.550-сон АХС "Боғланган тарафлар" молиявий ҳисоботни аудити чоғида боғланган тарафлар билан операциялар ва муносабатларга нисбатан аудиторинг масъулиятини кўриб чиқади. Хусусан, стандартда 315-сон АХС, 330-сон АХС ва 240-сон АХСларнинг низомлари боғланган тарафлар билан операциялар ва муносабатлар сабабли хисоботнинг жиддий бузилиш рискларига нисбатан қандай қўлланиши кераклигини кўриб чиқади.

12. 560-сон АХС "Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар" молиявий хисобот санасига мавжуд бўлган ҳолатларга далолат берувчи ҳодисалар ва

молиявий ҳисоботнинг санасидан кейин пайдо бўлган ҳолатларга кўрсатувчи ходисалар каби молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатадиган ходисалар, ҳисобот санасиданкейинги ходисаларга нисбатан аудиторнинг мажбуриятини кўриб чиқади. 700-АХС аудиторлик хулосанинг саиаси ўқувчини аудитор мавжуд бўлган ва аудиторга ушбу санадан олдин маълум бўлган ҳодисалар ва битимларнинг таъсирини кўриб чиққани тўғрисида тушинтириш беради.

13. Аудиторнинг мақсадлари, ҳисоботда акс этилиши ёки очиб бериши лозим бўлган ҳисоботнинг санаси ва аудиторлик хулоса санаси ўртасида мавжуд бўлган ҳодисалар тегишли равишда акс этилгани ёки ҳисоботда очиб бергани, ва аудиторга аудиторлик хулосадан кейин маълум бўлган, агар улар аудиторга ҳисоботни беришдан олдин маълум бўлганида улар аудиторлик хулосани ўзгартиришга олиб келиши мумкин бўлган фактларга тегишли равишда харакат килиши тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат.

14. 570-сон АХС "Фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахмин" молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида раҳбарият томонидан тахминдан фойдаланиш аудити чоғида ҳисоб-китобга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади. Фаолнятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминга мувофиқ, ташкилот башорат қилинадиган вақт мобайнида, раҳбарият ташкилот фаолиятини тугатмоқчи ёки операцияларни тўхтатмоқчи бўлган ёки фаолиятни давом эттириш учун реал истиқбол мавжуд бўлмаган ҳолатлардан ташқари, харакат киладиган бизнес сифатида кўриб чиқилади.

Аудиторнинг мақсадлари: молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш; ташқилот ўзининг фаолиятини давом эттириш лаёқатлигига нисбатан жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ва шароитлар билан боғлик бўлган жиддий ноаниқлик мавжудлиги тўғрисида олинган аудиторлик далиллар асосида хулосаларни шакллантириш; аудиторлик хулоса учун келиб чиқадиган оқибатларии аниқлаш.

15.580-сон АХС"Ёзма равишдаги аризалар" 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур. 580-сонли стандарт раҳбариятдан ва, мумкин бўлса мулқдорнинг вакилларидан ҳам, ёзма равишдаги аризаларни олиш бўйича аудиторнинг мажбуриятларини кўриб чиқади.Аудиторлик далиллар - бу аудиторлик фикри асосланган хулосаларни олиш чоғида аудитор томонидан фойдаланган барча маълумотдир.

Аудиторнинг мақсадлари раҳбариятдан улар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича ва шунингдек, аудиторга тақдим этилган маълумотнинг

тўлиғи қисмида, ўзларнинг мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисидаги ёзма аризаларни олиш; раҳбариятнинг аризалари ёрдамида молиявий ҳисоботга нисбатан бошқа аудиторлик далилларни тасдиқлаш;раҳбариятнинг тақдим этган ёзма аризаларига, ёки шундай аризаларни раҳбарият тақдим этмаганлигига тегишли равишда муносабат билдиришдан иборат.

Ўз ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. 500-сон "Аудиторлик далиллар" нинг аҳамияти нимадан иботат?
2. Аудиторлик далиллар нимани ифодалайдилар?
3. "Аудиторлик далиллар-алохида элементлар учун махсус фикрлар" 501-сон АХС нимани кўриб чиқади?
4. Қандай стандарт аудит чоғида аудитор томонидан330-сон АХС, 500-сон АХС ларга ва захиралар, ташқилотга тегишли бўлган суд даъволари ва шикоятлар, ва сегментлар бўйича маълумот билан боғлиқ бўлган аудитнинг баъзи махсус жиҳатларига нисбатан бошқа қўлланиладиган стандартларга мувофиқ етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун махсус қарорларни кўриб чиқади?
5. "Ташқи тасдиқлар" 505-сон АХС нимани кўриб чиқади?
6. Қандай аудиторлик стандартлар ишончлирок деб, ҳисобланади?
7. Ташқи тасдиқлаш тартибларини қўллаш чоғида аудиторнинг мақсадлари нимадан иборат?
8. "Дастлабки аудиторлик топшириклар - кирим қолдиқлар" 510-сон АХС нимани аниқ белгилайди (регламентга солади) ?
9. 520-сон АХС "Тахлилий тартиблар" нимани регламентга солади?
10. 530-сон АХС "Аудиторлик танлаш" нимани регламентга солади?
11. "Хаққоний қийматга нисбатан бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичлари ва улар билан боғлиқ бўлган ёритишларни кўшиб ҳисоблаганда, бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларнинг аудити" 540-сон АХС нимани регламентга солади?
12. 500-, 501-, 505-, 520-, 530-, 540-, 550- сонли стандартларни қандай қабул қилиш лозим -ўзиними ёки 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофик ўтказиш» билан биргаликдами?
13. Қандай аудитнинг халқаро стандарти бухгалтерлик баҳолаш кўрсаткичларга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади ?
14. Хаққоний қиймат бўйича бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларни қўшиб ҳисоблаганда, ҳисоботда тан олинган ва очиб

берилган бухгалтерлик баҳолашга оид кўрсаткичларнинг идроқлилигига нисбатан молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар контекстида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишда аудиторнинг мақсадлари нимадан иборат?

15. 550-сон АХС "Боғланган тарафлар" нимани белгилайди?

16.560-сон АХС "Ҳисоботдан кейинги санасидаги ҳодисалар" нимани регламентга солади ?

17. Ҳисоботда акс этилиши ёки очиб бериши лозим бўлган ҳисоботнинг санаси ва аудиторлик хулоса санаси ўртасида мавжуд бўлган ходисалар, ҳисоботда тегишли равишда акс этилгани ёки ёритилгани тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олишда аудиторнинг мақсадлари нималардан иборат?

18."Фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахмин" 570-сон АХС нимани регламентга солади?

19. Молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида фаолиятнинг мунтазамлиги тўғрисидаги тахминни раҳбарият томонидан қўллаш аудити чоғидаги ҳисоб-китобга нисбатан аудиторнинг масъулияти нимадан иборат ?

20. "Ёзма равишдаги аризалар" 580-сон АХС нимани регламентга солади ?

6–Боб. УЧИНЧИ ТОМОИ ШАХСЛАРНИИГ ИШИДАН ФОЙДАЛАНИШ. ФАННИ (МОДУЛЬНИ) ЎЗЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИГАҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Бобни ўрганиб чиқиб сиз:

• учинчи томои шахсларнинг ишидан фойдаланиш бўйича аудиторларнинг масъулиятини белгилайдиган аудиторлик фаолиятини меъёрий тарзда тартибга солиш тизимини;

• услубиёт, услуб ва учинчи томои шахсларнинг ишидан фойдаланиб аудиторлик далилларнн йигиш ва юзага келтиришни;

• бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудити чоғида режалаштириш услублари, дастурларни тузиш ва аудиторлик тартибларни ўтказишни;

• бир гуруҳ компанияларни аудиторлик текширишларнинг натижаларини умумлаштириш ва фойдалаништартибини;

• бир гуруҳ компанияларнинг аудити чоғида ташки ва ички аудиторлик далилларни шакллаштириш ва фойдаланишда иктисодий субъектларнинг ва аудиторлик фирмаларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятларини

билиб оласиз;

• бир гуруҳ компаниялар бухгалтерлик ҳисоб-китобининг барча жиҳатларини ва ҳисоботини режалаштириш, ташкил этиш ва аудиторлик текширишўтказишни;

• бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботини аудиторлик текшириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишни;

• бир гуруҳ компаниялар молиявий ҳисоботининг аудити чоғида текширишларнинг иатижаларини умумлаштириш ва аудиторлик ҳулосаларни тузишни;

• бир гуруҳ компанияларнинг аудиторлик текшириш натижалари бўйича иқтисодий субъектнинг раҳбариятига тавсиялар ишлаб чиқишни;

• бир гуруҳ компанияларииг корхоналарида ички назорат ҳолатининг текширишини ташкил этиш ва бажаришни;

• аудиторлик текшириш натижаларидан бир гуруҳ компанияларнинг тадбиркорлик фаолиятининг ички назорати, ҳисоб-китоби ва бошқаришни

ўрганасиз;

• бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудити чоғида аудитнинг Халқаро стандартларни қўллашнинг усулларига;

• хўжалик фаолиятини юритишда ва бухгалтерлик ҳисоб-китобини олиб боришда бузилишлар хатоларни аниқлаш усул ва услубларга;

• учинчи томон шахсларнинг иш натижаларидан фойдаланиб, текшириш натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик ҳулосасини тузиш усулларига;

• бошқа аудиторлар ва экспертларнинг иш натижаларидан фойдаланиб, текшириш натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик ҳулосасини тузиш усулларига

эга бўласиз;

Асосий тушинчалар. Учинчи томон шахсларнинг ишидан фойдаланиш, бир гуруҳ компаниялар молиявий ҳисоботининг аудитлари, компонент (таркибий қисм), компонентнинг аудитори, компонентнинг раҳбарияти, компонентнинг жиддийлиги, компонентнинг молиявий маълумотини тайёрлаш бўйича масъул бўлган раҳбарият, бир гуруҳ компаниялар,бир гуруҳ компанияларнинг аудити, гуруҳ бўйича аудиторлик фикр, бир гуруҳ компаниялар текширишининг раҳбари, экспертинг ишидан фойдаланиш.

6.1. 600-сон АХС "Махсус фикрлар - бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудити"

600-сон АХС бир гуруҳ компаниялар аудитининг ўтказиш спецификасини (ўзига хос хусусиятни) тушунтиради.

Стандарт, гуруҳларнинг аудитига қўлланиладиган, хусусан, компонентнинг аудиторларини жалб қилишга тегишли бўлган махсус ёндашишларни кўриб чиқади.

Мазкур стандартдан, бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўлиб ҳисобланмаган молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида ушбу аудитор бошқа аудиторлар билан бирга ишлаганида, фойдаланилади. Масалан, аудитор, узоқда бўлган ҳудудий бўлинмада жойлашган захираларни текшириш ёки асосий воситаларни рўйхат қилишда ҳозир бўлиш учун бошка аудиторни жалб қилиши мумкин.

220-сон АХС га мувофиқ бир гуруҳ компанияларнинг шериги, бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган шахслар, компонентнинг аудиторларини қўшиб ҳисоблаганда, керак бўлган билим ва кўникмаларга жамоа бўлиб эга бўлишлари тўғрисида ишонч хосил қилиши зарур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудиторлик гуруҳ раҳбари 220-сон АХС нинг талабларини компонентнинг аудити мазкур топшириқ бўйича бошқа аудитор ёки аудиторлик гуруҳ томонидан бажарилишидан қатъий назар,

қўллайди. Ушбу АХС бир гуруҳ компанияларнинг аудитининг шеригига, компонентнинг молиявий ҳисобот аудити компонент аудитори томонидан ўтказилган ҳолатларда 220-сон АХСнинг талабларини бажаришга ёрдам беради.

Аудиторлик риск - молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискининг ва аудитор ушбу бузилишларни аниқламаган бўйича рискининг вазифаси бўлиб ҳисобланади[65]. Бир гуруҳ компанияларнинг аудити чоғида бу компоиент аудитори бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботига жиддий бузилишларни олиб келиши мумкин бўлган копонентнинг молиявий ҳисоботида бузилишларни аниқлаб олмаганлигининг рискинива бир гуруҳ компанияларинг аудити бўйича аудиторлик гуруҳи ушбу бузилишни аниқлаб олмаслигининг рискини ўз ичига олади. Мазкур АХС аудиторлик гуруҳи томонидан рискларини баҳолаш тартибларида ва компонентнинг молиявий маълумоти бўйича компоиентнинг аудиторлари томонидан бажариладиган кейинги тартибларда ўз қатнашиш характерининг муддатлари ва ҳажмини аниқлаш чоғида кўриб чиқилиши керак бўлган масалаларни тушинтириб беради. Ушбу катнашишнинг мақсади бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фикрини ифодалашга асос бўлиб хизмат қиладиган етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан иборат.

600-сон АХС га мувофиқ аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудитори бўлиш таклифини қабул қилиш бўйича аниқлик киритишдан;
- компоиентларга тегишли бўлган молиявий маълумот бўйича уларнинг иш ҳажми ва муддатлари ва унинг натижалари тўғрисида ахборот бериш бўйича компонентларнинг аудиторлари билан аниқ равишда келишишга эришишдан;
- компонентларнинг молиявий маълумотига ва бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи барча жиддий бўлган муносабатлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган қоидаларга мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида фикрни баён этиш учун бирлаштириш жараёнига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишдан.

600-сон АХС нинг мақсадларига қуйидаги иборалар қўлланади.

---

[65]200-сон АХС«Мустакил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофик ўтказиш»

Компонент- ташкилот ёки фаолият тури, унинг учун бир гуруҳ компанияларнинг ёки компонентнинг раҳбарияти молиявий маълумот тайёрлайди, ва ушбу маълумот гуруҳнинг молиявий ҳисоботига киритилади.

Компонентнинг аудитори – бир гуруҳ компанияларнинг мақсадлари учун компонент билан боғлиқ бўлган молиявий маълумот бўйича бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳининг топшириғи бўйича, топшириқни бажарувчи аудитордир.

Компонентнинг раҳбарияти – компонентнинг молиявий маълумотини тайёрлаш бўйича масъул бўлган раҳбариятдир.

Компонентнинг жиддийлиги - бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи аниклаб берган компонент учун жиддийлик даражаси.

Бир гуруҳ компаниялар – молиявий маълумоти гуруҳнинг молиявий ҳисоботига киритиладиган барча компонентлардир. Гуруҳ таркибига ҳамиша биттадан кўп бўлган компонентлар киради.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудити - бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудити.

Гуруҳбўйича аудиторлик фикр - бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фикр.

Бир гуруҳ компаниялар текширилишининг раҳбарияти – бир гуруҳ компанияларнинг аудитига ва фирманинг номидан бериладиган бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик ҳулосасига жавоб берадиган шерик ёки фирманинг бошка бир вакили.

Бир гуруҳ компаниялар аудитини бажарувчи аудиторлик гуруҳ, - бир гуруҳ компаниялар аудитининг умумий стратегиясини ишлаб чиқадиган, компонентлар аудиторлари билан боғланадиган, бирлаштириш жараёни бўйича ишни бажарадиган ва гуруҳнинг молиявий ҳисоботи бўйича фикрни шакллаштириш учун аудиторлик далиллар асосида қилингаи ҳулосаларни баҳолайдиган раҳбарлардир, бир гуруҳ компаниялар текширишининг раҳбарини ва уларнинг ходимлариникўшиб ҳисоблаганда.

Гуруҳнинг молиявий ҳисоботи – биттадан ортиқ бўлган компонент бўйича молиявий маълумотни ўз ичига олган молиявий хисоботлардир.

Бир гуруҳ компанияларнинг раҳбарияти – гуруҳнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича масъул бўлган раҳбариятдир.

Гуруҳнинг назорат воситалари – гуруҳнинг молиявий хисоботига нисбатан гуруҳ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган, қўлланиладиган ва қўллаб-қувватлаган назорат воситалари.

Жиддий компонент- бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи томонидан гуруҳ учун молиявий ахамиятига эга бўлган каби ёки, махсус хусусиятлар ёки ҳолатлар кучига кўра, гуруҳнинг молиявий ҳисоботининг жиддий бузилишнинг муҳим рисклари билан боғлик бўлган каби, аниқлаб бериладиган компонентдир.

Молиявий ҳисоботни тузиш бўйичақўлланиладиган принциплар – гуруҳ молиявий ҳисоботини тузиш чоғида қўлланган молиявий ҳисоботни тузиш принциплари.

Бирлаштириш жараёнига ҳавола – гуруҳнинг молиявий ҳисоботида молиявий маълумот компоиентларини бирлаштириш, пропорциоиал бирлаштириш усули ёки акционерлик капиталининг ҳажми бўйича ёки харажатлар бўйича усуллардан келиб чиқиб тан олиш, ўлчаш, тақдим этиш ва очиб беришдир; оналик компаниялари бўлмаган, лекин умумий назорат остида бўлган компонентларнинг молиявий маълумотини умумий молиявий хисоботда бирлаштириш.

"Талаблар" бўлимида АХС бир гуруҳ компанияларнингтекшириш раҳбарининг бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бошқариш, назорат қилиш ва топшириқни бажариш бўйича, чиқарилаётган аудиторлик ҳисоботнинг ушбу холатларда тегишли характерн бўйича масъулиятини ўрнатади.

220-сои АХСни қўллаб бир гуруҳ компанияларнинг текшириш раҳбари аудиторнинг фикри асосланиши керак бўлган компонентлар бўйича бирлаштириш жараёни ва молиявий маълумотга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олинишининг кутиш мумкинлигини аниқлашга мажбур. Ушбу мақсад учун, бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи гуруҳ, унинг компоиентлари ва уларнинг муҳитини тушинишга эришиши керак.

Бир гуруҳ компанияларнинг текшириш раҳбари бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик топшириқнинг бажариш шартларини, аудитнинг умумий стратегия ва режасини аниқлаб, келишиб олишга мажбур.

Аудитордан, жиддий бузилиш рискларини ташкилот ва унинг муҳитини тушиниш йўли орқали, аниқлаш ва баҳолаш талаб этилади.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ:

- гуруҳ иазорат воситаларини қўшиб ҳисоблаганда, гуруҳ, унинг компоиентлари ва уларнинг муҳитини мижозни қабул қилиш босқичида эришилган тушинишни чуқурлаштириш ва муносабатларни сақлашга;
- раҳбарият томонидан компонентлар учун қўлланмаларни қўшиб ҳисоблаганда, бирлаштириш жараёнини тушнишни эришишга мажбур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ қуйидагиларни амалга оширишда етарли даражадаги тушунчага эришиш лозим:

- компонентни жиддийларга киритиш бўйича ўзининг дастабки қарорини тасдиқлаш ёки қайта кўриб чиқиш учун;
- виждонсизлик харакатлар каби, хатолар натижасида пайдо бўлган, гуруҳ молиявий ҳисоботининг жиддий бузилиш рискларини баҳолаш учун.

Агар, бир гуруҳ компанияларининг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ компонент аудиторига компонентнинг молиявий маълумоти бўйича ишни бажаришни таклиф қилмокчи бўлса, аудиторлик гуруҳи қуйидагиларни тушинишга эришиши зарур:

- компонент аудитори аҳлокий-меъёрий талабларга мувофиқлигини;
- компонент аудиторининг касбий маҳорати қандай эканлигини;
- бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш учун компонент аудиторининг ишида шундай даражадаги катнашишни;
- унинг орқасидан назорат қилишни кўзлаган, шундай бошкариш муҳитида компонент аудитори харакат қилишини.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ жиддийлик принципларига мувофиқ қуйдагиларни аниқлаши зарур:

- аудитнинг умумий стратегиясини ишлаб чикиш чоғида гуруҳнинг молиявий ҳисоботи учун умуман олган ҳолда жиддийлик даражасини;
- гуруҳнинг ҳисоботи учун.умуман олган ҳолда жиддийликнинг даражасидан паст бўлган ҳажмдаги бузилишлар ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлгангуруҳнинг молиявий ҳисоботида шундай операциялар, баланс счётлар ёки очиб беришлар турларининг мавжудлиги. Ушбу ҳолатларда бир гуруҳ компанияларииг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ ҳар бир аниқ битим, баланс счёти ёки очиб беришлар учун жиддийлик даражаларини аниқлаши зарур;
- гуруҳнинг аудити мақсадида аудит ёки шарҳловчи текшириш компонентнинг аудитори томонидан ўтказиладиган компонентлар учун компонентнинг жиддийлик даражасини. Компоиентлар бўйича жиддийлик даражаси гуруҳнинг умуман олганда молиявий ҳисоботи учун жиддийлик даражасидан пастроқ бўлиши шарт;

• гуруҳнинг молиявий ҳисоботи учун – даража (остонадаги кўрсаткич), ундан юқори бўлган бузилишлар аниқ жиддий бўлмаган деб, кўриб чиқилиш мумкин эмас.

Аудитордан, молиявий ҳисоботнинг *жиддий бузилиш* рискларига жавобан, тегишли харакатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш талаб этилади.Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи компонентнинг молиявий маълумоти бўйича гуруҳ томонидан ёки компонент аудитори томонидан бажараладиган ишлар турларини аниқлаши зарур.

Гуруҳ учун *молиявий томондан жиддий* бўлган компонент учун бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи, ёки унинг номидан компонент аудитори, компонентнинг жиддийлик даражасидан фойдаланиб, компонентнинг молиявий маълумот аудитини бажаришга мажбур.

У ўзининг табиати ёки ҳолатларига кўра ўз ичига бир гуруҳ компаниялар молиявий ҳисоботининг *жиддий бузилиш муҳим рискларини* олгани сабабли *муҳим* бўлган компонент учун бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, ёки унинг номидан компонент аудитори қуйидаги талабларни бажаришга мажбур:

• компонентнинг жиддийлик даражасидан фойдаланиб, компонентнинг молиявий маълумот аудитини;

• бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг жиддий бузилиш муҳим рискларининг эҳтимоли билан боғлик бўлган битта ёки ундан кўпрок бўлган баланс счётлари, операцияларнинг турлари ёки очиб беришларнинг аудитини;

• бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг жиддий бузилиш муҳим рискларининг эҳтимолига нисбатан келишиб олинган аудиторлик тартибларни.

Агар компонент учун, у бўйича ишларни компонент аудитори бажарган бўлганда, гуруҳнинг молиявий ҳисоботининг жиддий бузилиш муҳим рисклари аникланган бўлса, унда бир гуруҳ компанияларииинг аудитини бажараётганаудиторлик гуруҳи гуруҳнинг молиявий ҳисоботи жиддий бузилишнинганикланганмуҳим рискларига жавобан келгусидаги аудиторлик тартибларнинг тегишли характерини баҳолашга мажбур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, гуруҳ ва бирлаштириш ва, гуруҳ раҳбарияти томонидан унинг компонентларига бераётган қўлланмалар даражасида назорат воситаларини тушинишга эришмоқда. Хусусан, бирлаштириш жараёни бўйича аудиторлик тартибларни ишлаб чиқариш ва бажариш, гурухнинг молиявий ҳисоботига

компонентларни тўлиғича киритилишини текшириш, бирлаштириш чоғида қайта таснифлаш ва тўғрилашларнинг тегишли характери, тўлиқлиги ва аниқлигини баҳолаш, компонент аудитори ахборотидаги молиявий маълумот гуруҳнинг молиявий ҳисоботига киритилган маълумот эканлигини аниқлашлозим.

Компонент аудиторлари, компонентнинг молиявий маълумот санаси ва гуруҳнинг молиявий ҳисоботи санасининг ўртасида содир этилган ва гуруҳнинг молиявий ҳисоботига ўзгартириш ва очиб беришларни киритишни талаб қилиши мумкин бўлган ушбу компонентлардаги ходисаларни аниқлаш бўйича тартибларни бажаришга мажбур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, компонент аудитори томонидан хабар қилинган маълумотни баҳолашга мажбур. Шу мақсад билан, ушбу баҳолаш чоғида пайдо бўлган жиддий масалаларни компонент аудитори, компонент раҳбарияти ёки, бу зарур бўлганда, гуруҳ раҳбарияти билан муҳокама килишни ва компонент аудиторининг аудиторлик ҳужжатларининг бошқа бўлимларини текшириш лозимлигини аниқлашнитаклиф этилди.

Аудитордан, аудиторлик фикр асосланиши лозим бўлган, тегишли етарли аудиторлик далилларни олиш талаб этилади. Бир гуруҳ компанияларинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, бирлаштириш ва аудиторлик гуруҳи томонидан бажарилган ишлар ва компонентларнинг молиявий ҳисоботи бўйича компонентлар аудиторларининг ишларижараёни бўйича аудиторлик тартиблар асосида, гуруҳ ҳисоботига нисбатан аудиторлик фикр асосланиши мумкин бўлган, тегишли етарли аудиторлик далиллар олинганлигини баҳолашга мажбур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган текшириш раҳбари гуруҳ молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фикрига ҳар қандай тўғриланмаган (ёки аудиторлик гуруҳи, ёки компонент аудиторлари томонидан аникланган) бузилишларнинг ва, тегишли етарли аудиторлик далилларни уларга нисбатан олишга имкони бўлмаган, ҳар қандай вазиятларнинг таъсирини баҳолаши зарур.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ тегишли даражадаги гуруҳ раҳбарияти ва мулкдорнинг вакилларини, гуруҳ учун умуман олганда жиддий бўлган гуруҳдаги назорат воситаларнинг механизми ёки операцион самарадорлигида, компонентларнинг назорат қилиш воситаларида мавжуд бўлган жиддий заифликлар тўғрисида мунтазам равишда хабардор килишга мажбур.

Бир гуруҳ компанияларининг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, гуруҳ мулкдорлари вакилларига қуйидаги маълумотларни хабар килишга мажбур:

- компонентларнинг молиявий маълумоти билан ўтказилиши лозим бўлган ишлар характерининг шарҳини;
- жиддий компоиентларнинг молиявий маълумоти бўйича компонентнинг аудиторлари томонидан бажарилиши лозим бўлган ишда аудиторлик гуруҳининг режалаштирилгаи қатнашиш характерининг шарҳини;
- компонентларнинг аудиторлари томонидан ўтказилган ишларининг сифатида аудиторлик гуруҳда уларга нисбатан шубҳа туғдирган, масалаларни;
- гуруҳнинг аудитига ҳар қандай чекланишларни;
- гуруҳ раҳбарияти, компонент раҳбарияти иштирокидаги виждонсизлик харакатлар ёки виждонсизлик харакатларга шубҳалар.

Бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳи, қуйидагиларни ҳужжатлаштиришга мажбур:

- компонентларнинг таҳлилини;
- жиддий компонентлар бўйича компонентлар аудиторлари томонидан бажарилаётган ишда аудиторлик гуруҳи иштирокининг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмлари, кўллаш мумкин бўлган жойда, аудиторлик гуруҳ томонидан компонентлараудиторларининг ҳужжатлаштириш бўлимларини шарҳи ва шарҳлаш натижалари бўйича ҳулосаларни;
- аудиторлик гуруҳнинг талабларига нисбатан компонент аудиторларига аудиторлик гуруҳдан маълумотнинг ёзма равишдаги хабарини.

6.2. 610-сон АХС "Ички аудиторларининг ишидан фойдаланиш"

610-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.

Ушбу аудитнинг халқаро стандарти ички аудиторларнинг ишига нисбатан ташқи аудиторнинг масъулиятини кўриб чикади.

Ички аудит функцияларнинг мақсад ва вазифалари раҳбарият ва мулкдорнинг вакиллари томонидан аниқланади. Ички аудитнинг ва ташқи аудитор вазифаларининг мақсадлари фарқ қилади, лекин улар ўзларининг мақсадарига эга бўлишнинг баъзи усуллари ўхшаш бўлиши мумкин.

Агар ташкилот, ташқи аудиторнинг фикрига кўра аудит чоғида фойдаланилиши мумкин бўлган ички аудиторнинг вазифасига эга бўлса, ташқи аудиторнинг мақсади қуйидагиларни аниқлашдан иборат:

- ички аудиторларнинг ўзига ҳос бўлган ишидан фойдаланишни, мободо фодаланадиган бўлса, унда қайси даражасигача;
- агар фойдаланилса, унда ушбу ишнинг аудит мақсадларига адекватлигини.

610-сон АХС нинг мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Ички аудит вазифаси – ташкилотга ўрнатилган ёки хизмат каби тақдим этилган баҳолаш бўйича фаолият. Вазифалар, бошқалардан ташқари, ички назоратнинг ўрганишини, ишлашининг баҳолашини ҳамда мослик ва самарадорлик мониторингини ўз ичига олади.

Ички аудиторлар – ички аудитни бажарадиган шахслар. Ички аудиторлар ички аудит департаментига ёки унга тенг бўлган бўлинмага кириши мумкин.

Ташқи аудитор ички аудиторларнинг иши аудит мақсадларига мос бўлганлигини аниқлашга, ички аудит ишининг ташқи аудитор тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ёки ҳажмига таъсир кўрсатишини режалаштиришга мажбур.

Аудитнинг мақсадларига ички аудиторлариинг иши мос бўлганлигини аниқлаш чоғида, ташқи аудитор ички аудит вазифаларининг холислигини, техник жиҳатдан чуқур билимга эга эканлигини, профессионал даражасини, ички ва ташқи аудиторлар ўртасида маълумотни самарали узатишни баҳолашга мажбур.

Ташқи аудитор тартибларининг характери, ўтказиш муддатлари ёки ҳажмига ички аудит ишининг режалаштирилаётган таъсирини аниқлаш чоғида, ташқи аудитор қуйидагиларни кўриб чиқишга мажбур:

- ички аудиторнинг бажарилган ёки бажарилиши лозим бўлган ишининг характери ва ҳажмини;
- баланс счётлар ва очиб беришларнинг жиддий бузилиш бўйича баҳоланган рискларини;
- ички аудитор томоидан олинган аудиторлик далилларнинг холис эмаслигининг даражасини.

Ташқи аудитор ички аудиторнинг ўзига ҳос бўлган ишидан фойдаланиши учун, ташқи аудитор ушбу ишга нисбатан, унинг ташқи аудиторнинг максадларига мослигини баҳолаш учун, аудиторлик тартибларни баҳолаш ва бажаришга мажбур.

Ташки аудиторнинг мақсадларига ички аудиторнинг ўзига ҳос бўлган ишининг мослигини аниқлаш учун АХС қуйидаги баҳолашларни бажаришни тавсия этади:

- иш тегишли техник малакага ва кўникмаларга эга бўлган ички аудиторлар томонидан бажарилганлигини;
- иш тегишли равишда ташкил қилган, назорат қилинган ва ҳужжатлаштирилганлигини;
- ички аудиторлар идрокли ҳулоса қилишлари учун имкон берадиган адекватли аудиторлик далиллар олинганлигини;
- улар томонидан олинган ҳулосалар ушбу вазиятларда тегишли бўлганлигини ва ички аудиторлар томонидан ҳар қандай тайёрланган ҳисоботлар бажарилган ишнинг натижаларига нисбатан мувофиқлигини;
- ички аудитор томонидан ҳар ҳил истиснолар ёки ғайриоддий масалалар тегишли равишда ҳал этилганлигини.

Агар ташқи аудитор ички аудиторнинг ўзига ҳос бўлган ишидан фойдаланган бўлса, унда ташқи аудитор ички аудиторлар ишининг мослигини баҳолашга нисбатан хулосаларни ва, ушбу ҳулосаларни 230-сон АХС талабларига мувофиқ тасдикловчи, ташқи аудитор томонидан бажарилган аудиторлик тартибларни ҳужжатлаштиришга мажбур.

6.3. 620-сон АХС "Аудитор томонидан жалб қилинган экспертнинг ишидан фойдаланиш"

620-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.

Аудиторнинг мақсадлари бўлиб:

- жалб қилинган экспертдан фойдаланиш зарурлигини аниқлаш;
- аудиторнинг мақсадларига эксперт ишининг сомлигини баҳолаш ҳисобланади.

620-сон АХС мақсадлари учун қуйидаги нборалардан фойдаланилади.

Аудитор томонидан жалб қилинган эксперт – аудит ва бухгалтерия хисоб-китобидан ташқари соҳада иш тажрибасига эга бўлган, уларнинг ушбу соҳадаги ишидан етарли тегишли аудиторлик далиллар олиш чоғида аудитор томонидан фойдаланилаётган мутахассис ёки ташкилот.

Рахбариятнинг эксперти - аудит ва бухгалтерия ҳисоб-китобидан ташқари соҳада иш тажрибасига эга бўлган, уларнинг ушбу сохадаги ишидан

ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун фойдаланилаётган мутахассис ёки ташкилот.

Агар етарли тегишли аудиторлик далиллар олиш учун аудит ва бухгалтерия ҳисоб-китобидан ташқари соҳаларда иш тажрибаси зарур бўлганида, аудитор жалб қилинган экспертнинг иши унга кераклигини аниқлашга мажбур.

Талабларга нисбатан аудиторлик тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмлари ҳар хил ҳолатларда ажралиб туришлари мумкин. Аудиторлик тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмларини аниқлашда аудитор қуйидагиларни кўриб чиқишига мажбур:

- экспертнинг иши боғлиқ бўлган масаланинг характерини;
- экспертнинг иши боғлиқ бўлган масала учун жиддий бузилиш рискларини;
- аудит контекстида эксперт ишининг жиддийлигини;
- эксперт томонидан олдин бажарилган ишни аудитор билиши ва у билан ишлаш бўйича иш тажрибасининг мавжудлигини;
- эксперт иши аудиторлик фирманинг сифатни назорат қилиш тартибларидан ўтганлигини (А11-А13 б. кўр).

Аудитор жалб этилган экспертнинг чуқур билимга эга бўлишини, аудит мақсадларида унинг кобилияти ва ҳолислигини баҳолашга мажбур. Ташқи экспертни жалб қилиш чоғида ҳолисликни баҳолаш ўз ичига, эксперт учун холислик хавфини келтириб чиқиши мумкин бўлган манфаатдорлик ва шахсий алоқаларга нисбатан, расмий талабни олиши зарур.

Жалб қилинган эксперт томонидан ўтказиладиган экспертиза соҳасини аудитор қуйидагиларни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши учун етарли даражадаги тушинишга эга бўлишга мажбур:

- аудит манфаатларида эксперт ишининг характери, ўтказиш вақти, ҳажми ва мақсадларини аниқлаш;
- аудит мақсадлари учун ушбу иш бажарилишинингмослигини баҳолаш.

Аудитор жалб қилинган эксперт билан, мумкин бўлса ёзма равишда, қуйидагиларни ўзаро келишиб олишга мажбур:

- эксперт ишининг характери, ҳажми ва вазифаларини;
- аудиторнинг ва жалб этилган экспертнинг роли ва масъулиятини;
- аудитор ва эксперт ўртасида маълумотни узатиш характери, муддатлари ва ҳажмини, ва шунингдек эксперт томонидан тайёрланиши керак бўлган ҳар қандай ҳисоботни;

• жалб этилган эксперт томонидан маҳфийлик талабларига риоя қилишни.

Аудитор аудитнинг мақсадлари учун эксперт томонидан бажарилган ишнинг адекватлигини баҳолашга мажбур. Бунинг учун у қуйидагиларни баҳолаши зарур:

• ҳулосаларнинг ёки эксперт ҳулосаларининг муносиблиги ва идроқлилигини ва уларнинг бошқа аудиторлик далилларга мувофиқлигини;

• агар экспертнинг иши муҳим тахминлар ва усуллардан фойдаланишни ўз ичига киритса, унда мазкур ҳолатлардаги ушбу тахмин ва усулларнинг характери(тегишлилигини) ва идроклигини;

• агар эксперт иши маълумотнинг муҳим манбаларидан фойдаланишни талаб қилса, унда ушбу маълумот манбаларининг муносиблигини, тўлиқлигини ва аниқлигини (А38-А39 б. кўр).

Агарда аудитор, жалб қилинган экспертнинг иши аудит мақсадларига мос эмас эканлигини аниқласа, унда у :

• мазкур эксперт билан эксперт бажарилиши лозим бўлган келгусидаги ишнинг характери ва ҳажмини келишиб олишгаёки

• ушбу холатларда қўлланиладиган кейинги аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур.

Аудитор сўзсиз ижобий аудиторлик ҳулосасида ишнинг бир қисми эксперт томонидан бажарилгани тўғрисида хавола қилиши мумкин эмас.

Агарда аудитор ўзгартирилган аудиторлик хулосасида жалб қилинган эксперт ишига ҳавола қилса, чунки шундай ҳавола удиторлик хулосага киритилган изоҳни тушинишни таъминлашига тегишли, унда аудитор, хулосада бундай ҳавола ушбу аудиторлик хулосасида у баён этган фикри учун аудиторнинг масъулиятинипасайтирмайди деб, кўрсатишга мажбурдир.

Хулосалар

1. 600-сонАХС "Махсус фикрлар - бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботининг аудити" гуруҳларнинг аудитига қўлланиладиган, хусусан, компонентнинг аудиторларини жалб қилишга тегишли бўлган махсус ёндашишларни кўриб чикади.Мазкур стандартдан, бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи бўлиб ҳисобланмаган, молиявий ҳисоботиинг аудити чоғида ушбу аудитор бошқа аудиторлар билан бирга ишлаганида, фойдаланилади.

2.Аудиторлик риски - молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиш рискининг ва аудитор ушбу бузилишларни аниқламаган бўйича рискининг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бир гуруҳ компанияларнинг аудити чоғида бу

компонент аудитори бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботига жиддий бузилишларни олиб келиши мумкин бўлган компонентнинг молиявий ҳисоботида бузилишларни аниқлаб олмаган рискинива бир гуруҳ компанияларнинг аудити бўйича аудиторлик гуруҳи ушбу бузилишни аниқлаб олмаслик рискини ўз ичига олади.

3. 600-сон АХСга мувофиқ аудиторнинг мақсадлари, бир гуруҳ компаниялар молиявий ҳисоботининг аудитори бўлиш таклифини қабул қилишга арзийдими; компонентларга тегишли бўлган молиявий маълумот бўйича уларнинг иш ҳажми ва муддатлари бўйича аниқ келишувга келишга эришишни; унинг натижалари тўғрисида ахборот бериш, компонентнинг молиявий маълумотига ва бир гуруҳ компанияларнинг молиявий ҳисоботи барча жиддий бўлган муносабатлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қўлланиладиган қоидаларга мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида фикрни баён этиш учун бирлаштириш жараёнига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишини аниқлашдан иборат.

4.У ўз нчига ўзининг табиати ёки ҳолатларига кўра бир гуруҳ компаниялар молиявий ҳисоботининг *жиддий бузилишларининг муҳим рискларини* олгани сабабли муҳим бўлган компонент учун бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ, ёки унинг номидан компонент аудитори бир қатор талабларни бажаришга мажбур.

5."Ички аудиторларнинг ишидан фойдаланиш"610-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.Ушбу аудитнинг халқаро стандарти ички аудиторларнинг ишига нисбатан ташқи аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқадн.

6. Ташки аудитор ифода этилган аудиторлик фикр учун якка ўзи масъулиятли ҳисобланади, ва ушбу масъулият ташқи аудитор ички аудиторнинг ишидан фойдаланиш ҳисобига пасаймайди. Агар ташкилот ички аудитнинг функциясига эга бўлса, ташқи аудиторнинг фикри бўйича ундан аудитнинг мақсадлари учун фойдаланиш мумкин бўлса, ташқи аудиторинг мақсади ички аудиторлардан фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат.

7. Агар ташқи аудитор ички аудиторинг ўзига ҳос бўлган ишидан фойдаланган бўлса, унда у ички аудиторлар ишининг мослигини баҳолашга нисбатан ва ташқи аудитор томонидан бажарилган, ушбу ҳулосаларни 230-сон АХС талабларига мувофиқ тасдикловчи, аудиторлик тартибларни ҳужжатлаштиришга мажбур.

8."Аудитор томонидан жалб қилинган экспертнинг ишидан фойдаланиш" 620-сои АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва

аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» 200-сон АХС билан бирга ўқилиши зарур.

9. Аудиторнинг мақсадлари бўлибжалб қилинган экспертдан фойдаланиш зарурлигини аниклаш ва экспертнинг иши аудиторнинг мақсадларига мослигини баҳолаш ҳисобланади.Агар етарли тегишли аудиторлик далиллар олиш учун аудит ва бухгалтерия ҳисоб-китобидан ташкари соҳаларда иш тажрибаси зарур бўлганида, аудитор жалб қилинган экспертнинг иши унга кераклигини аниқлашга мажбур.Талабларга нисбатан аудиторлик тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмлари ҳар ҳил ҳолатларда ажралиб туришлари мумкин. Аудиторлик тартибларнинг характери, ўтказиш муддатлари ва ҳажмларини аниклашда аудитор қуйидагиларни кўриб чиқишига мажбур: экспертнинг иши боғлиқ бўлган масаланинг характерини; экспертнинг иши боғлиқ бўлган масала учун жиддий бузилиш рискларини; аудит контекстида эксперт ишининг жиддийлигини;эксперт томонидан олдин бажарилган ишни аудитор билиши ва у билан ишлаш бўйича иш тажрибасининг мавжудлигини;эксперт иши аудиторлик фирманинг сифатни назорат қилиш тартибларидан ўтганлигини.

10. Аудитор жалб этилган экспертнинг чуқур билимга эга бўлишини, аудит мақсадларида унинг қобилияти ва ҳолислигини баҳолашга мажбур. Ташқи экспертни жалб қилиш чоғида холисликни баҳолаш ўз ичига, эксперт учун холислик хавфини келтириб чиқиши мумкин бўлган манфаатдорлик ва шахсий алоқаларга нисбатан, расмий талабни олиши зарур.

11. Аудитор сўзсиз ижобий аудиторлик ҳулосасида ишнинг бир қисми эксперт томонидан бажарилгани тўғрисида ҳавола қилиши мумкин эмас.

Агарда аудитор ўзгартирилган аудиторлик хулосасида жалб қилинган эксперт ишига ҳавола қилса, чунки шундай ҳавола удиторлик хулосага киритилган изоҳни тушинишни таъминлашига тегишли, унда у, хулосада бундай ҳавола ушбу аудиторлик хулосасида у баён этган фикри учун аудиторнинг масъулиятинипасайтирмайди деб, кўрсатишга мажбурдир.

Ўз ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. 600-сон АХСиинг аҳамияти қандай?

2. Бир гуруҳ компанияларии текшириш чоғида аудиторнинг мақсадлари нимадан иборат?

3. Гуруҳ аудитларига, хусусаи, компонент аудиторини жалб қилишга тегишли, қандай махсус ёндашиш қўлланилади?

4. Заҳираларни инвентаризация қилишда қатнашиш учун ёки узоқдаги худудий бўлинмада жойлашган асосий воситаларни инспекция қилиш учун аудитор бошқа аудиторни жалб қилиши мумкинми?

5. Бир гуруҳ компаниялар аудити бўйича шерик бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган шахслар, компонентларнинг аудиторларини қўшган ҳолда, жамоа бўлиб зарур бўлган билимлар ва кўникмаларга эга бўлганларига ишонч хосил қилиши керакми?

6. Бир гурух аудиторлик компанияларнинг раҳбари компонентнинг аудити бошқа аудитор томонидан бажарилаётганига қарамасдан 220-сон АХС талабларини қўллаши керакми?

7. Бир гуруҳ компанияларнинг аудиторлик риски нимадан иборат?

8. Бошқа аудиторлар қатнашишининг мақсади нимадан иборат?

9. 600-сон АХС га мувофиқ аудиторнинг мақсадлари нималардан иборат?

10. Молиявий хисоботнинг жиддий бузилиш рнски мавжудлигида аудитордан нима талаб этилади?

11. Компонентнинг молиявий маълумоти бўйича бир гуруҳ компанияларнинг аудитини бажараётган аудиторлик гуруҳ нимани аниқлайди?

12. Компонентнинг гурухи учун молиявий муҳим бўлган жиддийлик даражасидан фойдаланиш мумкинми?

13. 610-сон АХС "Ички аудиторларнинг ишидан фойдаланиш" нимани белгилайди?

14. 610-сон АХС "Ички аудиторларнинг ишидан фойдаланиш" ва 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш» нинг ўртасида ўзаро алоқалар қандай?

15. Ички аудитнинг вазифалари, мақсадлари, функцияларини ким аниқлайди?

16. Ифода этилган аудиторлик фикри учун ташқи аудитор якка ўзи масъулиятни зиммасига оладими?

17. Ташқи аудиторнинг, у томонидан ички аудиторнинг ишидан фойдаланиш чоғидамасъулияти камаймидими?

18. Агар ташкилот ички аудитнинг функцияларини бажараётган бўлса, бу ҳолатда ташқи аудиторнинг мақсади нимадан иборат?

19. Ички аудитнинг функциялари қандай?

20. 620-сон АХС "Аудитор томонидан жалб қилинган экспертнинг ишидан фойдаланиш" нимани белгилайди?

21. 620-сон АХС қайси АХС билан бирга ўқилиши лозим?

22. 620-сон АХС "Аудитор томонидан жалб қилинган экспертнинг ишидан фойдаланиш" га мувофиқ аудиторинг мақсадлари нимадан иборат?

7-Боб. АУДИТОРЛИК ХУЛОСАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР

Бобни ўрганиб чиқиб сиз:

- аудиторлик хулосалар ва хулосаларни шакллантириш бўйича аудиторларнинг масъулиятини белгилаб берадиган аудиторлик фаолиятини меъёрий белгилаш тизимини;
- аудиторлик хулосалар ва хулосаларнинг услубиёти, услуби ва шакллантириш тартибини;
- режалаштириш, дастурларни тузиш ва аудиторлик амалларинийўтказишуслубларини;
- аудиторлик текширишнинг натижаларини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини;
- аудиторлик хулосалар ва хулосани шакллантиришда иқтисодий субъектлар ва аудиторлик фирмаларининг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулиятларини

билиб оласиз

- текшириш натижаларни умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузишни;
- халқаро ташкилотларии текшириш, аудиторлик хулосалар ва хулосаларни амалга оширишчоғида аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларидан фойдаланишни;
- аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларидан аудиторлик текширишларнинг сифатини баҳолаш учун эталон каби, фойдаланишни;
- аудиторлик текшириш натижалари бўйича иқтисодий субъектнинг раҳбариятига тавсиялар ишлаб чиқишни;
- ички назорат, ҳисоб-китоб ва ишбилармонлик фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда аудиторлик тешкириш натижаларидан фойдаланишни

ўрганасиз

- текширишлар натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузиш усулларига;
- хўжалик субъектларнинг ревизияси ва назорати харакат килишининг иазарий асосларнга;
- назорат тизими масалаларнинг амалий ечиш усулларига;

• хўжалик фаолиятини юритиш ва бухгалтерлик ҳисоб-китобни олиб боришда бўлиши мумкин бўлган бузилишлар ва хатоларни бартараф қилиш услубларига;

• хўжалик фаолиятини юритиш ва бухгалтерлик ҳисоб-китобни олиб боришда бузилишлар ва ҳуқуқбузарлик харакатларини аниқлаш усул ва услубларига;

• текшириш натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузиш услубларига;

• ички назорат тизими масалаларнинг амалий ечиш усулларига;

• иқтисодий субъектнинг ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини оширишни бошқарищда аудитнинг натижаларидан фойдаланиш усулларига

эга бўласиз

Асосий тушинчалар. Аудиторлик хулоса, аудиторлик хулосанинг элементлари, аудиторлик хулосаларнинг турлари, аудитор фикрининг ўзгартиришларн билан аудиторлик хулосаси, изоҳи мавжуд бўлган фикр, салбий фикр, фикр билдиришдан бош тортиш, маълумотни солиштириш (тақкослаш), солиштирилган кўрсаткичлар, солиштирилган молиявий ҳисобот, бошқа маълумот, муҳим номуносиблик, фактларининг муҳим бузилиши.

7.1.700-сон АХС "Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса"

700- сонли аудитнинг халқаро стандартида молиявий ҳисоботнинг аудити натижасида тақдим этилган аудиторлик хулосанинг шакли ва мазмуни бўйичааудиторларга тавсиялар берилган. Унда шунингдек, аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш борасида аудиторнинг масъулияти кўриб чиқилади.

Аудиторнинг мақсадлари нафақат аудиторлик далиллар таҳлилидан келиб чиққан хулосалар асосидаги молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантиришдан, балки шунингдек, ушбу фикрнинг шакллаштириш негизи таърифлаб берилган, ёзма аудиторлик хулосада аниқ баён этишданиборатдир.

Аудитор, молиявий ҳисобот барча муҳим жабҳаларда, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари талабларига мувофиқ тайёрланганини баҳолайди.

Хусусаи, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларининг нуқтаи назаридааудитор қуйидагиларни баҳолашга мажбур:

- ҳисоб-китоб сиёсатининг танлаб олинган ва қўлланган муҳим элементлар молиявий ҳисоботда мос равишда очиб берганлигини;
- ҳисоб-китоб сиёсатининг танлаб олинган ва қўлланган муҳим элементлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларга мувофиқлигини ва улар тегишли эканлигини;
- раҳбариятнинг бухгалтерлик баҳолаш белгилари идрокли бўлиб ҳисобланганлигини;
- молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумот ушбу ҳолатларда ишончли, таққосланадиган, тушинарли ва ўринли бўлиб ҳисобланганлигини;
- малакали фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумотга муҳим операциялар ва ҳодисаларнинг таъсирини тушинишга имкон берадиган мос очиб беришларнинг молиявий ҳисоботда берилганлигини;
- молиявий ҳисоботларнинг ҳар биттасидаги сарлавҳаларини, агар мумкин бўлса, кўшиб ҳисоблаганда, молиявий хисоботда қўлланиладиган терминалогияга тегишли бўлиб ҳисобланганлигини.

Аудиторлик хулосанинг шакл ва мазмунининг бир хиллигига риоя қилиш зарур; бу уни фойдаланувчилар томонидан тушинишга ёрдам беради.

Аудиторлик хулоса ёзма равишда коғоз шаклида ва элекрон шаклида ҳам тузилади.

Аудиторлик хулоса қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

- иомини;
- ушбу аудиторлик топшириққа мувофиқ тегишли манзилни;
- аудит қилинган молиявий ҳисоботга кўрсатувчи кириш параграфни;
- молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш бўйича раҳбариятмасъулиятининг таърифи;
- аудитнинг Халқаро стандартлари ва аниқ юрисдикция ёки давлат аудитнинг миллий стандартларига далилларни, ва ушбу стандартларга мувофиқ аудитнинг баёнини ўз ичига олган, молиявий ҳисобот ва аудиторлик текшириш хажми бўйича фикр чиқариш борасидаги аудиторнинг масъулиятинингтаърифи;

- молиявий ҳисобот бўйича фикрни ифодаланувчи параграф, ва ушбу молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига далилларни;
- ҳисобот билан боғлик бўлган бошқа масъулиятининг таърифини;
- аудиторнинг имзосини;
- аудиторлик хулосанинг санасини;
- аудиторнинг манзилини.

Аудиторлик хулоса, мустақил аудиторнинг хулосаси деган, номига эга бўлиши керак, масалан, "Мустақил аудиторнинг хулосаси". Бу, аудитор томонидан мустақилликка тааллукли бўлган, профессионал этика талабларига риоя қилганлигини англатади.

Аудиторлик хулоса ким учун тайёрланган бўлса, уларнинг номига юборилади, кўпинча бу молиявий ҳисоботи аудит қилинган акционерлар ёки ташкилот мулкдорининг вакиллари.

Аудиторлик хулосанинг кириш параграфида ташкилотнинг текширилаётган молиявий ҳисоботнинг санаси ва ҳисобот даврини кўрсатилган тўлик тўпламнинг рўйхати мавжуд ва шунингдек, ҳисоб-китоб сиёсатининг муҳим элементлар шарҳига ва бошқа тушинтирувчи маълумотга изоҳ берилади.

Аудиторлик хулоса "Молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг масъулияти (ёки бошқа тегишли ибора)" деган, бўлимни ўз ичига олиши лозим. Аудиторлик хулосанинг ушбу бўлимида молиявий ҳисоботни тайёрлашга жавобгар бўлган ташкилот шахсларининг масъулияти таърифланади. Аудиторлик хулоса, ушбу аниқ юрисдикциядаги юридик контекстида тегишли бўлган "Раҳбарият" деган, оддий кўрсатмани ўз ичига олиши керак эмас. Бир қатор юрисдикцияларда шундай тегишли кўрсатма бўлиб мулкдорнинг вакиллари бўлиши мумкин.

АХСнинг талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботга иқтисодий субъектнинг раҳбарияти масъулиятли. Раҳбарият, молиявий ҳисоботни тайёрлаш борасида, уни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларгамувофиқ, адолатли тақдим этиш принципларини ҳисобга олганда, масъул, ва шунингдек, у молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур бўлган деб, ҳисоблаган, ва ноқонуний харакатлар ёки хатолар натижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган, шундай ички назорат тизими учун масъул.

Агар молиявий ҳисобот одилона принципларга мувофик тайёрланса, аудиторлик хулосада молиявий ҳисобот учун раҳбарият масъулиятининг тушинчаси ушбу ҳолатларда тегишли бўлган "ушбу молиявий ҳисоботни

тайёрлаш ва одилона тақдим этиш"га деган, ёки "тўғри ва одилона тақдим этишни берадиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш" деган, қўрсатмани ўз ичига олиши зарур.

Иқтисодий субъект раҳбариятининг масъулияти тўғрисидаги бўлимдан ташқарн аудиторлик хулоса "Аудиторнинг масъулияти" сарлавҳали бўлимини ҳам ўз ичига олиши зарур. Аудиторнинг мажбурияти фақат, қўлланилган стандартларга ҳавола қилиниб, аудиторлик текшириш иатижаларига асосланган, мижознинг молиявий ҳисоботи тўғрисидаги фикр баёи этишдан иборат.

Аудиторлик хулоса, молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган жаъми кўрсаткич ва очиб беришларга нисбатан аудиторлик далиллар олиш учун фойдаланган тартиблар бажарилишини; аудиторнинг профессионал фикри ёрдамида аниқланадиган ноконуний харакатлар ёки хатоларга кўра молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилиш рискларининг баҳоланишини қўшиб ҳисоблаганда, танланган тартибларни ажратишнитаърифлаши лозим. Ушбу рискларнинг баҳоларини олиш жараёнида аудитор молиявий ҳисоботни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини, ушбу ҳолатларда тегишли бўлган аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш мақсадларидакўриб чиқади, лекин ташкилотнинг ички назорат тизимига нисбатан фикр чиқариш мақсадида эмас.

Аудитор шунингдек, молиявий ҳисобот аудити сабабли, ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги фикрни ифода этишга мажбур бўлган ҳолатларда, у "аудитор томонидан ички назорат тизимини кўриб чиқилиши, ташкилотнинг ички назорат тизимига нисбатан фикр баён этиш мақсадида эмас, амалга оширилмоқда" ва "қўлланиладиган ҳисоб-китоб сиёсатининг тегишли характери ва раҳбарият баҳолаш қийматларининг идроклигининг, ва шунингдек, молиявий ҳисобот бўйича умумий тасаввуринингаудити" сўзларни ташлаб кетишга мажбур.

Аудиторнинг фикри баёи этилаётган бўлимда, у ташкилот молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ва холислиги тўғрисида аниқ равишда ўзининг фикрини баён этишга мажбур.

Аудиторнинг фикрини оғзаки баён этилиши, АХСнинг талабларидан муҳим равишда фарк қиладиган, ибораларда баён этилган аудиторлик хулосадаги муайян сўз бирикмаларига кўрсатма беради. Ушбу ҳолатларда 210-сон АХС аудитор куйидагиларни баҳолашн талаб этади: фойдаланувчилар молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида эришилган ишончлилигини нотўғри тушинишлари мумкинлигини, ва мободо нотўғри

тушинсалар, унда аудиторлик хулоса матнига қўшимча тушинтиришларнинг киритилиши, мумкин бўлган тушинмасликни бартараф этилишини.

Агар аудитор аудиторлик хулосада молиявий ҳисобот бўйича хулосага нисбатан АХСга мувофиқ аудиторнинг масъулиятига нисбатан қўшимча бошқа масъулият кўрсатилган бўлса, унда ушбу қўшимча масъулият аудиторлик хулосанинг алоҳида "Қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талабларига мувофиқ хулоса" деб, номланган бўлимида таърифланиши лозим. Масалан, аудитордан муайян масалалар бўйича, агар улар аудит чоғида унинг эътиборини тортган бўлсахабар қилиш талаб этилиши мумкин. Ва аксинча, аудитордан қўшимча муайян тартибларни бажариш ва уларнинг натижалари тўғрисида маълумотни хабар қилиш, ёки бухгалтерлик китоблар ва ёзувларнинг мослиги каби, махсус масалалар бўйича фикр баён этишталаб этилади.

Аудиторлик хулоса аудиторлик фирма номидан ёки аудиторнинг ўз номидан имзоланади. Алоҳида ҳолатларда у икки тараф томонидан имзоланиши мумкин. Қўшимча қилиб профессионал мавқеи тўғрисида ёки аудитор ёки фирмада лицензия берувчи орган томонидан берилган лицензия мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи реквизитлар кўрсатилиши мумкин.

Аудиторлик хулоса аудиторлик текшириш тугатилган сана билан белгиланадн. Бу, аудитор томонидан, ушбу санадан олдин содир бўлган ва аудиторга маълум бўлган барча факторлар ва ҳодисаларни инобатга олинганини англатади. Аудитор хулосани ташкилот раҳбарияти томонидан молиявий ҳисобот имзоланган ёки тасдикланган санасидан олдинги сана билан белгилаши мумкин эмас.

Аудиторлик хулосада аудиторнинг, у ўзининг амалиётини амалга ошираётган аниқ ўрнашган жойи кўрсатилади.

Аудит натижалари бўйича аудитор ўзгартирилмаган ва ўзгартириланган фикрини баён этиши мумкин.

Ўзгартирилмаган фикр –аудитор, агар молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатлар бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларга мувофиқ тайёрланган деган, хулосага келганида, баён этилган фикрдир.

Агар аудитор олинган аудиторлик далилларга мувофиқ молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузилишлардан холи бўлмаса ёки молиявий ҳисобот умуман олганда муҳим бузилишлардан холи деган, ҳулосага келиш учун унда етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга имконияти бўлмаса, у аудиторлик хулосада, 705-АХСга мувофиқ фикрни ўзгартиради.

7.2.705- сон АХС "Мустақил аудиторнинг хулосасида фикрнингўзгартиришлари"

705-аудитнинг халқаро стандарти аудиторнинг фикр ўзгартиришларининг учта турини ўрнатади (7.1.-жадвал)

1) изоҳи мавжуд бўлган фикр (ёки ўзгартирилган фикрнинг ўзи);

2) салбий фикр;

3) фикрни баён этишдан бош тортиш.

Тегишли турдаги ўзгартирилган фикрни танлаш тўғрисидаги қарор қуйидагиларга боғлик:

- ўзгартиришга сабаб бўлган масаланинг характерига, яъни молиявий хисобот муҳим равишда бузилганҳисобланадими ёки, етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш имконияти бўлмаса, муҳим бузилиши мумкин;
- молиявий ҳисоботга нисбатан бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ушбу масаланинг бузилишига олиб келадиган таъсири бўйича аудиторнинг мулоҳазаси.

Жадвал 7.1.

Ўзгартирилган фикрларнинг турлари

Ўзгартиришга олиб келган масалаларнинг характери	Молиявий ҳисоботни бузилишига олиб келадиган таъсири бўйича аудиторлик мулоҳаза	
	Муҳим , лекин бузилишга олиб келмайдиган	Муҳим ва бузилишга олиб келадиган
Молиявий хисобот муҳим равишда бузилган	Изоҳи мавжуд бўлган фикр	Салбий фикр
Етарли тегишли аудиторлик далилларни олишга имконият йўқлиги	Изоҳи мавжуд бўлган фикр	Салбий фикр

"Мустақил аудиторнинг хулосасидаги фикрнинг ўзгартиришлари" 705-АХС изоҳи мавжуд бўлган фикрни ва салбий фикрни ажратади.

Аудитор, агар бузилишлар биргаликда ёки жами нафақат муҳим экан, балки молиявий ҳисоботда тарқатувчи характерга эга экан деган, хулоса келса, унда *салбий фикрни* баёнэтади.

Аудитор, аудит ҳажмининг чекланиши муҳим ва чуқур ва у, етарли ва ўринли аудиторлик далилларни ола олмаган, шундай экаи, субъектнинг молиявий ҳисоботи бўйича ҳам фикрини баён эта олмаган ҳолатда, *фикр баён этишдан бош тортади.*

705-АХС фикрни ўзгартириш чоғида аудитор 700-АХСда талаб этилган аудиторлик хулосанинг элементларига қўшимча қилиб аудиторлик хулосага, ўзгартиришга олиб келган масаланинг таърифини ўз ичига олган, параграфни киритиши зарурлигини ўрнатади. Ушбу параграф аудиторлик хулосада аудиторлик фикр тўғрисидаги параграфдан олдин келтирилади ва вазиятларга кўра қуйидаги сарлавхаларга эга бўлиши мумкин: "Изоҳи мавжуд бўлган фикр учун асос", "Салбий фикр учун асос" ёки "Фикр баён этишдан бош тортиш учун асос".

"Эътиборни ўзига тортадиган абзац ва мустакил аудиторлик хулосанинг бошқа тушинтирувчи параграфлар" 706-АХС аудитор томонидан қуйидаги мақсадлар учун қўлланилади:

- фойдаланувчиларнинг эътиборини, ҳисоботни тушиниш учун фундаментал ҳисобланган, шу даражадаги муҳим бўлган, молиявий хисоботда очиб берилган масалаларга тортиш;
- фойдаланувчиларнинг эътиборини, молиявий ҳисоботда очиб берилган ёки тақдим этилган ва фойдаланувчи томонидан аудитни, аудиторнинг масъулиятини ёки аудиторлик хулосани тушинишга тегишли бўлган масалалардан ташқари, ҳар қандай масала ёки масалаларга тортиш.

Стандарт биринчи ҳолатда аудиторлик хулосага эътиборни тортувчи абзацни, уни аудитор фикри баён этилган параграфдан сўнг дарҳол уни жойлаштириб, "Эътиборни ўзига тортадиган абзац" деб, номлаб, аудитор қўшиши зарурлигини ўрнатади.

Иккинчи ҳолатда аудитор аудиторлик хулосага бўлак тушинтирувчи, уни масалан "Бошқа тушинтиришлар" деб, шундай номлаб, параграфни қўшиши зарур.

7.3. 710- сон АХС "Солиштириб бўладиган маълумот – солиштириб бўладиган кўрсаткичлар ва солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот"

Фойдаланувчилар томонидан молиявий ҳисоботни тўлиқ, етарли тушинишлари учун, унда тақдим этилган маълумотнинг илгариги даврда тақдим этилган ҳисоботнинг маълумоти билан солиштирилиши зарур.

"Солиштириб бўладиган маълумот – солиштириб бўладиган кўрсаткичлар ва солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот"710-АХС молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида солиштириб бўладиган маълумотни кўриб чиқишга нисбатан аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.

Ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тақдим этилган солиштириб бўладиган маълумотнинг табиати молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларнинг талабларига боғлик. Ушбу солиштириб бўладиган маълумот бўйича аудиторлик хулосага нисбатан аудиторнингмасъулиятига иккита кенг ёндашишлар мавжуд:

- солиштирма кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлган ёндашиш;
- солиштириб бўладиган ҳисобот билан боғлиқ бўлган.

Аудиторлик хулосага нисбатан ёндашишлар ўртасидагимуҳим тафовудларқуйдагилардан иборат:

- солиштириб бўладиган кўрсаткичларга нисбатан молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикр фақат жорий даврга нисбатан баён этилади;
- солиштириб бўладиган молиявий ҳисоботга нисбатан молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикр молиявий ҳисобот тақдим этилган ҳар бир давр учун баён этилади.

710-АХС молиявий ҳисоботни солиштириш учун қуйидаги асос турларини ажратади.

Солиштириб бўладиган маълумот – молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйичақўлланиладиган принциплар талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботга битта ёки унданда кўпрок бўлганилгариги даврларга нисбатан киритилганмиқдорий кўрсаткичлар ва очиб беришлардир.

Солиштириб бўладиган кўрсаткичлар –миқдорий кўрсаткичлар ва очиб беришлар молиявий ҳисоботга жорий молиявий ҳисоботнинг интеграл қисмидек киритилган ва жорий давр билан боғлиқ бўлган ("жорий даврдаги кўрсаткичлар"деб, номланган) миқдорий кўрсаткичлар ва очиб беришлар биланбиргаўқилиши лозим бўлгансолиштириб бўладиган маълумотдир. Миқдорий кўрсаткичларда ва очиб беришларда тақдим этилган тафсилотнинг даражаси жорий давр кўрсаткичлари билан уларининг боғланиши билан буюрилади.

Солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот-унда илгариги давр бўйича миқдорий кўрсаткичлар ва бошқа очиб беришлар жорий даврдаги молиявий ҳисобот билан солиштириш учун киритилгансолиштириб бўладиган маълумотдир, лекин, агар улар аудит қилинган бўлса, унда бу тўғрисида маълумотлар аудиторлик хулосада тақдим этилган. Ушбу молиявий ҳисоботга киритилган маълумотнинг кенглик даражаси жорий давр бўйича молиявий ҳисоботдаги маълумот билан таққосланади.

Аудитор молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари талаб қиладиган солиштириб бўладиган маълумот мавжудлигини ва ушбу ҳисобот тегишли равишда таснифланганлигини аниклашга мажбур. Ушбу мақсадлар учун аудитор қуйидагиларни баҳолашга мажбур:

- солиштириб бўладиган маълумот илгариги даврдаги миқдорий кўрсаткичлар ва очиб беришлар билан ўзаро келишиладими, ёки бу зарур бўлса, у ўзгартирилганми;
- солиштириб бўладиган маълумотда акс этилгаи ҳисоб-китоб сиёсати жорий даврдаги ҳисоб-китоб сиёсатига нисбатан кетма-кетлик билан қўлланиладиган ҳисобланадими ёки, агар ҳисоб-китоб сиёсатида ўзгаришлар бўлган бўлса, ушбу ўзгаришлар тегишли равишда ҳисоб-китобда акс этилганми ва ҳисоботда мос равишда тақдим этилган ва очиб берилганми.

Агар аудиторга жорий давр аудити чоғидасолиштириб бўладиган маълумотда бўлиши мумкин бўлган муҳим бузилишлар тўғрисида маълум бўлса, у муҳим бузилишларинг мавжудлигига етарли тегишли аудиторлик далилларни олиши учун ушбу ҳолатларда зарур бўлган шундай қўшимча аудиторлик тартибларни бажаришга мажбур. Агар илгариги даврдаги молиявий ҳисобот ўзгартирилган бўлса, аудитор солиштириб бўладиган маълумот ўзгартирилган молиявий ҳисоботга мос келишига ишонч ҳосил қилишга мажбур.

Агар ҳисоботда солиштириб бўладиган кўрсаткичлар тақдим этилган бўлса, унда аудиторлик фикр, қуйидаги ҳолатлардан ташкари, солиштириб бўладиган кўрсаткичларга далилларни ўз ичига олиши керак эмас.

1. Агар олдин берилган илгариги даврдагиаудиторлик хулоса изоҳ мавжуд бўлган фикрни ўз ичига киритган бўлса, фикр баён этишдан бош тортиш ёки салбий фикр ва фикрни ўзгартиришга олиб келган масала хал қилинмаган бўлса, аудитор жорий молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикрни ўзгартиришга мажбур. Аудиторлик хулосанинг "Изоҳи мавжуд бўлган фикр учун асос" параграфида аудитор:

• ёки,агарда жорий даврдаги кўрсаткичлар учун таъсир ёки бўлиши мумкин бўлган таъсир муҳим бўлиб ҳисобланса, уҳолдаўз ортидан ўзгартиришни олиб келган вазиятни таърифлашда жорий давр кўрсаткичларга ва уларга тегишли бўлган солиштириб бўладиган кўрсаткичларни далил қилиб кўрсатиш;

• ёки бошқа вазиятларда, аудиторлик фикр ўзгартирилганини тушинтириб бериш, чунки, ҳисобот даврдаги кўрсаткичлар ва уларга тегишли бўлган солиштириб бўладиган кўрсаткичлар таққосланишига, ҳал қилинмаган масаланинг таъсир килиши ёки бўлиши мумкин бўлган таъсири мавжуд бўлганда ҳам кўрсатиладн.

2. Агар аудитор, у бўйича ўзгартирилмаган фикр баён этилган, илгариги даврдаги молиявий ҳисоботда муҳим бузилиш мавжудлиги ва солиштириб бўладиган кўрсаткичлар тўғри қайта кўриб чиқилмаганлиги ёки молиявий ҳисоботда тегишли очиб беришлар қилинмаганлиги тўғрисида аудиторлик далилларни олса, унда жорий даврдаги молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосада изох мавжуд бўлган ёки хисоботга кирган солиштирадиган маълумотларга нисбатан ўзгартирилган салбий фикрни баён этишга мажбур.

Илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан текширилган.

3. Агар илгариги даврдаги молиявий хисобот бошқа аудитор томонидан текширилган бўлса ва аудиторга қонунчилик ёки тартибга солиш органлари томонидан солиштирадиган кўрсаткичларга нисбатан бундан олдинги аудитор хулосасига йўлланиш ман этилмаган бўлса, унда, агар аудитор шундай йўлланма қилишга қарор килса, у аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида қуйидагиларни кўрсатиши зарур:

• илгариги давр бўйича молиявий ҳисобот бошқа томонидан текширилганлигини;

• бошқа томонидан билдирилган аудиторлик фикрининг турини, ва мободо фикр ўзгартирилган бўлса, унда бунинг сабабини;

• ушбу хулосанинг санасини.

Агар илгариги давр бўйича молиявий ҳисобот аудит қилинмаган бўлса, унда аудитор аудитолик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида солиштириб бўладиган кўрсаткичлар аудит қилинмаганлигини кўрсатишга мажбур. Бундай кўрсатиш, шунга қарамай, жорий даврдаги молиявий ҳисоботига муҳим равишда таъсир қилувчи киритиладиган қолдиқларда бузилишлар мавжуд эмаслиги тўғрисида аудитор томонидан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишидан озод қилмайди.

Агар солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот тақдим этилган бўлса, унда аудиторлик фикр, у бўйича аудиторлик фикр баён этилган, солиштириб бўладиган молиявий ҳисоботнинг тақдим этилган ҳар бир даврига тегишли бўлиши зарур.

Агар жорий даврдаги аудит давомида, илгариги даврдаги ҳисобот бўйича фикр баён этиш чоғида, илгариги даврдаги ҳисобот бўйича аудиторнинг фикри олдин баён этилган аудиторнинг фикридан ажралиб турса, у ҳолда аудитор 706-АХСга мувофиқ аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида фикрлардаги тафовут учун муҳим сабабларни очиб беришга мажбур.

Агар илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан аудит қилинган бўлса, унда жорий даврдаги молиявий ҳисобот бўйича фикрнинг баён этилишига қўшимча равишда аудитор аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида, илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бўйича бошқа аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботда яна бир бор баён этилган ҳолатлардан ташкари, қуйидагиларни кўрсатишга мажбур:

- илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан аудит қилинганлигини;
- бошқа аудитор томонидан аудиторлик фикрининг тури, ва мободо фикр ўзгартирилган бўлса, унда бунинг сабабларини;
- ушбу хулосанинг санасини.

Агар аудитор, бошқа аудитор у бўйича ўзгартирилмаган фикрни баён этган ўтган даврдаги молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатадиган муҳим бузилиш аниқланганлиги тўғрисида хулосага келса, у ушбу бузилиш тўғрисида тегишли поғонадаги раҳбариятга ва, ўринли бўлса, мулкдорнинг вакилларига (агар, улар бевосита ташкилотнинг бошқарувида иштирок этмаган бўлган ҳолатда) хабар қилишга ва бошқа аудитор бу ҳақида хабар килинишини талаб қилишга мажбур. Агар ўтган даврдаги молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритилса ва ўтмишдош-аудитор ўтган давр учун ўзгартирилган молиявий ҳисобот бўйича янги аудиторлик хулосани беришига рози бўлса, унда аудитор фақат жорий даврдаги молиявий ҳисобот бўйича фикрни баён этади.

Агар аввалги даврдаги молиявий ҳисобот аудит қилинмаган бўлса, унда аудитор аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот аудит қилинмаганлиги тўғрисида кўрсатишга мажбур. Бундай кўрсатиб бериш, жорий даврдаги молиявий ҳисоботга муҳим таъсир этадиган бузилишларни киритиладиган қолдиқлар

ўз ичига киритмаганлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш мажбуриятидан аудиторни озод қилмайди.

7.4. 720-сон АХС "Текширилган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатлардагибошқа маълумотга нисбатан аудиторнинг масъулияти"

720-сои АХС нинг мақсади бўлиб, аудитор у бўйича аудиторлик хулосани тузишга мажбур бўлмаган ватекширилган молиявий ҳисоботни ичига оладиган ҳужжатларда мавжуд бўлган,бошқа маълумотни у томонидан кўриб чиқиш бўйича аудиторга тавсияларни ўрнатиш ҳисобланади.

Бошқа маълумотга, аудит қилинган молиявий ҳисобот ва аудиторлик ҳисоботни ўз ичига олган маълумотга, қонунчилик ва тартибга солиш органлари талабларига кўра, киритилган (молиявий ҳисобот ва аудиторлик ҳисоботидан ташқари) молиявий ва иомолиявий маълумот тааллуқлидир.

Бошқа маълумот, масалан, қуйидагиларни ифодалайди :

- раҳбарият ёки бошқариш ваколатларига эга бўлган шахсларнинг ташкилотнинг операцияларн бўйича ҳисоботини;
- молиявий шарҳлашлар ёки тушинтиришларни;
- бандлик тўғрисидаги маълумотларни;
- режалаштирилган капитал сарфларни;
- молиявий коэфициентларни;
- раҳбарият ва директорларнинг номларини;
- алоҳида чоракдик маълумотларни.

АХСнинг мақсадлари учун бошқа маълумотга қуйидагилар кирмайди, масалан:

- матбуот учун ахборот ва баёнот, молиявий ҳисоботга ва у тўғрисидаги аудиторлик хисоботга илова қилинган хат;
- таҳлилчиларининг ҳисоботларида мавжуд бўлган маълумот;
- ташкилотнинг веб-сайтларида мавжуд бўлган маълумот.

Стандарт, бошқа маълумотни текшириш чоғида аникланиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларнинг иккита турини ажратади:

1) муҳим номувофиқлик - аудит қилинган молиявий ҳисоботдаги маълумотга карама-қарши бўлганбошқа маълумотдир. Муҳим иомувофиклик аудитолик далиллар асосида қилинган аудиторлик хулосаларга нисбатан ва, балким молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикрни баён этиш асосига нисбатан шубҳа туғдириш мумкин.

2) фактларнинг муҳим бузилиши - бошқа маълумот, молиявий хисоботда акс этилганмасалалар билан боғлик бўлмаганида, ва иотўғри баён қилинган ёки тақдим этилганида. Фактларнинг муҳим бузилиши, аудит қилинган молиявнй ҳисоботни ўз ичига олган, ҳужжатнинг ишончига путур етказиши мумкин.

Агарда бошқа маълумотни ўкиш чоғида аудитор муҳим номувофикликларни аниқлаган бўлса, у аудит қилинган молиявий ҳисоботни қайта кўриб чикиш ёки бошқа маълумотни қайта кўриб чиқиш кераклигини аниқлашга мажбур, бунинг устига, мободо бошқа маълумотда (аудиторлик хулосани бериш санасидан олдин ёки аудиторлик хулосани бериш санасидан кейин) муҳим номувофиқликлар аниқланган бўлса, бунга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Муҳим номувофиклик. Агар, аудиторлик хулосани бериш санасидан олдин олинган маълумотда муҳим номувофиклар аникланган бўлса ва молиявий ҳисоботнингқайта кўриб чиқилиши керак бўлса, лекин раҳбарият уни ўтказишдан бош тортса, аудитор 705-сон АХСга мувофиқ аудиторлик фикрни ўзгартиришга мажбур.

Агар бошқа маълумотни кайта кўриб чиқиш керак бўлса ва раҳбарият уни ўтказишдан бош тортса, аудитор бу тўғрида мулкдорнинг вакилларига, улар бошқаришда қатнашган ҳолатлардан ташқари, хабар қилишга ва 706-сон АХСнинг контекстидамуҳим номувофиқликни таърифлаган аудиторлик ҳисоботга эътиборни тортган параграфни қўшишга ёки аудиторлик ҳисоботни қайтариб олишга, ёки, бу қонунчилик томонидан рухсат этилган бўлса, топшириқни бажаришдан бош тортишгамажбур.

Аудиторлик хулосанни бериш санасидан кейин олинган, бошқа маълумотда аниқланган муҳим номувофиқликлар:

- агар аудит қилинган молиявий ҳисобот қайта кўриб чиқилиши лозим бўлса, аудитор 560-сон АХСнинг тегишли талабларига риоя килишига мажбур;
- агар бошқа маълумот қайта кўриб чиқилиши лозим бўлса ва раҳбарият уни ўтказишга розилик берса, аудитор ушбу ҳолатларда ўринли бўлган тартибларни бажариши лозим;
- агар бошқа маълумот кўриб чиқилиши лозим бўлса ва раҳбарият уни ўтказишдан бош тортса, аудитор бошқа маълумотга нисбатан ўзининг тутган ўрни тўғрисида бошқариш ваколатларга эга бўлган шахсларни хабардор қилиши ва кейинчалик ҳар қандай ўринли харакатларни қўллаши зарур.

Фактларининг муҳим бузилишлари. Агар муҳим номувофикликларни аниқлаш мақсадида бошқа маълумотни ўқиш чоғида аудиторга фактнинг

яққол муҳим бузилиши тўғрисида маълум бўлса, аудитор ушбу масалани раҳбарият билан муҳокама килишга мажбур.

Агар ўтказилган муҳокамалардан сўнг аудиторфактнинг яққол муҳим бузилиши мавжудлигини ҳисоблашни давом этса, у раҳбариятга, ташкилотнинг юридик маслаҳатчиси каби, учиничи томон билан маслаҳат қилишни тавсия этиши лозим, ва аудитор муҳокама чоғида олинган маслахатларни кўриб чиқиши зарур.

Агар аудитор фактнинг яққол муҳим бузилиши мавжудлиги тўғрисидаги хулосага қелса ва раҳбарият уни тўғрилащдан бош тортса, аудитор бошқа маълумотга нисбатан ўзининг тутган ўрни тўғрисида мулкдорнинг вакилларига хабар қилиши ва кейинчалик ҳар қандай ўринли ҳаракатларни қўллашизарур.

7.5. Молиявий ҳисоботбўйича аудиторлик хулосаларнинг намуналари.

Ўзгартирилмаган хулосанинг намунаси. Кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг (яъни МХХС) молиявий маълумотга бўлган оддий эҳтиёжини қондириш мақсадларида адолатли тақдим этиш принципларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса.

Топшириқнинг ҳолатлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- тўлик молиявий ҳисоботининг (молиявий ҳисобот тўлик тўпламининг) аудити ўтказилган;
- молиявий ҳисобот ташкилотнинг раҳбарияти томонидан, молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартларига мувофиқ, умумий мақсадларида тайёрланган (МХХС);
- аудиторлик топшириқнинг шартлари,210-сон АХСга мувофиқ молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг масъулиятини таърифлашини акс этади;
- молиявий ҳисобот аудитига қўшимча равишда, аудиторда миллий қонунчилик талаб этадиган, бошқа, хулосани тайёрлаш билан боғлик бўлган, мажбуриятлари мавжуд.

Мустақил аудиторнинг хулосаси

(иқтисодий субъектнинг манзили)

Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса

Биз, 20X1 й.31 декабр ҳолатигабухгалтерия балансни (молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни) ва фойда ва заралар тўғрисидаги ҳисоботни,

акционерлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ва ҳисоб-китобнинг муҳим жиҳатларининг ва бошқа тушинтирадиган маълумотларининг шарҳини ўз ичига олган, АВС компаниянинг илова килинган молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик.

Раҳбариятнинг масъулияти. Раҳбариятнинг масъулияти,аудитнинг халқаро стандартларига мувофик ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва уни тақдим этишдан ва у, раҳбарият фикри бўйича молиявий ҳисобот тайёрлашини таъминлайдиган, ноқонуний харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган, ички назорат тизимини шундай ҳолатда ушлаб туришдан иборат.

Аудиторнинг масъулияти. Бизнинг мажбуриятларимизга, биз томондан ўтказилган аудит асосида, ушбу молиявий ҳисобот тўғрисида фикр ифода этиш киради. Биз аудиторлик текширишни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизни, профессионал аҳлоқий талабларни ҳисобга олган ҳолда аудитни режалаштириш ва ўтказишни ва шундай қилиб, молиявий ҳисобот муҳим бузилишларга эга бўлмаганлиги тўғрисида идрокли ишонч хосил қилиш учун, мажбур этади. Аудит молиявий ҳисоботда тақдим этилган сумма ва очиб беришлар бўйича аудиторлик далилларни йиғиш амалларни ўтказишни ўз ичига олади. Амалларнинг танланиши, молиявий ҳисоботда муҳим бузилишлар риски, улар ноқонуний харакатлари ёки хато натижасида пайдо бўлиш сабабларидан қатъий назар, мавжудлигини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда, аудиторнинг фикрлари асосида ўтказилган. Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан ушбу холатларга мувофиқ бўлган аудиторлик тартибларни ишлаб чикиш мақсадида, аммо ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини ишлаш самарадорлигига нисбатан фикр чикариш учун эмас, компаниянинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва одилона тақдим этишга жавоб берадиган ички назорат тизимининг фаолияти кўриб чиқилган. Аудит шунингдек, ўз ичига ташкилотнинг раҳбарияти томонидан белгиланган ҳисоб-китоб сиёсатини баҳолаш ва шунингдек, молиявий ҳисоботни умумий тасаввурининг баҳоланишини олади.

Биз томондан ўтказилган аудит, бизнинг фикримизни баён этиш учун ишончли асосни тақдим этаётган деб, ҳисоблаймиз.

Аудиторлик фикр. Бизнинг фикримиз бўйича, аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ, молиявий ҳисобот барча мухим жиҳатлар бўйича АВС компаниянинг 20Х1 й. 31 декабрга бўлган молиявий холатини, унинг фаолият натижаларини ва кўрсатилган санада тугаган бир йил бўйича пул

маблағларнинг оқимини одилона акс этади (га хаққоний ва ишончли кўринишни беради).

"Қонунчилик ва таритибга солиш органларининг бошқа талабларига мувофиқ аудиторлик хулоса" (аудиторлик хулосанинг ушбу бўлим шакли ва мазмуни бошқа талабларга мувофиқ аудиторнинг масъулият характерига кўра фарқ қилиши мумкин).

(Аудиторнинг имзоси)

(Аудиторлик хулосанинг санаси)

(Аудиторнинг манзили)

Ўзгартирилган фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулосанинг намуналари

1-Намуна. Молиявий ҳисоботнинг муҳим бузилишлари билан боғлиқ бўлган изоҳни ўз ичига олган аудиторлик хулоса.

Топшириқнинг шароитлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- умумий мақсадлар учун ташкилот раҳбарияти томонидан тайёрланган тўлиқ молиявий ҳисоботининг (молиявий хисоботнинг тўлиқ тўпламининг), молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартларига мувофиқ (МХХС), аудити;
- аудиторлик топшириқнинг шартлари, 210-сон АХСга мувофиқ, молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг масъулиятини акс этади;
- заҳиралар бузилган. Бузилиш мухим , аммо молиявий ҳисоботни бузмагандеб, тан олинди;
- молиявий ҳисоботнинг аудитига қўшимча тарзда,хулосани тайёрлаш билан боғлиқ бўлган, махаллий қонунчилик томонидан талаб этилган, аудиторнинг бошқа мажбуриятлари мавжуд.

Мустақил аудиторнинг хулосаси

(Тегишли олувчининг манзили)

Молиявий ҳисоботбўйича аудиторлик хулоса

Бнз, 20X1 й.31 декабр ҳолатига балансни ва даромадлар бўйича ҳисоботни, акционерлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва тугатилган ҳисобот йили бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ва ҳисоб-китобнинг муҳим жиҳатларининг ва бошқа тушинтирадиган маълумотларининг шарҳини ўз ичига олган, АВС компаниянинг илова қилинган молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик.

Раҳбариятнинг масъулияти. Раҳбариятнинг масъулияти,аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишдан ва у, раҳбарият фикри бўйича молиявий ҳисобот тайёрлашини таъминлайдиган, ноқонуний харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган, ички назорат тизимини баҳолашдан иборат.

Аудиторнинг масъулияти. Бизнинг мажбуриятларимизга, биз томондан ўтказилган аудит асосида, ушбу молиявий ҳисобот тўғрисида фикр ифода этиш киради. Биз аудиторлик текширувини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизни, профессионал аҳлокий талабларни ҳисобга олган ҳолда аудитни режалаштириш ва ўтказишни ва шундай қилиб, молиявий ҳисобот муҳим бузилишларга эга бўлмаганлиги тўғрисида идроқли ишонч хосил қилишни талаб қилади. Аудит молиявий ҳисоботда тақдим этилган сумма ва очиб беришлар бўйича аудиторлик далилларни йиғиш амалларни ўтказишни ўз ичига олади. Амалларнинг танланиши, молиявий ҳисоботда муҳим бузнлишлар риски, улар қандайдир:ноқонуний харакатлари ёки хато натижасида пайдо бўлиш сабабларидан катъий иазар, мавжудлигини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда, аудиторнинг фикрлари асосида ўтказилган. Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан ушбу холатларга мувофиқ бўлган аудиторлик амалларни ишлаб чикиш мақсадида, аммо ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини ишлаш самарадорлигига нисбатан фикр чикариш учун эмас, компаниянинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва одилона тақдим этишга жавоб берадиган ички назорат тизимининг фаолияти кўриб чиқилган. Аудит шунингдек, ўз ичига ташкилотнинг раҳбарияти томонидан белгиланган ҳисоб сиёсатини баҳолаш кўрсаткичлар ишончлигининг, ва шунингдек, молиявий ҳисоботни умумий тасаввурининг баҳоланишини ўз ичига олади.

Салбий фикрни баён этиш учун асос. Х иловада кўрсатилганидек, компания компанияга 20Х1 й. да қўшилган XYZ филиалнинг ҳисоботини консолидация ҳисоботига киритмаган, чунки компания бир қатор моддий активларнинг одилона кийматини ва мажбуриятларини қўшилган санасига тасдиқлаш учун ҳали тайёр эмас. Бунга кўра ушбу инвестиция сотиб олинган нарҳ бўйича акс эттирилган. МХХС га мувофиқ филиал бирлашмага киритилишга мажбур, чунки у компания томонидан назорат қилинади. Модомики, XYZ нинг ҳисоботи консолидациялашган ҳисоботга киритилганида, бу ушбу ҳисоботнинг кўпгина элементларида муҳим ўзгаришларга олиб келиши мумкин эди. Консолидациялашган ҳисоботга киритилмаганликнинг таъсири аниқланмади.

Салбий аудиторлик фикр. Бизнинг фикримиз бўйича, салбий фикрни баён этиш учун асос тўғрисидаги параграфда таърифланган масаланинг муҳимлигига кўра, молиявий ҳисобот, барча муҳим жиҳатлар бўйича АВС компания ва унинг филиалларининг 20Х1 й. 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада, ҳисобот йили бўйича унинг фаолияти натижаларини ва пул маблағларининг оқимини, аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ишончли акс эттирмайди (хаққоний ва ишончли кўринишни бермади).

"Қонунчилик ва таритибга солиш органларининг бошқа талабларига мувофиқ аудиторлик хулоса" (аудиторлик хулосанинг ушбу бўлим шакли ва мазмуни бошқа талабларга мувофиқ аудиторнинг масъулият характерига кўра фарқ қилиши мумкин).

(Аудиторнинг имзоси)
(Аудиторлик хулосанинг санаси)
(Аудиторнинг манзили)

3-Намуна. Етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш иложи йўқлигимуносабати билан ўзгартирилган аудиторлик фикрни ўз ичига олган аудиторлик хулоса.

Топшириқнинг шароитлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартларига мувофиқ (МХХС), ташкилот раҳбарияти томонидан тайёрланган умумий мақсадлар учун белгиланганмолиявий ҳисоботининг аудити;
- аудиторлик топшириқнинг шартлари, 210-сон АХСга мувофиқ, молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг масъулият таърифини акс этишади;
- аудитор чет эл шуъба компания учун инвестицияга нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни ола олмади. Етарли тегишли аудиторлик далилларни ола олмасликнинг потенциал таъсири муҳим , лекин умуман молиявий ҳисоботни бузмаган деб, хисобланди;
- молиявий ҳисоботнинг аудитига қўшимча тарзда, хулосани тайёрлаш билан боғлиқ бўлган, маҳаллий конунчилик томонидан талаб этилган, аудиторнинг бошқа мажбуриятлари мавжуд.

Мустақил аудиторнинг хулосаси.

(Тегишли олувчининг манзили)

Молиявий ҳисоботбўйича аудиторлик хулоса

Биз, 20Х1 й.31 декабр ҳолатига балансни ва даромадлар бўйича ҳисоботни, акционерлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва

тугатилган ҳисобот йили бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ва ҳисоб-китобнинг муҳим жиҳатларининг ва бошқа тушинтирадиган маълумотларининг шарҳини ўз ичига олган, АВС компаниянинг илова қилинган молиявий ҳисоботининг аудитини ўтказдик.

Раҳбариятнинг масъулияти. Раҳбариятнинг масъулияти,аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишдан ва у, раҳбарият фикри бўйича молиявий ҳисобот тайёрлашини таъминлайдиган, ноқонуний харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган, ички назорат тизимини баҳолашдан иборат.

Аудиторнинг масъулияти. Бизнинг мажбуриятларимизга, биз томондаи ўтказилган аудит асосида, ушбу молиявий ҳисобот тўғрисида фикр ифода этиш киради. Биз ўзимизнинг аудитимизни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизни, профессионал аҳлокий талабларни ҳисобга олган ҳолда аудитни режалаштириш ва ўтказишни ва шундай қилиб, молиявий ҳисобот муҳим бузилишларга эга бўлмаганлиги тўғрисида идроқли ишонч хосил қилиш учун, мажбур этади. Аудит молиявий ҳисоботда тақдим этилган сумма ва очиб беришлар бўйича аудиторлик далилларни йиғиш амалларни ўтказишни ўз ичига олади. Амалларнинг танланиши, молиявий ҳисоботда муҳим бузилишлар риски, улар қандайдир:ноқонуний харакатлари ёки хато натижасида пайдо бўлиш сабабларидан катъий иазар, мавжудлигини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда, аудиторнинг фикрлари асосида ўтказилган. Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан ушбу холатларга мувофик бўлган аудиторлик тартибларни ишлаб чикиш мақсадида, аммо ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини ишлаш самарадорлигига нисбатан фикр чикариш учун эмас, компаниянинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва одилона тақдим этишга жавоб берадиган ички назорат тизимиининг фаолияти кўриб чиқилгаи. Аудит шунингдек, ўз ичига ташкилотнинг раҳбарияти томонидан белгиланган ҳисоб-китоб сиёсатини ва баҳолаш кўрсаткичлар идроқлиги яроқлигининг, ва шунингдек, молиявий ҳисоботни умумий тасаввурининг бахолаиишини ўз ичига олади.

Ўзгартирилган фикрни баён этиш учун асос. Ҳисобот йилда чет эл шуъба корхонаси томонидан сотиб олинган XYZ компаниясига АВС компаниясининг инвестициялари акционерлик капитал усули билан ҳисобга олинди ва 20Х1й. 31 декабр ҳолатига ХХХ сумма миқдорида балансда акс эттирилган ва АВСга тегишли бўлган XYZнинг соф даромадининг бир қисми АВСнинг даромадига ҳисобот йилнинг охирига киритилган. БизАВС

компаниянинг XYZ компанияга килинган инвестиция нархига ва АВСга тегишли бўлган XYZнинг бир йиллик соф фойдасининг кисмига нисбатан етарли тегишли аудиторлик далилларни ололмадик, чунки бизга XYZнинг молиявий маълумотидан эркин фойдаланиш, рахбариятига ва аудиторларига кириш ман этилди. Бунга кўра ушбу кўрсаткичларга қандайдир тўғрилашлар киритиш кераклиги тўғрисида аниқлаш имконияти бўлмади.

*Ўзгартирилганаудиторликфикр.*Бизларнинг фикримиз бўйича, ўзгартирилган фикрни баён этиш учун асос тўғрисидаги параграфда таърифланган бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг таъсиридан ташкари, молиявий ҳисобот, барча муҳим жиҳатлар бўйича АВС компания ва унинг филиалларининг 20X1 й. 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада, ҳисобот йили бўйича унинг фаолияти натижаларини ва пул маблағларнинг оқимини, аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ишончли акс этади (хаққоний ва ишончли кўринишни беради).

"Қонунчилик ва таритибга солиш органларининг бошқа талабларига мувофиқ аудиторлик хулоса" (аудиторлик хулосанинг ушбу бўлим шакли ва мазмуни бошқа талабларга мувофиқ аудиторнинг масъулият характерига кўра фарқ қилиши мумкин).

(Аудиторнинг имзоси)
(Аудиторлик хулосанинг санаси)
(Аудиторнинг манзили)

Хулосалар

1. 700- сон АХС молиявий ҳисоботнинг аудити натижасида тақдим этилган аудиторлик хулосанинг шакли ва мазмуни бўйича аудиторларга тавсиялар берилган. Унда шунингдек, аудиторнинг молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш борасида аудиторнинг масъулияти кўриб чиқилади.

2.Аудиторнинг мақсадлари нафақат олинган аудиторлик далилларнинг таҳлилидан келиб чиққан хулосалар асосидаги молиявий хисобот бўйича фикр шакллантиришдан, балки шунингдек, ушбу фикрнинг шакллаштириш бўйича негизи таърифланган, ёзма аудиторлик хулосада аниқ баён этишдан иборатдир.Аудитор, молиявий ҳисобот барча муҳим жабхаларида, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплари талабларига мувофиқ тайёрланганини баҳолайди.

Хусусан, молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар талабларининг нуқтаи назарида аудитор қуйидагиларни баҳолашга мажбур: ҳисоб-китоб сиёсатининг танлаб олинган ва қўлланган

муҳим элементлар молиявий ҳисоботда мос равишда очиб берганми;ҳисоб-китоб сиёсатининг танлаб олинган ва қўлланган муҳим элементлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларга мувофиқми ва улар тегишли ҳисобланадими; раҳбариятнинг бухгалтерлик баҳолаш белгилари ишончли бўлиб ҳисобланадими;молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумот ушбу ҳолатларда ишончли, таққосланадиган, тушинарли ва ўринли бўлиб ҳисобланадими;малакали фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумотга муҳим операциялар ва ходисаларнинг таъсирини тушинишга имкон берадиган мос очиб беришларнинг молиявий ҳисоботда берилганми;молиявий ҳисоботларнинг хар биттасидаги сарлавҳаларини, агар мумкин бўлса, кўшиб хисоблаганда, молиявий ҳисоботда қўлланиладиган терминалогияга тегишли бўлиб ҳисобланадими.

3.Аудиторлик хулоса ёзма равишда коғоз шаклида ёки элекрон шаклида хам тузилади.Аудиторлик хулоса қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:номини;ушбу аудиторлик топшириққа мувофиқ тегишли манзилни;аудит қилинган молиявий ҳисоботга кўрсатувчи кириш параграфни;молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш бўйича раҳбарият масъулиятининг таърифини;аудитнинг халқаро стандартлари ва аниқ юрисдикция ёки давлат аудитнинг миллий стандартларига далилни, ва ушбу стандартларга мувофиқ молиявий ҳисобот бўйича фикрни ифода этадиган параграф ва ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларга далилларни ўз ичига олган, молиявий хисобот ва аудиторлик текшириш ҳажми бўйича фикр чиқариш борасидаги аудиторнинг масъулиятининг таърифи;ҳисобот билан боғлик бўлган бошқа масъулиятининг таърифини;аудиторнинг имзосини;аудиторлик хулосанинг санасини; аудиторнинг манзилини.

4. Аудиторликхулоса, мустақил аудиторнинг хулосаси деган, номига эга бўлиши керак, масалан, "Мустақил аудиторнинг хулосаси". Бу, аудитор томонидан мустақилликка тааллукли бўлган, профессионал этика талабларига риоя қилганлигини англатади.Аудиторлик хулоса ким учун тайёрланган бўлса, ўшаларга юборилади, кўпинча бу молиявий хисобот аудит қилинган акционерлар ёки ташкилот мулкдорининг вакилларига юборилади.

5. "Мустақил аудиторнинг хулосасида фикрнинг ўзгартиришлари"705-сон АХС аудиторнинг фикрини ўзгартиришларнинг учта турини ўрнатади: изохи мавжуд бўлган фикр; салбий фикр; фикрни баён этишдан бош тортиш.Тегишли турдаги ўзгартирилган фикрни танлаш тўғрисидаги қарор ўзгартиришга сабаб бўлган масалаининг характеригабоғлик, яъни молиявий хисобот муҳим равишда бузилган деб, ҳисобланадимиёки, етарли тегишли

аудиторлик далилларни олишга имконият бўлмаган ҳолатда, бузилиши мумкинми;молиявий ҳисоботга нисбатан бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ушбу масаланинг бузилишига оид таъсири бўйича аудиторнинг фикри.

6. "Солиштириб бўладиган маълумот – солиштириб бўладиган кўрсаткичлар ва солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот" 710-сон АҲС молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида солиштириб бўладиган маълумотни кўриб чикишда аудиторнинг масъулиятини кўриб чиқади.Ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тақдим этилган солиштириб бўладиган маълумотнинг табиати молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принципларига боғлик. Аудиторнинг, ушбу солиштириб бўладиган маълумот бўйича аудиторлик хулосага нисбатан, масъулиятига иккита кенг ёндашишлар мавжуд: солиштирма кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлган васолиштириб бўладиган ҳисобот билан боғлиқ бўлган.

7.Аудиторлик хулосага нисбатан ёндашишлар ўртасида муҳим тафовутлар қуйдагилардан иборат: солиштириб бўладиган кўрсаткичларга нисбатан молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикр фақат жорий даврга нисбатан баён этилади, қачонкисолиштириб бўладиган молиявий ҳисоботга нисбатан эса, молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фикр, молиявий ҳисобот тақдим этилган ҳар бир давр учун баён этилади.

8.Агарда илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқааудитор томонидан текширилган бўлса ва аудиторга қонунчилик ёки тартибга солиш органлари томонидан солиштирадиган кўрсаткичларга нисбатан бошқа аудиторнинг хулосасига йўлланиш ман этилмаган бўлса, унда, агар аудитор шундай йўлланма қилишга қарор қилса, у аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида қуйидагиларни кўрсатиши зарур: илгариги давр бўйича молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан текширилганлигини; бошқа аудитор томонидан билдирилган аудиторлик фикрининг турини, ва агарда фикр ўзгартирилган бўлса, унда бунинг сабабини;ушбу хулосанинг санасини. Агар илгариги давр бўйича молиявий ҳисобот аудит қилинмаган бўлса, унда аудитор аудитолик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида солиштириб бўладиган кўрсаткичлар аудит қилинмаганлигини кўрсатишга мажбур. Бундай кўрсатиш, шунга қарамай, жорий даврдаги молиявий ҳисоботига мухим равишда таъсир қилувчи киритиладиган қолдиқларда бузилишлар мавжуд эмаслиги тўғрисида аудитор томонидан етарли тегишли аудиторлик далилларни олишидан озод қилмайди.

9. Агарда илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан аудит қилинган бўлса, унда жорий даврдаги молиявий ҳисобот бўйича фикрнинг баён этилишига қўшимча равишда аудитор аудиторлик

хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида қуйидагиларни кўрсатишга мажбур: илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бошқа аудитор томонидан аудит қилинганлигини; бошқа аудитор томонидан аудиторлик фикрининг тури, ва мободо фикр ўзгартирилган бўлса, унда бунинг сабабларини; ушбу хулосанинг санасини,илгариги даврдаги молиявий ҳисобот бўйича бошқа аудиторнинг фикри молиявий ҳисоботда қайтадан баён этилган ҳолатлардан ташқари.

Агарда аввалги даврдаги молиявий ҳисобот аудит қилинмаган бўлса, унда аудитор аудиторлик хулосанинг бошқа масалалар бўйича параграфида солиштириб бўладиган молиявий ҳисобот аудит қилинмаганлиги тўғрисида кўрсатишга мажбур. Бундай кўрсатиб бериш, жорий даврдаги молиявий ҳисоботга муҳим таъсир этадиган бузилишларни киритиладиган қолдиқлар ўз ичига киритмаганлиги тўғрисида етарли тегишли аудиторлик далилларни олиш мажбуриятидан аудиторни озод қилмайди.

10."Текширилган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳужжатардаги бошқа маъумотга нисбатан аудиторнинг масъулияти" 720-сон АХСнинг мақсади бўлиб, аудитор у бўйича аудиторлик хулосани тузишга мажбур бўлмаган ватекширилган молиявий ҳисоботни ичига оладиган ҳужжатларда мавжуд бўлгаи,бошқа маълумотни у томонидан кўриб чиқиш бўйича аудиторга тавсияларни ўрнатиш ҳисобланади.

Бошқа маълумотга, аудит қилинган молиявий ҳисобот ва аудиторлик ҳисоботни ўз ичига олган маълумотга, қонунчилик ва тартибга солиш органлари талабларига кўра, киритилган (молиявий ҳисобот ва аудиторлик ҳисоботидан ташқари) молиявий ва номолиявий маълумот тааллуқлидир.

11.Агарда бошқа маълумотни қайта кўриб чиқиш керак бўлса, лекин раҳбарият уни ўтказишдан бош тортса, аудитор бу тўғрида мулкдорнинг вакилларига, улар бошқаришда қатнашган ҳолатлардан ташқари, хабар қилишга ва 706-сон АХСнинг контекстидамуҳим номувофиқликни таърифлаган аудиторлик ҳисоботга эътиборни тортган параграфни қўшишга ёки аудиторлик ҳисоботни қайтариб олишга, ёки, бу қонунчилик томонидан рухсат этилган бўлса, топшириқни бажаришдан бош тортишгамажбур.

12. Агарда ўтказилган муҳокамалардан сўнг аудиторфактнинг яққол муҳим бузилиши мавжудлигини ҳисоблашни давом этса, у раҳбариятга,ташкилотнинг юридик маслаҳатчиси каби, учиничи томои билан маслаҳат қилишни тавсия этиши лозим, ва кейии муҳокама чоғида олинган маслаҳатларни кўриб чиқиши зарур.

Агарда аудитор фактнинг яққол муҳим бузилиши мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келса ва раҳбарият уни тўғрилашдан бош тортса,

аудитор бошқа маълумотга нисбатан ўзининг тутган ўрни тўғрисидамулкдорнинг вакилларига хабар қилиши ва кейинчалик хар қандай ўринли харакатларни қўллашизарур.

Ўз ўзини текшириш учун саволлар

1. 700-сон АХС нимани белгилайди?
2. Аудиторлик хулосанинг асосий элементлари қандай?
3. Аудитор фикрининг баён этилишига боғлик бўлган аудиторлик хулосаларнинг турлари қандай?
4. 705-сон АХС ва 706 –сон АХСлар нимани белгилайдилар?
5. Ўзгартирилган хулосаларнинг кандай турлари мавжуд?
6. Қандай ҳолатларда аудитор фикр баёи этишидан бош тортиши мумкин?
7. 710-сои АХС нимани белгилайди?
8. Солиштириш нимани англатади?
9. Бошқа маълумотни текшириш чоғида карама-қаршиликларнинг қандай турлари аникланиши мумкин?
10. 720-сон АХСга мувофик бошқа маълумот нимадан иборат?
11. Муҳим бузилиш ва фактларнинг муҳим бузилиши ўртасидаг асосий фарк нимадан иборат?
12. Муҳим номувофиқликнинг аниқлаш чоғида аудиторнинг харакатлари нималардан иборат?
13. Фактларнинг муҳим бузилишини аниқлаш чоғидааудиторнинг харакатлари нимадан иборат?

8-Боб. АУДИТНИНГ МАХСУС СОҲАЛАРИ

Бобни ўрганиб чиқиб сиз:

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик далилларни шакллантириш бўйича аудиторларнинг масъулиятини белгилайдиган аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга соладиган тизимини;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик далилларни йиғиш ваяратишнинг услубиёт, услуб ва ташкил қилишни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик амаллар дастурларини тузиш ва ўтказиш услубиётларини режалаштиришни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик текшириш натижаларининг умумлаштириш ва фойдаланиш тартибини

билиб оласиз

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик текширишни режалаштириш, ташкил қилиш ва ўтказишни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик текширишларнинг дастурларини ишлаб чиқишни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича текширишларнинг натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик хулосаларни тузишни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик текширишларни ўтказиш чоғида аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини қўллашни;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик текширишнинг натижалари бўйича иқтисодий субъектининг раҳбариятига тавсиялар ишлаб чиқишни

ўрганасиз

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиорлик текшириш ва бошқа аудиторлик далиллар дустурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш усулларига;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудиторлик хулосаларни тузиш ва текшириш натижаларини умумлаштириш усулларига;

• аудитнинг махсус соҳалари бўйича аудитни унинг дастлабки, асосий ва якунловчи боскичларида ўтказиш услубига

эга бўласиз

Асосий тушинчалар. Махсус максад учун молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплари, тақдим этиш принциплари, мувофиқлик

принциплари, алоҳида молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг махсус элементи.

8.1. 800-сон АХС "Махсус мулоҳазалар – молиявий ҳисоботнинг махсус тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг аудити"

800-аудитнинг халқаро стандарти, молиявий ҳисоботнинг махсус тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг аудитига аудит стандартларининг қўлланилишига нисбатан махсус ёндашишларни кўриб чиқади.

Молиявий ҳисоботнинг махсус тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг аудити жараёнида АХСни қўллашчоғида аудиторнинг мақсади тегишли равишда,қуйидагиларга тегишли бўлган, махсус элементларга яқинлашишдан иборат:

- топшириқни қабул қилиб олишга;
- топшириқни режалаштириш ва бажаришга;
- молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш ва хулосани тайёрлашга.

800-АХС мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Махсус мақсад учун молиявий ҳисобот- молиявий ҳисоботнинг махсус тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг махсус тайёрлаш принциплари –ўзига хосфойдаланувчиларнинг молиявий маълумотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқилган, молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплари. Молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплари адолатли тақдим этиш принциплари ёки мувофиқлик принциплари бўлиб бўлиши мумкин[66].

Ушбу АХСда "молиявий ҳисобот"га ҳаволадеб, махсус мақсад учун молиявий ҳисоботнинг тўлик тўплами,эслатмаларни қўшган ҳолда, кўзда тутилади.

Махсус мақсад учун молиявий ҳисоботнинг аудити чоғида аудитор қуйидагиларни тушинишга эришишга мажбур:

- молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш мақсадларини;
- молиявий ҳисоботининг фойдаланувчиларини;

[66]200-АХС, 13-(а) б.

• молиявий ҳисоботнинг қўлланиладиган тайёрлаш принциплари ушбу ҳолатларда тегишли эканлигини аниқлаш учун раҳбариятнинг қўйган қадамларини.

Аудитни режалаштириш ва бажаришга нисбатан мулоҳазалар. 200-АХС аудитордан ушбу аудитга қўлланиладиган барча АХСлар талабларини бажаришни талаб қилади.

315-АХСаудитордан ташкилот томонидан ҳисоб сиёсатининг танланишини ва қўлланилишини тушинишни талаб қилади.

Махсус мақсад учун молиявий ҳисоботбўйича фикр ва аудиторлик хулосани шакллантириш чоғида аудитор 700-АХС талабларини қўллашга мажбур.

Молиявий ҳисоботнинг қўлланиладиган тайёрлаш принципларининг таърифланиши. 700-АХС аудитордан, молиявий ҳисоботда ҳавола ёки молиявий ҳисоботнингқўлланиладиган тайёрлаш принциплар таърифи тўғри берилганини бахолашни талаб қилади. Молиявий ҳисобот контрактнинг шартларига мувофиқ тайёрланган ҳолатда, аудитор, тайёрланган молиявий ҳисобот асосланган контрактининг ҳар қандай муҳим шарҳлашлари молиявий ҳисоботда тўғри таърифланганлигини баҳолашга мажбур.

Махсус мақсад учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасида молиявий ҳисобот тайёрлашнинг, молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплар бажаришнинг, рахбарият масъулиятини тушинтиришнинг махсус мақсадини тасдиклаши керак.

Молиявий ҳисобот унинг махсус тайёрлашпринципларига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида фойдаланувчиларга хабар қилиш. Махсус мақсад учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса, молиявий ҳисобот унинг махсус тайёрлаш принципларига мувофиқ тайёрланганлиги ва натижада молиявий ҳисобот бошқа мақсадлар учун яроксиз бўлиб қолиши мумкинлиги тўғрисида аудиторлик хулосанинг ўзига хос фойдаланувчиларни хабардор қилувчи диққатини жалб киладиган параграфни ўз ичига олиши лозим.

8.2. 805-АХС "Махсус мулоҳазалар - алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнингўзига хос бўлган элементлари, счётлари ёки объектларининг аудитлари"

805-аудитнинг халқаро стандарти "Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказиш" 200-АХС билан бирга ўқилиши зарур.

100-700 серияларидагиаудитнинг халқаро стандартлари (АХС) молиявий ҳисоботнинг аудитига қўлланилади ва зарурият туғилганда аниқҳолатларда бошқа тарихий маълумотнинг аудити чоғидақўланишлари мумкин. 805-АХС алоҳида молиявий ҳисоботларнинг ва молиявий хисоботнингўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектларнинг аудитига ушбу стандартлар қўлланишига нисбатан махсус ёндашишларни кўриб чиқади. Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элемент, счёт ёки объекти молиявий хисобот тайёрлашнинг умумий ёки махсус принципларига мувофиқ тайёрланиши мумкин. Агар улар молиявий ҳисобот тайёрлашнинг махсус принципларига мувофиқтайёрланган бўлса, унда аудит чоғида шунингдек, 800-АХС қўлланилади.

Ушбу АХС, бир гуруҳ компанияларнинг аудит доирасида олинган топшириққа мувофиқ компонентнинг молиявий маълумотибўйича бажарилган иш натижасида тайёрланган, компонентнинг аудитор хулосасига нисбатан қўлланилмайди.

800-АХС бошқа АХСларнинг талабларини кенгайтирмайди ва аниқ топшириққа тегишли бўлган барча юз бериши мумкин бўлган махсус мулоҳазаларни қамраб олиш мақсадига эга эмас.

Алохида молиявий ҳисоботларнинг ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементлари, счётлари ёки объектларини аудит қилиш чоғида АХСни қўллашда аудиторнинг мақсади тегишли равишда, қуйидагиларга тегишли бўлган, махсус ёндашишларга яқинланишдан иборат:

- топшириқни қабул қилишга;
- топшириқни режалаштириш ва бажаришга;
- алохида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элемент, счёт ёки объекти бўйича фикрни шакллантириш ва хулосани тайёрлашга.

800- АХС мақсадлари учун қуйидаги иборалар қўлланилади.

Молиявий ҳисоботнинг элементи – молиявий ҳисоботнинг элементи, счёти ёки объекти.

Молиявий ҳисоботнинг Халқаро стандартлари – молиявий ҳисоботнинг стандартлари бўйича Халқаро кўмита томонидан чиқарилган МҲҲС.

Алоҳида молиявий ҳисобот ёки ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи изохларни ўз ичига олади. Изоҳлар, одатда ҳисоб-китоб сиёсатининг муҳим элементларини ва алоҳида молиявий ҳисоботга ва элементга тегишли бўлган бошқа тушинтирувчи маълумотни шарҳлашини касб этади.

Молиявий ҳисоботнингўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектларининг намуналари:

- дебиторлик қарз, дебиторлик қарз бўйича мунозарали қарзлар бўйича резервлар, захиралар, шахсий пенсия счётлари бўйича тўпланган даромадлар бўйича мажбуриятлар, ёзувларда акс этилган идентификациялаётган (айнан тенглашритиладиган) номоддий активларнинг нарҳи ёки суғурта портфелидаги, очиб беришларни кўшиб ҳисоблаганда, "мавжуд бўлган лекин, ҳисоботда акс этилмаган" суғурта талаблар бўйича мажбуриятлар;
- ташқаридан бошқарилаётган активларнингва, очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда, шахсий пенсия режаси бўйича даромадларнинг рўйхати;
- очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда, амортизациядан ташкари, моддий активларнинг рўйхати;
- очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда, ижарага олинган активларга нисбатан амортизация чегирмаларининг рўйхати;
- очиб беришларни қўшиб ҳисоблаганда, фойдада қатнашиш ёки ходимларга берилган бонусларнинг рўйхати.

200-АХС аудитордан, ушбу аудитга қўлланиладиган, барча АХСларнинг талабларини бажаришни талаб этади. Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнингўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектларнинг аудити чоғида, ушбу аудитор шунингдек, ташкилот молиявий ҳисоботининг тўлик тўпламининг аудитори бўлиб ҳисоблаганига қарамасдан, ушбу талаб қўлланилади.

210-АХС аудитордан молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида қўлланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш принципларининг маъқуллигини аниклашга мажбур. Алоҳида молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектларнинг аудити чоғида, бу, молиявий хисобот ёки элемент ўз ичига олган маълумотни ўзига хос бўлган фойдаланувчининг тушинишига имкои берувчи адекват очиб беришларни таъминлайдиган тақдимотга олиб келишини аниклашни ва шунингдек, молиявий ҳисобот ёки элементда мавжуд бўлган маълумотга муҳим битимлар ва ходисаларнинг таъсирини ўз ичига олади.

210-АХС, аудиторлик топшириқнинг келишилган шартларигааудитор томонидан чиқарган ҳар қандай хулосаларнинг кутилаётган шакли киритилиши лозимлигини талаб қилади. Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнингўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектларнинг аудит қилиш ҳолда, аудитор ушбу ҳолатларда фикрнинг кутилаётган баёи этиш шакли тегишли бўлиб ҳисобланишини кўриб чиқишга мажбур.

200-АХС, АХСлар молиявий ҳисобот аудити контекстида ёзилганлар; улар бошқа тариҳий молиявий маълумотнинг аудити чоғида сомлаштирилган шаклида қўлланишлари лозимлигини ўрнатади. Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементлар, счётлар ёки объектлар аудитини режалаштириш ва бажариш чоғида, аудитор аниқ топшириқнинг ҳолатларига даҳлдор бўлган барча АХСларни мослаштиришга мажбур.

Махсус мақсад учун молиявий ҳисоботбўйича фикрни ва аудиторлик хулосанишакллаштириш чоғида, аудитор аниқ топширикнинг ҳолатларига мослаштирилган 700-АХСнинг талабларини қўллашга мажбур.

Ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўликтўплами ва алоҳида молиявий ҳисобот бўйича ёки ушбу ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича аудиторлик хулосанинг тайёрланиши. Агар аудитор, молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўпламининг аудити бўйича топшириқ қаторида, алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича аудиторлик хулосани бериш борасида топшириқни бажараётган бўлса, унда у ҳар бир топшириқ бўйича алоҳида фикр баён этишга мажбур.

Аудит қилинган молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементининг аудити ташкилот молиявий ҳисоботининг тўликтўплами аудити билан бирга нашр этилиши мумкин.

Аудитор шунингдек, алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементлар бўйича фикрни молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича фикридан ажратиб қўйишга мажбур. Аудитор алоҳида молиявий ҳисоботёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича аудиторлик хулосани, уларнинг тақдимоти (молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўпламидан ажратилиши) уни қониқтирмагунича, чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Агар аудитор ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича аудиторлик хулосада ўзгартирилган фикрни баён этса ёки хулосаўз ичига, эътиборни тортатиган параграфни ёки бошқа масалалар бўйича параграфни олса, аудитор бунинг алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий

ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича аудиторлик хулосага таъсир қилганини аниқлаши лозим.

Аудитор алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича хулосада фикрни ўзгартириши лозим ёки унинг ичига мос равишда эътиборни тортадиган параграф ёки бошқа масалалар бўйича параграфни киритиши зарур.

Агар аудитор, ташкилот молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича салбий фикр баён этиш ёки фикрни баён этишдан бош тортиш зарурлиги бўйича хулосага келса, унда у, 705 АХС-га мувофиқ, ушбу молиявий ҳисоботнинг қисми ҳисобланган, худди уша аудиторлик хулосага алоҳида молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг ўзига хос бўлган элементи бўйича ўзгартирилмаган фикрни киритиш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу талаб,ўзгартирилмаган фикр ташкилот молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича салбий фикр баён этиш ёки фикни баён этишдан бош тортишга қарама-қарши бўлиши билан боғлик.

Агар аудитор, ташкилот молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича салбий фикр баён этиш ёки фикрни баён этишдан бош тортиш зарурлиги тўғрисидаги, аммо ушбу молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламига кирган ўзига хос бўлган элементнинг алоҳида аудити контекстида, фикрга келса, ва у ушбу элемент бўйича ўзгартирилмаган фикрни баён этиши лозимдеб,ҳисобласа, унда у буни фақат қуйидаги ҳолатларда қилишга мажбур, агар:

- бу қонунчилик ва тартибга солиш органларининг талабларн билан ман этилмаган бўлса;
- фикр, салбий фикр ёки фикрни баён этишдан бош тортишни ўз ичига олганаудиторлик хулоса билан бирга эълон қилинмаган аудиторлик хулосадабаён этилган бўлса;
- агар ўзига хос бўлган элемент молиявий ҳисоботиининг тўлиқ тўпламининг муҳим қисми бўлмаса.

Аудитор, агарда молиявий ҳисоботининг тўлиқ тўплами бўйича салбий фикр баён этган бўлса ёки фикрни баён этишдан бош тортса, у молиявий ҳисоботининг тўлиқтўпламидан алоҳида ҳисобот бўйича ўзгартирилмаган фикрни баёи эта олмайди.

8.3. Алоҳида молиявий ҳисобот ва молиявий ҳисоботнингўзига хос бўлган элементи бўйича аудиторлик хулосаларнинг намуналари.

1-Намуна. Молиявий ҳисобот тайёрлашнинг умумий принципларига мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса.

(адолатли тақдим этиш принципларига мувофиқ ушбу намунанинг мақсадлари учун) Ҳолатлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- баланснинг аудитини (яъни алоҳида молиявий ҳисоботнинг);
- баланс ҳисоботи ташкилотнинг раҳбарияти томонидан, балансни тайёрлашга тегишли, Х юрисдикциясининг молиявий ҳисобот стандартларига қўйилган талабларга мувофиқ, тайёрланган;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган талабларини қондириш учун ишлаб чиқилган одилона тасаввур қилиш принциплари ҳисобланади;
- аудиторлик топшириқнинг шартлари 210- АХСдаги раҳбарият масъулиятининг ифодаланишига мувофиқ;
- аудитор, аудиторлик хулосада фикрни баён этишда тегишли бўлиб "барча муҳим муносабатларда адолатли тақдим этади" деган, жумла ҳисобланишини аниклади.

Мустакил аудиторнинг хулосаси

(иқтисодий субъектнинг манзили)

Биз илова килинган АВС компаниянинг 20Х1й. 31 декабр ҳолатига баланс ва ҳисоб-китоб сиёсатинингмуҳим жиҳатлар ва бошқа тушинтириш маълумот шарҳининг (биргаликда "молиявий ҳисобот")аудитини ўтказдик.

Раҳбариятнинг масъулияти[67]. Раҳбариятнинг масъулияти, Х юрисдикциядаги молиявий ҳисоботнинг тайёрланишига тегишли бўлган, ушбу молиявий ҳисоботни шундай молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплари талабларига мувофиқ тайёрлаш ва адолатли тасаввур этишдан ва, раҳбарият фикри бўйича, салбий харакатлар ёки хато натижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган молиявий ҳисобот тайёрланишини таъмиилайдиган, ички назоратнинг шундай тизимини қўллаб-кувватлатшдан иборат.

Аудиторнинг масъулияти. Бизнинг мажбуриятларимиз ушбу молиявий ҳисобот бўйича биз томондан ўтказилган аудит асосида фикр баён этишдан

[67] Ушбу юрисдикцияга қўлланиладиган бошқа ибора ишлатилиши мумкин.

иборат. Биз бизнинг аудитимизни аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар, молиявий ҳисоботда муҳим бузилишлар мавжуд бўлмаганлигига идрокли ишонч хосил қилиши учун шундай тарзда аудитни, профессионал аҳлоқий-меъёрий талабларини инобатга олиб, режалаштириш ва ўтказиш бўйича бизни мажбур этади. Аудит, молиявий ҳисоботда тақдим этилган суммалар ва очиб беришлар бўйича аудиторлик далилларни йиғиш амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Амалларни танлаш, молиявий ҳисоботда муҳим бузилишлар, уларнинг пайдо бўлиши – салбий харакатлар ёки хато, сабабларидан қатъий назар, мавжудлиги рискини баҳолашни ўз ичига олган, аудиторнинг фикри асосида ўтказилди. Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини иш самарадорлигига нисбатан фикр баён этиш учун эмас, балки ушбу ҳолатларга тегишли бўлган аудиторлик амалларни ишлаб чиқиш мақсадларида компаниянинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва хакконий тақдим этишга жавоб берадиган ички назорат тизимининг иши кўриб чиқилди[68]. Аудит шунингдек, раҳбарият томонидан ўрнатилган, қўлланилаётган ҳисоб-китоб сиёсатнинг яроқлигини ва баҳолаш кўрсаткичлар идроқлигининг ва шунингдек, молиявий ҳисоботнинг умумий тасаввур этишнинг баҳоланишини ўз ичига олади.

Биз, биз томондан ўтказилган аудит, бизнинг фикримизни баён этиш учун ишончли асосларни беради деб, ҳисоблаймиз.

Аудиторлик фикр. Бизнинг фикримиз бўйича, АВС компаниянинг молиявий ҳисоботи муҳим жиҳатлар муносабатларида 20X1 йил 31 декабрга АВС компаниянинг молиявий холатини, шундай молиявий ҳисоботни тайёрлашга тегишли бўлган молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принциплар, Х юрисдикцияси талабларига мувофиқ, ишончли акс этади.

(Аудиторнинг имзоси)

(Аудиторлик хулосанинг санаси)

(Аудиторнинг манзили)

---

[68] Агар аудитор молиявий ҳисоботнинг аудити муносабати билан ички назоратнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш бўйича мажбуриятга эга бўлган ҳолатларда, ушбу бўлим қуйидагича ўқилиши мумкин: "Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан, ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини иш самарадорлигига нисбатан фикр баён этиш учун эмас, балки ушбу ҳолатларга тегишли бўлган аудиторлик тартибларни ишлаб чиқиш мақсадларида тўғри ва хакконий тасаввурни берадиганташкилот томонидан молиявий хисобот тайёрланишига тегишли бўлган ички назорат тизимининг иши кўриб чиқилди".

2-Намуна. Молиявий ҳисобот тайёрлашнинг махсус принципларига мувофиқ тайёрланган алоҳида молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулоса.

(ишончли тақдим этиш принципларига мувофиқ ушбу намунанинг мақсадлари учун) Ҳолатлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- касса тушумлари ва туловлар бўйича ҳисоботнинг(яъни алоҳида молиявий ҳисоботнинг) аудити;
- молиявий ҳисобот, пул оқими бўйича маълумот тўғрисидаги кредиторнинг суровиомасига жавоб бериш учун,касса усулига мувофиқ ташкилотнинг раҳбарияти томонидан тайёрланган. Раҳбариятда молиявий ҳисоботнинг тайёрлаш принципларини танлаш имконияти бор эди;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қўлланиладиган принциплар махсус фойдаланувчиларнинг маълумотларга бўлган талабларини қондириш учун ишлаб чиқилган одилона тасаввур қилиш принциплари ҳисобланади[69];
- аудиторлик топшириқнинг шартлари 210-АХСдаги раҳбарият масъулиятининг ифодаланишига мувофиқ;
- аудитор, аудиторлик хулосада фикрни баён этишда тегишли бўлиб "барча муҳим муносабатларда адолатли тақдим этади" деган, жумла ҳисобланишини аниклади.

Мустакил аудиторнинг хулосаси

(тегишли олувчининг манзили)

Биз илова килинган АВС компаниянинг 20Х1й. 31 декабр ҳолатига касса тушим ва туловлар бўйича молиявий ҳисоботининг ва ҳисоб-китоб сиёсатининг муҳим жиҳатлар ва бошқа тушинтириш маълумот шарҳининг (биргаликда "молиявий хисобот") аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисобот раҳбарият томонидан, Х-иловада таърифланган ҳисоблашишларнинг касса усулидан фойдаланиб, тайёрланган.

Раҳбариятнинг масъулияти[70]. Раҳбариятнинг масъулияти, Х-иловада таърифланган касса усулига мувофиқ ушбу молиявий ҳисоботни тайёрлаш ваадолатли тасаввур этишдан иборат, бу касса тушимлар ва тўловлар касса усулида ҳисоб-китоб қилиниши ушбу ҳолатларда молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва, раҳбарият фикри бўйича, салбий харакатлар ёки хато иатижасида келиб чиққан муҳим бузилишларни ўз ичига олмаган молиявий хисобот тайёрланишини таъминлайдиган, ички назоратнинг шундай

[69] 800-АХС махсус тайёрлаш принципларига мувофик тайёрланган молиявий хисоботларнинг шакл ва мазмуни бўйича талаблар ва кўлланмани ўз ичига олади.

[70]Ушбу юрисдикцияга кўлланиладиган бошқа ибора ишлатилиши мумкин.

тизимини қўллаб-кувватлаш учун тегишли асос бўлиб ҳисобланишни ўрнатилишиниўз ичга олади.

Аудиторнинг масъулияти. Бизнинг мажбуриятларимизга ушбу молиявий хисобот бўйича биз томондан ўтказилган аудит асосида фикр баён этиш киради. Биз аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар, молиявий ҳисоботда муҳим бузилишлар мавжуд бўлмаганлигига идрокли ишоч хосил қилиши учун шундай тарзда аудитни, профессионал ахлоқий-меъёрий талабларини инобатга олиб, режалаштириш ва ўтказиш бўйича бизни мажбур этади. Аудит, молиявий ҳисоботда тақдим этилган суммалар ва очиб бершлар бўйича аудиторлик далилларни йиғиш амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Амалларни танлаш, молиявий хисоботда муҳим бузилишлар, уларнинг пайдо бўлиши - салбий харакатлар ёки хато, сабабларидан қатъий назар, мавжудлиги рискини баҳолашни ўз ичига олган, аудиторнинг фикри асосида ўтказилди. Ушбу рискни баҳолаш чоғида, аудитор томонидан ташкилотнинг ички назорат тизимининг ўзини иш самарадорлигига нисбатан фикр баён этиш учун эмас, балки ушбу ҳолатларга тегишли бўлган аудиторлик амалларни ишлаб чиқиш мақсадларида компаниянинг молиявий ҳисоб-китобини тайёрлаш ва объектив тарзда тақдим этишга жавоб берадиган ички назорат тизимининг иши кўриб чиқилди. Аудит шунингдек, раҳбарият томонидан ўрнатилган, қўлланилаётган ҳисоб сиёсатнинг яроқлигини ва баҳолаш кўрсаткичлар идроқлигининг ва шунингдек, молиявий ҳисоботнинг умумий тасаввур этишнинг баҳоланишини ўз ичига олади.

Биз, биз томондан ўтказилган аудит, бизнинг фикримизни баён этиш учун ишончли асосларни беради деб, ҳисоблаймиз.

Аудиторлик фикр. Бизнинг фикримиз бўйича, АВС компаниянинг молиявий ҳисоботи 20X1 йил 31 декабрга АВС компаниянинг касса тушимлар ва туловлар, Х иловада таърифланган, ҳисоблашишларнинг фойдаланилган касса усули талабларига мувофиқмуҳим жиҳатлар муносабатларида адолатли акс этади.

*Бухгалтерлик ҳисоб-китоб ҳамда тарқатиш ва фойдаланиш борасидаги чеклаш учун асос.*Бизнинг фикримизни ўзгартирилмаган холда, биз эътиборни, бухгалтерлик ҳисоб-китобнинг асослари таърифланган, молиявий ҳисоботнинг Х бўлимига жалб киламиз. Молиявий ҳисобот XYZ кредиторга маълумотни тақдим этиш мақсадларида тайёрланган. Шу туфайли ҳисобот бошқа мақсадлар учун яроксиз бўлиши мумкин.

(Аудиторнинг имзоси)
(Аудиторлик хулосанинг санаси)
(Аудиторнинг манзили)

